

ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal




Dekabr – 2020



Nino Chakvetadze.
"Aka-singil"

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Жамоатчилик кенгаши:

Сироҷиддин САЙИД
Наим КАРИМОВ
Иномжон МАЖИДОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Шухрат РИЗАЕВ
Минҳожиддин МИРЗО
Баҳодир КАРИМОВ
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
Олимжон ДАВЛАТОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

Журнал

1997 йил июндан
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

Аҳмадҷон
МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Муҳиддин РАҲИМ
Назира ЖЎРАЕВА
Алимурад ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБ
Мафтуна
МУҲАММАДАМИНОВА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Онча йиғлатти жафодин... (Рус ва инглиз тилларига
Т.Боровкова, Қ.Маъмуров).3

НАСР

М.НИЗАНОВ. Дарбадар. Роман. (Рус тилидан Ф.Шермуҳаммад тарж.).8
И.ШОУ. Тиланчи ва ўғри. Роман. (Рус тилидан А.Файзулла тарж.).66

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

А.БЛОК. (Рус тилидан Ж.Камол тарж.).125

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Э.МАКБЕЙН. Илк айблов. Ҳикоя. (Рус тилидан А.Отабоев тарж.).135

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

М.МИРЗО. Адиб юрагини ёритган куёш ёхуд гўзаллик инкишофи.149
М.МАҲМУДОВ. Ғарб адабиёти билимдони.170
А.УЛУҒОВ. Қўрқут ота ҳикматлари.175
Ф.ОТАМУРОДОВА. Туйғулар рассоми.193

Муқоламизда.198
Йил мундарижаси.201
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.206

NAVOIY SAVOQLARI



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

ОНЧА ЙИҒЛАТТИ ЖАФОДИН...

*Онча йиғлатти жафодин дўстдур деб севганим
Ким, кулар аҳволима ҳар қайда кўрса душманним.*

*Дўстким қилгай мени бедоди душман кулгуси,
Буйла душманкомлигдин яхшироқдур ўлганим.*

*Дўст душмандин манга кўпрак чу текурди жафо,
Не ажаб гар эмди душмандўстлуг бўлгай фаним.*

*Урса душман захм, эрур марҳам таваққуъ дўстдин,
Иккиси захм урса, тонг йўқ чок-чок ўлмоқ таним.*

*Таъна бирла бузма, эй душман, кўнгул уйин даги,
Ушбу баским, дўст зулмидин бузулмиш масканим.*

*Дўстқа жон бердиму душмандур эмди, ваҳ, не тонг
Ўртаса ҳам дўст, ҳам душманни оҳу шеваним.*

*Эй Навоий, дўст худ йўқ, ваҳ, не ҳолатдурки, бор
Бошим узра душман икки дийдаи тар доманим.*

(“Ғаройиб ус-сигар”, 420-газал)

ЛУҒАТ:

Буйла – бу каби, бундай

Душманкомлиғ – душман баҳра олувчи, душманнинг
лаззатланишига сабаб бўлиш

Захм – яра, жароҳат

Марҳам – малҳам, ярага қўйиладиган дори

Таваққуъ – умид билан караш

Фан – одат

Тонг йўқ – ажабланарли эмас

Шеван – нола, фиғон

Бедод – адолатсизлик; жабр, ситам

Дийда – кўз

Доман – этак

Байтларнинг насрий баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Дўст деб севганим жафо етказиб, мени шу қадар йиғлатдики, қаерда бу ҳолни душманам кўрса, албатта, кулади.

2. Дўст мени адолатсиз, ситамкор душманнинг кулгусига рўбарў қилди, бундай душманликни кўргандан кўра ўлганим яхшироқдир.

3. Дўст менга душмандан кўра кўпроқ жафо етказди, энди менинг ода-тим душмандўстлик қилмоқдир.

4. Душмандан жароҳат етса, унга малҳам қўйишни дўстдан умид қиладилар; бироқ иккиси ҳам жароҳат етказса-чи? Бу ҳолда таним чок-чок бўлиб кетса, ажабланманг.

5. Эй душман! Таъна қилиб кўнглим уйини бузма, дўст зулмидан масканимнинг бузилгани етади менга!

6. Дўстимга жонимни бахш этган эдим, у душманга айланди! Э вох, энди оху фарёдим дўсту душманамни ўртаса, не ажаб!

7. Эй Навоий! Дўст-ку йўқ, э вох, бу не ҳолатки, бошим узра этаги нам бўлган икки кўзим душман бўлиб турибди.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали инсоний туйғулар изҳорига бағишланган бўлиб, унда яқин дўстидан озорланган қалбнинг рухий-ҳиссий ҳолати моҳирона чизиб берилган. Шоир ўз услубига содик равишда ифодаларда тазод санъатини изчил қўллаш орқали лирик қаҳрамон изтиробини тўла шаклда китобхонга етказиб бера олган.

Матладаёқ дўстнинг жафоси уни йиғлатгани хусусида сўзлаган лирик қаҳрамон ўзининг бу аҳволига душманнинг кулишини маълум қилади. “Йиғламоқ” ва “кулмоқ” сўзларини ўзаро қаршилантириш ҳамда “душманнинг кулиши” маъносини ифодалаган халқ иборасини қўллаш билан шоир жафодан қалби яраланган шахснинг ички оламига бизни етаклаб киради:

*Онча йиғлатти жафодин дўстдур деб севганим
Ким, кулар аҳволима ҳар қайда кўрса душманам.*

Ситамкор душман додга етмайдиган, бешафқатдир. Дўст эса ўз қилмиши билан лирик қаҳрамонни ана шу душманга кулгу қилди. Душманнинг лаззатланишига сабаб бўлувчи бу ҳолнинг азоби шу қадар оғирки, ундан кўра ўлим афзалроқдир. Биринчи байтдан англашилган рухий қайғу иккинчи байтда бир даража юксалгани сезилади:

*Дўстким қилгай мени бедоди душман кулгуси,
Буйла душманкомлигдин яхишироқдур ўлганим.*

Душманнинг иши – ситамкорлик, бироқ дўст лирик қаҳрамонга унданда кўпроқ жафо етказди, натижада, лирик қаҳрамон “душмандўст” бўлиб қолди, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам душман, ҳам дўст. У қаршисида турган одамни душман билай деса, бир вақтлар яқин дўсти эди. Дўст деб ишонишига эса унинг қилган душманлиги йўл бермайди. Мураккаб руҳий ҳолатда қолган лирик қаҳрамоннинг аламу андуҳи мазкур ўринда ўта ёрқин ва таъсирчан ифодаланганига гувоҳ бўламиз:

*Дўст душмандин манга кўпрак чу текурди жафо,
Не ажаб гар эмди душмандўстлуг бўлгай фаним.*

Душмандан жароҳат етса, унга малҳам қўйиш – даволаш дўстнинг ва-зифаси, қалби жароҳатланган инсон, табиийки, буни ўз дўстидан кутади. Бироқ иккиси: ҳам дўст, ҳам душман икки тарафдан ханжар урсалар-чи? Унда нима бўлади? Тана пора-пора бўлмайдами? Айни шу нукта дўст хиёнати фожиасининг энг чўққисидир. Орада чорасиз қолган лирик қаҳрамоннинг оғир кечинмалари китобхон қалбига кўчиб ўтади:

*Урса душман захм, эрур марҳам таваққуъ дўстдин,
Иккиси захм урса, тонг йўқ, чок-чок ўлмоқ таним.*

Дўстдан жафо кўрган лирик қаҳрамон ғанимга бокиб, шундай дейди: “Менга таъна қилиб, кўнглим уйини бузма, бусиз ҳам дўстнинг зулмидан масканим вайрон бўлди! Шу ҳам етади менга!”

*Таъна бирла бузма, эй душман, кўнгул уйин даги,
Ушбу баским, дўст зулмидин бузулмиш масканим.*

Навбатдаги байтда дўстга жонини фидо қилиб, унинг ғанимлигига гувоҳ бўлган лирик қаҳрамоннинг изтироблари тасвири давом этар экан, унинг оҳу фиғони энди дўсту душманни бирдек куйдиришига гувоҳ бўламиз:

*Дўстқа жон бердиму душмандур эмди, ваҳ, не тонг
Уртаса ҳам дўст, ҳам душманни оҳу шеваним.*

Ғазал мақтаёсида шоир дўстдан айрилганига мотам тутиб, тўхтамай ёш тўкаётган икки кўзини душман деб таништиради, чунки бу кўзлар қалбдаги озорни ҳаммага фош қилиб, душман каби иш тутди. Аслида, лирик қаҳрамон дўстдан кўрган азобини пинҳон тутмоқчи эди:

*Эй Навоий, дўст худ йўқ, ваҳ, не ҳолатдурки, бор
Бошим узра душман икки дийдаи тар доманим.*

Ғазал мақтаъсидан кўриниб турибдики, лирик қаҳрамоннинг дўстга бўлган мухаббати ундан айрилиш ва хиёнат кўриш туфайли туғилган азобнинг улканлиги муқоясасида янада аниқ ва равшан намоён бўлган.

Инсон руҳиятига хос ҳолатларнинг энг дақиқ қирралари маҳорат билан ёритилган бундай ғазаллар Алишер Навоӣ поэтикасига хос яна бир ҳолат – буюк мутафаккирнинг китобхонни шеър ичидаги кайфиятга асир қила олиш маҳоратини намоён қилувчи юксак бадиият намуналаридир.

Ғазал рус тилига мутаржим Татьяна Боровкова томонидан аслият ҳажмида (7 байт) ўгирилган. Мумтоз ғазалга хос қофияланиш тизимининг сақланганлиги таржиманинг шаклий муваффақиятини таъминлаган. Бевафо дўстдан келган изтироблар тасвирини рус китобхонига етказиб беришга асосан эришган таржимон айрим ўринларда, асосий мазмундан узоқлашгани кўзга ташланадики, бу биринчи байтда душмanning кулгуси билан боғлиқ иборани дўст кулгуси сифатида талкин қилиш (Сам смеётся надо мною, как посмотришь – враг он скрытый), мақтаъда “душман икки дийдаи тар доманим” жумласини “зло творят когда открыты” тарзида ўгириш билан боғлиқ ўринларда яққол кўзга ташланади.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Татьяна БОРОВКОВА

*Клялся он, что друг мой верный, даже плакал от обиды.
Сам смеется надо мною, как посмотришь – враг он скрытый.*

*Друг! Посмешищем меня же для моих врагов он сделал,
Если друг таков, то лучше я умру, врагом убитый.*

*Глубже и больней, чем враг мой, друг страданья причиняет,
Дружбе у врагов учусь я, если другом честь забыта.*

*Если враг наносит рану, друг, надеюсь, даст мне пластырь,
Если ранит друг – умру я, нет от ран его защиты.*

*Враг! Упреками своими не круши обитель сердца,
Дом разрушил друг мой – хватит, сердце уж мое разбито.*

*Вынув сердце, другу отдал, а тепер он – враг мой кровный,
Если друг меня терзает, то к врагу, мой стон, лети ты!*

*Навоӣ! Друзей на свете не осталось настоящих,
И глаза мои – враги мне: зло творят, когда открыты.*

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Қосимбой МАЪМУРОВ

...CAUSED ME... WEEP SO MUCH

*A friend I loved, caused me suffer and weep so much
Wherever an enemy saw my state laugh at me he would.*

*If my friend unfairly made me a laughing stock for an enemy
To give such pleasure to the enemy, rather prefer death I would.*

*The friend caused me more suffering than an enemy,
No wonder, if now with an enemy to befriend I would.*

*If the enemy causes a wound, to balm it a friend is expected,
If both do hurt me, don't be surprised if tear off my body would.*

*Hey enemy! by making a slander, don't destroy soul's house,
It is enough that friend's hostility demolish my house would.*

*I devoted my soul to a friend, a foe he has become, Alas!
Oh, for my vows now be glad my friends and foes would.*

*O Navoi! what an Alas it is, there exists no good friend,
How in one head two teary eyes exist as enemies would.*





Муродбой НИЗАНОВ

ДАРБАДАР

Роман¹

*Қорақалпоқ тилидан
Ғафур ШЕРМУҲАММАД
таржимаси*

* * *

Митти Сергейнинг дунёга келганига бир ярим ойдан ошиб қолди. Ҳозирча унинг кимга тортганини аниқлашнинг имкони йўқ. Бунинг устига, мен ҳам унга синчиклаб қарашга ботинолмайман. Узоқларда қолган онам билан Алпомишнинг олдида ўзимни айбдор ҳис қиламан. Хаёлимда худди онам ёнимда туриб, “Ҳай, аттанг, аллақандай бир келгиндининг боласи менинг Алпомишимдан ортиқ эканми? Сени тукқандан кўра ўлганим яхши эди”, дея надомат қилаётгандек туюлади. Бундай кезларда ўзимни кўярга жой тополмай қоламан.

– Қара, Алик, кулаяпти! – деб Оксана Сергейни бурнимнинг остига олиб келиб кўрсатади. Мен унга назар солган бўламан, бироқ шу топда кўзларим гўдакни ҳам, Оксанани ҳам кўрмайди. У хаёлим паришон эканини сезиб, жимиб қолади. Бу ердаги ҳаётга кўниколмаётганимни сезади. Ортга қайтиш ҳақида гап очишимдан кўрқади. Унинг кўнглини кўтариш учун тўшакда ётган чақалокни кўлимга олиб, эркалаган бўламан.

– Оксана, чиндан ҳам гўдакнинг ҳиди бошқача бўларкан, – дейман хурсанд киёфада. Лекин бу гапларим унга таъсир қилмайди.

Митти Сергей Оксананинг ягона овунчоғига айланиб қолган. Бир зумда уни ечинтириб, тоғорага илик сув қуяди. Сувга қайта-қайта бармоғини тикиб, хароратини чамалайди. Тоғора гўдакнинг баданига қаттиқ ботмаслиги учун ичига юпка юргакни тўшайди-да, уни обдон чўмилтиради. Болага ҳам чўмилиш хуш ёқади шекилли, аввалига хархаша қилмайди. Фақат марганцовка аралаштирилган сув қулоғи билан оғзини ачиштира бошлагандан сўнг чинкириб йиғлаб юборади. Оксана бунга эътибор бермай, унинг қўлтиқларини, қулоғининг орқасини қайта-қайта ишқалаб ювади. Кейин унинг баданига аллақандай малҳам суртиб, хўл сочиқ билан артади. Қорақалпоқ хотинларининг бола парваришлашидан кўнгли тўлмагани боисини тушунгандай бўламан.

Украинлар бешик нималигини билмас экан. Оксана гўдакни чўмилтириб бўлгач, оёқ-қўлларини жуфтлаштириб йўрғаклайди. Худди ингичка ёғочни ўраб-чирмаб қўйгандек туюлади менга. Бола онасини эмиб

¹ Давоми. Бошланиши аввалги сонда.

туриб ухлаб қолади. Бироқ тезда уйғонади. Ҳамма жойда ҳам норасталар бирдай кушуйку бўларкан-да, деб ўйлайман ўзимча.

Оксана ҳадеганда уйдан чиқолмайди. Кундалик бозор-ўчар онасининг зиммасида. Кампир чолидан беш-олти ёш кичик бўлса-да, унга нисбатан кексароқ кўринади. Елкалари букчайганча бўйнини олдинга чўзиб, худди йиқилиб кетишдан кўрқкандек эҳтиёткорлик билан қадам ташлайди. Шундай бўлса-да, ҳасса тутмайди. Унинг шарофати билан дастурхон доим тўкин бўлади: колбаса, пишлоқ, сариёғ, асал, сархил мева ва бошқа емакларнинг кети узилмайди. Бу оилада ҳеч ким коса тўлдириб овқат емайди. У идишдан бир чўким, бунисидан бир чўким олиб, аралаштириб корин тўйдирамиз. Дастлабки кунларда олдига дон сочилган жўжага ўхшаб еган-ичганимга қаноатланмай юрдим. Оксана буни сезди. Шунинг учун қўярда-қўймай менинг идишимга мўл-кўл овқат солиб қўя бошлади. Отаси унга ёқтирмай қараб қўйса-да, бироқ индамайди. Бора-бора менинг ҳам ошқозоним тортилиб, озгина таомга қаноат қиладиган бўлдим.

Оксананинг дадаси ичкиликка унчалик ҳам муккасидан кетмаган экан. У ҳар куни кечки овқатдан олдин бир стакан винони симиради-да, графинни жойига олиб бориб қўяди. Менга манзират қилиб ўтирмайди. Ич деса, йўқ дейишим ноқулай, ҳар қалай ичкуёв деган номим бор. Бироқ уларда ичкуёвлик айб саналмас экан. Қайтанга унча-мунча эркалигимни ҳам кўтарадиганга ўхшайди.

Қария сархуш бўлиб олиб, бундан ўттиз-қирқ йил бурун жангда кўрсатган қахрамонликлари-ю, қанча немисни ер тишлатгани, Сталин нима учун Қрим татарларини сургун қилгани ҳақида гап сотишга тушиб кетади. Ира билан Оксана унга эътибор бермай, паст овозда ўзаро гаплашиб ўтиради. Чолнинг хангомаси чўзилиб кетса, улар столни йиғиштира бошлайди. Мен эса ҳар куни эшитавериб ёд бўлиб кетган пойинтар-сойинтарга қулоқ солишга мажбурман. Оксанага ўхшаб столдан бир-иккита идишни олиб чиқиб кета олмайман.

Эрталаб нонуштадан сўнг кампир бир юмалоқ ипни тиззасига қўйиб, пайпоқ тўқийди. Чол эса доминосини қўлига олиб ташқарига чиқиб кетади. Мўъжаз шийпондаги столга доминони қўйиб, “Вася, Николай” дея овоз беради. Бироздан сўнг ўзи тенги икки-уч қария билан домино ўйнашга тушади. Шу билан кун оғиб, қоронғи тушгунча уйга кирмайди.

Мен кун узоғи уйда ўтиравериб ўлгудай зерикаман. Оксана митти Сергей билан овора, уларга ҳам элакишиб кетолмайман.

Туриб-туриб “Бу ерга нега келдим ўзи?” деб ўзимдан хафа бўламан. Оксананинг соғинчли хатларидан эриб кетдимми? Ёки пушти камаримдан бино бўлган гўдакни кўриш учун ошиқдимми? Хулас, элдан чиқиб кетаётганимда етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган адоқсиз саволлар тинимсиз азоб беради. Уйга қайтиш масаласида ҳали бир қарорга келолганим йўқ. Биламан, Оксана мени қўйиб юборишни истамайди. “Бибисорадан кечирим сўра”, деган гапни ҳам шунчаки номига айтди. У ростдан ҳам мени севадими ёки шунчаки боғланиб қолганми, бунисини аниқ билмайман. Бироқ нима бўлганда ҳам эр ва ота сифатида уларга керакман. Эрта – бир кун чол-кампир бу дунёда ўтса, бу ерлардан кетсак керак. Оксананинг нималарни ўйлаб қўйганидан беҳабарман, менга қолса, уч ёки тўрт киши бўлиб Нукусга қайтишни орзу қиламан. Лекин Бибисора Алпомишни эр-

гаштириб келиб, қартайган онамни парваришлаб ўтирган бўлса-чи, деган ўйдан юрагим орқага тортиб кетади...

Оксананинг “Алик” деган мулойим овози алғов-далғов ўйларимни тўзғитиб юборди.

– Нима дейсан? – дедим эс-хушимни йиғиб ололмай.

– Мен сенинг олдингда қарздорман, тўғрими?

– Нега ундай дейсан?

– Сен мени юртингдаги энг чекка овулларга ҳам олиб бординг. Қаерга бораман десам йўқ демадинг. Чақирган эдим, Одессага ҳам етиб келдинг. Мен бўлсам сени тўрт деворнинг ичига қамаб ўтирибман.

– Унақа эмас...

– Алдама! Зерикканинг шундоқ кўзларингдан сезилиб турибди.

Индамай кўяқолдим.

– Истасанг, эртага икковимиз шаҳар айланишга чиқамиз.

– Сергейни нима қиламиз?

– Унга ойим қараб туради.

Оксана эрталаб барвақт уйғониб, нонушта тайёрлади.

– Тинчликми, қизим, бугун жуда бошқачасан? – деди отаси илжайиб.

– Уйда ўтиравериб димиқиб кетдик. Алик билан шаҳарни, денгиз бўйини айланиб келмоқчимиз.

– Тўғри қиласиз. Уйда ўтириш бизга ўхшаган қарияларга ярашади.

Кўчага чиқиб, таксига ўтирдик.

– Қаёққа ҳайдай? – сўради ҳайдовчи.

– Потёмкин томонга! – деди Оксана.

– Ҳали мавсум бошлангани йўқ-ку? – кулди ҳайдовчи.

– Биз чўмилишга бораётганимиз йўқ. Меҳмонимга ўша жойларни кўрсатмоқчиман.

Май ойи кирган бўлса-да, апрелда ёкқан қор охиригача эрмаган, соясалқин жойларда оқариб турарди. Шунга яраша ҳаво анча салқин.

– Сиз бироз кутиб турунг, – деди Оксана машинадан тушгач ҳайдовчига. – Ҳали борадиган жойларимиз кўп.

Эни чамаси эллик-олтмиш метр келадиган тепалик кўзни жимирлатиб юборадиган ихчам зиналар орқали пастга – денгизга бориб тақаларкан.

– Тушиб кўрамизми? – дедим мен.

– Шу ердан томоша қилганимиз яхши эмасми? – деди Оксана. – Тушсак, қайтиб чиқишда чарчаб қоламиз.

– Нечта зина бор?

– Қизлар билан чўмилишга келганимизда доим санокда адашиб кетардик. Газеталарда ёзишича, роппа-роса икки юзта эмиш.

– Денгиз жудаям пастда экан.

– Шуниси яхши. Йўқса, аллақачон Одессани сув ювиб кетган бўларди.

Ёзда манави пляж жудаям гавжум бўлади. Ёш йигитлар жилет кийиб, анча ичкарига сузиб боришади.

– Акула йўқми, ишқилиб?

– Денгизда ҳар нарса бўлиши мумкин.

– Кўрқинчли экан.

– Хавотирланма, – деди Оксана кулиб. – Соҳилда кутқарувчилар жамиятининг моторли қайиқлари тинимсиз сузиб юради. Денгиздаги жонзотлар моторнинг овозидан чўчиб, чуқурроққа шўнғиб кетади.

Биз пастда чайқалиб ётган денгизни томоша қила бошладик.

– Гитара чалишни биласанми? – дея сўради Оксана жилмайиб.

– Йўқ.

– Ҳечқиси йўқ, ўзим ўргатаман. Пляжда гитара чалиб кўшиқ айтсанг, вақтнинг қандай ўтганини ҳам сезмайсан. Чарчокларинг бир зумда чиқиб кетади. Мен сенга “Червони руту” деган украин халқ кўшиғини ўргатаман.

– Мен кўшиқ айтишни ҳам билмайман.

– Икковимиз бирга айтамыз.

– Кўрамыз, ёз келаверсин-чи.

Яна таксига ўтириб, қайроқтош ётқизилган кўча бўйлаб кетдик. Чап тарафда трамвайлар тинимсиз у ёдан-бу ёкка ўтиб турибди. Оксана йўлдан қирк-эллик метр нарида жойлашган бино рўпарасида таксини тўхтатди.

– Бу академик Филатов номидаги кўз касалликлари илмий текшириш институти, – деди бинога ишора қилиб. – Бутун мамлакатга донғи кетган. Халқ орасида, “Филатов сўқир кўзларга ҳам нур бағишлаган”, деган гап юради.

– Ростдан ҳам шунақа бўлганми?

– Бунисини билмайман. Лекин бу ерга узок жойлардан ҳам кўзи ожиз одамлар келишади.

– Улар даво топишадими?

– Шунақа бўлса керак... Сен ҳам овулингда кўзи ожизлар бўлса, чақиришинг мумкин. Келишса, уйга олиб бориб меҳмон қиламыз. Мен қорақалпоқ келинларига ўхшаб уларнинг хизматини қиламан.

– Одесса улкан порт-шаҳар деб эшитган эдим.

– Тўппа-тўғри! – деди Оксана жилмайиб. – Ҳозир сени портга олиб бораман. У ерда турган кемаларнинг санаб адоғига етолмайсан.

Шундан сўнг биз портга йўл олдик. Оксана рост айтган экан. Соҳил бўйлаб сочилиб кетган беҳисоб кемалар ҳозиргина сувлоқдан чиқиб, отарда дам олиб ётган сурувни, улкан пароходлар орасида сузиб юрган кичик кема ва моторли қайиқлар гўёки онасини излаётган кўзичоқларни ёдга солиб юборади.

Мен умримда биринчи бор дуч келган бу манзарани ҳайрат билан томоша қилдим.

Шаҳарда қадимий иморатлар, хиёбон ва музейлар жуда кўп экан. Деярли ҳаммаси ўн саккизинчи, ўн тўққизинчи асрларда қурилгани эътиборимни тортди.

Мен шу чокқача ҳамма яхши нарсалар совет даврида пайдо бўлган, унғача дунё шип-шийдам бўлган деб ўйлардим. Ахир, бизга мактабда шундай деб таълим беришган!

– Бизни Дерибасов кўчасида қолдириш. У ёғига ўзимиз кетамиз, – деди Оксана такси ҳайдовчисига.

Дерибасов кўчаси ҳаддан зиёд кенг бўлиб, Нукусдаги икки-учта кўча унга бемалол сиғиб кетаркан. Йўлнинг икки тарафида қаторасига ярмарка жойлашган. Гоҳ у тарафига, гоҳ бу тарафига ўтиб расталарни кўздан кечирдик. Биз томонларда одамларнинг тушига ҳам кирмаган анвойи моллар қалашиб ётибди. Нарх-навоси ҳам баланд эмас.

Расталардан бирида оқ, қора, сарик, кулранг шол рўмоллар сотилаётган экан. Нукусда пиёда тугул, отликқа топилмайдиган япон рўмоллари ҳам қават-қават тахлаб ташланган.

– Сизларда ҳам шол рўмол ўрашадими? – сўрадим хайрон бўлиб Оксанадан.

– Албатта. Ахир, шол рўмолни бизда тўқишади-ку. – Оксана менга маъноли қараб қўйди. – Нима, Бибисорага рўмол олмоқчимисан?

– Йўқ, онамга.

– Онангга оқ рўмолнинг каттасидан ол.

– Лекин...

Оксана иккилашиб қолганимнинг сабабини тушунди.

– Қайғурма, посилка қилиб жўнатамиз.

Мен онамга аталган рўмолни халтага жойлаб, чўнтак қовлаётган эдим, Оксана билагимдан тутди.

– Ўзим тўлайман.

– Пулим бор.

– Биламан. Лекин мен энди ҳам онамга бегона эмасман. Келинингиздан совға деб жўнатасан. Кекса одам совға олса хурсанд бўлади. Биз борғунимизча онангнинг арази ёзилади.

Оксана ўзига ҳам, уйдагиларига ҳам ҳеч нарса олмади.

– Алпомиш ҳозир неча ёшда? – сўради у бироз юрганимиздан сўнг.

– Икки ёшни чамалаб қолди.

– Демак, унга ҳам бош-оёқ сарпо. Уларнинг манзилини биласанми?

– Биламан.

– Яхши. Бугуноқ Қорақалпоғистонга иккита посилка жўнатамиз.

Шу кунни овулга қўшалоқ совға-салом жўнатиб, бироз энгил тортдим. Посилкада менинг исм-шарифим ва манзилим ёзилган эди. Энди улар менинг қаерда эканимдан хабар топадиган бўлди. Онам соғ-омон юрганимдан хурсанд бўлиши тайин. Балки Қанатбайга айтиб туриб хат ҳам ёздирар: “Болам, ортингга қайт! Уриб-сўкиб хўрласа ҳам эл яхши, дейишган. Отим қокилди деб элдан чиқиб кетиш айб бўлади. Арилар ҳам уяси бузилса, қайтадан тиклайди. Сен шу тилсиз-забонсиз жониворчалик бўлолмайсанми? Мен сени кечирдим, болам. Онанинг аччиғи ипак кўйлак қуригунча дейишган. Анчадан бери кўнглим ғаш. Сени ўйлаб кечалари ухлолмай чиқаман. Қанатбайни яккалатиб қўйма! Ортингга қайт, қароғим!..”

Ўзимга ўзимнинг раҳмим келиб кетди. Кўнглим ўксиб, йиғлагим келди, лекин дардимни ичимга ютдим. Энди онам билан Бибисорадан хат келишини кутишдан бошқа чорам йўқ.

Овулда Оксанага ҳайдовчилик қилиб юрган пайтларимда у менга забт этиб бўлмас баланд чўққи бўлиб кўринарди. Энди у билан ўртамиздаги муносабатлар шунчаки бир эрмак, ўткинчи ҳиссиётга ўхшаб туюла бошлади. Балки бегона юртга кўника олмаётганим учун менга шундай туюлаётгандир. Тағин ким билсин...

Оксана ҳам менинг ҳолатимни сезиб турарди, шунинг учун баъзан мени деб ота-онаси билан гап таллашиб қоларди. Унга ҳам осон эмаслигини сезаман. Икковимиз ҳам зимдан ўз ёғимизга қоврилиб яшардик.

Тез орада Қанатбайдан хат олдим.

– Хатни ким ёзибди? – сўради Оксана Сергейни ухлатиб бўлиб.

- Укам.
- У ёнимга келиб ўтирди.
- Ўқи.
- Ўқиганим билан сен тушунмайсан-ку.
- Таржима қилиб берасан.

Мен хатни ўқишга тутиндим:

“Салом, оға! Юборган посилкангизни олдик. Онам сиз юборган рўмолни кўриб хурсанд бўлди. “Тули чиройли экан, буни қаердан олибди?” деб сўради. Тўғриси айтишга мажбур бўлдим. Онам рўмолни олдимга ташлади. “Келинга бер, сандиққа солиб қўйсин. Мен ўлганимда исқотимга ишлатарсиз”, деди.

Сиз келавермаганингиздан сўнг онам хавотирланиб, бир куни ишонангизга бориб келди. У ерда сизнинг ишдан бўшаб кетганингизни айтишибди. Шу куни мазаси қочиб, кун бўйи туз тотмай ётди. Сизни, “Ўрис хотиннинг ортидан кетган”, деб гумон қилса-да, ич-ичида бунинг ёлғон бўлиб чиқишидан умидвор эди. Бир кунмас-бир кун, “Ассалому алайкум, она!” деб эшикдан кириб келишингизга ишонарди. Бугун бор умиди пучга чиқди...

Қайси куни Алпомишни олиб келиб, онамни бир хурсанд қиламан деган ниятда янгамнинг олдига борган эдим. Роса эшигини тақиллатдим, лекин очмади.

Бундан кейин нима қилиш ҳақида яхшилаб ўйлаб кўринг. Ҳозирча онам сиздан қаттиқ хафа. Менимча, сизнинг ўрис янгамизнинг олдига борганингиздан ҳам кўра, у кишини алдаб кетганингиз оғир ботган бўлса керак.

Қанатбай”.

Онамнинг феълони яхши биламан. Қариндош-уруғлардан биронтасининг келин-кепчиги саломсиз остонага қадам босса, қувиб чиқарарди. У киши шунақа ғайбар аёл. Жанозаларда гапга кирмай, ўзини олиб-отиб йиғлаётган хотинларни қаттиқ уришиб берар, Куръон тиловат қилинаётган пайтда ҳаммасининг унини ўчирарди. Фариштаси кучли эди онамнинг. У, “эркак киши сиртдан кириб келганида аёл чўчиб тушмаса ҳисобмас”, деган гапни кўп такрорласа-да, бироқ ўзи ҳеч кимдан ҳайикмас эди. Отам раҳматли анча ювош ва кўнгилчан одам эди. Тириклигида бировни хафа қилгани ёки кўнглига малол келадиган гапни тилига олганини эслолмайман. У кишининг, “Арзибой менга ўхшаган кўнгилчан, Қанатбай эса онаси сингари қайсар одам бўлади”, деган гапи ёдимда қолган.

Отам билиб айтган экан. Мана, мен ҳиссиётларим жиловлай олмай, элдан чиқиб кетдим. Қанатбай эса юз-хотир қилиб ўтирмасдан менга бор гапни очиқ ёзибди. Унинг ўрнида мен бўлганимда, “онам совға юборганингиздан жуда қувониб қолди, болам қаерда юрса ҳам соғ-омон бўлсин, ишқилиб”, деди деб тилёғламалик қилган бўлардим.

Хатни ўқиб бўлишим билан Оксана индамай ўрнидан туриб кетди. Таржима қилиб беришимни ҳам сўрамади. У менинг ҳолатимни кузатиб ўтириб, ҳаммасини тушунди. Юрагимдаги ярани қайта тирнашни истамади. “Вақт ўтиб, ҳаммаси изига тушиб кетади”, деган хаёлга борди шекилли.

– Оксана, мен жудаям зерикиб кетдим, – дедим бир куни кечкурун. – Бу ахволда ўлиб қолишим ҳеч гап эмас.

У анча вақт шифтга термилганча чурқ этмай ётди.

– Сезиб турибман, – деди ниҳоят тилга кириб. – Шу кунларда фикр-хаёлим сен билан банд. Бир куни мени доғда қолдириб кетиб қолишингдан кўрқаман. Лекин қўлимдан нияям келарди! Сенинг пушти камарингдан дунёга келган болага Сергей Сергеевич деган исм-шариф берилгани учун ич-ичимдан хафа эдим. Сергей ўн олти ёшга тўлганида унинг паспортига “Сарсенбай Арзубаевич, миллати қорақалпоқ” деб ёздириб, сени хурсанд қилмоқчи эдим...

Начора, ўғлимизни ўзим катта қиламан. Ота-онамни ҳам ўзим кўмаман. Севмасам-да, биронтасига турмушга чиқаман. Юртингга қайтишингга қаршилиқ қилолмайман. Фақат борганингдан сўнг онанг билан Бибисорадан мен учун ҳам кечирим сўра. Сендан хафа эмасман. Ахир, менга ўғил фарзанд совға қилдинг...

Оксанадан бу гапни кутмаган эдим. Унга жудаям раҳмим келиб кетди. Авайлаб бағримга тортдим, бироқ у юлқиниб ўзини четга олди. Кейинги гал кучоқлаганимда қаршилиқ қилмади.

– Сен мени нотўғри тушундинг, Оксана! Мен уйда ўтиравериб зерикдим, демоқчи эдим. Иложи бўлса, биронта иш топсам дегандим...

– Ишламоқчимисан? – деди у ёш боладай кувониб. – Ростдан ҳам бизни ташлаб кетмайсанми?

– Йўк.

Оксана бирдан жонланди.

– Ҳайдовчиликка жойлашинг қийин бўлиши мумкин. Лекин бошқа биронта юмуш топилиб қолар. Ўзинг қанақа ишни хоҳлайсан?

– Менга фарқи йўк, фақат вагондан юк туширадиган ҳаммол бўлмасам бас.

– Ўзим ҳам сени унақа жойга яқинлаштирмоқчи эмасман! – деди Оксана кулиб. – Эрталаб бирга иш излаб кўрамиз, хўпми?

– Маъқул.

Бир ҳафтадан кейин мен электр ускуналар заводида уста ёрдамчиси бўлиб ишга жойлашдим. Шундан сўнг кўнглимдаги алағдалиқ бироз чекингандек бўлди. Аввалгидек нукул овул ҳақида изтиробли хаёллар суриш учун вақтим қолмади. Кечкурун уйда одатдагидек ҳаммамиз бирга овқатланамиз. Сергей Васильевич бир стакан винони симириб олиб, фашистлар билан қилган жангу жадаллари ҳақида вайсашга тушади. Мен унинг аллақачон ёд бўлиб кетган ҳикояларини жим эшитаман. Шундай қилмасам чол астойдил хафа бўлади. Уни норози қилишни истамайман.

Бир куни Оксана мени дастурхон бошига юбормай, қўлимдан тутиб қолди. У нимадандир хафа эди.

– Сенга Бибисорадан хат келди, – деб ихчам конвертни қўлимга тутқазди. Бу янгилик менга қандай таъсир қилишин билмоқчидек юзимга қаттиқ тикилди. Очиғи, Бибисоранинг мактуб ёзиши мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаган эди. Шунинг учун аввалига довдираб қолдим. Оксана чиқиб кетгач, диванга чўкиб, хатни ўқий бошладим.

“Арзибой, сен қайси юз билан Алпомишга посилка юбординг?! – деб ёзган эди Бибисора. – Сенинг нопок қўлларинг теккан кийимларни ўғлимга кийдиради деб ўйладингми? Уларнинг ҳаммасини ёкиб юбор-

дим. Худога шукр, ота-онамнинг битта неварасини боқиб олишга ҳам кўрби етади.

Мен сенинг хонадонингга келин бўлиб тушганимда ўн гулидан бир гули очилмаган содда бир киз эдим. Лекин сен умримни хазон қилдинг! Уялмай-нетмай хиёнат қилганинг етмагандай, гулдай фарзандингни ҳам тирик етимга айлантирдинг.

Кечирим сўраб келар ёки одам юборар деган илинжда ҳафталаб умид билан йўлингга кўз тикдим. Отам куёвимиз бемахал келса уялиб қолмайлик деб аzza-баzza бозордан курка олиб келиб, катакда сақлади. Онам ҳар куни, “ўзингни қўлга олиб, арқонни узун ташлаб кўявер, қизим. Нима бўлганда ҳам қурсоғингни ёриб чиққан фарзандингнинг отаси у. Кечиримли бўл! Худойи Таоло ҳам кечиримли бандаларини яхши кўради”, деган гапни миямга қуйди. Шу гапдан сўнг тақдирга тан бериб, сенинг келишингни кута бошладим. Лекин бир куни сенинг Москвага кетиб, қайтиб келмаганингни эшитдим. Ўша хотиннинг ортидан кетганингни кўнглим сезган эди. Мана, гумоним тўғри чиқди. Энди биздан умидингни узавер. Кўрарга кўзим йўқ сени! Бир кунмас-бир кун сени ўғлим икковимизнинг уволи тутати. Қақраган ерда ёлғиз қолиб, девона бўласан хали!”

Бибисора хатнинг охирида исмини ҳам ёзмабди. Кўзёшлари томганидан варакнинг сирти доғ бўлиб қолган эди.

* * *

Вақт ҳар қандай дардни даволаши рост экан. Орадан беш йил ўтгач, мен ҳам шу элнинг одамига айланиб кетдим. Шаҳарни беш кўлимдай билмасам-да, бегоналарга йўл кўрсата оламан. Юзим буғдойранг тусда эканини ҳисобга олмаса, юриш-туришимдан ҳеч ким осийлик эканимни билмайди.

Ишхонада ҳам ҳурматим жойида. Яқиндан бошлаб “Ҳурмат тахтаси”га суратимни илиб қўйишди. Ростини айтсам, касбимни жуда яхши кўраман. Эрталаб шошиб ишга йўл оламан, кечқурун ҳориб-чарчаб уйга қайтаман. Бироқ бу чарчоқнинг ҳам ўз гашти бор.

Кичкина Сергей бошқа болаларга ўхшаган эркатой эмас. Худди катта одамни кичрайтириб қўйгандек ўзини жуда сипо тутати, гаплари ҳам бамаъни. Юз тузилиши менга унчалик ўхшамаса-да, лекин кайсидир жиҳатлари билан онамга тортган. Бир куни Оксана икковимиз уни ўртага олиб суратга тушдик. Оксана эгнига украинча накш солинган енгсиз бахмал халат кийиб, кизил рўмол ўрагач, янги тушган қорақалпоқ келинларининг ўзи бўлди-қолди. Шу топда у янаям гўзаллашиб кетган, ундан сира кўз узолмасдим. Ўзи, оқиш тусли одамларга ҳар қандай кийим ярашади.

– Қалай, энди онангга ёқаманми? – дейди Оксана тайёр бўлган суратни завқ билан томоша қилиб.

Биз қисқагина хатга суратни илова қилиб овулга жўнатдик-да, интиқлик билан жавоб кута бошладик. Орадан ўн кун, бирой ой вақт ўтди, лекин ҳеч қандай жавоб йўқ. Ўзимча онам мактубимиз билан суратимизни олиши билан Қанатбайга, “акангга хат ёз, неварамни олиб тез уйга қайтсин! Ўрис бўладими, арман бўладими, келинни ҳам бирга олиб келсин. Мусулмон келин менга иймон олиб берармиди! Кўринишидан туппа-тузук аёлга ўхшайди. Алпомишни йўргаклаганидаёқ унга ҳавасим

келган эди. Факатгина ғайридин деб... Бир кофирни мусулмон қилган одамга дўзахнинг ўти ҳаром дейишган. Боламнинг билиб-билмай қилган гуноҳлари шу билан ювилиб кетар. Дарров жавоб ёз, ўғлим”, дейишидан умидвор эдим.

Онамнинг бирон нарсадан хурсанд бўлганда шунақа тантилиги тутиб кетадиган одати бор эди. Агар унинг кўнглига ёкса, тўнғизнинг этини ҳам ҳалолга чиқаради.

Бироқ умидларим пучга чиқди, уйдан жавоб хати келмади.

Тушунарли! Энди умуман овулга қайтиш ҳақида ўйламайман. Худога шукр, бу ерда ҳаётим бинойидай кечаяпти. Оксана медицина институтида дарс беради, ҳафтада икки марта болалар шифохонасида навбатчилик қилади. Маоши меникидан бир ярим баравар кўп. Хотин киши топарман-тутарман бўлса, оилада устун бўлади дейишарди. Бироқ Оксана унақа аёллардан эмас. Ҳеч қачон пулини миннат қилмайди, бирон марта кўзимга тик қарагани йўқ.

Отамиз эса ҳамон эртадан-кечгача домино ўйнаш билан овора. Бироқ ҳозир Вася, Николай амакилар кўринмайди, уларнинг ўрнида Иван, Тимофей, Антон деган қариялар пайдо бўлган. Сергей Васильевични “уруш қатнашчиси” дея иззат қилиб бошқа кварталдан, биринчи қаватдан уй беришди. Бу ерга кўчиб келганимизга ҳам икки йилдан ошиб қолди.

Ёзда кўп вақтимизни денгиз соҳилида ўтказамиз. Оксана менга гитара чалишни ўргатди. Болалик пайтларимда бир қулоғи йўқ рубобни тинғирлатавериб анча қўлим келишиб қолгани фойда берди шекилли, гитарага бармоқларим тез ўрганди. Бу ерда “Червони руту”ни эркак ва аёллар бирдай севиб қуйлашади. Дастлабки пайтларда кўшиқни Оксана айтар, мен созандалик қилардим. Кейинчалик ўзим ҳам унга жўр бўла бошладим. Қорақалпоқ ўланларига ярамайдиган дағал овозим украинча кўшиққа мос тушганига нима дейсиз!

Одамлар менинг ўзга миллат вакили бўла туриб украинча ашулани маромига етказиб айтишимдан ҳайрон бўлишарди. Қумлоқ соҳилда офтобда тобланиб ётган ярим-яланғоч одамлар қизиқиш билан атрофимни ўраб олиб, мени қарсак чалиб олқишлайди. Бундан руҳланиб, янаям авжига чиқаман.

Ҳар бир инсоннинг юрагида миллий ғурур ҳисси яшайди. Шу ҳақда ўйлаганимда ёшлигимда юз берган бир воқеа эсимга тушади. Ўшанда менга ёрдам берган йигитларни тушунолмай ҳайрон бўлган эдим.

Кўнғиротга бориб келишим керак эди. Кун пешиндан ошганда ишхонадан “Москвич” машинасини сўраб олиб, йўлга тушдим. Амударёнинг кўпригидан ўтиб, Тахиатош йўлининг муқолишига яқинлашганимда кутилмаганда мотор ўчди. Капотни очиб, у ер-бу ерини титкилаб кўрдим, лекин қўлимдан ҳеч нарса келмади. Бир пайт орқа томондан “Урал” юк машинаси келиб, рўпарамда тўхтади. Кабинадан ҳайдовчи ва бир йигит тушишди. Иккови ҳам сочлари ўсиб кетган, кўкрагидаги жунлари кўйлагининг орасидан чиқиб турган барваста одам эди.

– Қаёққа бормоқчисан? – деб сўради улардан бири мендан.

– Кўнғиротга.

– Арқонинг борми?

– Билмадим. Бор бўлса керак.

Бировнинг машинасида нима бор-нима йўклигини қаердан биламан?

Қарасам, “Москвич”нинг юкхонасида ингичка пўлат арқон бор экан. Йигитлар у билан “Москвич”ни шатакка олишди.

– Рулга ўтир.

Қўнғиротга қараб йўлга тушдик. Ўзимча ҳайрон бўлиб кетаяпман. Бу одамлар нима мақсадда машинамни судраб кетишяпти? Балки... Устюртнинг этагига борганда мени бир бало қилиб, машинамни олиб кетишмоқчидир. Шу ўй хаёлимга келиши билан оёқ-қўлимга қалтироқ кирди. Уларнинг чангалидан кутқаришини Худодан тилаб кетаяпман. Қўнғиротга етмасдан, ярим йўлда ташлаб кетишса ҳам розиман.

Йўқ, Қўнғиротга эсон-омон етиб олдим. Шаҳарга кираверишдаги айланма йўл бўйида тўхтадик. Нотаниш йигитлар машинадан тушиб, пўлат арқонни бўшатишди. Қарасам, улар гап-сўзсиз кабинага чиқишяпти.

– Шошманглар, оғалар, – дедим шоша-пиша чўнтак кавлаганча уларнинг ортидан югуриб.

– Керак эмас! – дея улар қўл силтади.

– Сизлар кимсизлар? Нега машинамни юз чақирим жойга судраб келдингиз? – дея сўрадим. Йигитлар кулди.

– Машинангнинг орқа ойнасига қарасанг, ўзинг тушуниб оласан!

Эътибор берсам, машинанинг орқасига Сталиннинг думалоқ хошияга солинган сурати ёпиштирилган экан. Ўша пайтларда ҳайдовчи, сартарош ва этикдўзлар орасида ана шундай одат бор эди. “Урал” машинасидаги йигитлар грузин экани, машинамда ўз миллатдошининг суратини кўриб, менга беминнат ёрдам беришганини тушундим.

Мен ҳам “Червони руту” кўшигининг шарофати билан украинларнинг ҳурматини қозониб, кўпчилиги билан дўстлашиб олдим. Ишхонамизда бўладиган ихчамроқ байрамларда ҳам шу кўшиқни айтиб, совға-салом оламан. Қайнотам мен олиб келган тансиқ виноларни ичиб мириқар, “касал бўлиб қолмасам, янаги йили сенинг юртингга бориб келаман”, дея хушомад ҳам қилиб кўярди.

“Ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғи”, дейишган. Кутилмаганда менинг ҳаётимда ҳам қоронғи кунлар бошланди.

Ноябрнинг охирига ҳафтаси эди. Ҳали қор ёғмаган бўлса-да, бироқ кунлар совуб кетган. Кечки изғиринда дилдираганча шоша-пиша уйга етиб олдим. Эшикни очишим билан ичкаридан илиқ ҳарорат юзимга урилди. Шу пайт нариги хонадан эшитилаётган ғазабнок хитоблар эътиборимни тортди.

– Дада! Нега доим мен ноҳақ бўларканман? Сиз фақат ўзингизни ўйлайсиз! – деди Оксана жаҳл билан.

– Албатта ноҳақсан! – деди Сергей Васильевич ундан бир парда баландроқ овозда.

– Нега, ахир?!

– Чунки менинг уйимга меросхўр бўлишга унинг умуман ҳаққи йўқ.

– У меросхўр эмас, квартиранинг эгаси бўлади.

– Йўқ! Квартиранинг эгаси Сергей Сергеевич Кравченко бўлади, тушунарлими?!

Ота-бола ўртасидаги жанжалнинг сабабини тушундим. Бундан бир ҳафта бурун уруш катнашчиларига коммунал квартираларни хусусийлаштириш учун рухсат берилган эди...

Оксана ҳам бўш келишни истамасди.

- Сергей ўн олти ёшга тўлмасдан квартирага эгалик қилолмайди.
- Эгалик қилади!
- Бунга қонун йўл қўймайди.
- Менинг ўзим қонунман! Орденлеримни тақиб, горкомга бораман. Улар гапимга кулоқ солмаса, Кремлга чиқаман. Мен жонимни жабборга бериб жанг қилмаганимда бу уйлар ер билан яксон бўларди.
- Дада, душманни бир ўзингиз енгганингиз йўқ.
- Бас қил! Уй Кравченколарга тегишли. Тамом!
- Алик нима қилади унда?
- Ўғлининг номидаги уйда яшайверади.
- Ота ўз боласининг уйда яшайдими? Ҳим... Абсурд!
- Яшашни истамаса, келган жойига қараб туёғини шиқиллатсин! – Сергей Васильевич ғазаб билан столни муштлади. У ердаги стаканлар жириглаб графинга урилди. – Мен аллақандай бир келгиндига уйимни бериб қўядиган аҳмоқ эмасман.
- У келгинди эмас, менинг хўжайиним...
- Бу уйда хўжайин битта – Сергей Кравченко!
- Оксана, даданг билан тортишма, – деди онаси ўртага тушиб. – У тўғри айтаяпти, “қашқирни минг қўлга ўргатганинг билан ўрмонга қараб улийди”, дейишган.
- Бизнинг улийдиган ўрмонимиз битта.
- Аҳмоқ! – деди отаси ғижиниб. – Агар ҳозир қўлимда автоматим бўлганида сени ҳам, ўша Аркадийни ҳам, анави пандавақини ҳам тариллатиб отиб ташлардим.
- “Сени ҳам, ўша Аркадийни ҳам!...” Чолнинг бу гапи юрагимга наштардай қадалди. “Келгинди” деган маломатидан ҳам оғирроқ ботди. Келгинди эканим рост. Бу тупроққа киндик қоним тўкилмаган. Қўшиғини қойилатиб айтганим билан украин бўлиб қолмайман.
- Бироқ Аркадий... Нега бу оилада ҳадеб унинг исмини тилга олишади? Демак, у мен учун азиз бўлган нозик бармоқларни силаган. Оксананинг ғунча лабларидан бўса олган. Уни Исроилга ҳам олиб кетмоқчи бўлган. Агар шундай бўлганида мен ўзга юртларда хор бўлиб, бундай сўкиш ва ҳақоратларни эшитиб, кадр-қимматимни ерга уриб юрмаган бўлардим...
- Аркадий, сенда гуноҳ йўқ! Оксана сени яхши кўрарди. Фақат отасининг раъйига қарши бора олмагани учун уни ташлаб кетгансан. Менга ўхшаб оилангдан воз кечиб, унинг ортидан югурмадинг. Сен ҳақиқий йигитсан! Мен эса...
- Дада, ундай бўлса, мен бу уйдан бош олиб кетаман! – деди Оксана алам билан.
- Кет! – деди чол бўш келмай. – Мени ҳукуматнинг ўзи кўмади!
- Йўқ, у кетмайди. Бу уйдан мен кетаман, – дедим ичкарига кириб. Ҳамма тилини тишлаб қолди. Улар менинг ишдан қайтадиган вақтим бўлгани, тўсатдан уйга кириб келишим мумкинлигини унутган эди.
- Шундан сўнг ўзимнинг хонамга кириб, шкафдан жомадонни олдим. Қишки кийимларим эгнимда бўлгани боис унга жойлайдиган буюмларим кўп эмас эди. Оксана хонага шитоб билан кириб келди.
- Алик! – дея қўлимдан тутмоқчи бўлганида уни итариб юбордим. Оксана гандираклаб кетиб, юмшоқ ўриндикнинг қиррасига бориб урилди. Бироқ шу захоти ўрнидан туриб, қўлимдаги жомадонга ёпишди. Мен

унинг чангалидан силтаниб чиқиб, ташқарига юрдим. Остонда мунғайиб турган Ира билан митти Сергей ҳадиксираб ортга чекинди.

– Алик, қайт! Алик!..

Оксананинг йиғи аралаш илтижолари анчагача ортимдан эшитилиб турди.

Кўчада шитоб билан кетиб борарканман, шунча пайт бегона юртларда тентираб юрганим етар, уйга қайтаман, деган ўй кечди хаёлимдан. Онамнинг кўксига бош қўйиб, “адашган ўғлингизни кечиринг!” деб ялинаман. У ҳам беш йилдан бери кўнглидаги гина-кудуратларни унутиб, йўлимга илҳақ кўз тикиб ўтирган бўлса керак. “Чироғим-ов, эсон-омон қайтиб келибсан, ҳаммаси жонингдан садақа”, деб кўзёши қилади. Оксанани ҳам, неварасини ҳам сўрамайди. Чунки бу келинининг қўлидан бир пиёла чой ичмаган, неварасини кўтариб катта қилмаган, шунинг учун уларга меҳри иймайди. Онамга фақатгина мен керакман.

Бояқиш меҳримга тўйгандан сўнг елиб-югуриб топган-тутганини дастурхонга қўяди. Йўғини топтириб келади. Сўнг ярим оқшомгача мени гапга солиб ўтиради. Зимдан юз-кўзимга назар солади. Болажоним озиб қолмадимикин, касал-пасал бўлгани йўқми, сочларига оқ тушиб, эрта қартаймадимикин деган ўйлар унга тинчлик бермайди. Беш йил бурунги қиёфам унинг хотирасида муҳрланиб қолган, ахир.

Онам овулдаги қариндошларимизнинг ҳаммасини бармоқ букиб санаб беради. Қайси бири ҳаёт, қайбири раҳматли бўлиб кетгани ҳам ёдида. Ким келин тушириб, қиз узатганини ҳам назаридан қочирмайди. Онам атрофимда гирдикапалак бўлади. Лекин Бибисора ҳақида сўз очмайди. Мен эса ўзимча у ҳақда ўйлайман. Қайтиб келганимни эшитса, нима қиларкан? Аввалгидай қарғаб-нетиб ўтирармикин ёки у ҳам онамга ўхшаб ҳовуридан тушганмикин? Алпомиш ҳам аллақачон ақлини таниб қолган, ундан отам қаерда деб сўраши табиий. Бибисора, “отанг икковимизни ташлаб кетган”, деб жавоб қилармикин? Йўқ, ундай демаса керак. Бу гапни айтиш аёл киши учун номус ҳисобланади. У норасида гўдакнинг олдида ҳам қадрини ерга уришни истамайди. “Отанг Москвага кетган, ўша ёқдан сенга кўп ўйинчоқлар олиб келади”, деб алдайди. Қачон келади, унгача яна неча марта ухлаб туришим керак, деб сўрайди Алпомиш болаларча соддалик билан. Бибисора унинг саволларидан безор бўлиб, “ётиб ухла энди!” деб жеркиб беради. Шусиз ҳам дардга тўлиб кетган юрагига Алпомишнинг билиб-билмай ниш сўқиши унга оғир ботади.

Уйда бир-икки кун дам олгач, Қоржовбой оғанинг олдида бораман. Йўқ, яхшиси, биратўла министрнинг олдида кираман. “Тўрт-беш йил Москвада юриб, пул ишлаб қайтдим. Энди рўзғордан кўнглим тинч. Рухсат берсангиз, аввалги ишимга қайтмоқчи эдим”, дейман. Албатта, у менинг юзимдан ўтолмайди. Яна аввалгидек маза қилиб ишлайвераман. Оксанани эса бутунлай унутаман. У ҳам ортимдан излаб келмаслиги таъин. Ахир, эркак зоти қаҳатми? Алик бўлмаса, Андрей, Андрей бўлмаса, Николай... Киноларда кўп кўрганман, у томонларда аёллар истаган пайтида бошқаси билан яшаб кетаверади. Оксананинг курсоғида қолган иккинчи фарзандим ҳам бегона бир уйда ёки бобосининг хонадонида дунёга келади. У ҳам Кравченко бўлиши мумкин. Гўдакнинг томирида менинг қоним оқаётгани ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Бош-кети йўқ хаёллар билан андармон бўлиб анча йўл босиб қўйибман. Шундоқ ёнимга келиб тўхтаган трамвайнинг шовқинидан ўзимга келдим. Борадиган манзилим аниқ бўлмаса-да, трамвайга чиқиб олдим. Бу ёғига нима қилишни билмайман. Яхшиси, трамвайда охирги бекатгача бораман. Ташқари изғирин совуқ, эрталабгача музлаб қолишим мумкин. Унда онамнинг дийдорини кўриш, министрга хайдовчилик қилиш ҳақидаги орзуларим қиёматга қолади.

Трамвайда бир соатдан кўпроқ юрдим. Охирги бекатда тушиб, унга қайтадан ўтирдим. Менга иккинчи марта чипта сотган кондуктор хотин зимдан савол назари билан қараб қўйди-да, индамади. Бу ёғига кўп юришим ноқулай, бирон жойда тушиб қолиб, бошқасига ўтиришим керак. Чунки у мендан шубҳаланиб, милицияга топшириб юбориши мумкин.

Шу пайт тепасида, “Одесса меҳмонхонаси”, деган ёзув чараклаб ёниб турган баланд бинога кўзим тушди. Трамвайдан тушиб, ўша томонга юрдим. Кенг-мўл фойенинг ўртасида жойлашган маъмуриятдаги аёлга паспортимни узатдим.

– Биз одессаликларни меҳмонхонага қўёлмаймиз, – деди у паспортимни варақлаб кўриб. – Яхшиси, уйингизга боринг.

– Бу ерда уйим йўқ, Қорақалпоғистондан келганман.

– Паспортингизда ёзилган-ку, нега ёлғон гапирасиз?

– Мени у ердан чиқариб юборишди.

– Бу сизнинг муаммонгиз!

Шу пайт кимдир билагимдан тортди. Ортимга ўтирилдим, менга жилмайиб қараб турган одамга дуч келиб анграйиб қолдим. Зўр бериб уни қаерда кўрганимни эслашга уриндим.

– Арзибой? Сенмисан?

– Ҳа, Арзибойман... Ҳов! Қоржовбой оға! Сизни бу ёқларга қандай шамол учирди?!

Бир-биримизни бағримизга босиб, анча пайтгача қўйиб юбормадик.

– Тақдир шамоли, иним, – деди Қоржовбой оға бироздан сўнг. – Ўзинг нима қилиб юрибсан? Сен Москвада эмасмидинг?

– Сўраманг, оға! Мени ўша тақдир шамоли бу ерга анча илгари учуриб келган... Энди овулга қайтмоқчи бўлиб турибман.

– Юр-чи, анави ерда янганг турибди. Бу чол қаёққа кетиб қолди деб хавотирга тушиб ўтиргандир.

Турли-туман рангли журналлар териб қўйилган стол ёнида эгнига қўнғир тусли пўстин кийиб, бошига оппоқ шол рўмол ўраган аёл ўтирарди. Мен унга яқинлашиб салом бердим. Аёл тўсмонлаб қўлини олдинга чўзди. Шундагина унинг кўзлари ожиз эканини пайқадим.

– Янгангнинг кўзлари кўрмай қолди, – деди Қоржовбой оға мени ёнига ўтказиб. – Уч ойдан бери кўрсатмаган дўхтирим қолмади. Охири министримиз “Одессада Филатов номидаги кўз касалликлари институти бор, хотинингизни ўша ерда даволашлари мумкин”, деб йўлланма ёзиб берди.

– Тўғри, бу ерда шунақа клиника бор, – дедим мен.

Аёл бу гапни эшитиб жонланиб қолди.

– Сўқир кўзни очиб юборади деганлари ростми, қайним?

– Кўпчилик шунақа дейди.

Бемор одамнинг кўнглини кўтариш учун ёлгон гапириш айб бўлмаса керак. Аслида, Оксанадан бошқа ҳеч ким билан бу ҳақда гаплашмаган эдим.

– Институтга бордингизми? – дедим унинг яна саволга тутишига имкон қолдирмаслик учун шоша-пиша.

– Йўқ, самолётдан тушиб, тўғри шу ерга келдик.

– Эртага ўзим олиб бораман. Бугунча меҳмонхонада яхшилаб дам олинглар.

– Қанақасига дам оламиз, иним, бўш жой йўқ дейишяпти-ку, – деди Қоржовбой оға. – Биттагина жой бор экан, лекин янгангни қандай ташлаб кетаман, бояқишнинг кўзи кўрмаса...

“Йиғлаб борсам хўнграб чиқди”, деб шуни айтишса керак. Одессада шунча йил яшаб уларни уйга олиб боролмайман. Кеча учрашганимизда ҳам бир нави эди, лекин бугун менинг аҳволим Қоржовбой оғаникидан баттар бўлса борки, аъло эмас. Бўш хона топилса, уларга жой беришади, мен эса дайди итдек кўчада ётишга маҳкумман.

Оқсоқолга нима деб маслаҳат беришни билмай ўйланиб қолдим. Бояқишнинг шу топда мендан бошқа суянадиган кишиси йўқ.

Шу пайт янганнинг олдидаги каноп халтада бўртиб турган думалоқ нарсага кўзим тушиб қолди.

– Қоржовбой оға, қопингизда нима бор?

– Иккита тўрновот қовун бор. Янгангни даволайдиган дўхтирга берармиз деб олиб келувдим.

Бу тарафларда бизнинг қовунлар жуда тансиқ ҳисобланади. Маҳаллий қовунларнинг эса маза-матраси йўқ, устига шакар сепиб ейишади. Балки қовун билан анави хотинларнинг кўнглини олармиз деган ўй кечди хаёлимдан.

– Оға, қовунларни менга беринг, – дедим унга.

– Нима қилмоқчисан?

– Бир таваккал қилиб кўрайлик-чи, натижа чиқиб қолар.

Мен иккита қовунни кўлтиқлаб ташқарига юрдим. Меҳмонхона маъмуриятида ўтирган аёллар бирдан жонланиб қолишди.

– Қара, қовун, қовун!

– Йигитлар, қовунингизни сотмайсизми? – деди улардан бири.

– Қовун сотилмайди, – дедим пинагимни бузмай. – Қайси меҳмонхонада бўш жой топилса, ўша ердагиларга совға қиламиз.

Аёллар жим бўлиб қолишди. Шумлигим натижа бермаганидан хафа бўлсам-да, ҳамроҳларимга сир бой бермадим.

– Энди қаерга борамиз? – деди Қоржовбой оға.

– Трамвайга ўтирамыз. Бу шаҳарда ўн олтита меҳмонхона бор. Бирида бўлмаса, бошқасида жой топилади.

Тўғриси, бу гапни таваккал айтиб юбордим. Шаҳарда қанча меҳмонхона борлигини билмайман. Барибир “Одесса” – шаҳардаги ягона меҳмонхона эмаслиги аниқ.

Трамвай бекатига яқинлашганимизда ортимиздан:

– Йигитлар! – деган таниш овоз эшитилди. Меҳмонхонадаги аёллардан бири ортимизда эргашиб чиққан экан.

– Шахсий квартирада ётасизларми? – деди у бизга етиб олиб.

– Фарқи йўқ. Узоқ эмасми?

– Бу ердан сал олисроқ, Филатов институти тарафда.

“Филатов институти” деган сўзни эшитиб Қоржовбой оғанинг кўзлари чараклаб кетди.

– Неча сўмдан? – дедим мен бепарво қиёфада. Аёл қовундан кўнгил уза олмаётганини сезиб турибман.

– Аввал квартирани кўринг, нархини келишамиз.

– Бора қолайлик, Арзибой иним! Бир кеча минг кеча эмас, пулини ўйлама, – деди Қоржовбой оға ялингудек бўлиб.

Бироздан сўнг аёлнинг квартирасига жойлашдик. У ошхона ва ётоқхонани кўрсатиб, бир кунлик ижара ҳақи ва битта қовунни олди-да, ортига қайтиб кетди.

Қоржовбой оға овулдан келтирган егуликларни дастурхонга қўйди. Танбирда ёпилган патир, бўғирсоқ, димлаб пиширилган товук... Бу таомларни соғиниб қолган эканман, маза қилиб еб олдим.

Қорин тўйгандан сўнг хангомамиз қизиб кетди. Қоржовбой оға уйдигиларнинг, онамнинг ҳолидан беҳабар экан. Мен унга бошимдан ўтган воқеаларни оқизмай-томизмай гапириб бердим. Ўзи шундоғам кимгадир дардларимни тўкиб-солгим келиб, ичимга сиғмай юрган эдим. Худо менга овулдошимни етказди.

– Янганнинг кўзини даволатайлик, кейин бирга кетамиз. Онангнинг олдига сени ўзим олиб бораман! Келин билан ўғлингни ҳам қайтариб олиб келиб бераман, – деб у бироз тараддуланиб қолди. – Бир гап айтсам кўнглингга олмайсанми?

– Йўқ, оға, айтаверинг. Ёшингиз улуғ, нима десангиз ҳам менинг фойдамни ўйлаб гапирасиз.

– Ростини айтсам, икковингиз ҳам калта ўйлайдиган одамлар экансиз.

– Кимни айтаяпсиз, Оксананими?

– Йўғ-ей! – деб қўл силтади у. – Оксананг билан нима ишим бор! Овулингдаги келинни айтаяпман. Сенинг ортингдан пойлашига бало бормиди. Хўп, шу билан нимага эришди? Ўртада оиласи бузилгани қолди. Унга яна бир Арзибой тайёр турган эканми? Ҳозир болали хотин тугул, унчамунча бўйи етган қизларга эр топилмаяпти-ку.

– Қўйсангиз-чи! – деди янгамиз қулиб. – Аёл зоти ҳам жуда кўчада қолгани йўқ.

– Манави янганг билан турмуш қурганимизга бу йил йигирма беш йил бўлади, – деди Қоржовбой оға унинг гапига эътибор бермай. – Шу пайтгача бирон марта мендан, “қаёққа бораяпсан?” “қаёқдан келяпсан?” деб сўрамаган.

Энди сенинг ўзингга келадиган бўлсак, иним, боя айтган гапларинг элдан чиқиб кетиш учун баҳона бўлолмайди. Сен қилган ишни кимлар қилмаган!..

– Ана, энди ўзингизга ўхшадингиз, – кулди янга. Лекин ёшулли бу гал ҳам унинг гапини инобатсиз қолдирди.

– “Йигитчилик – итчилик”, деб бекорга айтишмаган. Сен бир-икки ой чидаганингда ҳаммаси изига тушиб кетарди. Онанг ҳам ҳовуридан тушарди. Келинни эса ота-онасининг ўзи уйингга етаклаб келарди. Нима, сен бир умр мана шундай қирчиллама йигит бўлиб қоламан деб ўйлайсанми? Эртага болаларинг ҳам одам бўлади. Ўғлингнинг қўлига бир парча хужжат тегса, Киев бўладими, Москва бўладими ёки олис Тай-

га бўладими, ишқилиб, қаерда мўмай ойлик берадиган иш топса, кетади-қолади. Унинг кўнглида ота-онамининг хизматини қилишим керак деган ўй бўлмайди. Ўша ёқларда биттасини топиб олиб, уйланади. Сени тўйига ҳам айтмайди. Қайнонасининг қош-қовоғига қараб, сизларни биратўла унутади. Бу ёқда қизинг улғайиб, сўлоқмондай бир йигитни уйингга етаклаб келади. Сендан ибo саклаб, тортиниб ўтирмайди. Ориятинг кўзиб унга бир нарса десанг, ўзинг ортидан эргашиб келган ўша аёл қизининг ёнини олиб, оғзингга копкак уради. Шундан сўнг тақдирга тан бермай иложинг қанча!

– Кўйинг, отаси!

– Шошма, ҳали асосий гапни айтганим йўқ, – деди қизишиб кетган Қоржовбой оға хотинига. – Вақтида унга насиҳат қиладиган одам топилмаган. Йўқса, Арзибой эсини еган йигитлардан эмас. – У яна менга юзланди. – Хўп, сенинг ўғил-қизинг ҳам уйли-жойли бўлди дейлик. Уларга қанчалик керак эканинг ўзингга маълум. Эрта-бир кун белингдан дармон, тиззангдан кувват кета бошлайди. Бу дунёга келмоқ ҳақ, кетмоқ ҳақ! Вақти келиб омонатингни топширсанг, сен учун ким кўзига ёш олади? Суягинг қайси юртда қолади? Сенга жаноза ўқиладими? Йўқ, ўқилмайди! Ҳеч ким жасадингни ювиб-тараб, кафанламайди. Эгнингга орқаси йиртик костюм кийгизиб, ерга беришади. Кейин тонгла машҳарда Худонинг олдида нима деб жавоб берасан? Ўғлингни суннат қилдирмаган бўлсанг, уйланганида никоҳ ўқитмаган бўлсанг... Овқатдан кейин дастурхонга фотиҳа ўқишни ҳам, ота-бобонгнинг арвоҳига дуо қилишни ҳам ўргатмагансан...

– Бўлди килинг энди! Боякишни жуда изза қилдингиз-ку.

Қоржовбой оғанинг куйинчаклик билан айтган аччиқ-куруқ гаплари суяк-суягимдан ўтиб кетди. Начора, у ҳақ эди. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Ўзимдан бошқа ҳеч кимдан гина қилишга ҳаққим йўқ.

– Эй, оға, – дедим ўзимни оклашга уриниб, – сиз вақтида “эшагингизни йўқотиб кўрмагансиз-да”...

– Эшакни йўқотмаслик учун қозигини қаерга қоқишни билиш керак, иним! – деди у гапимни кесиб. Ортиқ ҳеч нарса деёлмадим.

Кечкурун алламаҳалда зўрға кўзим илинди.

* * *

Янгамиз профессорнинг қабулидан юм-юм йиғлаб чиқди.

– Кўй, хотин, уят бўлади, одамлар қараяпти, – деди кўлидан етаклаб келаётган Қоржовбой оға уни юпатишга уриниб.

– Қани ўша одамлар?! Мен ҳеч кимни кўрмаяпман! Кўрмаганимдан кейин нега уяламан? Уяладиган кўзим йўқ менинг!

– Сабр қилинг, янга, ҳали тузалиб кетасиз...

У менинг гапимни эшитмади.

– Э, Худо, кўзимни олгунча ўзимни олсанг бўлмасмиди! Энди менга бу дунёда яшашнинг нима кераги бор? Қоп-қоронғи зимистонда қандай яшайман?!

Қоржовбой оғанинг хотини ҳеч қандай таскин-тасаллига эътибор бермай, ўксиб-ўксиб йиғларди. Бироқ кутилмаганда янграган ўктам овоздан у жимиб қолди. Чамаси, овул тарафнинг қозоғига дуч келдим деб ўйлаган бўлса керак.

– Қатор териб кўйилган суянчиқсиз курсиларнинг бирида бошига тулки тўмоқ кийган олтмиш ёшлардан ошган, икки юзи қип-қизил бир чол ўтирарди.

– Ассалому алайкум, – деб Қоржовбой оға икковимиз баравар унга саллом бердик.

– Бери келинг! – деди отахон саломимизга алик олиб. – Нима гап, дўхтир келинга бирон ёқимсиз сўз айтдимми?

– Шунга ўхшашроқ...

– Шунга ўхшашроқ деганинг нимаси? Бўлмайти дедими?

– Бир умр сўқир бўлиб ўтарканман, – деди Қоржовбой оғанинг хотини овози титраб.

– Гапираверади улар! Манави ерга ўтиринглар. – Чол бизга ёнидан жой кўрсатди. – Бу дўхтирларинг балониям билмайти. Нима қилиш кераклигини ўзим айтаман сизларга.

Қоржовбой чолнинг ёнига ўтирди.

– Аёлингни бу ёққа чақир, сенинг кўзинг соғ, шекилли?

Эр-хотин жойини алмаштириб ўтирди.

– Мен ҳам сенинг ҳолингга тушиб, етти йил бировларнинг етовида юрдим, – деди у Қоржовбой оғанинг хотинига. – Ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз, Яратганнинг ишларига рози бўлавермаймиз. Лекин одам аста-секин сўқирликка ҳам кўникаркан. Мен уйнинг ичидаги, ҳовлидаги нарсаларни хаёлан кўрадиган бўлдим. Одам бир мучасидан айрилса, бошқа мучалари кучайиб кетади деб эшитган эдим. Шу гап рост экан. Мен уйга кириб келаётган одамнинг қадам олишидан эркак ёки аёл эканини ажратадиган бўлдим. Ҳатто, сўрамасдан кимлигини ҳам биламан. Исмини айтиб чақираман.

– Эй, Неке, сен фолбин бўлишинг керак экан-ку! – деб хайрон бўлишарди қариндошларим. – Айтгандай, исмим Нағашбай.

– Шундай қилиб, кўзингиз қандай очилди? – сўради Қоржовбой оғанинг эзмаланишига тоқат қилолмай.

– Бироз сабр қил, ҳаммасини бошидан гапираяпман, – бўш келмади отахон ҳам. – Умрим шундай ўтаверди. Бора-бора кўзинг нимага кераклигини ҳам унутаязим. Бир куни Ўтрорга Олмаотадан машхур дўхтирлар келибди деб эшитдим. Ўтрор бизга яқин-ку... Ўзи, сизлар қаердан келдинглар?

– Қорақалпоғистондан.

– Кўшни эканмиз-ку. Мен Қизил Ўрдаданман... Хуллас, болаларни олдимга солиб Ўтрорга бордим.

– Кўзингизни очамиз, – дейишди дўхтирлар текшириб кўргандан сўнг.

– Қандай қилиб?

– Олмаотага бора оласизми?

– Бораман, – дедим. Айтган пайтида у ерга бордим. Ишонасизми-йўқми, атиги бир кунда икки кўзим ҳам чарақлаб очилиб кетди.

– Биз ҳам бу ёқларга келгандан кўра, Олмаотага борсак бўларкан, – деди янгамиз умидланиб.

– Ҳа-да! Одессада нима қилиб юрибсизлар?

– Кўзингиз тузалган бўлса, ўзингиз бу ерга нега келдингиз? – дедим мен кизиқиш билан.

– Эй, нимасини сўрайсан, иним, бандага тўйим борми? Ўнг кўзим ана-ви қутига қамаб қўйган ҳарфларнинг еттинақ қаторини ўқирди. Кейинги пайтларда сал хиралашгандай. Бир куни уйимизга қариндошимнинг ўғли келди. Ўзи олим йигит, Америкада ўқиган. Одессага борсангиз, икки кўзингизни ҳам шишаси артилган чирокдай ярақлатиб юборади, уйда молнинг куйруғини қаричлаб ўтиравермай боринг ўшаёққа, деди. Шу гапдан сўнг ўғлимни эргаштириб келавердим.

– Бу ерга келиб овора бўлибсиз, биз бутунлай бошқа турдаги кўз касалликларини даволаймиз, – деди дўхтирлар. Бояги болага кўнғироқ қилсам, хиринг-хиринг кулади. Мен билан ҳазиллашган эмиш, аҳмоқ.

Биз боғдан келсак, чол тоғдан келаётганини Қоржовбой оға икковимиз ҳам тушуниб турардик. Лекин унинг гаплари янгага бироз юпанч бағишлагани учун сир бой бермадик.

– Энди биз қайтамиз, оға, – деди Қоржовбой оға ўрнидан туриб.

– Бизнинг ўғилни кўрмадингларми? Узун бўйли, келишган йигит. Ҳозиргина шу ерда эди, қаёққа ғойиб бўлди...

– Келиб қолар.

Янга Олмаотага борса кўзи очилишига ишондимиз ёки ортиқ йиғи-сиғи қилишдан фойда йўқлигини тушундимиз, ҳар қалай ўзини қўлга олди.

– Сен квартирага бориб, калитини эгасига топшир, – деди Қоржовбой оға қўлимга пул тутқазиб. – Бугунги кун учун ҳам тўлаб юбор. Сени аэропортда кутиб турамыз.

– Бугун турмадик-ку?

– Тўлайвер. Ўзимиз турмасак ҳам тушгача юқларимиз туради. Эгаси орқамиздан маломат қилиб юрмасин.

Шу куни кечқурун Москвага, Домодедово аэропортига келдик. Нукусга самолёт эртаси куни соат ўнда учаркан. Қоржовбой оға транзит чипталарига белги қўйдириб чиқди. Менга ҳам чипта топилди.

Кутиш залида одам кўп, биронта бўш ўриндик йўқ. Биз-ку майли, лекин сўқир одамнинг тик оёқда туриши қийин бўларкан. Янга боякиш худди тор деворнинг устида юргандек алпонг-талпонг қадам ташларди. Бир амаллаб унга “Оналар ва болалар хонаси”дан жой топдик. Қоржовбой оға янгани ўша ерга ётқизиб келди.

– Ёнидаги болали келинчакка тайинлаб келдим. Менинг қолишим ноқулай, ҳаммаси аёллар...

Кутилмаганда бахтимиз чопиб, бизга ҳам “Оналар ва болалар хонаси”га яқинроқ жойдан иккита ўриндик насиб қилди.

– Бечорага қийин бўлди, – деди Қоржовбой оға хўрсиниб. – Одессага кўзлари очилиб кетишига ишониб келган эди. Лекин бояги чолнинг гапидан сўнг кўнглида яна умид пайдо бўлди. Уйга боргандан сўнг Олмаотага олиб борасан деб туриб олса керак. Чолнинг касали катаракта экан. Буники – главкома. Кўзнинг босими ошиб, томирни ёриб юбораркан. Овулдаги дўхтирлар ҳам фойдаси йўқ деб айтган эди. Шунда ҳам, “ноумид – шайтон”, деб йўлга тушавердик... Хўш, уйга боргандан сўнг нима қилмоқчисан?

– Қайдам.

– Онангнинг олдига ўзим етаклаб бораман деган эдим. Лекин аҳволимизни кўриб турибсан. Жуда зарур бўлса, бир-икки кундан сўнг борарман. Ота-она ҳеч вақт фарзандидан гина қилмайди. Дийдорингни

кўриши билан ўтган гап-сўзларнинг ҳаммасини унутади. Ўйланмасдан унингга кириб боравер.

– Иш масаласини нима қилсам экан, – дедим талмовсираб.

– Истаган пайтингда идорага келавер. Янги РАФлар, “Волга”лар бор, санавиацияга қарашли. Биронтасини оларсан.

– Министрга кириб, унинг машинасини сўрасаммикин.

– Сен айтган министр Тошкентга ишга ўтиб кетган. Ҳозиргиси ҳам яхши одам, лекин отқўшчисини ҳам ўзи билан олиб келган.

– Тушунарли. Бораверайлик-чи, бу ёғи бир гап бўлар.

– Тагин яна ортингга қайтиб юрмагин. “Кўр ҳассасини бир марта йўкотади”, дейишган.

Мен жавоб бериб улгурмай янга ётган хонадан ёшгина қизалоқ югуриб ташқарига чикди:

– Кто Каржавбай?

Қоржовбой оға янгадан хабар олиш учун ўрнидан турди...

Нукусда Қоржовбой оғани ўзининг машинасида кутиб олишди, мен таксига ўтирдим.

Шаҳарда ёкқан қалин қор совук тушиб улгурмагани учун билчиллаб эриб ётибди. Одамлар асфальт йўлнинг четидаги лой бўлиб кетган йўлакдан эҳтиёткорлик билан кетиб борапти. Шунча йил бегона шаҳарда яшаб, лойни кўрмадим. Хаёлимдан, “бу ерлар қачон ботқоқдан кутулар экан”, деган ўй кечди.

Ҳовлимиз жойлашган тор кўчадан машина юрмагани учун қори босилмаган, момикдай оппоқ бўлиб ётарди.

– Қор қачон ёғди? – сўрадим такси ҳайдовчисидан.

– Тонгги соат тўртларда бошлаб пешингача тинмади. Бу кўчага биринчи бўлиб мен из солаяпман, – деб кулиб қўйди у.

Мен яқиндагина атрофи қордан тозаланган таниш дарвоза олдида тушиб қолдим. Остонада ҳўл супурги ётарди.

Ичкарига кирдим. Эшик шовқинсиз очилгани учунми, дахлизда боласини кийинтираётган келин мени пайқамди. Онаминг тез-тез такрорлайдиган, “Эркак киши уйга белги бериб кириши керак, шунда ичкаридаги заифалар энгил-бошини тўғрилаб олади”, деган гапи ёдимга тушиб, аста томоқ кирдим. Келин чўчиб тушиб, ортига ялт этиб қаради. Дахлаб мени таниёлмай, бир муддат тикилиб колди-да, сўнг учиб ўрнидан турди.

– Ҳов, қайнаға! – деб эгилиб таъзим қилди-да, саломлашиш учун қўл узатди.

– Яхши юрибсанми, келин? Манави полвон ким? Э, яхши бола экан-ку, қани-қани, бир саломлашиб кўяйлик-чи.

Икки-уч ёшлар чамасидаги бола мендан ҳайқиқиб, онасининг ортига яширинди.

– Ким бор уйда?

– Ўзимиз.

Шу пайт ошхонадан эгнига яшил футболка ва трико кийган Қанатбай чиқиб келди.

– Ака! – деб у шошиб қолганидан оғзидаги луқмасини чайнамасдан ютганча мен томонга югурди. Кучоклашиб саломлашдик.

– Қачон келдингиз?

– Ҳозиргина самолётдан тушдим.

– Юринг, ичкарига кирайлик.

Мен эгнимдаги пальтони ечмасдан дастурхон ёзилган хонтахтанинг ўзим ўтирадиган ўнг тарафида тиз чўқдим. Кўз қирим билан онамнинг жойига қараб қўйдим. Бугун у ерга ҳеч ким ўтирмаганини пайқадим. Биз ҳеч қачон онамнинг жойига ўтирмас эдик. Бирон жойга меҳмонга кетса, қайтгунича ўрни бўш турарди. Бу тартибни бизга унинг ўзи ўргатган. Болалигимизда Қанатбай икковимиз жой талашиб тўрга чиқиб олсак, онамнинг жаҳли чиқарди.

– Туш пастга! – деб уришиб берарди. – Отангнинг жойи у.

Гапига кирмасак, тарсаки тушириб қолишдан ҳам тоймасди.

– Ҳозир отам уйда эмас-ку, – деймиз бундай кезларда онамнинг раҳмини келтириш учун ҳиқиллаб.

– Уйда бўлмаса ҳам жойи бўш туриши керак. Бошқа тўрга интилганингизни кўрмайин!

Онамнинг ўзи ҳам тўрга чиқмас, доим хонтахтанинг ўнг томонида ўтирганча отамга чой қуйиб берар эди. Отам вафот этгач, бир йилча ўрни бўш турди. Йил ошини берганимиздан сўнг онам унинг қабри бошига бориб келиб, биринчи марта тўрга чиқди. Дастурхонга қўл узатишдан олдин Куръон тиловат қилди.

– Отангиздан розилик сўраб келдим, болаларим, – деди бизга. – Бундан бу ёғига болаларингизга ҳам ота, ҳам она бўлишимга рухсат беринг, дедим. Бечора уч кундан бери тушимга кираётган эди, иншооллоҳ, шу билан руҳи таскин топар.

– Онам қаерда? – сўрадим Қанатбайдан.

У саволимни жавобсиз қолдириб, бир муддат ерга қараб ўтирди-да, сўнг бошидаги қалпоғини ўнглаб қўйиб, Куръон тиловат қила бошлади. Қутилмаганда юрагим узилиб тушгандек бўлиб, кўзимдан ёш қуйилди. Қўлларим қалтираган кўйи онамнинг ҳақиқага дуо қилдим.

– Онамнинг бошига олиб бор, – дедим Қанатбайга ва кўзёшларимни дастрўмолим билан артиб ташқарига чиқдим.

Бечора онамга чолининг ёнидан жой насиб қилмабди. Чунки отамнинг қабри атрофи аллақачон тўлиб бўлган экан. Бояқиш тириклигида бот-бот “қандай яшашингни биласан, лекин қандай ўлишингни билмайсан, отангизнинг ёнидан менга ҳам бир ўрин олиб, ўраб қўйинглар, болаларим”, деб тайинларди.

– Қўйсангиз-чи, она қаёқдаги гапларни гапирасиз?! – деб уни қойиб берардик. Онам бу гапимизни оғир олмас эди. Ўзича унинг ўлимига рози эмаслигимиздан хурсанд бўларди чамамда. Афсус, ўша васияти ижобатсиз қолибди. Балки уларнинг руҳлари топишгандир. Киши ўлгандан сўнг руҳи Арши аълога учиб кетади, дейишарди уламолар. Илойим, менинг онам ҳам фаришталар билан бирга учиб юрган бўлсин.

Онамнинг қор билан қопланган қабрининг оёқ тарафида ўтириб ўксиб-ўксиб йиғладим. Ўзим бир ҳовуч тупроқ ташлашга ярамаган қабрни қафтларим билан қордан тозалаган бўлдим.

– Онажон, мен келдим! Мени кўраяпсизми? Дийдорини киёматга қолдирган фарзандингизни кўраяпсизми, она!..

Шу пайт кимдир ортимдан келиб, елкамга қўлини қўйди.

– Эркак киши қабристонда йиғламайди!

Сўнг у ҳам тиз чўкиб, Қуръон ўқиди. Қанатбай икковимиз дуога кўл очдик.

– Қабр бошида йиғласанг, мархумнинг ҳам кўзи ёшга тўлиб, дийдорингни кўра олмайди, деган гапни эшитмаганмисан? – деди у берган назримизни ола туриб.

– Эшитганман.

– Эшитган бўлсанг, қабрни бир айланиб, оёқ учида ўтириб тиловат қил. Кўзёши қилганинг билан ўлган одам тирилиб келмайди. Қолаверса, бу одам кеча ё бугун ўлганга ўхшамайди.

Нотаниш киши қабрлар оралаб ўтган тор сўқмоқдан юриб биздан узоклашди. У мен учун онам шу бугун жон берганини қаердан билсин! Ахир, куни кеча, Домодедово аэропортида киприк қоқмай тонг оттирганимда ҳам онам мен учун тирик эди-ку! Эрталаб самолётдан тушиб, таксига ўтирганимда ҳам, остонадан томоқ кирмай уйга кириб келганимда ҳам у йўлимга интиқ кўз тикиб ўтирган эди. Фақатгина Қанатбай Қуръон ўқиганида онаизорим жон берди. “Дийдор қиёматга қолди, болам”, деди у менга. Беш йил кўзим йўлингга тўрт бўлди, ҳеч курса тушимга ҳам кирмадинг-ку, қувватим!” деб зорланди.

Онамнинг ана шу ўкинчи менинг бўғзимдан фарёд бўлиб отилиб чикди.

– Нега бундай бўлди? – сўрадим кечқурун укамдан.

– Онамнинг қон босими баланд экан, биз буни билмабмиз. Доим, “бошим айланиб кетди”, деб ёстиқни баланд қўйиб, бир муддат унга пешонасини тираб ўтирарди. Бироздан сўнг, “энди яхшиман”, деб дастурхоннинг бошига келади. Ўтган йили баҳорда намоз ўқиб туриб бирдан йиқилди. Суяб ўрнидан турғазсак, чап оёғини босолмади. Чап кўли ҳам шалвираб осилиб қолди. Тўшакка ётқизиб, дўхтир чақирдик.

– Инсулт, – деди у онамни текшириб кўриб. – Бош миясининг томири ёрилганга ўхшайди. Яхшилаб текшириб кўришимиз керак.

Онамни реанимацияга ётқизишди. Дўхтирнинг гапи тўғри чикди. Онам тилдан қолди, лекин бир ҳафтача эс-ҳушини йўқотмади. Эртаси куни соғ кўли билан имлаб мени чақирди. Нимадир демоқчи бўлади, лекин тили калимага келмайди.

– Арзибойни чақиртирайликми? – дедим.

Онам “ха” дегандек иягини қимирлатди. Шу куни сизга телеграмма жўнатдим. Лекин эртаси куни, “кўрсатилган манзилда бундай одам яшмайди”, деган жавоб келди.

– Бошқа жойга кўчиб ўтган эдик, – дедим алам билан.

– Кунига уч маҳал ҳолидан хабар оламан. Келинингиз кеча-ю кундуз олдиди. Ўзим овқат пишираман, уйда болаларга қарайман. Онамнинг олдига келсам, кўзлари чарақлаб кетгандай бўлади. Мендан хабар кутади.

– Она, Арзибой йўлга чиқибди, бугун-эрта келиб қолади, – деб ёлғон гапираман.

Бир куни у кўлини шифтга имлаб кимнидир чақира бошлади. Аввалига ҳеч нарсага тушунмадим.

– Она, Алпомишни кўргингиз келаяптими? – деди келинингиз.

Онамнинг ияги қийшайиб, кўзларидан дувиллаб ёш оқа бошлади. Шу пайт ҳамшира кириб, бизга уришиб берди:

– Нега беморни қийнаёпсизлар! Унга тинчлик керак. Чиқинг бу ердан, унга ўзимиз қараймиз.

Кечқурун Алпомишни Бибисоранинг онаси билан бирга касалхонага олиб келдик...

– Бибисоранинг ўзи келмадими?

– Эри юбормабди. Алпомиш ҳам бегонасираб онамга яқинлашмади. Йиғлаганига қарамай олдига судраб олиб бордик. Онам бир амаллаб унинг юзидан ўпган бўлди. Шундан кейин кўзини юмиб, қайтиб очмади. Қирк беш кун беҳуш ётиб, йигирма еттинчи май куни жони узилди.

Бошқа гапни эшитишни истамадим.

– Келин, менга жой солиб беринг, бошим оғриб турибди, – дедим.

– Дори берсинми? – сўради Қанатбай.

– Йўқ, ҳеч нарса керак эмас. Яхшилаб дам олсам, ўтиб кетади.

Шу тарика менинг руҳсиз кунларим давом этаверди. Укам билан ҳам очилиб гаплашмай қўйдим. У ҳам мендан шу пайтгача қаерларда юрган, нега қайтиб келганим ҳақида бир оғиз сўрамади. Сўраганида ҳам бошимдан кечган воқеаларни айтиб беришга хоҳишим йўқ эди. Хуллас, ўз уйимда кўноққа ўхшайман. Бугун-эрта ортига қайтадиган одамдай, уйга омонат кириб-чиқаман.

Кўчада таниш-билишларга дуч келишни истамайман. Менга ҳамма нарса ёт бўлиб кўринади. Ўзим ҳам туғилиб ўсган уйимга, ўз элимга бегона бўлиб қолганман.

Қоржовбой оға ваъда қилган янги РАФлар ҳам, санавиацияга тегишли “Волга”лар ҳам мени ортик қизиқтирмай қўйди. Машина беришгани билан ҳайдайдиган ҳолим йўқ. Қоржовбой оғанинг мени сўраб уйга келиб қолишидан хавотирланаман. Унинг кўзига қарашга ботинолмайман.

Хуллас, арзимаган сабаб билан Одессадаги оилам, туппа-тузук ишимни ташлаб келганимдан ўкина бошладим. Улар мени кувиб солишгани йўқ эди. Қартайиб, эс-хушини еб қўйган бир чолнинг гапини эшитиб нега бирдан номусим кўзиб қолди? Оксана кетма деб озмунча ялиндими? Тун қўйнида суриниб, ортимдан чинкириб қолди. Йўқ жойдан ўзимга бир дунё ташвиш орттирдим...

Ишхонадагилар мен ҳақимда нима деб ўйлаётган экан. Ариза ҳам ёзиб келмадим. Икки-уч кун кўринмаганимдан сўнг уйга кўнғироқ қилишган бўлса керак. Телефонни Оксана олса-ку, бирон баҳона ўйлаб топади, лекин унинг ўрнида отаси бўлса, ҳаммаси тамом. “Келган жойига жўнаб қолди”, деб очиғини айтади-қўяди.

Нега онамнинг вафот этганини сезмадим?! Бирон марта тушимга ҳам кирмади?.. Эй, қанақасига тушимга кирсин! Ахир, мен уни уялмай-нетмай алдаб, хафа қилиб кетдим-ку. Берган оқ сутига рози қилмасдан ўзга юртларга улоқиб кетдим. Энди ўзимни қандай оқлайман. Бу ерга қайтиб келмаслигим керак эди. Пешонамда ёзилганига рози бўлиб, жимгина яшайверишим керак эди.

Йўқ, қайтиб тўғри қилдим! Онамдан кечирим сўрадим. Мармартошга ўйиб ишланган суратига юзимни босдим. “Фарзандларингиз Арзибой ва Қанатбайдан, набираларингиз Алпомиш ва Пўлатдан эсдалиқ”, деган ёзувни кўриб, кўнглим бироз таскин топди. Инимдан миннатдор бўлдим. Ўзининг ўғлидан олдин Алпомишнинг исмини ёзганидан хурсанд бўлим. Энди бемалол қайтсам ҳам бўлади. Бу ерда менга илҳақ бўладиган ҳеч

ким йўк. “Саломга яраша алиқ” дейишган, мендан вафо кўрмаган Бибисора ҳам бугун бошқа бир одамнинг ҳасми ҳисобланади. Мен эса иккита қайиққа оёқ қўймоқчи бўлдим. Кутилмаганда қўзғалган бўрон қайиқларни қарама-қарши томонга оқизиб кетди. Мен эса кутурган гирдоб тубига чўкмаслик учун жонҳолатда ҳаракат қилаяпман. Бу гирдобдан чиқа оламанми-йўқми, билмайман. Қайиқлардан бири аллақачон мендан узоқлашиб кетди. Ҳали иккинчисига чиқиб олишим мумкин. Ана шу имконни бой бермаслигим керак. Йўкса, сувга ғарқ бўламан!

Орадан бир ой вақт ўтди. Оксадан хат-хабар ҳам келмади, кўнғироқ ҳам бўлмади. Ниҳоят, бир куни кечқурун ўзим кўнғироқ қилдим.

Кимдир гўшакни кўтаргач, юрагим гурсиллаб тез-тез ура бошлади. Лекин ҳеч қандай жавоб бўлмади.

– Алло? – деб ўзим биринчи бўлиб гапиришга мажбур бўлдим.

Гўшакни ўғлим Сергей кўтарган экан.

– Кимсиз? – деди у.

– Оксана қаерда?

– Кўчиб кетди.

– Қаёққа?

– Ўзининг уйига.

– Ҳов... Сен бирга кетмадингми?

– Йўк. Мени “Бобонг билан бувингга қарайсан”, деб қолдриб кетди.

Мен гўшакни жойига қўйдим. Ўғлим шу пайтгача мен билан телефонда гаплашиб кўрмагани учун овозимни танимади.

Ана холос! Бир ойда шунча янгилик. Оксана ўзининг уйига кўчиб кетибди. Ўғлимни ота-отасига кўриқчи қилиб қолдирибди... “Ўзининг уйи” деган гап қаердан пайдо бўлди? Демак, у Сергейни ота-онасиникида қолдириб, яна турмушга чиқиб кетган. Тахминим тўғри чиқди. Алиқ бўлмаса Андрей, Андрей бўлмаса тагин бошқа биров! Мен ким бўпман унга? Бу ёқда Бибирсора ҳам Алпомишни ота-онасига ташлаб... Мен икки норасидани тирик етим қилдим. Билиб туриб ўзимни-ўзим чоҳга ташладим. Иккинчи қайиқ ҳам кўлдан чиқди...

Шу куни эрталабгача ухлолмай тўлғониб чиқдим. Қаерда хато қилдим? Кекса қайнотамнинг гапларидан ўпкалаб, уйдан бош олиб кетганим нодуруст бўлдими? Унинг жаҳл устида айтган гапларини эшитмасликка олганим яхши эмасмиди? Майли, бу борада мен ноҳақ бўла қолай, лекин бир ойнинг ичида Оксана қандай қилиб уйли бўлиб қолди? Ким берди унга уйни! Мендан яшириб юрган хазинаси бормиди?! Бўлиши мумкин эмас. Икковимизнинг топган-тутганимиз ўртада эди. Маошимизни олишимиз билан ўзимизга керагинни чегириб қолиб, кампирнинг қўлига тутқазардик. Рўзғорнинг емак-ичмагига у балогардон эди. Демак, бу ерда бошқа сир бор. У Оксананинг эмас, эрининг хонадони! Мен чиқиб кетаётганимда у ортимдан номига уч-тўрт марта чақирди. Изимдан югуриб чиқмади. Мен гумон қилган Андрейлардан бири анча олдин унинг ҳаётида пайдо бўлган. Мен аҳмоқ ҳеч нарсадан беҳабар лаллайиб юраверганман...

Қанақасига Оксанани бегоналарга индамасдан бериб қўйишим мумкин? Усиз қандай яшайман? Йўк! Буни шу аҳволда қолдирмайман. Ўша лаънати Андрейни ўлдираман! Бировнинг мухаббатига чанг солиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман. Кейин Оксадан қасос оламан... Йўк, аввал

Оксанани ўлдираман. Андрей уни мажбурлаб ўзига оғдирмагандир ҳар қалай. Унинг ўзи қийшаланглаган.

Мен Оксанани қаттиқ севишимни ҳис қилдим. Шундай узук-юлук хаёллар чангалида тезроқ тонг отишини кутдим. Аксига олиб, шу куни хўрозлар ҳам кеч кичкирди.

Азонда Қанатбайни чеккага бошладим. Ўзимни қўлга олиб, Одессага ёмон ният билан кетаётганимни билдирмасликка тиришдим.

– Қанатбай, мен Одессага қайтмоқчиман – дедим унга. – Ўйлаб кўрсам, аллақачон элдан узоқлашиб кетибман. Бу ерда мени тутиб турадиган ҳеч нарса қолмади. “Отадан олтов туғилсанг ҳам ватанингга ёлғизсан”, дер эди онам раҳматли. Тақдир менинг насибамни олисларга сочган экан. Кетмасам бўлмайди. Кеча уйга кўнғирок қилган эдим, ўғлим “дада, қачон келасиз?” деб хархаша қилди. Уларни ҳам ўзим билан бирга олиб келмоқчи эдим, лекин Оксананинг ота-онаси, “бизларни тупроққа топширгандан кейин кетасиз”, деб рухсат беришмади. Балки вақти-соати келиб бу ерга қайтармиз. Ҳозирча омон бўл, иним! Мабодо қайта кўришиш насиб этмаса...

– Қўйсангиз-чи, ака, қаяқдаги гапларни гапирасиз! – деб Қанатбай гапимни бўлди. – Мен ҳам бу ердан кўчиб кетсам керак. Сиз келсангиз, бизни тополмай сарсон бўлманг деб йўлингизга қараб ўтирган эдим. Мени Устюртга, геофизиклар шаҳарчасига ишга чақиршайпти.

– Ўзингга нима маъқул бўлса, шуни қил. Қаерда бўлсанг ҳам омон бўл!

Транзит чипта билан бир кунда Одессага етиб келдим. Самолётдан тушишим билан яна юрагим гурсиллаб уриб, хонасига сиғмай қолди. Ҳеч вақт ёмонлик ҳақида ўйламаган, умрида товук сўйиб кўрмаган одам бўлсам, қандай қилиб бировларнинг жонига қасд қиламан. Хўш, кейин нима бўлади? Милицияга борайми ёки яширинча овулга қайтайми? Яхшиси, милицияга ўзимни топшираман. Қолганини пешонамдан кўраман. Овулда орқамдан излаб келишларини кутиб кунда минг марта ўлибтирилгандан кўра, шуниси дуруст. Балки... Балки одамнинг қонига кўзим тушиши билан ақлдан озиб қоларман,

Хаёлларим чувалашиб кечкурун болалар касалхонасига бордим. Оксана бугун навбатчи бўлса керак деб ўйлаган эдим. Агар йўқ бўлса, эрталаб институтига бораман.

– Сизга ким керак? – деди томчидори қуйиш ускунасини кўтариб бораётган ҳамшира менга кўзи тушиб.

– Оксанани излаб келувдим.

– Оксана бир ҳафтадан бери касалхонада ётибди.

– Қайси касалхонада?

– Туғруқхонада.

– Туғруқхонада?! – деб чўчиб тушдим. Ҳамшира менга синчков тикилди.

– Сиз кими бўласиз?

– Эриман. Бир ойлик командировкага кетган эдим.

– Ҳомиладорлиги оғирроқ кечадиган аёллар бир-икки ҳафта ётиб даволанади.

Оксанага раҳмим келиб кетди. Балки ҳеч қанақа Андрей-Пандрей йўқдир деб ўзимга таскин бердим. Унда... уй кимники? Йўқ, Арзибой, баҳона излама! Бундай иродаси бўш эркакларни аёллар ҳам ёқтирмайди.

Одам ўлдириш қўлингдан келмаса-да, дўк-пўписа қилиб уларни кўрқит! Шунда Андрей эса оёғини қўлга олиб қочиб қолади. Оксана яна ўзингга қолади. “Нима, мен бировларнинг саркитига эгалик қилиб ўтираверманми?” “Андрей ҳам сенинг саркитингга кўниб яшайпти-ку? Муҳаббат ҳар қандай саркит-маркит деган гаплардан устун туради”.

Тунда Оксана ётган палатага кирдим. Хонада ундан ёши каттароқ аёл ҳам бор экан.

– Вой, Алик! Келдингми! – Оксана бўйнимга осилиб юз-кўзларимдан ўпа бошлади. “Оббо, муғамбир-ей! – деб ўйладим ичимда. – Аёл кишининг макри қирқ туяга юк бўлади, деб бекорга айтишмаган. Сен ўзингни қўлга ол, Арзибой!”

– Келишингни билардим! Менсиз яшай олмаслигингни кўнглим сезарди. Шунинг учун ўша куни орқангдан югуриб чиқмадим. Кўчада бироз айланиб, қайтиб келасан деб ўйлаган эдим. Сен бўлсанг... Овулингга бориб келдингми?

– Янги уйлар муборак бўлсинг! – дедим мен кесатиб.

– Раҳмат! Нега хафасан? Ҳалиям дадамнинг гапларини унутолмадингми?

– Андрей уйингдами?

– Ким у Андрей? – деди Оксана қўлларини елкамдан олиб.

– Андрей бўлмаса Николай ёки Егор!

– Нималар деяпсан, ҳеч нарсани тушунмадим?

– Мени аҳмоқ қилма! Эрингни айтаяпман.

Палатадаги аёл бизнинг орамиздан ола мушук ўтганини сезиб, индамай ташқарига чиқиб кетди.

– Қанақа эр, Алик? Ахир, менинг эрим сен эмасмисан?

– Унда уй кимники?

– Ҳа-а, – деб унинг юзига қон югурди. – Бу уй икковимизники! Сен қаердан эшитдинг?

– Бунинг аҳамияти йўқ. Тўғриси айт, кимга турмушга чиқдинг, у ҳозир қаерда? Менинг муҳаббатимга кўз олайтирган ўша лаънатининг ақлини киритиб қўйиш учун қайтиб келдим. Агар ростини айтиб, уни топиб берсанг ўзингга фойда.

Оксана қаравотига бориб ўтирди.

– Чиқиб кет бу ердан! – деди жаҳл билан.

– Саволимга жавоб бер.

– Чик, дедим! Сен билан гаплашадиган гапим йўқ!

Нималар бўлаяпти ўзи? Ким ҳақ – менми, уми? Демак, бу ерда бошқа гап бор.

– Мен Сергейга кўнғироқ қилдим.

– Эшитдим. Кўчиб кетди, деб жавоб берган. Ўзининг уйига кетди, деган. Шуми менинг айбим?!

– Унда...

– Унда квартирани ким олиб берди, демоқчимисан! Наҳотки, унутган бўлсанг, “кооператив уйга навбатга ёзилдим, қачондир бизнинг ҳам уйимиз бўлиши керак-ку”, деб айтгандим сенга. “Пулини қандай тўлаймиз?” деганингга кредит оламиз, деб жавоб берган эдим. Шунга ҳам уч йил бўлди. Сен кетганингдан бир ҳафта ўтиб квартира олиш учун навбатингиз келди, деб хабар қилишди. Бор гап шу!

- Ростданми?!
- Ҳа!
- Мен Оксанани каравотдан кўтариб олдим.
- Ҳеч қандай Андрей-Пандрей йўқ, тўғрими?
- Жинни! – кулди Оксана.
- Дўхтирдан рухсат сўраб чик, уйимизга кетамиз!
- Шу куни биз худди янги оила курган ёшлардек бахтиёр эдик.

* * *

- Вақт алламаҳал бўлган эди. Мени эсноқ тутди.
- Уйқу келдими? – деди Арзибой.
 - Йўқ, унчалик эмас... Кеча кечроқ ётувдим, шунинг таъсири.
 - Уйингда вино борми?
 - Мен ичмайман-да.
 - Сендан ичасанми, деб сўраганим йўқ, винонг борми деяпман.
 - Билмасам. Болалар кўноққа деб битта-яримта келтириб қўйган бўлмаса...
 - Қараб кўр, мен ҳам кўноқман-ку, – деб кулди Арзибой.
 - Шкаф, сервантларни тинтиб, “Қора марварид” деган бир шиша қизил вино топиб келдим.
 - “Портвейн” йўқмикан? – деди меҳмон ундан кўнгли тўлмай.
 - Ҳозир ҳеч ким кўноққа “Портвейн” қўймайди, шунинг учун болалар уни сотиб олмайди.
 - Бунақасини ичиб кўрганим йўқ, лекин кўринишидан бизнинг давримиздаги 53 дан 26 пастроққа ўхшайди.
 - У киссасидан бурагичли чопқини олиб, шижанинг тикинини оча бошлади.
 - Зўр-ку, – дедим мен кулиб.
 - Биз доим керакли нарсаларни ўзимиз билан олиб юрамиз.
 - Арзибой пиёлага тўлдириб вино қуйди-да, тилак ҳам айтмасдан сипқориб юборди.
 - Кўриниши кўқимдай бўлгани билан мазаси яхши экан, – деди сўнг.
 - Хўп, шундай қилиб... кооператив уйга бордингиз.
 - Бордик. Энди бу ёғини қисқароқ қиламан. Шусиз ҳам уйқусираб, йиқилиб тушай деб ўтирибсан...
 - Шундан сўнг Оксана билан кўп йиллар бирон марта сен-менга бормай тотув яшадик. Ўғлимиз Сергей йигирма бешга, қизимиз Марям йигирмага чикди. Қизимга ўзим исм қўйиб, Арзубаева фамилиясини бердим. Бу дунёда мендан ҳам ном қолсин дедим. У мен учун Марям, Оксана учун эса Мария эди. Қайнотамиз Сергей Васильевич ўғлимиз ўн тўрт ёшга тўлганида қазо қилди. Орадан уч йил ўтиб, кампирини ҳам унинг ортидан кузатдик. Сергей ўша уйда ёлғиз қолди. Биз билан бирга яшашга рози бўлмади. Ўзи у ёшлигидан ота-онасидан ётсираб ўсди.
 - Сергейни йигирма бир ёшида уйлантирдик. Тўғрироғи, ўзи уйланди. Биз ўттиз-қирқ одам чақириб, камтаргина зиёфат қилиб бердик. Унга қилган ота-оналик хизматимиз шу. Ўғлимиз онда-сонда хотинини етаклаб уйимизга келиб кетиш билан чекланади. Лекин бирон марта уйимизда ётиб қолмади.

Марям медицина билим юртини тамомлаган йили Кемал деган турк йигитни уйимизга бошлаб келди. У Анталияда яшаркан, кузда Марямни Туркияга олиб кетишга рухсат сўради. Биз рози бўлдик. Бироқ негадир куз келмасданок Марям ундан узоқлашди. Кейин Игнатий деган рус йигити билан учраша бошлади. Ана шунда Қоржовбой оғанинг гаплари ёдимга тушди: “Ўғлинг эр етса, кўнгли тусаган жойга бош олиб кетади, қизинг уялмасдан уйингга бир йигитни бошлаб келади. Ориятинг кўзиб, бир нарса десанг, хотининг унинг тарафини олади. Сен ёлғизланиб коласан...”

Мен қизимнинг ҳаётига аралашмадим. Йиллар давомида бу ердаги ҳаёт тарзига кўникиб кетган эдим.

Тез орада Марям Игнатий билан ҳам орани очиқ қилди. Шундан сўнг анча босилиб қолди.

Сергей мактабни битириб ҳеч қаерда ўқимади. Трамвай депосига машинист бўлиб ишга кирди. Унга ҳам қаршилиқ қилмадим.

Турмуш курганимизга йигирма олти йил тўлганда Оксана оғир дардга, оққонга чалинди. Шифокор одам касал бўлса, ёмон экан. Ўзининг дарди бедаво эканини билгани учун каттик тушкунликка тушиб қолди. Худди бугун-эрта бу дунёни тарк этадигандай тутарди ўзини. Унинг ахволини жимгина кузатиб туриш оғир эди. Кўриб-билиб туриб ёрдам беролмаслигимдан эзилардим.

– Икковимиз бир суратга тушайлик, – деди бир куни у янги кийимларини кийиб. – Портрет қилиб, деворга осиб қўясан.

Тўғриси, шу пайтгача бирга суратга тушиш ҳақида ўйламаган эканмиз. Салонга бориб икковимиз алоҳида, сўнг Марям учовимиз бирга расмга тушдик.

– Сергейни ҳам чақирайлик, – деди Марям онасига.

– Шарт эмас, – деди Оксана эътиборсизлик билан.

Оксана шу холида ҳам ишлашда давом этди. Лекин кун сайин сўлиб борарди. Кечқурунлари оғриқдан инграб чиқарди, кейинчалик бизни безовта қилмаслик учун алоҳида хонада ётадиган одат чиқарди. Бу қилиғи Марям икковимизга оғир ботарди.

– Ойи, Москвага борайлик, – деди қизим бир куни. – У ерда яхши онкологик касалхоналар бор.

– Шарт эмас. Ҳали дунёда бу касалликка даво топилгани йўқ. Бунинг устига, меники оққоннинг энг оғир, бедаво тури.

Оксана бизнинг гапимизга кирмай, ўз ёғига ўзи қовурилиб юрди. Бир куни у ишдан хушқайфиятда қайтди.

– Алик, мен Германияга кетмоқчиман. Ўша ёқда менга ўхшаган касалларнинг оз бўлса-да умрини узайтириш мумкин экан.

– Бунинг учун анча-мунча пул керак, шекилли?

– Институт бориш-келиш харажатларимни тўлаб берадиган бўлди. Агар ўз оёғим билан қайтиш насиб этса, албатта.

– Ундай дема, албатта қайтасан!

– Жамғарма банкда ҳам биров пулим бор экан.

– Қанақасига?

– Дадам ўн икки ёшимда номимга пул қўйган эди. Номзодлик ишини ёзиш учун сизлар томонга кетаётганимда ўша пулни олиб бермоқчи бўлди, лекин мен рози бўлмадим. Аксинча, омонатнинг муддатини яна

ўтгиз йилга чўздириб кетган эдим. Ана шу пул энди коримга ярайдиган бўлди.

– Унда жуда яхши. Мен ҳам ишхонамдан моддий ёрдам сўраб ариза ёзаман.

– Йўк, – деди Оксана. – Моддий ёрдамни ўзингга керак бўлган пайтда оларсан. Фақат Марияни ўзим билан бирга олиб кетишимга рухсат берсанг етади.

– Бўпти. У ерда кимдир сенга қараб туриши керак-ку.

– Ўзинг ёлғиз қийналиб қолмасмикинсан?

– Соғ одамга ёлғизлик нима бўпти? Фақат сен тузалиб кетсанг етади. Хуллас, кузга яқин Оксана билан Марям Германияга учиб кетишди. Қизим у ердан тез-тез менга хат ёзиб турди:

“Ойимнинг аҳволи яхши. Аввалгидай кечқурун инграб чикмайди, тинч ухляпти”. “Ойим бугун тунда бироз қийналди, врачларга айтсам, кўркма, асаблари бироз чарчаган, ўтиб кетади, дейишди...”

Бир гал мен уларга, “Пулингиз етарлими, қийналиб қолмадингизми?” деб хат ёздим. Марям эса ҳозирча ҳамма нарса етарли эканини, Оксана кўпдан-кўп салом айтганини маълум қилибди.

“Дада! Ойимнинг юзи кун сайин оқариб кетаяпти. Врачлар унга кўп қон қуйишяпти. Бу ерларда донор топиш қийин экан. Менинг қон гуруҳим тўғри келмади. Ойимга уч марта қон қуйишгач, эвазига мен қон топширдим. Кейин мендан қон олмай қўйишди. Ёш қизсан, сендан кўп қон олишимиз мумкин эмас, дейишди. Пулимизнинг ҳам таги кўриниб қолди. Қон сотиб олиш қимматга тушяпти”.

Орадан уч ой ўтди. Янги йилни ёлғиз кутиб олдим. Ўғлимниқига бормадим. Ўзи ҳам бизниқига келинг демади. Аста-секин Германиядан кўнгилисиз хатлар кела бошлади. Бир куни Оксана ва қизимдан, “уйнинг сотилишига қарши эмасмиз”, деган мазмунда розилик хатини олдим. “Бу хат дадангда турсин, бир кунмас-бир кун керак бўлиб қолар”, дебди Оксана.

Унинг тақдирга тан бера бошлаганини тушундим. Кейин бир ойгача улардан ҳеч қандай хат-хабар келмади. Хавотирга тушиб қолдим. Оксана ётган касалхонага хат ёздим. Тез орада у ердан, “Оксана Кравченко клиникамиздан чиқиб кетган”, деган жавоб олдим. Қаёққа кетгани, тузалган-тузалмагани ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Бироқ хотиним тирик эканига ишонч ҳосил қилдим.

Бир куни кечқурун анчадан бери “тўнг” бўлиб қолган телефон кутилмаганда қаттиқ-қаттиқ жиринглади. Гўшакни қўлимга олдим. Узоқдан аёл кишининг, “Алло!” деган узук-юлуқ овози эшитилди.

– Алло! Алло, кимсиз? – дедим мен ҳовлиқиб.

– Алик! Мен Оксанаман! – деди хотиним энтиқиб.

– Оксана! Оксана, қаерларда юрибсан, жоним? Соғлиғинг яхшими?

– Яхши. Алик, уйни сотиб, Тел-Авивга кел. Мен шу ердаги қон касалликлари шифохонасидаман. Келганингда ҳаммасини айтиб бераман. Яқинда сенинг номингга виза боради...

Алоқа узилиб қолдими ёки ортиқча гаплашишга унинг ҳоли келмадими, гўшакдан қисқа-қисқа гудок товуши эшитилди.

Бир ой деганда менинг номимга Аркадийдан виза келди. Ё, Худо-йим! Мени душманнинг олдига ўз оёғим билан боришга мажбур

килаяпсанми?! Ёзуғим нима! Бу ерда қандай сир бор ўзи? Мени Оксана чақирдимми ёки Аркадийми? Ахир, Оксана кўнғироқ қилган эди-ку. Де-мак, ёнида Аркадий ҳам бўлган. Мени кўргиси келибди-да, ноинсофнинг! У Оксанани ёнига чақиртириб олган. Мени эса уйимни соттириб, ўзига кул қилмоқчи. Чучварани хом санабсан. Ўлсам шу ерда ўламан!

Шундай қарорга келиб, Оксана билан қизим кўнғироқ қилиб қолишидан ҳадиксираб яшай бошладим.

Кунларим руҳсиз ўта бошлади. Ишга бораман, уйга келаман. Бошқа ҳеч нарса билан ишим йўқ. Кечкурун бироз қуритилган вермишель олиб келиб, қайнатилган сувга солиб ейман. Дастлабки пайтларда сўққабош одам учун жуда муносиб овқат экан деб ўйладим, бироқ кейинроқ у ҳам бадимга урди. Лекин очдан ўлмаслик учун ниманидир чайнашга мажбур эдим. Биронта касалим бўлмаса-да, аммо кун сайин озиб кета бошладим.

Ниҳоят, бир куни қизим кўнғироқ қилди.

– Дада, визани олдингизми?

– Олдим.

– Унда нега келмаяпсиз? Ёки уй сотилмаяптими?

– Ҳали уйни сотиш учун эълон бермадим.

– Ойимнинг аҳволи кун сайин ёмонлашаяпти. Сизнинг йўлингизга кўз тикиб ётибди, дада.

– Тушундим, қизим. Яқинда етиб бораман.

Шу заҳоти Аркадий ҳақида ўй-хаёлларим тумандай тарқаб кетди.

Бир ҳафта деганда уйни кўтарганига сотиб, ишдан бўшадим. Шусиз ҳам корхонамиз инқирозга юз тутган, шаҳарда завод-фабрикалар биринкетин ёпилиб, ҳамма ёқ алғов-далғов бўлиб ётган пайт эди. Тел-Авивга учиб бордим. Қўлимдаги қоғозда кўрсатилган манзилга таксига бориб, клиниканинг дарвозаси олдида тушиб қолдим.

Оксана тўшакда мунғайиб ётган экан. Энгашиб, унинг юзидан ўпдим. Яноқларини юваётган кўзёшининг номакоб таъми оғзимда қолди.

– Яхшимисан? – деди у бироздан сўнг менга тикилиб. – Бизсиз қийналиб қолмадингми?

– Зерикдим, сизларни соғиндим!

– Яқинда бу ташвишларнинг ҳаммаси ортда қолади. Мен сизларни қийинчиликлардан қутқараман.

– Ундай дема, Оксана! – дедим зорланиб.

– Қулоқ сол, Алик, сенга айтадиган гапларим бор. Шунинг учун бу ерга чақиртирдим. Мария, даданг икковимизни холи қолдир.

Марям индамай ташқарига чиқиб кетди.

– Мен ғирт даҳрийман, – деб гап бошлади у. – Ўлимдан кейинги ҳаёт борлигига ишонмайман, бироқ Худо борлигига иймоним комил. Фақат у бизга тирик пайтимизда Худолик қилади. Ўлганимиздан сўнг Худо ҳам бизнинг ташвишимиздан қутулади. Инсон ҳаёти давомида билиб-билмай қилган гуноҳлари учун ҳаёти давомида ҳисоб беради. Керак бўлса, жазосини ҳам олади. Қандай қилиб жазолаш эса Худонинг ихтиёрида. Мен ҳам кўриб-билиб қўл урган гуноҳларим учун товон тўлаяпман. Мен Бибисорани бахтсиз қилиб, унинг қарғишини олганман. Мен жажжи Ал-помиш тўккан кўзёшларнинг уволига қолдим....

Яширмайман, биринчи муҳаббатим бўлмиш тожик йигити билан орамизда ҳеч нарса бўлгани йўқ. Лекин Аркадий билан... Сенга айтувдим ше-

килли, унинг шухратпарастлиги менга ёқмади деб. Отамнинг қаршилиқ қилиши у билан орани очик қилишим учун яхши баҳона бўлди. Кутилмаганда сен билан учрашдим. Юртингга номзодлик ишимга материал тўплаш учун борган эдим. У ердан эр топаман деган фикр хаёлимга ҳам келгани йўқ эди. Лекин сенинг сахти-сумбатинг, қиз боланикидай мулойим табиатинг менинг ақл-хушимни ўғирлади. Тортинчоқ эдинг, доим мендан ўзингни тортиб турардинг. Вақт эса ўтиб борапти. Ўйлай-ўйлай ёлғондан туғилган кунимни нишонлашга қарор қилдим. “Одессадан атайин олиб келганман” деб олдингга қўйилган “Белый аист” коньягини Тўртқўлдаги шифохонада сумкамга солиб юборишган эди. Хуллас, ўзим истамаган ҳолда пора ҳам олганман.

Биласанми, ўргимчак чиройли тузоқ тўкиб, бир чеккада лакма ҳашаротларнинг унга илинишини пойлаб ўтиради. Ўлжа тузоққа тушиши билан дарров у ерга етиб бориб, ишга киришади. Аёлнинг макри ҳам ўргимчакнинг тутумидан қолишмайди. Ўша туғилган кун окшоми – сен учун қўйилган тузоқ эди. Тез орада сен менга бутунлай боғланиб қолдинг. Лекин Бибисора бундан беҳабар эди. Агар у ҳеч нарсани билмаса, икковимизнинг муносабатимиз бир кунмас-бир кун якун топиши мумкинлигини билардим. Шунинг учун ўзим унга кўнғироқ қилиб, квартирага чақирдим. Сен айб устида қўлга тушдинг. Йўқса, у мен яшайдиган жойни билмас эди. Режаларим амалга оша бошлаганидан хурсанд эдим. Лекин Бибисора сендан бунақа қаттиқ ўч олишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Шунинг учун сендан кечирим сўрайман.

Бундан бу ёғига сен меники бўлишингга ишончим комил эди. Синаб кўриш учун Одессага келганимдан сўнг дастлабки ёзган хатларимда шунчаки ҳол-аҳвол сўрашдан нарига ўтмадим. Қарасам, мендан буткул совиб кетадиганга ўхшайсан. Шундан сўнг қаттиқ соғинганим ва сендан фарзанд кўраётганим ҳақида ёзишга мажбур бўлдим. Сен кўнғилчан, нозиктабиат йигит эдинг. Шунинг учун охирги хатимни олишинг билан дарров олдимга етиб келдинг.

Нима бўлганда ҳам ҳаётимиз ёмон кечмади. Чорак аср тотув яшадик. Ўғилли, қизли бўлдик. Сен доим кўнғлимга қараб келдинг. Мен ўтган умримиздан мингдан-минг розиман.

Бу ёғига умрим поёнига етиб қолди. Тўғриси айтганим учун мени кечир, сени бахтсиз кексалик кутиб турибди. Сергей сенга меҳрибонлик қилишига ишонмайман. Шундай бўлса-да, унга хат ёзиб юбордим. Уйни сотганингни айтдим. Мен ўлганимдан сўнг даданг сенинг олдингга боради, нима бўлганда ҳам томирингда унинг қони оқиб турибди, ёлғизлатиб қўйма, деб васият қилдим. Бу гапдан сўнг кўнғлида сенга меҳр пайдо бўладими-йўқми, билмайман. Сергей бизнинг фарзандимиз бўлгани билан феъли бобосига тортган – дийдаси қаттиқ йигит. Менинг хислатларим унга ўтмаган. “Сен бувингга ўхшаб ҳамма нарсани юрагингга оласан”, дерди ойим ёшлигимда. Сенга бир ҳақиқатни айтиб қўяй, ойимнинг дадаси болқар қизидан туғилган. Демак, менинг томиримда ҳам мусулмон қони бор. Ким билсин, шунинг учун ҳам сен билан топишгандирман. Ўзимга дори-дармон олиш учун уйни соттирмадим. Мендан сўнг ёлғиз яшаб қолишингни истамадим. Чунки уйни сотмасанг, Сергейнинг олдида бормаслигингни биламан. “Ёғизлик – Худога ярашади”, дейишган. Сен пулингни менга сарфлама. Сергейникида яшаганингда ора-сира

рўзгорига харажат қилиб тур. Ҳеч вақоси йўқ деб Сергей ҳам, хотини ҳам ёмон кўриб юрмасин тагин.

Энди нима учун Тел-Авивга келганимни айтаман. Германияда мени имкон қадар даволашди. Пулимиз ҳам тугаб қолди. Мен бу ерда қон касалликларини даволайдиган машҳур клиника борлиги ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим. Шундан сўнг интернет орқали Аркадийга хат ёздим. Тагин булар олдиндан яширинча хат ёзишиб юрган экан деган хаёлга борма. Унга оғир касалликка чалинганимни айтиб, маслаҳат сўрадим. Аркадий хатимни ўқибди, тез орада қизим икковимизга самолётга чипта юборди. Келгунимизча клиникадан жой ҳам буюртириб қўйган экан.

Аркадий рангли металлни қайта ишлайдиган йирик компаниянинг хўжайини экан. Бойлигининг ҳисоби йўқ. Унга бутун ҳаётим ҳақида гапириб бердим. Сени ҳам сиртдан таништирдим. Компаниясига қарашли беш юлдузли меҳмонхонада сенинг номингга хона буюртма қилинган. Ўша ерга бориб жойлашасан. Лекин Аркадий билан учрашмай қўя қол. Унга нисбатан кек сақлама! Энди менинг бировлардан қизғанадиган ҳолим қолмади. Ундан ҳам сен билан учрашмасликни илтимос қилдим.

Охирги илтимосим – мени Украинага олиб кетаман деб овора бўлма. Тузалмаслигимни яхши биламан. Ўлганимдан сўнг мени мана шу шаҳардаги қабристонга кўминглар. Бироқ Марияни бу ерда қолдириб кет. Жасадим бегона юртда ёлғиз қолишини истамайман. Қизим тез-тез олдимга бориб, қабримга гул қўйиб турса, рухим шод бўлади. Шу шартларимга рози бўлсанг, бу дунёда беармон кетаман.

– Оксана, ундай дема. Сен ҳали узок яшайсан... – Ўзимча гапни ҳазилга бурмоқчи бўлдим. – Тарас Шевченко бегона юртларда юрганида, “Ўлсам, жасадимни Украинага олиб бориб кўминглар”, деб васият қилган экан.

– Мен Шевченко эмас, Кравченкоман, – деди Оксана. – Яна бир гап, қартайиб, белингдан қувват кетгандан сўнг ўзингнинг юртингга қайт. Одессада сенинг кадрингга етадиган одам йўқ. Иложи бўлса, ўғлингни топ, Бибисора билан дийдорлаш. Дунёдан ўтганингда суягинг ўзингнинг тупроғингга аралашсин. Агар айтганимни қилсанг, оз бўлса-да, менинг гуноҳларимни енгиллатган бўлардинг...

Шу пайт ҳамшира палатага дори-дармон кўтариб кирди.

– Гаплашиб бўлган бўлсангиз, чиқиб туринг. Беморга қон қуямиз.

Мен Оксанани бу аҳволда кўраман деб сира ўйламаган эдим. Қизимни унинг олдида қолдириб, даволовчи врачининг қабулига кирдим.

– Доктор, мен инглизча билмайман...

– Русча гапираверинг, – деди у гапимни бўлиб. – Мен Ленинградда туғилганман.

– Унда жуда яхши! – дея худди овулдошимни кўргандай қувониб кетдим. – Сиздан бир нарсани сўрасам майлими?

– Марҳамат.

– Биз мактабда ўқиб юрган пайтимизда анатомия ўқитувчимиз одамнинг танасида беш литр қон айланиб юради дер эди. Оксана қон касалига чалинган. Агар унинг ҳамма қонини томирларидан чиқариб олиб, ўрнига тоза қон қуйилса, тузалиб кетмасмикин?

У мийиғида қулди.

– Касбингиз нима? – деб сўради сўнг.

– Асли касбим шофёр, бироқ ҳозир...

– Унда сизга ўзингизнинг касбингиздан келиб чиқиб тушунтираман, – деди у гапимни бўлиб. – Агар аккумуляторнинг клевамаларини бўшатиб қўйиб, “машинани ўт олдир”, дейишса, шу ишни қила оласизми?

Мен индамадим.

– Инсоннинг танаси ҳам шундай. Агар мияга беш дақиқа қон бормай қолса, у бутунлай ўлади. Янги қуйилган тоза қон ҳам уни тирилтира олмайди.

Бундан бу ёғига эзмалик қилишнинг фойдаси йўқ эди.

Оксана билан бошқа очилиб гаплашолмадик. Кейинги гал борганимда суҳбатимиз қисқа бўлди. У кун сайин ортга кета бошлади.

Лекин мен Оксананинг ҳамма васиятига ҳам амал қилиб ўтирмадим. Керакли дориларни ўзим сотиб олдим. Умр йўлдошимдан аяб орттириб қолган пулни нима қиламан? Нега энди ўз хотинимнинг ташвишини аллақандай кундошимнинг елкасига ташлаб қўйишим керак экан! Ўзимнинг кадр-қимматимни оёқости қилишимни истамадим. Аркадий қолдириб кетган дори-дармонларни яшириб қўйдим. Лекин бу ҳам узокка чўзилмади. Менинг чўнтагимнинг туби кўришиб қолса-да, Оксананинг ахволи ўнганмади.

Бир неча ойдан сўнг уни бегона юртда тупрокка топширдик. Марямни Тел-Авивда қолдириб, Одессага қайтишга тайёргарлик кўра бошладим.

Мени бу ерда хор-зорлик билан қоришган қисмат кутиб турганини хаёлимга ҳам келтирганим йўқ.

* * *

“Чумчуқ лайлак бўламан деб бути йиртилибди”, деб бекорга айтишмаган. Исроилда туриб дунёдаги қанчадан-қанча мамлакатлар билан олди-сотди қиладиган олигархга тенг бўла олармидим? Хотинимни ўзим даволатаман деб бор пулимдан айрилдим. Бунинг устига, Оксана айтган меҳмонхонада яшаганим учун ҳам мумайгина ҳақ тўладим. Хуллас, қайтишда чўнтагимда атиги беш юз доллар пулим қолган экан. Бу пул билан Одессага етиб бора оламанми-йўқми, билмайман.

“Ўликнинг айтганини тириклар қилмайди”, дейишган. Аркадий икковимиз Оксанага берган ваъдамизга хилоф иш тутиб, бир-биримиз билан учрашдик. Учрашмасликнинг иложи ҳам йўқ эди. Оксана бояқиш бизни уришиб қолади деб ўйлаган бўлса керак. Қайтанга иккимиз ўзаро дардош бўлиб қолган эдик.

– Сенга ҳавасим келади, – деди Аркадий. – Менга насиб этмаган бахтга эришдинг. Мен ёшлигимдан бойлик ва шон-шухрат ортидан қувиб, шу бахтдан қуруқ қолдим. Агар имкони бўлганида, бор бойлигимдан воз кечиб у билан бирга яшашга жон деб рози бўлган бўлардим.

Майли, энди бу гаплардан фойда йўқ. Гарчи Оксананинг муҳаббатини козонолмаган бўлсам-да, унга бўлган ҳурмат бир умр юрагимда сақланиб қолади. Сен қизингдан хавотир олма, Марияга компанияга тегишли уйлардан бирини совға қиламан. Қанча вақт тураман деса, ихтиёр ўзида. Эрта-бир кун оиласи билан яшаса ҳам қаршилигим йўқ.

Сенга йўл харажатлари учун минг евро бераман. Қайтараман деб овора бўлма, қарзга эмас... Икковимиз энди бошқа кўришмаймиз. Ўтган ишларни унутайлик. Оксананинг руҳи шод бўлиши учун ҳам бир-биримизга кек

сақламаслигимиз керак. Аэропортга менинг машинамда элтиб қўйишади. Чиптага буюртма берилган, ҳеч қандай муаммо бўлмади.

Аркадий билан эски қадордонлардек кучоқлашиб хайрлашдик.

– Мен онамнинг ёнида қоламан, – деди Марям мени аэропортда кузата туриб. – Тўғриси айтганим учун хафа бўлманг, ойим ўзини Одессага дафн қилишимизни хоҳлаган эди. Лекин бу мамлакатдан марҳумларни олиб кетиш жуда қийин кечишини ўйлаб ниятидан қайтди. Бу иш сиз учун қимматга тушиб кетишини биларди. Аркадийдан илтимос қилишни ҳам истамади. Фақат мендан беш йилгача шу ерда қолиб, қабрини зиёрат қилиб туришимни ўтинди. Бироқ беш йилдан кейин ҳам уйга қайтаман деб айта олмайман. Шу ерда ўқишни давом эттириб, шифокор бўлишга қарор қилдим.

Онам Греманияда пайтимизда бир гапни айтган эди.

– Мен номзодлик ишимнинг мавзусини нотўғри танлаган эканман, – деди у. – Болалар ўлимни камайтириш ҳақида китоб ёзиб, фан номзоди бўлдим. Шу йўл билан чала олимларнинг сонини биттага қўпайтирдим, илмга ҳеч қандай наф келтирмадим. Шунчаки тайёр фактларни тўпладим. Гўдакларга уч ёшгача жиддий эътибор қаратиш керак, дедим. Оналар ўзининг саломатлигига эътиборлироқ бўлса, болалар ўлими ҳам камайиши мумкин деб иддао қилдим. Бу гапларни ҳар қандай болалар шифокори ҳам айтиши мумкин. Нега мен тиббиёт фанини ривожлантиришга хизмат қиладиган тузукроқ янгилик яратиш учун интилмадим? Нега Боткинга ўхшаб давосиз касаллик вирусини ўз танамда синаб кўриб, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёни ҳақида кундалик юритмадим?

– Ойи, унақада сиз ёшлигингиздаёқ ўлиб кетишингиз мумкин эди-ку, – дедим мен.

– Эвазига қайсидир бедаво касалликнинг сири тиббиётга маълум бўлар эди. Мендан кейин жонини гаровга қўйган яна бир одам топилса, ўша касалликни даволаш усуллари ҳам кашф қилинарди. Афсус, бизнинг ҳаммамиз кўрқоқмиз. Касалликнинг давосини сичқонларда, қурбақаларда синаб кўрамиз, агар озгина натижага эришсак дарров дунёга жар сола-миз. Ахир, одам қурбақа ёки сичқон эмас-ку! Тиббиётда эҳтимолийлик деган тушунча бўлмаслиги керак. Ўша нисбий тахминларга ўзимиз ҳам унчалик ишонмаймиз. Шунинг учун доимий кўрқувда яшаймиз.

Марям бир муддат жимиб қолди.

– Мен онамнинг изтиробларидан ўзим учун хулоса чиқардим, – деди у бир оздан сўнг. – Шифокорлар орасида доим олдинги сафларда юришга ҳаракат қиламан. Керак бўлса, Европа ва Америкада ўқиб кўпроқ билим оламан. Сиз унгача касал бўлмай тулинг. Яхши боринг, дада! Сергей билан хотинига мендан салом айтинг. Ўзингиз ҳам у билан муроса қилиб яшашга ҳаракат қилинг. Мен қайтиб боргунимча чиданг, кейин ўзим сизга ғамхўрлик қиламан.

Самолётга чиқаётиб кизимнинг ақлли бўлиб улғайганидан хурсанд бўлдим. У онасининг васиятларини юрагига жойлаб олган эди. Лекин қачондир уйга қайтишига кўзим етмайди. Бинобарин, илм ўрганиб, тажриба ортираман деган ниятда дунё кезади. Бора-бора бундай ҳаётга ўрганиб қолади. Кўнглида Ватан соғинчидан ҳам кўра, қаерда бўлса

ҳам яхшироқ яшаш ҳисси пайдо бўлади. Аста-секин мени ҳам эсидан чиқаради. Мен ватангадо бўлиб ҳаёт кечиришга маҳкумман. Марямнинг пешонасига ҳам менинг қисматим ёзилганга ўхшайди.

Кейин Сергей ҳақида ўйлай бошладим. “Ойингни тупроққа топшириб келдим, ўғлим”, десам кўксимга бош қўйиб йиғлармикин? Зора онасининг васияти унинг юрагидаги музни эритган бўлса. Сергей қаҳри қаттиқ бобосининг қўлида, унинг, “автоматим бўлганида сени ҳам, анави Аркадийингни ҳам, манави келгиндингни ҳам тариллатиб отиб ташлардим”, деган дағал гап-сўзларни эшитиб улғайди. Ўзини дунёга келтирган ота-онасининг уйида бир кун ҳам тунамади. Шундай муҳитда ўсган йигит энди мени қабул қилармикин?

Самолёт ерга қўнгунича ана шундай қарама-қарши хаёллар оғушида пинҳона изтироб чекиб келдим. Ҳар гал хафа бўлсам, Оксана:

– Тушкунликка тушма, мингта қайғу қўшилиб битта шодлик олиб келмайди, – деб қойиб берарди. Шунда ҳам чиройим очилмаса, ҳазил-хузул билан кайфиятимни кўтаришга тиришар, мақсадига эришмагунича тинчимас эди.

Энди Оксана ёнимда йўк. Менинг нимани ўйлаб, нимадан хафа бўлишим билан ҳеч кимнинг иши йўк.

Самолёт аэропортга охишта қўнди. Манзилига эсон-омон етиб олган йўловчиларнинг қарсақларидан эс-хушимни йиғиб олдим. Орадан ўтган икки ой ичида Одессани соғиниб қолган эканман. Денгиз томондан эсаётган салқин эпкиндан кайфиятим кўтарилиб, барча ташвишларни унутдим.

Шомга яқин Сергейнинг уйига етиб келиб, қўнғироқ тугмасини босдим. Эшик шу заҳоти очилди. Бироқ ичкаридан ёши мен тенги келадиган, соч-соқолига оқ оралаган нотаниш киши чиқди. Ўғлимнинг қайнотаси меҳмонга келган бўлса керак деб ўйладим. Келиннинг онасини бир марта кўрганман, лекин отасини танимас эдим.

– Сизга ким керак? – деди у менга синовчан тикилиб.
 Бу нимаси? Ўз ўғлимнинг уйида нотаниш одам мени саволга тутса-я.
 – Сергей қаерда? – деб унинг саволига савол билан жавоб қилдим.
 – Қанақа Сергей?
 – Шу уйнинг эгаси!
 – Бу уйни биз сотиб олдик.
 – Қачон?!
 – Бир ойдан ошди.
 – Сергей қаёққа кетди?
 – Билмайман. – У эшикни ёпмоқчи бўлганида туткичдан ушладим.
 – Балки қаерга кўчиб кетаётганини айтгандир?
 – Йўк, бу ҳақда ҳеч нарса демади! – Шошманг, – деди ичкаридан аёл киши. – Сергей Донецкка кўчиб кетди. Ўша ердаги шахтадан хотиним икковимизга иш топдим, деган эди. Сиз унга ким бўласиз?

Мен аёлнинг саволини жавобсиз қолдириб ташқарига чиқдим.

“Аёл – кулфлоглик сандиқ. Омади чопган йигит унинг калитини топади. Лекин ўша сандиқнинг ичида яна бир мўъжаз сандиқ бор. Ана шу сандиқнинг калитини аёл ўзи билан нариги дунёга олиб кетади”.

Бу гапни ёшлик пайтларимда қандайдир маъракада кайвонилик қилаётган ёшуллидан эшитган эдим. Ўшанда бу одам йўқ жойдаги гапларни гапириб ўзини донишманд қилиб кўрсатмоқчи, деган ўйда мийиғимда кулиб қўйган эдим.

Таниш йўлакдан узоклашарканман, беихтиёр оқсоқолнинг ана шу накли эсимга тушди. “Оксана ҳам зулфинига кулф солинган сандиқ эди, – деб ўйладим. – Калитини топиб, ўша сандиқни оча олдимми? Менимча, буни эпладим. Лекин унинг ичидаги сирли кутича очилганига шубҳам бор. У менга Баҳром деган тожик йигитни севиб қолгани, ундан кейин ҳам баъзилар кўнглини овлашга ҳаракат қилган бўлса-да, бироқ улар эслашга арзимаслигини айтган эди. Бироқ нима учундир Аркадий билан муносабатларини анча вақт яшириб юрди. Кутилмаганда онаси шу ҳақда сўз очгани учун ҳақиқатни тан олишга мажбур бўлди. “Менга унинг шухратпарастлиги ёкмади, дадам норози бўлгач, у билан бира тўла орани очиқ қилдим”, деб бу сирни ўша мўъжаз сандиқчақа яшириб қўйди. Лекин умри поёнига етгач, тап тортмай Аркадийни излаб топди. Охиروқибатда унинг юртида мангу қолишга қарор қилди. Демак, кўпчилик эркаклар каби мен ҳам ўша сирли сандиқни очолмабман.

Эҳ, Аркадий, сен қанчалар бахтлисан! Ўша куни: “Чорак аср Оксана билан бахтли яшадим, сенга ҳавас қиламан”, деб менинг устимдан кулдим. Мен шунча вақт Оксананинг вужудига эгалик қилган эканман, унинг юраги эса сенгагина тегишли экан!

“Ҳоз аламини қаргадан олади”, дегандек, кўнглимда Сергейга нисбатан уйғонган ғазабимни ичимга сиғдирилмай, ўзимча Оксадан домонгир бўлдим, шу билан бироз енгил тортгандай бўлдим. Вақтида онам нимадандир хафа бўлиб қарганса, дарров қилмишидан пушаймон бўлиб, “мен гумроҳни Худонинг ўзи кечирсин”, дея ёқасига туфлаб қўярди. Мен ҳам эсимни йиғиб олганимдан сўнг Оксана ҳақида бундай бадбин хаёлларга борганим учун ўзимдан хафа бўлдим. “Мени кечир, Оксана, балки мен нотўғри ўйлаётгандирман, беҳуда маломат қилиб сенинг руҳингни безовта қилдим”, дея шивирладим. Ўзимнинг диёнатсизлигимдан ўқиндим. “Сен кимсан ўзи, ота-бобонгнинг тушига ҳам кирмаган юртларда нима учун дайди итдай улоқиб юрибсан? Одессада сенсиз ҳаёт тўхтаб қоладими?” деб ўзимга-ўзим савол бердим.

Беихтиёр болалик пайтларим эсимга тушди. Ўн икки-ўн уч ёшли пайтларимда тоғамникига кўп борардим. “Менинг полвон болам келибди-да, – деб бошимни силарди кекса бобом. – Бобосига жўхорини кўриклашда ёрдам бераман деб келган-да бу”.

Жўхори пиша бошлагач, мўр-малахдай бостириб келган чумчуқлар галаси унга ёпирилади. Далани кўрикламасанг, не ниятлар билан етиштирган ҳосилингдан айрилсан.

Бобом икки отизнинг ўртасидаги қалин челнинг суви тортилгач, у ерда тупроқдан ярим кулоч баландликда супа ясайди. Сўнг йўғон арқондан

тайёрланган палахмонига кесак жойлаганча супада чумчуқларни пойлайди. Кушлар галаси жўхори даласи узра пайдо бўлиши билан палахмонни уч-тўрт марта айлантириб, арконининг бир учини қўйиб юборади. Кесак зувиллаб учиб чумчуқлар галаси қўнган жойга бориб тушади. “Юз чумчуққа бир кесак”, деган гап шундан келиб чиққан бўлса керак, очофат кушлар дув осмонга учиб, кўздан ғойиб бўлади. Лекин улар тез орада яна қайтиб келади. Бобом ҳам шуни билгани учун палахмонини қайта ўқлаб қўяди. Хуллас, бу манзара тинимсиз такрорланади.

– Ўғлим, бу ёғига жўхорини ўзинг қўриқлайсан, – деб бир куни бобом палахмонни қўлимга тутқазди.

– Хушёр бўлиб тур, мен даладан чиқишим билан чумчуқлар қайтиб келади.

Мен палахмонни ўқлаб, далани сергак кузатаман. Тагин отган кесак биронта чумчуққа тегиб кетса нима бўлади, бечора куш озгина дон ейман деб ўлиб қолади-ку, деган ўй кечади хаёлимдан. Ўлмаган кушга раҳмим келиб ўтирганимда уларнинг бир галаси гур этиб учиб келиб, жўхоризорга ёпирилади.

Аввалига нима қилишни билмай шошиб қоламан. Охири кўзимни чирт юмиб, палахмонни айлантира-айлантира қўйиб юбораман. Лекин биронта чумчуқ осмонга учмайди. Бундоқ қарасам, кесак ҳамон палахмонда турибди. Хуллас, битта отган кесаким палахмонда қолса, бошқаси орқа томонга учади. Бу ишни уддалагунча анча овора бўлганман.

Хўш, нега ҳозир шу воқеани эслаб қолдим? Тақдир палахмони мени ҳам узоқ-узоқларга улоқтириб юборди. Шунчалик шиддат билан улоқтирдик, Орол денгизининг ёнидан ҳавога учиб, Қора денгизнинг бўйига келиб тушдим. Мен юз-кўзим чангга беланган қўйи жўхоризор оралаб юриб ўзим отган палахмон кесакларини бирма-бир териб олардим. Қисмат деганлари шунчалик қаттол эканки, ўзининг отган кесагини сира изламайди. Исатаган томонга ирғитиб юбориб, ўз ҳолингга ташлаб қўяди.

Мен аэропорт тарафга қайтиб келдим. Бу ердаги квартира бюросидан оқшом тунаш учун бошпана топиш мумкин. Эртага бир гап бўлар.

Квартиралар бюросида узун бир рўйхатни қўлимга тутқаздишди. Унда ижара уйларнинг манзили ва нархи ёзилган эди. Мен арзонроқ жой қидира бошладим. Балки эрта-индин ҳам асқотиб қолиши мумкин. Лекин қачонгача ижара яшайман? Аркадий садақа ўрнида берган пул бир ойга етадимми-йўқми, Худо билади. Кейин нима қиламан? Бу ерда ҳеч кимнинг менга кўзи учиб тургани йўқ. Пушти камаримдан бино бўлган ўғлим мени қабул қилишни истамай ғойиб бўлди, қизимни эса ўзим бегона эларда ташлаб келдим.

Оксана, “Сени бахтсиз кексалик кутиб турибди”, деганида шуларни назарда тутган экан-да. Лекин ана шу бахтсиз ҳаётнинг бунчалик тез бошланиши етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди. Мана, ўша бахтсизлик Одессага кеч тушиши билан мени ўз комига олди.

Рўйхатни уч-тўрт марта қайта ўқиб, “Набережная” қўрғони 16-уйдаги манзилни танладим. У бошқа жойларга нисбатан арзон бўлиб, сершовқин шаҳардан чеккароқда жойлашган эди. Муҳими, у ерга кечкурун алламаҳалгача трамвай қатнайди. Мабодо ижара уй ёкмаса, ортага қайтишим мумкин.

Йигирма учинчи трамвай билан кўзланган манзилга етиб олдим. Ховлининг бир чеккасида ижарачиларга мўлжаллаб алоҳида ёғоч уй тикланган. Бу ерда ёзда яшаш мумкин, қишнинг изғиринли кунларида хоналар совуб кетиши яққол кўриниб турибди.

Ёши элликлардан ошган аёл ўша уйни очиб, мени ичкарига бошлади. Ихчамгина хонага тўртта каравот жойлаштирилган.

– Исатаган жойнингда ётавер, – деб у кўлимга кўрпа-тўшак билан сочиқ тутказди-да, чикиб кетди.

Қорнинг оч бўлса, кўзингга уйку ҳам келмас экан. Самолётда қушга дон сочгандай қилиб бир чўқимдан овқат беришган эди. Шундан бери туз тотмадим. Кўрпани кучоқлаганча шифтга термилиб ётибман. Бунинг устига, сал нарироқдаги пасткам иморатнинг ертўласидан келаётган чўкичнинг тўқиллашига ўхшаш бир маромдаги овоз миямни эговлаб, баттар тинчимни қочиради. Ора-сира электр станокнинг тариллаган шовқини ҳам эшитилиб қолади.

Бу азоблар қачон тинганини билмайман. Алламаҳалда ухлаб қолибман. Кўзимни очганимда аллақачон тонг ёришган эди. Кўнглимда бир шумлик пайдо бўлди. Ими-жимиди бу ердан жўнаб қолсам нима бўлади? Бу аҳволимда ориятга бало борми? Тақдир мени шунча йил палахмоннинг тошидай у ёқдан-бу ёққа улоқтириб ўйнади, мен ҳам бир марта ғиромлик қилсам, осмон узилиб ерга тушмаса керак. Шу хаёл билан аста хонадан чикиб, ўғри мушукдек уйнинг орқа тарафига ўтдим.

– Қаёққа! – деган ўктам овоз эшитилди ортимдан. Чўчиб тушиб, тахтадек қотиб қолдим.

– Қочиб қолмоқчимисан?

Кўрқа-писа овоз келган томонга қарадим. Кечкурун шовқин-сурон эшитилиб турган ертўла эшигининг олдида калта сопли кетмон кўтарган шопмўйлов, қуюқ сочларига оқ оралаган барваста киши менга еб кўйгудек тикилиб турарди.

– Бу ёққа кел! – деди у ғазаб билан.

Ноилож олдига бордим.

– Надя! – дея бақирда у уй томонга юзланиб.

Ичкаридан кечаги аёл чикди.

– Квартирант билан ҳисоб-китоб қилганмисан?

– Йўқ. Пулини эрталаб бераман деган эди.

– Бу олифта куёнинг расмини чизмоқчи бўлибди!

– Шунақами? Вой, лаънати!

Умрим бино бўлиб аёл кишидан бунақа қарғиш эшитмаган эдим. Бешолти гривенни тежайман деб шу аҳволга тушиб ўтирибман.

– Бунга қандай жазо берамиз? – деди хўжайин менинг билагимдан маҳкам чангаллаб. Чўкич ушлаб ўргангани учун бўлса керак, чангали метиндек қаттиқ эди. Оғриқдан кўзларим ёшланиб, тишимни-тишимга босдим.

– Денгизга улоқтириб юбор, – деди хотин бепарво қиёфада. Аёл кишининг бунақа шафқатсиз бўлишини энди кўришим.

– Яхши фикр, – деб хўжайин кўлимни янада қаттиқроқ сиқимлаганча ҳовлидан чикди. Денгиз унинг уйдан атиги қирқ-эллик метр нарида экан. Икковимиз судраклашиб соҳилга яқинлашдик. У олдинга қараб тортади, мен жонҳолатда ортга тисариламан.

Тик жарликдан қуйига қараб юрагим орқага тортиб кетди. Шундоққина оёғимизнинг остида бахайбат тўлқинлар соҳидаги қояга урилиб шовқин соларди.

– Сенингча денгиз неча метр пастда жойлашган? – сўради хўжайин кўзимга қаттиқ тикилиб. Унинг нигоҳи жуда ўткир эди.

– Ўн метрлар чикса керак, – дедим талмовсираб.

– Нима! – У захарханда кулди. Сўнг қўлидаги чопқисини ерга санчиб, мени шундоққина жарнинг лабига етаклаб борди. Бу ёғига сал туртса, пастга қулашим аниқ.

– Жарнинг баландиги йигирма беш метр! – деди у пастга ишора қилиб. – Агар сени шу ердан ташлаб юборсам, ўзингнинг салмоғинг билан денгизнинг тубига яна йигирма беш метр шўнғийсан. Бу ер – нақ ажалнинг ўзи. Биринчи хотинимни менга хиёнат қилгани учун шу ердан отиб юбориб, ўн икки йил ўтириб чиққанман. Унинг олдида сен ким бўпсан! Мен билан ўчакишган одамнинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Тушундингми?

– Калима қайтариб олишим учун озгина вақт беринг, – дедим тақдирга тан бериб.

– Нима?! Руҳониймисан? – деди у бироз бўшашиб.

– Йўқ, мусулмонман. Ҳар бир мусулмон ўлими олдидан калима қайтариши керак.

Тўғриси, тузук-қуруқ калима қайтаришни билмайман. Ахир, намоз ўқимасам, овқатдан сўнг дастурхонга фотиҳа қилмасам, калимани қаердан биламан?! Чўкаётган одам хасга ёпишганидек, кутилмаганда тилимга шу гап келиб қолди.

Хўжайин ҳамон билагимни қўйиб юбормай, жардан икки-уч одим узоқлашди.

– Қаердан келдинг?

– Одессаликман, – дедим тилим зўрға калимага келиб. Ажал хавфи бир-икки қадам ортга чекинган бўлса-да, хали ҳам ўзимга келолмаган эдим.

– Одессалик бўлсанг, нега уйингга бормаи ижарада тунаб юрибсан? Ёки хотининг ҳайдаб юбордим?

– Йўқ, уйим сотилиб кетган.

– Қани, паспортингни бер-чи.

Мен чўнтагимдан паспортимни олиб унга узатдим.

– Уйингни нима учун сотдинг? – деди у паспортимни қайтариб бериб.

– Хотиним оғир касалга чалингани эди, уни даволатиш учун пул керак бўлди.

– Тузалдим?

– Ўлди.

Хўжайин чўкиниб қўйди.

– Демак, ғирт дайди экансан-да?

Бу гап суяк-суягимдан ўтиб кетди. Бояги хотиннинг гапидан ҳам оғирроқ эди бу сўзлар.

– Ҳа, дайди-девонаман! – дедим алам билан. – Лекин бу ерга садақа сўраб келганим йўқ.

У ерга санчилган чопқисини суғуриб олди.

– Эркак кишининг гапини гапирдинг! – деб чап қўли билан елкамга қокиб қўйди. – Мен ҳам сенга садақа бермоқчи эмасман. Юмуш топиб берсам, ишлайсанми? Ҳақингни тўлайман.

– Ишлайман! – дедим ўйлаб ўтирмасдан. Кутилмаганда олдимдан чиққан бундай имкониятни қўлдан чиқарадиган аҳмоқ эмасман. Шундоғам эрталабдан иш изламоқчи бўлиб турувдим. Энди бизга аввалгидай мастерликка йўл бўлсин! Шаҳардаги завод-фабрикаларнинг ҳаммаси инкирозга учраб, ёпилиб бўлган. Улар аллақандай пулдор бойваччалар арзон-гаровга сотиб олиб, янаям бойиб боришяпти. Одамлар уларни “олигарх” дейишади. Ўша олигархларнинг менга ўхшаб пенсия ёшига етиб қолган қарияларга кўзи учиб тургани йўқ. Бунинг устига, чегаралар очилганидан кейин ҳамма ёкни чет эллик тужжорлар босиб кетди. Улар тўхтаб қолган завод-фабрикаларга замонавий дастгоҳлар олиб келиб ўрнатиш шарти билан маҳаллий бойларга шерик бўлишяпти.

Хўжайин мени тун бўйи тақиллаб-шарақлаб чиққан устахонасига бошлаб кирди. Унинг уйи пастқам, одми кўрингани билан ертўласи анча чуқур ва кенг экан. Шифтида тўртта катта электр чироклар ёниб турибди. Девор ёқалаб териб қўйилган бир нечта тош ҳайкалларга кўзим тушди. Уларнинг орасида тоғ архари, оёқ узатиб ётган арслон, шохлари тарвақайлаб кетган кийик ва мен танимайдиган одамларнинг бюстлари бор. Ўртада эса охиригача тарашланмаган тошлар турибди. Уларнинг сиртига бўр билан ҳар хил ҳайвонлар ва одамларнинг сурати чала-чулпа чизилиб, тарашлаш учун ҳозирлаб қўйилган.

– Мен ҳайкалтарошман, – деди хўжайин. – Тош йўниш осон иш эмас. Шунинг учун менга битта ёрдамчи керак.

– Нима иш қилишим керак? – дея сўрадим ундан.

– Сен манави бўр билан чизилган тошларнинг сиртини йўниб берасан. Лекин чизикдан ичкарига ўтмайсан. У ёғини ўзим эплайман. Кунига беш доллардан тўлайман. Ётоқ жойинг тайин. Анави мрамар столда овқатланасан. Ҳожатхона Сталиннинг бюсти орқасида жойлашган. Бир ой ишлаб, 150 долларни оласан-да, йўлингда кетаверасан. Келишдикми?

– Келишдик, – дедим чеккароқдаги Сталиннинг ҳайбатли бюстидан кўз узолмай.

– Энди анави жумракда юз-қўлингни ювиб, столга ўтир. Ҳозир набирам нонушта олиб келади.

Хўжайин зинадан юқорига чиқиб кетди. Чамамда унинг ёши етмишларга бориб қолган бўлса-да, ҳали анча бақувват эди. Қайтанга унинг олдида мен анча қаримсиқ кўринаман.

Мрамар столга ўтириб, атрофни кузата бошладим. Ертўланинг орқа тарафида эни икки метрча келадиган бир тавақали дарвозага кўзим тушди. Қизиғи, у ертўланинг сахнидан бир ярим метрча баландда ўрнатилган. Дарвозанинг тагидан ергача цементдан зина ишланган. Манави тошларни шу ердан олиб киришса керак.

Ертўланинг темир эшиги ғийқиллаб очилиб, ўн олти ёшлар атрофидаги сарик сочли қиз нонушта олиб кирди. У қўлидаги патнисни мрамар столнинг устига тартиб билан жойлаштириб, “ёқимли иштаҳа” деди-да, қайтиб чиқиб кетди.

Столдаги таомларни кўриб оғзимнинг суви оқиб кетди. Кечадан бери туз тотмаганим учун шу топда овқатни идиш-пидиши билан еб қўйишга

ҳам тайёр эдим. Косада буғи чикиб турган қайноққина бўтқа, алоҳида тақсимчага қовурилган тухум билан икки дона сосиска солинган. Ихчамгина идишларда творог, бир бўлак сариёғ ва уч-тўрт бўлак нон териб кўйилган. Чинни финжонда қора қаҳва ҳам бор. Ростини, бундай шароитда умрбод ишлашга ҳам тайёр эдим. Афсуски, хўжайин бир ой ишлайсан деб шарт қўйди.

Овқатланиб бўлишим билан хўжайин кириб келди.

– Кўявер, ўзлари йиғиштириб олади, – деди у идишларни йиғиштираётганимга кўзи тушиб. – Энди ишни бошлаймиз.

У бояғи тошлардан бирини менга кўрсатди.

– Манави жирафанинг гавдасини йўниб, шаклга келтирасан. Сенга икки кун муҳлат! Хўш, қўлингдан келадими?

– Ҳаракат қиламан.

– Бунақаси кетмайди. Анигини айт, қўлингдан келадими-йўқми?

– Удалайман! – дедим уни кўп куттирмай. – Лекин...

– Бўйни билан бошига мўлжалланган тош тушга яқин келади, – деди хўжайин ҳайронлигим боисини сезгандек.

Икковимиз икки ерда ўтириб ишга киришдик. Кеча туни билан миямни эговлаб чиққан овозга яна бир шовкин қўшилди. Эътибор билан тинглаган одамга бу овозлар “тўқ-тўқ, тақа-тўқ, тўқ-тўқ, тақа-тўқ”, тарзида эшитиларди. Лекин хўжайиннинг ҳаракатлари майинроқ. У ҳайкалнинг шаклини келтириш учун баъзан эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилар, сўнг электр ускуна билан тошни чириллатиб йўнишга тушарди. Унинг ёқимсиз овози миямни эговлай бошлайди. Хўжайин эса ўрганиб кетган, шунинг учун бепарво киёфада ишини давом эттиради.

Тушга яқин дарвоза тақиллади.

– Костя, дарвозани оч, – деди хўжайиннинг хотини.

Хўжайин бир тавақали дарвозани ланг очиб юборди. Ташқарида гуриллаб турган ихчам юк машинаси шу заҳоти орқалаб келиб, дарвозага тақалиб тўхтади.

– Олдинокка ҳайда, – деди хўжайин шофёрга. – Йўқса, ағдарганингда тошлар кузовга тақалиб қолади.

Шофёр машинани бироз олдинга олди.

— Бўлди, туширавер.

Машинадан бир ярим-икки метрча келадиган учта тош сирғалиб пастга тушди.

– Бўлди. Надя, дарвозани ёпиб, пулини бериб юбор. – Хўжайин дарвозани ёпиб, менга юзланди. – Ана, жирафанинг қолган қисмлари ҳам келди.

– Бўйни калтароқ эмасми? – дедим мен ажабланиб. – Киноларда кўрганман, уларнинг бўйни нақ уч метрча келарди.

– Нима, мен жирафанинг ҳайкалини бор бўйича ясашим керакми? Санъатни тушунасанми ўзи?

– Мен техникман.

– Бир ҳисобда тушунмаганинг ҳам яхши.

Шундан сўнг бунақа саволлар билан унинг бошини қотирмай, ўзимга буюрилган ишни индамай бажаришга одатландим. Ейиш-ичишим, ётиб-туришим кутганимдан ҳам зиёда. Ора-сира ташқарига чикиб, тоза ҳавода

сайр қиламан. Кечкурунлари денгиз тарафдан эсадиган майин шабада хузур бағишлайди.

Бу ерга келганимга роппа-роса бир ой тўлган куни эрталаб Костя билан хотини ертўлага тушиб келди.

– Ҳақини бер унга, – деди хўжайин хотинига.

Аёл чўнтагидан юз эллик доллар пул чиқариб берди.

– Ҳали иш кўп-ку деб хайрон бўлаяпсанми? Тўғри, иш етарли, бироқ менга ёрдамчи керак эмас. Шу пайтгача бирон марта ёрдамчи ёлламаган эдим. Ўша куни денгизга чўкиб ўлишдан хайикмай, Худони эслаганинг менга маъқул тушди. Мен ҳам Художўй одамман. Черковга бориб турман. Шунинг учун сенга ёрдам беришга қарор қилдим. Бунинг устига, хотининг ўлиб, қийналиб қолганинг учун раҳмим келди. Бир пайтлар ўзимнинг ҳам бошимдан шунга ўхшаш воқеалар ўтган... Энди кетишинг мумкин. Оқ йўл!

Темир эшикдан ташқарига чиқиб, денгиз соҳилидаги қадрдон бўлиб қолган ҳовлига ҳасрат билан қараб қўйдим-да, трамвай бекатига олиб борадиган йўлга тушиб олдим.

Бу пайтда Костя билан Надя қадрдон одамиани кузатаётгандек ортимдан кўз узмай қараб турарди.

* * *

Хўроз биринчи марта қичқирди.

– Арзибой оға, хангомани эртага давом эттирсак-чи, – дедим мен устма-уст эснаб.

– Яна озгина чида, иним, бир окшом минг окшом эмас-ку, – деди у. – Эрталабгача ўлиб қолсам нима қиласан? Қўркма, ҳикоям охирлаб қолди.

Шундай қилиб, беташвиш кечган бир ойлик ҳаётим ортда қолди. Энди қаерга бораман? Бир амаллаб иш топишим керак. Ана шунда оз-оздан пул йиғиб, уй сотиб олишим мумкин. Бу аҳволда бир кунмас-бир кун кўчада ўлиб қолишим ҳеч гап эмас. Қолаверса, “ётиб еганга тоғ чидамас”, дейишган. Беш-олти юз евро билан бир юз эллик доллар – Сулаймоннинг ҳазинаси эмас, ахир.

Эрталаб нонушта қилиб олганим яхши бўлди. Шаҳардаги корхоналарга бирин-кетин кириб чиқа бошладим.

– Хизмат? – дейди бошлиқ бурнининг учига қўндирилган кўзойнагининг остидан менга тикилиб.

– Иш излаб юрибман.

– Аввалги ишингиздан нега бўшадингиз?

– Ишдан бўшаганим йўқ, завод ёпилиб қолди.

– Касбингиз нима?

– Техникман.

– Қайси соҳа бўйича техниксиз – мотор тузатасизми, болт йўнасизми, умуман, қўлингиздан нима иш келади?

– Мен электр ускуналари заводида ишлаганман.

– Кечирасиз, оға, ҳозир Совет давридаги электр ускуналарга талаб кам. Биз бу иш билан шуғулланмаймиз.

Шу куни кечгача ўн тўртта жойга бош сўқдим. Лекин ҳеч биридан ёруғлик чиқмади. Охирги идорада биттаси жуда каттиқ изза қилди. Их-

чамгина хонада ўттиз беш-қирк ёшлар атрофдаги сочлари коп-кора, бурни тоғ кўчкорининг тумшугига ўхшаб туртиб чикқан серсокол йигит телефонда гаплашиб ўтирган экан. У менга кўзи тушгач, рўпарасидаги курсилардан бирига ўтиришни ишора қилди-да, телефонда анча узок гаплашди. Тишимни-тишимга босиб чидаб ўтирдим. Ниҳоят, у гўшакни жойига кўйиб, менга юзланди.

– Хўш, хизмат?

– Ташқаридаги эълон бўйича кирган эдим.

Бу ердан ўтаётиб эшик ёнида осиб кўйилган “Техник мутахассисларни юқори маош тўланадиган ишга таклиф этамиз”, деган эълонга кўзим тушган эди.

– Мўмай ойлик олгингиз келиб қолдими? – деди у кулиб.

– Ишимга яраша тўласа, менга шунинг ўзи етади.

Йигит эринчоқлик билан ўрнидан турди-да, столнинг бир чеккасида турган кутидан ингичка, узун сигарет олиб, лабига қистирди. Сигаретни ўт олдириб, бир-икки марта ичига тортди-да, атрофга оғзи-бурнидан бўркситиб тутун пуркади. Сўнг ёнимга келиб, елкамга кўлини кўйди. Унинг тўртта бармоғида жилоланиб турган олмос кўзли узукларга кўзим тушди.

– Сизни ишга олиш учун аввал тобутга буюртма бериб, қабристонга ордер олиб кўйишимга тўғри келади, – деди у елкамни ғижимлаб. – Бунақа ортикча харажатнинг менга нима кераги бор?!

Ўғлим тенги йигитнинг бундай сурбетлиги юрак-юрагимдан ўтиб кетди. Унга жавоб қайтаришга сўз тополмадим. Кўлини елкамдан силтаб ташлаб, ташқарига отилдим.

– Қари тўнка! – деб ортимдан бақиргани элас-элас қулоғимга чалинди.

Қуёш уфқка бош кўйган экан. Бугун кечкурун қаерда тунаш ҳақида ўйлай бошладим. Эй, нима бўлса бўлар, олдин қоринни тўйғазиб олишим керак. Қолаверса, озроқ ичиб олмасам, анави олифтанинг ҳақоратлари ҳаёлимдан кетмай, пар тўшақда ётганим билан ухлолмай чиқишим аниқ.

Шаҳарда хусусий кафе ва ресторанлар ёмғирдан кейинги кўзиқориндек кўпайиб кетган. Лекин ҳаммасида нарх-наво осмонда. Арзонроқ ошхона излаб бормаган ерим қолмади. Охири “Пиво бар” деган кафега кирдим. Бу ер жуда сершовқин экан, лекин чидашга тўғри келади.

Бармен олдимга келди.

– Пиводан бошқа нима бор? – сўрадим ундан.

– Ҳамма нарса! Ароқ, вино, коньяк...

– Менга етти юз эллик граммлик вино олиб кел.

– Қанакасидан?

– Фарқи йўқ, фақат кучлироғи бўлсин. Яна икки сих кабоб...

Бармен бир зумда вино билан тузланган помидор-бодринг олиб келди. Буюртма бермаган бўлсам-да, газак менга маъқул бўлди.

Катта стакандаги винони бир кўтаришда бўшатиб, шу захоти қайта тўлдирдим. Бироздан сўнг миям қизиб, кайфиятим кўтарилди. Негадир кўшиқ айтгим келиб қолди. Аста-секин “Червони руту”ни хиргойи қила бошладим. Одатда бу кўшиқни аёллар айтишарди. Бироқ мен бошқа украинча ашула билмайман.

Кўшни столда ўтирган одамлар менга ажабланиб қарай бошлади. Мен қарийб ўттиз йилдан бери шу ерда яшаётган бўлсам-да, Одессанинг об-

ҳавоси афт-ангоримни ўзгартира олмади. Ҳар қандай одам бир қарашдаёқ осийлик эканимни пайқаши мумкин.

Кўшиқни тугатишим билан нарироқдаги столда ўтирган йигитлардан бири олдимга келди.

– Мен билан юринг, сизни шеф чакираяпти, – деди у.

– Ким у шеф? Мен сенинг шефинг бошқарадиган корхонада ишламайман.

– У ҳеч қанақа корхонада бошлиқ эмас. Бормасангиз хафа бўлади.

Охирлаб қолган вино шишасини қўлимга олиб ўрнимдан турдим.

– Ташланг, керак эмас, – деди йигит.

– Нега? Ҳали тугагани йўқ-ку...

– У ерда бундан зўрлари бор.

Винони истар-истамас столда қолдириб, унга эргашдим. Шеф деганлари ёшгина йигит экан. Лекин атрофидагилар унинг оғзига қараб ўтирибди. У кулса, бошқалар ҳам қўшилиб кулади, кулгидан тўхтаса улар ҳам лаб-лунжини йиғиштиради. Қўлидаги сигаретнинг кулини тўқмоқчи бўлса, шу заҳоти кулдон тутишади.

– Бояги қўшиғингизни яна бир марта айтиб беринг, – деди шеф менга.

– “Червони руту” ними?

– Ҳа.

– Уни ўзингиз мендан яхшироқ айтасиз-ку!

– Менга сизнинг овозингиз ёқиб қолди! – деди шеф бўш келмай.

Ортиқ ноз қилишнинг ўрни эмас. Аста қўшиқ айта бошладим.

– Баландроқ! – деди шеф қўлларини юқорига кўтариб. Мен ҳам шуни кутиб тургандек овозимни баралла қўйиб юбордим. Даврадаги йигитларнинг бир нечтаси менга жўр бўлишмоқчи эди, шеф ўқрайиб уларнинг унини ўчирди. Ўзи эса қўшиқ оҳангига мослаб столни бармоғи билан чертиб ўтирди.

– Отахонга виски қуй! – деди у қўшиқни тугатишим билан йигитлардан бирига. Виски деганларини шу пайтгача факатгина киноларда кўрган эдим. Бир кўтаришда ичиб юбордим.

– Миллатинг нима? – деб сўради шеф.

– Мусулмонман.

– Мусулмон деган миллат борми?

– Ислом динига эътиқод қиладиган одамларнинг ҳаммасининг миллати бир, – деб жавоб қилдим. Бу гапни айтишга-айтдим, юрагим орқага тортиб кетди. “Мусулмон бўлсанг, Қуръондан озгина ўқиб бер-чи”, деса нима қиламан! Ҳартугул бу гап шефнинг хаёлига келмади. “Червони руту” ни ҳам такрор айттирмади. Мусулмон бўла туриб уларнинг қўшиғини айтгани ёқиб қолган бўлса керак.

Шундан сўнг ичкиликбозлик қилдик. Бир пайт икки нафар милиционер барга кириб келди.

– Йигитлар, бар ёпилади.

– Бўлди-бўлди, биз ҳозир турамиз.

Шеф мени қўлтиқлаб олди.

– Уйингиз қаерда? Элтиб қўямиз.

– Йўқ, шарт эмас. Узокроқда тураман. Мени 23-грамвайга чиқариб юборсангиз етади.

Ўзимча Костяникига қайтиб боришни мўлжал қилган эдим.

– Женя, отахонни трамвайга чиқариб қўй, – деди шеф новча йигитга.
 Бироздан сўнг трамвайга чикиб олдим. Салонда йўловчи сийрак эди. Кўп ўтмай шаҳардан ташқарига чикиб кетдик. Ҳар бекатда икки-уч киши тушиб, травмай салони деярли бўшаб қолди. Ташқарини диққат билан кузатиб кетаётган бўлсам-да, таниш посёлкага кўзим тушмади. Навбатдаги бекатда бир аёл тушди.

– Амаки, сиз қаерга борасиз? – деди паттачи ёнимга келиб.

– “Набережная” қўрғонига.

– У ердан аллақачон ўтиб кетдик-ку.

– Унда қайтишда тушиб қоламан.

– Ҳозир тушаверинг, биз гаражга кетаяпмиз. – У ҳали бекатдан узоклашиб улгурмаган аёлнинг ортидан бақирди. – Бу кишига йўлни кўрсатиб юборинг.

Аёл менинг маст эканимни билгач, қўлимдан ушлаб олди.

– “Набережная” бу ердан уч километр келади, – деди у.

– Ўзингиз қаерда яшайсиз?

– Шу атрофда. Ўн-ўн беш дақиқада уйда бўламан.

– Менга бир кунгина уйингиздан жой беролмайсизми? Эрталаб барвақт чикиб кетаман.

– Ўзимиз биттагина хонада яшаймиз. Эрим ҳозир винохўрлик қилиб ўтиргандир.

– Борсам, менга ҳам қуйиб берадимми?

– Йўқ, у ҳеч кимга қуйиб бермайди, – деди жувон кулиб. – Бўпти, сизга жой бераман. Ярим тунда қаёққа ҳам борардингиз.

Чиндан ҳам аёлнинг эри маст бўлиб, столга пешонасини тираб ўтирган экан. У бизнинг уйга кирганимизни сезиб, бошни кўтарди. Барзангининг туркини кўриб кайфим тарқаб кетгандек бўлди. “Нега менинг хотиним билан етаклашиб юрибсан?”, деб ташланиб қолмаса гўрга эди, деган хавотирли ўй кечди хаёлимдан.

– Бу ким? – деди у гулдирак овозда. Арслон ўкирганда овози томоғидан эмас, кўкрагидан чиқади дейишарди, унинг товуши ҳам худди шунақа эди.

– Бу одам квартирант, – деди жувон бепарво оҳангда.

– Уни қаерга ётқизмоқчисан?

Аёл столи айланиб ўтиб, хона ўртасидаги йиғиб қўйилган пардани туширди.

– Манави ерда ётади, – деди у эски-туски тўшак тўшалган каравотни кўрсатиб.

– Мен-чи?

– Сен йиғма каравотда ухлайсан.

– Ўзинг нима қиласан?

– Мен сенинг ёнингда, полда ётаман.

– Йўқ! Ҳозирок бу ердан туёғини шикиллатсин!

– Ҳеч қаёққа кетмайди! Қани, ҳайдаб кўр-чи! У олдиндан ижара пулини тўлаб қўйди. Манави винони шу пулга олдим. – Жувон сумкасидан бир шиша вино чиқариб, столга тўқиллатиб қўйди.

– Шуни аввалроқ айтмайсанми? – деди “арслон” дарров ювош тортиб. Сўнг шишани қўлига олиб, қопқоғини очди. – Стакан қани?

Аёл полда думалаб ётган стаканни олиб унинг олдига қўйди.

Барзанги стаканга тўлдириб вино қуйди-да, икки-уч ҳўплаб охиригача ичиб юборди. Шу заҳоти уни қайта тўлдирди. Шишанинг тубида озгина ичимлик қолди.

– Газак бер менга! – деб у кутилмаганда чалқанчасига гурсиллаб қулади. Мен чўчиб тушдим. Жувон эса ҳеч нарса бўлмагандек бепарво қиёфада ерда ўликдек чўзилиб ётган эркакни йиғма каравотга бир амаллаб ётқизди. Сўнг менга жой солиб бериб, кутилмаганда қулоғимга ши-
вирлади:

– Кейинроқ ёнингга келаман.

Қўрқиб кетдим. Палакат босиб, барзанги уйғониб қолса-чи! “Пешонамга ёзилганини кўрарман”, деб юпатдим ўзимни. У хотинидан кўрқади, шекилли. Қолаверса, шу ётишда эртага пешингача тошдек қотиб ухласа керак.

Кун бўйи ичилган вино ва вискининг таъсири сезила бошлади. Аъзойи баданим қақшаб, бошим ғувиллашга тушди. Кўзим илиниб кетибди.

Бир пайт нимадир пешонамга қарсиллаб урилиб, кўзимдан ўт чақнаб кетгандек бўлди. Ҳеч нарсага тушунолмаб карахт аҳволда кўзларимни очиб-юмдим. Бироздан сўнг сал ўзимга келдим. Барзанги бўш шишани чангалганча тепамда хезланиб турар, аёл унинг қўлларига ёпишиб олган эди.

– У менга ҳеч нарса қилгани йўқ, – дея чинқирди аёл. – Полда ухлламаганим учун ҳозиргина бу ерга ўтиб ётган эдим.

Боя унинг, “кейинроқ ёнига келаман”, деб айтган гапи эсимга тушди. Барзанги маст бўлгани билан уйда бегона эркак борлиги учун ҳушёр ётганга ўхшайди.

Эрталаб аёл тугун-терсагини қўлига тутқазиб, барзангини уйдан қувиб солди.

– Сен ҳеч қаёққа кетмайсан! – деб мени қўлимдан тутиб столга ўтқазди. – Бу аҳволда қаёққа борасан? Жароҳатингни ўзим даволайман.

У уч кун мени уйда парваришлади. Анча ўзимга келиб қолдим. Аёл ҳар гал пешонамга малҳам суртгач, эркалатиб кўзимдан ўпиб қўярди. Лекин бу гал мен ўзимни қўлга олдим. Оксананинг ўлими олдидан айтган гаплари эсимга тушиб, аёлнинг нағмаларига учмадим. Охири у ҳам умидини узди.

– Сен ҳам бу ердан қорангни ўчир! – деди у тўртинчи куни азонда. – Менга бунақа боқиманданинг кераги йўқ. Кетишиндан олдин эллик доллар ижара ҳақини тўлаб қўй!

“Шу билан қутулсам, бош-кўзимдан садақа”, деб сўраган пулини бердим-да, дарров жўнаб қолдим. У ердан узоқлашарканман, худди камоқхонадан озодликка чиққан собиқ маҳбусдек ўзимда йўқ хурсанд эдим.

* * *

– “Етти эшикка мўраласа, девонанинг ҳам бети очилади”, дейишган, иним, – деб Арзибой оға ҳикоясини давом эттирди. – Шундай қилиб, мен эрталабдан яна иш ахтаришга тушдим. Ўлмаган банда кун кўриши керак-ку. Шу шаҳарда катта-кичик беш мингдан ошиқ қорхона бор бўлса керак. Бирида бўлмаса, бошқасида менбоп юмуш чиқиб қолар деб умид қилган

эдим. Ишонасанми, иш топилмади! Кун ботганда ҳориб-чарчаб яна бир кафега кириб, бир шиша вино билан ёвғон шўрвага буюртма бердим.

Нафсим ором олгач, юзимга кон югурди. Беихтиёр бугун уйидан қувиб солган аёл эсимга тушди. Яна бир бечоранинг қарғишига қолмадиммикин деб ўйлай бошладим. Бояқиш менга ишониб, эрини уйдан қувиб солган эди. Мен эса унинг умидини пучга чиқардим. Шу топда Оксананинг қиёфаси кўз олдимдан кетмай қолди. Унинг руҳидан чўчидимми? Ўлган одамнинг нимасидан кўрқишим керак? Ахир, унинг ўзи мени ярим йўлда ташлаб кетди-ку. Буям етмагандай, ўлганидан сўнг жасадини ҳам биринчи муҳаббатига бағишлади. Демак, мен эмас, у менинг олдимда гуноҳкор! Бугуноқ ўша аёлнинг олдига қайтиб бораман. У мени хурсанд кутиб олади. Хурматимни жойига қўйиб, қўлимни совуқ сувга урдимади. Беташвиш яшайман у ерда. Бу азоблардан биратўла қутуламан.

Шу хаёлда таниш трамвайга чиқдим. “Набережная” кўрғони ёнида ўтаётганда Костяникига қайтиб борсаммикин деб ўйладим. Лекин у билан хотинининг олдида ўзимни ожиз-нотавон қилиб кўрсатишни истамадим.

Таниш бекатда трамвайдан тушиб қолдим. Озгина юрганимдан сўнг чор тарафга тармоқлаб кетган сўкмоқларга дуч келдим. Ўша куни қайси биридан юрганимни эслолмай иккиланиб туриб қолдим. Йўлдан адашганимни тушуниб, яна бекатга қайтдим-да, бошқа бир йўлга тушиб олдим. Менимча, мана шуниси эди. Ҳадемай манзилимга етиб оламан.

– Қайтишингни кўнглим сезган эди, – дейди аёл хурсандчиликдан гулгул яшнаб. – Остонада турмай тезроқ ичкарига кир.

Мабодо жувон мендан кўнгил узиб, барзанги эри билан ярашиб олган бўлса-чи! Палакат босиб, яна ичиб ўтирганининг устидан бориб қолсам, бу гал мени соғ қўймаса керак. Кутилмаганда хаёлимга келган бу ўйдан кайфиятим бузилиб, оёғим ҳам тортмай қолди.

Кўнглимдаги ваҳимани сезгандай, сўкмоқ ҳам бутунлай бошқа томонга бурилиб кетди. Бу гал ҳам адашганимни сезсам-да, барзангидан узоклашаётганимга хурсанд бўлиб юришда давом этдим. Ниҳоят, қаршимда яккам-дуккам чироқлар кўрина бошлади. Демак, кўрғоннинг бошқа тарафидан чиқибман. Биронта хонадоннинг эшигини қоқиб, бир оқшом ижарага жой сўрайман. Мен берадиган ўн-ўн беш доллар ҳеч кимнинг ичини оғритмаса керак.

Шу пайт уйларнинг биридан гўдак йиғиси эшитилди. Дарров ўша ёкка қараб юрдим. Бу мен учун яхши баҳона бўлиши мумкин. Йиғлаётган болани юпатиб, уни уйига олиб бораман. Ота-онаси бу ишимдан хурсанд бўлиши тайин. Мен эса уларга мақсадимни айтаман. Омадим чопса, бугунча уларникида худойи кўноқ бўлишим ҳам мумкин.

Одмигина уйнинг остонасида етти-саккиз ёшлар атрофидаги болакай йиғлаб ўтирарди. Эгнида калта иштондан бошқа кийими йўқ, аёвсиз чақаётган чивинлардан ўзини ҳимоя қилиш илинжида ҳадеб қўллари билан ялонғоч баданига шапатайлади. Денгиз бўйида чивинлар жуда йирик бўлади. Курғурлар баданинга нишини ботирганида нақ ари чакқандай азоб тортасан. Бола бечоранинг аъзойи бадани қонталаш бўлиб кетибди. Шу заҳоти эгнимдаги камзулимни ечиб, унинг устига ёпдим. У йиғидан тийилиб, ёш тўла кўзлари билан менга қаради.

– Нега йиғлаяпсан? – дедим унинг ёнига ўтириб. У жавоб беришга улгурмай, орқамиздаги эшик шарақлаб очилди-да, ичкаридан ўрта ёшлардаги бир аёл отилиб чиқди.

– Сиз кимсиз? – деди у ўғлининг эгнидан камзулимни юлқиб олиб.

– Ҳеч ким! – дедим кутилмаган ҳолдан доврираб. Аёл камзулни олдимга ташлади-да, болани уйга судраклаб олиб кириб кетди. Эшик қарсиллаб ёпилди. Мен эса шу заҳоти эшикни қайтадан очдим.

– Сизга нима керак? – деди болани етаклаб кетаётган аёл менга хавотир билан тикилиб.

– Кечирасиз, озгина сув беролмайсизми?

– Шу ерда туринг.

Аёл ошхонадан кичкина қалай идишда сув олиб чиқди. Мен сувни майда хўплаб ича бошладим.

– Кўринишингиздан чанқаган одамга ўхшамайсиз, – деди у аччиқланиб. – Мақсадингиз нима ўзи? Тўғрисини айтинг, йўқса ҳозироқ милиция чақираман!

– Тўғрисини айтсам, хоним, уч кундан бери кўчада тунаб юрибман.

Кутилмаганда тилимга кўчган ёлғондан ўзим ҳам ажабландим.

– Кўнглимда ҳеч қандай ёмон ниятим йўқ. Бир окшом жой берсангиз, айтган пулингизни тўлайман.

Аёл менга бошдан-оёқ синчков қараб чиқди.

– Қаёқдан келаяпсиз?

– Одессаликман.

– Одессалик?! Унда нега кўчада тунаб юрибсиз?

– Уйим сотилиб кетган.

– Хотинингиз билан болаларингиз борми?

– Хотиним мени ташлаб кетди.

– Ҳим! – деди аёл ўйчан қиёфада – Кейинги пайтларда дунёда бевафолар кўпайиб кетаяпти... Бир окшомга ўттиз доллар берасиз!

– Розиман.

Рози бўлмай иложим қанча? Бу ердан кетсам, бошқа биронтаси менга эшигини очадим-йўкми, Худо билади.

– Бу ёққа киринг, – деб у ошхонанинг эшигини очди-да, ўзи бошқа хонага кириб кетди.

Ошхонада бир стол ва уч курси қўйилган. Столнинг усти бўм-бўш, кечки овқат еб бўлиниб, дастурхон йиғиштирилган.

Курсилардан бирига омонат ўтирдим.

– Пулни олдиндан берасиз, – деди аёл ошхонага кириб. Чўнтагимдан ўттиз доллар чиқариб унга узатдим.

– Қаҳва ичасизми? – деди у пул кўлига текканидан сўнг чиройи очилиб. – Овқатга кеч қолдингиз.

– Майли, озгина нон ҳам топилмайдими?

– Бутерброд тайёрлаб бераман.

Аёл иккита финжонга қаҳва ва бутерброд тайёрлади-да, қаршимда ўтирди. У анча мулоийм тортиб қолган эди.

– Ўғлингизни нега кўчада қолдирдингиз? – сўрадим ундан.

– Қилмишига яраша жазоладим.

– Нима гуноҳ қилди?

– Биллур вазани синдирди.



Тилимга бошқа гап келмади. Аксига олиб, финжондаги қахва ҳам тугаб бораяпти. Уни ичиб бўлишим билан аёл, “энди жойингизга бориб ётинг”, деб гапни қисқа қилиши мумкин. Имкон борида фойдаланиб қолишим керак. Кўринишидан ёлғиз аёлга ўхшайди. Омадим чопса, кўнглига йўл топишим ҳам мумкин. Тезроқ ҳаракат қилишим керак.

– Хўжайинингиз кўринмайди, кечки сменада ишлайдими? – дедим ўсмоқчилаб.

– Йўқ. У ҳам сенинг хотинингга ўхшаб мени ташлаб кетган.

– Қисматимиз ўхшаш экан. Лекин менинг хотиним ўз ихтиёри билан ташлаб кетмади.

– Нима, ўзинг уни мажбур қилдингми?

– Йўқ, у Худога керак бўлди.

– Унда нега ташлаб кетди дейсан?

– Мени ярим йўлда қолдириб кетгани рост-ку. Сизники-чи, ҳаётми?

– Тўғриси, у ҳам уйдан ўз хоҳиши билан кетгани йўқ, ўзим ҳайдаб юбордим. Чунки у менга хиёнат қилди.

– Нега сиз ҳам “ташлаб кетди”, деяпсиз?

– Қувиб юбордим десам, эркак кишининг обрўси тўкилади. Куриб кетсин, бевафо бўлгани билан ўғлимнинг отаси-ку! Эри ташлаб кетган аёллар истаганча топилади. Бунинг учун ҳеч ким мени маломат қилмайди.

– Диёнагли аёл экансиз... Эрингизнинг хиёнат қилганини қандай билдингиз?

Шу пайт бир вақтлар Бибисоранинг мени хиёнат устида қўлга туширгани ва Оксананинг уни чақиртиргани ёдимга тушди.

– Мен шифокорман, поликлиникада ишлайман. Бир куни Ира деган ўн уч яшар қиз қабулимга келди. Тиббиёт картасига қарасам, у эримнинг фамилиясида!

– Даданг уйдами? – деб сўрадим ундан сир бой бермай.

– Йўқ, у киши ўзининг уйида яшайди, – деди қизалоқ.

– Нима, даданг сиз билан бирга турмайдими?

– У кишининг бошқа хотини бор. Бизникига кундузи келиб кетади.

Бир зумда эримнинг кирдикорларини билиб олдим. Кечкурун ҳаммасини ўзига айтиб бердим. У кўзларини ерга тикиб, гапларимни чўрк этмай ўтирди. Жомадондаги никоҳ қоғозимизни майдалаб йиртдимда, башарасига отдим.

– Ҳозироқ бу ердан йўқол! – дедим алам билан. У бир менга жавдираб қараб турди-да, индамасдан кийимларини йиғиштирди. Мана, бир ярим йилдан бери ёлғиз яшаяпман.

“Бераман деса қулига, чиқариб қўяр йўлига”, дейишган. Кутмаган жойимда яна бир бева аёлга дуч келиб ўтирибман. Бу имкониятни қўлдан чиқармаслигим керак.

– Хоним, уйингизда бир шиша вино топилмайдими? Пулини тўлайман, – дедим унга.

– Қўйинг, кеч бўлди, – аёл жиддий тортиб, қахвадан бўшаган финжонларни йиғиштира бошлади. – Жойингизни солиб қўйганман, энди бориб ётинг.

Қарама-қарши ўйлар таъсирида кечаси бурга талагандай у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб, тузук-куруқ ухлолмадим. Аста бориб, аёлнинг тўшагига кирмоқчи ҳам бўлдим. Лекин унинг бояги жиддий қиёфаси кўз ўнгимга

келиб, бунга журъат қилолмадим. Унинг ғазабига дучор бўлиб, ярим тунда кўчага қувилишдан чўчидим.

Эрталаб аёл билан бирга нонушта қилдик.

– Менинг борадиган жойим йўқ, – деб гап бошлаган эдим, у гапимни бўлди:

– Нимага шама қилаётганингизни сезиб турибман. Мен ортиқ ҳеч бир эркак зотининг гапига ишонмайман. Қўй оғзидан чўп олмаган эрим шунчаликка боргач, бошқалардан нимани кутаман! Мени тинч қўйинг, бу ерга бошқа келманг!

Шундай қилиб, у ердан ҳам ноумид чиқдим.

– Арзибой оға, ўзингиз ҳам жуда хотинбоз одам бўлган экансиз-да, – дедим мен кулиб.

У юзимга безрайиб қаради.

– Тушунмадим?

– Ахир, хотинингиз ўлганидан бери унинг қирқи ҳам, юз маросими ҳам ўтгани йўқ, йили ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Сиз эса бу ёқда бошқа аёлларга кўз тикиб юрибсиз!

– Эй, иним-ей, у томонларда бунақа одат йўқ. Бунинг устига, маърака-маросим ҳам чоғи келган одамга ярашади. Оксананинг йили ўтишини кутаман деб кишининг аёзида кўчада музлаб ўлишим керакмиди? Ҳалиям бахтимга ўша пайтлар ёз ойлари эди...

– Нега овулга қайта қолмадингиз?

– Қайтганда қаерга бораман?! Укам ҳовли-жойни сотиб, Устюртга кўчиб кетаман деган эди. Овулда мени таниган-билган одамларни аллақачон Худо ўзининг даргоҳига чақириб олган бўлса керак. Хуллас, бутунлай элдан чиқиб кетган бир шўртумшукман! Хуллас, ўлигим Одессага қолишига рози бўлишдан бошқа чорам йўқ эди... Хўш, қолган жойидан давом этаверайми?

– Давом этаверинг.

Бундан бу ёғига кўчада тунашга қарор қилдим. Ахир, дуч келган жойга ўттиз-қирқ доллар сочиб кетаверадиган бойваччаманми мен?! Ҳалиям хайкалатарош берган юз эллик доллар кунимга яраб турибди. Бу аҳволда эрта-индин бутунлай кафангадо бўлишим тайин.

Лекин кўчада яшашнинг ҳам ўзига яраша машаққати бор экан. Сен ё бўкиб ичиб дуч келган жойда чўзилиб қолишинг керак ёки ўзингга биронта хилватроқ жой топишинг керак. Биринчи йўлни танлашга кўрқдим, кўздан пана жой эса анқонинг уруғи экан. Ўйлаб-ўйлаб охири хиёбонга бордим. Яхши томони, у ер ярим окшомгача одамлар билан гавжум бўлади. Йўлакларида чироқ ёниб туради. Сайр қилиб юрган ёш-ялангни кузатиб ўтириб, сен ҳам навқирон пайтларингни эслашинг мумкин. Асоийси, вақт ўтади.

Хиёбоннинг чекқароғида эски бир ўриндиқни топиб, жойлашдим. Бу ерга унча ёруғлик тушмас экан. Менга ҳам шуниси маъқул. Алламаҳалгача ўтган-кетганни кузатиб ўтирдим. Ниҳоят, боғда одам сийраклаша бошлади. Энди бемалол ёнбошласам ҳам бўлади. Ёғоч ўриндиқ баданимга ботиб кетаётган бўлса-да, чидашга мажбурман. Ҳеч ким менга пар тўшак ҳозирлаб қўйгани йўқ. Ишқилиб, боғнинг қоровули пайкаб қолиб қувиб юбормаса яхши эди, деган ўйдан хавотирдаман.

Эндигина кўзим илинганида кимдир турткилай бошлади. Сапчиб ўрнимдан турдим.

– Тезроқ бу ерда қорангни ўчир! Милиция келиб қолса, кунингни кўрасан, – деди қаршимда ғўддайиб турган нотаниш одам.

– Милиция мени бошига урадимиз? – дедим бўш келмай.

– Олиб бориб, қамайди! – деб у ёнидаги шеригига қараб кулди.

– Қамаса-қамар. Барибир борадиган жойим йўқ.

Улар бир-бирига маъноли қараб олди.

– Дайдимисан?

Кутилмаган саволга нима деб жавоб беришни билмай довдираб қолдим.

– Уйинг йўқми?

– Йўқ.

– Демак, дайдисан!

– Нима дейсан, ўзимиз билан олиб кетамизми? – деди боя мени турткилаган кимса шеригига.

– Қайдам, ишга ярармикин?

– Эртага цемент келади, тушириб олиш учун одам керак. – У менга кўлини тутди. – Қани, кўлингни узат-чи.

Итоаткорлик билан унинг амрини бажардим.

– Қўлимни сиқ!

– Нега?

– Айтганимни қил!

Кўрка-писа унинг кўлини сиқдим.

– Қаттиқроқ, – дея хитоб қилди у. Жон-жаҳдим билан кўлини сиқдим.

– Ҳай-ҳай, бўлди-бўлди! – Нотаниш одам кўлини чангалимдан тортиб олди. – Ёмон эмас, кучи бор... Биз билан кетасанми?

– Қаёқка?

– Сенга ётишга жой топиб берамиз. Эртага биз билан ишга чиқасан.

– Хизмат ҳақи нима бўлади?

– У ёғидан ғам ема.

Оёқ остидан чиққан имкониятни кўлдан беришни истамадим. Индамай уларнинг ордидан эргашдим. Боғдан чиқиб, кингир-қийшиқ кўчалар бўйлаб бироз юргач, тўққиз қаватли уйлардан иборат кварталга келдик.

– Вася, қара-чи, атрофда одам йўқмикин? – деди бояги одам мени кўли билан орқага суриб шеригига. Вася тўққиз қаватли уйнинг бурчагидан мўралади.

– Йўлакнинг рўпарасида икки киши гаплашиб турибди.

– Кетишини кутамиз. – У менга юзланди. – Исмим Женья. Бу эса Василий – менинг ўринбосарим. Юқорида Костя деган лўли шеригимиз ҳам бор. У овқат тайёрлаб қўйган бўлса керак. Димоғингга овқатнинг ҳиди келмаяптими? – У тағин кулди. – Сенинг исминг нима?

– Алик.

– Яхши. Бироздан сўнг ҳушёрлик билан ўнинчи қаватга кўтариламиз. Оёғингни тапиллатмайсан, йўталмайсан.

– Ўнинчи қават йўқ-ку, – дедим ҳайрон бўлиб.

– Кетишди, – деди шу пайт Вася бурчакдан мўралаб. Женья саволими жавобсиз қолдириб шу заҳоти олдинга юрди. Учовимиз мушук юриш билан зинадан тўққизинчи қаватга кўтарилдик. У ерда чордоққа олиб чиқадиган темир нарвон бор экан. Женья нарвондан кўтарилиб, эшикни уч

марта чертди. Бироздан кейин эшик очилиб, эгнига қизил кўйлак кийган жингалаксоч йигит бизни ичкарига киритди.

Женя айтган ўнинчи қават шу ер экан. Чордоқда тизза бўйи керамзит шағал тўшалган. Шифтдан сон-саноксиз қувурлар ўтган. Узун чордоқнинг ўртаси шағалдан тозаланиб, бир одам сиккудай йўлак очилган. Йўлак орқали тепасида хира чироқ ёниб турган жойга келдик. У ерда учта йиғма каравот бир-бирига маташтириб қўйилган. Ўртадаги иккита ёғоч қутининг устида уч-тўрт стакан, ярми кесилган бир буханка нон турибди.

– Костя, нима тайёрладинг? – деди Женя юқоридаги каравотга ўтириб.

– Ши, – деди лўли йигит.

– Яхши. Бошқа нон йўкми?

– Бор.

– Бор бўлса, дастурхонга қўй. – Женя менга ёнидан жой кўрсатиб, изох берди. – Бу бизнинг уйимиз. Унчалик шоҳона эмас, лекин чидаса бўлади. Бугундан бошлаб сен ҳам оиламиз аъзосисан.

Мен унсиз бош ирғадим.

– Эсингда бўлсин, бизнинг чордоққа кириб-чиққанимизни ҳеч ким сезмаслиги керак. Акс ҳолда, сенга ўхшаб кўчада қоламиз, – деди Вася менга.

– Аввалги ертўламиз зўр эди, – деб Костя оппоқ тишларини кўрсатиб тиржайди. – У ерда каравотларимиз ҳам яп-янги эди.

– Зарари йўқ. Бу ёғига хушёрроқ бўламиз. Азонда одамлар уйғонмасдан бурун чиқиб кетишимиз керак. Шахар ташқарисида бир бойвачча каттакон дўкон қурапти. Вася икковимиз ўша ерда ишлаймиз. Эртадан сен ҳам сафимизга қўшилсан. Соат саккизда цемент ортилган иккита машина келади. Шунини тушириб, халталаймиз. Иш оғир экан деб ташлаб кетмайсанми, ишқилиб?

– Йўқ, нима иш бўлса ҳам қилавераман.

– Лекин цемент тушираётганда эҳтиёт бўлишинг керак. Йўкса, чанги ичингга кириб, ўпкангни бетонлаб қўяди!

– Кейин ўша бетонни ҳеч қандай дори-дармон билан даф қилолмайсан.

– Асфаласофилинга жўнаб қоласан, ҳа-ҳа-ҳа!

Женя билан Вася қиладиган ишимизни обдон тушунтириб, ҳар қандай қийинчиликдан қочмаслигим кераклигини қайта-қайта уқтирди. Мен хўп дейишдан нарига ўтмадим.

– Хўш, бугунги даромад қандай бўлди? – сўради Женя овқатланиб бўлганимиздан сўнг Костядан.

Костя истар-истамас ўрнидан турди-да, қувурлардан бирига осиб қўйилган шимининг киссасидан бир сиким гривень¹ олиб, унга узатди.

– Бу ёққа кел! – деди Женя ўрнидан бироз четга силжиб. Негадир Костя бесаранжом бўлиб қолди. Унинг қаватига омонатгина ўтирди. Женя бир зумда пулни санаб бўлди.

– Бор-йўғи шуми?

– Одамлар мени ҳар куни кўравериб таниб қолган, – деди Костя зорланиб. – Садақа бериш ўрнига, “Кеча берган пулларимизни нима қилдинг?” деб мазах қилишяпти...

¹ Гривень – Украина пул бирлиги

Мехмонга ўхшаб қўл ковуштириб ўтиришни ўзимга эп кўрмай дастурхонни йиғиштираётган эдим, нимадир гурсиллаб ерга қулади. Қарасам, ҳозиргина Женянинг ёнида ўтирган Костя каравотнинг орқа тарафида шағалнинг устида чўзилиб ётибди.

– Тур ўрнингдан, лаънати! – дея сўкинди Женя. – Эртага ўрнини тўлдирмасанг, манави қувурлардан бирини қирқиб олиб, нақ қорнингга тикиб қўяман.

Костя бурнидан оқаётган қонни қўли билан артганча ўрнидан турди.

– Бориб, юз-қўлингни ювиб кел! – буйруқ берди Вася унга. Демак, бу “оила”да Женя хўжайин, Вася иккинчи одам, деб ўйладим ўзимча. Эртдан бошлаб мен ҳам Костянинг сафига қўшиламан. Кейин икки бошлик, икки хизматкор бўламиз.

Менга Костянинг каравоти ёнидан жой тайёрлашди. Эски-туски кийимларимни ўзимга тўшак, камзулимни ёстиқ қилдим. Бегона жойга кўниколмай, анча вақтгача уйқум келмади. Бунинг устига, пулни тежайман деб кечки пайт бор-йўғи икки дона бўғирсоқ еган эдим. Костянинг уч кишига мўлжаллаб тайёрлаган овқатидан менга бир чўмичгина улуш тегди. Шунга уч-тўрт бўлак нонни ботириб еб олдим, лекин қорним тўймади.

Алламаҳалда шитирлаган овоздан уйғониб кетдим. Каравотида шимининг тиззасини ямаб ўтирган Костяга кўзим тушди.

– Нима қилаяпсан? – сўрадим ундан.

– Секинроқ гапир! – деди Костя шивирлаб. – Женя уйғониб қолиши мумкин... Шимимга дермантиндан тиззалик тикаяпман.

– Нега?

– Эртага бозорда тиззалаб юриб садақа сўрамоқчиман. Дермантиннинг ичига патак солиб тикаяпман. Шундай қилсам, тиззам яра бўлмайди. Одамлар, “бечоранинг оёқлари шол экан”, деб кўпроқ садақа беришади. Шу йўл билан бугунги қарзимни узмоқчиман.

Мана сенга тирикчилик! Бошимда бошпана, чўнтагимда ақча бор пайтларда бунақа дайдиларнинг қандай кун кўриши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эдим. Ўзим ҳам уларнинг сафига қўшилганимдан сўнг ҳаётнинг мен билмайдиган бешафқат қонунлари ҳам борлигига иқрор бўлдим.

Эрталаб ҳаммамиз барвақт ишга чиқиб кетдик. Биз шаҳар ташқарисида қурилаётган савдо марказига, Костя эса раҳмдил одамлардан хайр-садақа ундиришга...

Шу куни кечгача машинадан цемент тушириш ва уни халталарга жойлаш билан банд бўлдик. Хўжайин топиб берган икки дона ниқоб шерикларимдан ортмади. Шунинг учун камзулимнинг ёқаси билан оғзимни тўсиб ишлашга ҳаракат қилдим. Лекин бу жуда қийин эди, бот-бот бўғзимга цементнинг чанги кириб, йўтал тутиб қолади.

– Бугунча чидаб тур, Алик, цемент ҳар куни келвермайди, эртдан пойдевор қуямиз, – дея тасалли беради Женя. Унинг мен учун қайғураётганидан кўнглим кўтарилади.

Тирикчилигимиз шу тахлит ўтаверди. Одамлар ухлаганда чордоқдаги ётоғимизга кириб олиб, хўроз қичқирмасдан чиқиб кетишга ўрганиб қолдим. Костянинг ҳам ишлари юришиб кетди, ҳар куни мўмай пул олиб келиб, Женядан мақтов эшитади.

Бир куни тонг азонда Вася бизни ваҳима билан уйғотди.

– Туринглар тезроқ! Костя ўлиб қолибди!

Бу гапни эшитиб юрагим музлаб кетди. Мен билан ёнма-ён ётган Костя аллақачон жон бериб, танаси тарашадек қотиб қолган эди.

– Энди нима қиламиз? – деди ранги докадек оқариб кетган Вася. Женя кўзларини укалаганча бироз ўйга чўмиб ўтирди.

– Нарирокқа олиб бориб, шағалга кўмиб кўямиз, – деди сўнг.

– Сасиб кетса-чи? – дедим мен.

– Нима, сенингча тобут буюртириб, қабристонга ордер олишимиз керакми! – Женянинг чакчайган нигоҳига дуч келиб нафасим ичимга тушиб кетди. Шу пайтгача дайдиларнинг ўлик кўмишидан беҳабар эдим. Шундан сўнг учовимиз Костяни чордоққа дафн қилдик. Бу ишни шовқинсиз бажаришимиз осон бўлмади. Шағал шитирлаб шовқин чиқармаслиги учун эҳтиёткорлик билан ҳовучлаб олиб, жасаднинг устига ёйиб чиқдик. Бироздан сўнг жасад кўздан ғойиб бўлди. Кечкурун ўзимни худди қабристонга кириб келаётгандек ҳис қилдим. Бироқ шерикларим бепарво эди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, чордоқни бадбўй хид тутиб кетди.

– Бу ердан кетмасак бўлмайди, – деди Женя. – Ҳадемай хид пастга уради. Одамлар билиб қолса, биз қотилга айланамиз.

– Қаёққа борамиз? – дедим мен хавотирланиб.

– Қўявер, ўзим бир иложини топаман.

Эртаси кун Женя савдо марказининг хўжайини билан гаплашиб, ўша ердаги ёғоч кулбанинг калитини олди. Бурунги уйимизга қайтиб бормадик. Йиғма каравотлар ҳам, идиш-товоқлар ҳам сабил қолди. Анча вақтгача ўзимча бармоқ изларимизни олиб, бизни топиб келишмасмикин деган ўйда кўрқиб юрдим. Ҳарқалай, ҳеч ким бизни излаб келмади...

Хуллас, иним, бошингни оғритиб нима қиламан, ўн уч йилгача Женя билан Васяга эргашиб гоҳ чордоқда, гоҳ ертўлада, яна аллақандай гадой-топмас пучмоқларда яшаб юрдим. Каттароқ қурилиш майдонларидаги кулбаларда яшашимиз ўнғайроқ эди. Чунки у ерда ҳеч кимнинг биз билан иши йўқ. Хўжайинлар ҳам сувтекинга ишлайдиган чорикор топганидан хурсанд. Лекин орада чет элга кўчиб кетган бир жухуднинг квартирасини ижарага олиб, бир йил маза қилиб яшадик. Кўрмаганнинг кўргани курсин. Ўзимиздан кетиб қолиб, у ерда ҳар хил бемазагарчиликларга ҳам қўл урдик. Охири кўшнилари безор бўлиб, бизни у ердан қувиб чиқаришди. Яна кунимиз қурилишдаги кулбаларга қолди.

Женя бақувват одам бўлса-да, ўлгудай дангаса эди. У хўжайинлар келганида ўзини ишлаётгандек кўрсатади. Бошқа пайтда енгилнинг остидан, оғирнинг устидан юради. Саксон-тўқсон кило қоришма сиғадиган темир замбилимиз бор эди.

– Тўлдириб сол, – дейди Женя тепамда туриб олиб. – Хўжайин бизнинг қанчалик жон куйдириб ишлаётганимизни кўриб қўйсин!

Оғирликнинг кўпи менинг елкамга тушишини билсам-да, айтганини қилишга мажбурман. Чунки замбилнинг бир тарафини мен кўтарсам, иккинчи тарафини Женя билан Вася кўтаради. Бунинг устига, мен олдинда юраман. Юкнинг салмоғидан қўлларим узилиб тушай дейди, лекин чидашга мажбурман.

Иккаласи вақти-вақти билан тамаки чекиш баҳонасида бироз дам олишади. Мен эса бу пайтда ўлиб-тирилиб қоришма тайёрлайман. Женя тепамда тамакисини бўрқситиб, ҳаракатларимни синчковлик билан кузата-

ди. Қилдан қийик ахтариб конимга ташна қилади. Бир оғиз гап қайтарсам баттар авжланади:

– Ҳой, тўнка, кўчада хор бўлиб юрган кунларинг эсингдан чиқдими? Биз бўлмаганимизда аллақачон ўлигинг қурт-кумурскаларга ем бўларди.

Шунга ҳам қаноат қилмай, баъзан аёвсиз тепкилаб қолади.

Кўлимдан нияям келарди! Шунча камситишлардан кейин ҳам бу дунёда тирик юрганга шукр қиламан. Бизнинг ҳеч қандай мақсадимиз йўқ. Оила, фарзанд деган нарсалар аллақачон ёдимиздан кўтарилган. Қорнимиз тўйиб, кунимиз ўтиб турса, шунисига хурсанд бўламиз.

Хўжайинлар ҳам ҳеч қачон вақтида ҳисоб-китоб қилмайди. Ҳақимизни бир ой-ярим ой кечиктириб, ярим-ёрти қилиб беради. Пулимизни Жения тортиб олади. Чунки у бизнинг хазинабонимиз. У пулимизни тежаб-тергаб сарфлайди. Ойлик олган кунимиз кечқурун камтаргина базми-жамшид уюштирамиз. Бундай пайтларда Жения, “икковинг ҳам менинг орқамдан тирикчилик қилаяпсизлар, керак бўлса оёғимни ўпишингиз керак”, деб миннат қилади. Биз индамай гапларини маъқуллаб ўтирамиз.

Жения анча ҳасис ва тежамкор. Шунинг учун баъзан бир-икки ой ишсиз қолсак ҳам оч қолмаймиз. Пулимиз кўпайган пайтларда унинг саҳийлиги тутиб кетади. “Шунча пулни гўримизга орқалаб кетармидик, бир маишат қилайлик”, деб Вася икковимизни дўконга жўнатади.

Бу дунёда жинни билан дайдилар касал бўлмайди. Буям Худонинг уларга меҳрибончилиги бўлса керак-да. Ахир, жинни оғриси ким уни дўхтирга олиб боради, дайди ётиб қолса, қайси пулига дори-дармон олади? Лекин мен бир марта қаттиқ касал бўлдим. Ўшанда кишининг қаҳратонли кунлари эди. Курилиш майдонидаги кулбада яшардик. Иситманинг зўридан шерикларимни ҳам танимай қолдим. Жуда кўрқдим. Касалликдан эмас, Жениядан! Шунақа чўзилиб ётаверсам, у мени биронта ўнқир-чуқурга тириклай кўмиб юбориши ҳеч гап эмас.

Хуллас, аъзойи баданим ўт бўлиб ёнади. Оғриқдан тинимсиз инграйман. Жения билан Вася ғазаб билан пўписа қилади:

– Овозингни ўчирмасанг ташқарига чиқариб ташлаймиз.

Тишимни-тишимга босиб зўрға чидайман. Кўзим илинса, Костянинг жасади шағал уюмидан бошини чиқариб, “Ёнимга кела қол, икковимиз бирга ётамиз, бу ер иссиққина экан”, деб чакиради. Чўчиб уйғонаман.

– Бизга касал одамнинг кераги йўқ, жонингдан умидинг бўлса тезроқ ҳаракатингни қил! – деди бир куни Вася.

Мен кундан-кунга орқага кета бошладим. Алаҳлаб чиқадиган одат чиқардим. Бир куни ҳуш-беҳуш ётганимда уларнинг ўзаро гапини эшитиб қолдим.

– Буни нима қиламиз? – деди Вася.

– Ундан қутулишнинг йўлини топишимиз керак. Лекин ҳозир ер музлаб ётибди, чуқур қовлаш ҳам осон эмас.

– Хўжайин шеригингиз қаерда деб сўраб қолса нима деймиз? – деди Вася иккиланиб.

– Танишлари келиб олиб кетди деймиз, – деди Жения лоқайдлик билан. – Шу билан у ҳамманинг эсидан чиқади.

Кўрқиб кетдим. Минг хор-зор бўлиб яшаганинг билан жон қурғур ширин экан. Э, Худо, касалдан туриб, ҳечқурса қариялар уйига етиб олишимга мадад бер, деб нола қилдим ичимда. Сўнг яна иссиғим чиқиб, алаҳлай

бошладим. Яратган додимни эшитдим, ишқилиб, эрталаб уйғонганимда аъзойи баданим сув бўлиб терлаган экан. Тер қотгандан кейин кўзим ярқ этиб очилгандай бўлди.

– Зўрсан-ку! – деди Женья менга синовчан тикилиб. – Туриб кийимларингни алмаштир, ҳамма ёққа тер сасиб кетди.

Эски-туски кийимларимни топиб кийиб, уларнинг ёнига бориб ўтирдим.

– Ишга чиқа оласанми? – сўради Вася.

– Бугунча ҳам унга индама, сал ўзига келиб олсин, – деди Женья ғамхўрлик билан. – Эртадан икки ҳисса ишлаб, қарзини узади. Бунга бюллетень тўлайдиган профсоюз йўқ бу ерда!

Дармонга кириб улгурмасдан яна ишга тушиб кетдим. Оёғимни зўрға судраганча юқорига ҳали қоришма, ҳали ғишт ташийман. Лекин касал ётганимда кўзим мошдай очилди. Костяга ўхшаб ўлигим кўчада қолиб кетмаслиги учун тезроқ юртга қайтишим керак, деган қарорга келдим.

Ишга ярамай қолсам ҳеч кимга керак эмасман. Шундоғам аҳволим чаток. Узоқ йиллик оғир меҳнат, ўпкамга ўрнашиб қолган цементнинг чанги ўз кучини кўрсата бошлаган. Кечқурунлари тинимсиз йўтал тутиб, азоб тортиб чиқаман.

Женьянинг кайфияти чоғ пайтида унга ялиндим:

– Женья, дўстим, менга бир яхшилик қил. Аҳволимни кўриб турибсан, мен узоққа бормайман. Иложи бўлса, ўзимнинг юртимга бориб ўлсам дегандим.

– Сенинг юртинг шу ер эмасми? – деди у ажабланиб.

– Йўқ, мен бир пайтлар узоқдаги Орол бўйларидан келиб қолганман.

– У ерга қандай килиб кетасан?

– Озгина пул берсанг... Бу яхшилигингни ўла-ўлгунча унутмайман.

– Кетсанг, йўлда ўлиб қоласан-ку, – деб у захарханда кулди. – Бўпти, баҳор келсин-чи, бир гап бўлар.

Худо инсоф бердим, ишқилиб, хотин-қизлар байрами куни иккаласи мени аэропортда Москвага кузатиб қўйишди. Аввалги “Ту-104”нинг ўрнига “Боинг” деган самолётлар чиқибди, ўшанда учдим.

Москвадан бу ёғига поездда келдим. Мана, энди ўзимнинг туғилиб ўсган уйимни топа олмай бу ерда ҳам сарсон бўлиб юрибман.

Сенга айтган гапларимнинг ҳаммаси омонат, иним. Мабодо Алпомиш деган йигитга дуч келсанг ёки Қанатбай инимни учратсанг, уларга менинг қайтиб келганимни айтиб қўй. Ўлигимни топса-топар, топмаса ҳақимга дуо килиб қўйсин. Узоқ яшамаслигимни билсам-да, бу ёғига кўнглим тўқ. Кўча-кўйда ўлиб қолсам ҳам ўз элимнинг тупроғига аралашаман.

Аслида мен ўтган умримдан норози эмасман. Бегона жойларда бўлса ҳам чорак аср севган аёлим билан тотув яшадим. Бахтсизлигим шундаки – бугун ўз элимга бегонаман. Қирқ йил ватангадо бўлиб яшадим. Энди жасадимни қабрга ўз фарзандим, Алпомишим кўйиб, устимдан бир чангал тупроқ сочса, онаси қабримнинг бошида ақалли бир мартагина кўз ёши тўкса, руҳим беҳиштга тушгандек армоним қолмас эди. Лекин буларнинг ҳаммаси хомхаёл...

– Ноумид бўлманг, оға! – деб унга тасалли бердим. Арзибой оғанинг ҳикоясидан қаттиқ мутаассир бўлган эдим. Унга ич-ичимдан ачиниб кетдим.

Қўноғимиз тонгга яқин ётган бўлса-да, кун ёришмасдан ўрнидан турди. Ёстиққа боши теккандан сўнг ухладими-йўқми, билолмадим.

– Арзибой оға, ваннага кириб ювиниб олинг, – дедим эрталаб.

– Нокулай бўлмасмикин? – деди у иккиланиб.

– Нокулай жойи йўқ. Сиз яхшилаб ювининг, кейин мен соч-соқолингизни текислаб кўяман.

Арзибой оғанинг соч-соқолини олаётганимда келин дастурхон ёзди.

– Маъракалардан келган янги сарполар қаерда? – сўрадим хотинимдан.

– Тахмонда турибди.

– Орасида бир-иккита костюм-шим ҳам бўлиши керак, шуларни олиб чик.

Хотиним сабабини сўрамоқчи бўлди-ю, ваннадан чикиб келаётган Арзибой оғага кўзи тушиб, индамай ортига бурилиб кетди.

Бироздан сўнг келин уч-тўртта янги костюм-шимни олиб чиқди.

– Арзибой оға, бу ёққа юринг-чи.

Мен уни нариги хонага бошлаб чиқдим.

– Мана шу костюмларнинг қайси бири боп келса, кийиб олинг.

– Иним, сенга берадиган пулим йўқ, – деди у ялтоқланиб.

– Пулингиз керак эмас, бемалол кияверинг.

У тортина-тортина костюмлардан бирини кўлига олди. Кийим бўйбастига жуда муносиб келди.

– Қалингина, бежирим костюм экан, – деди у жилмайиб.

Нонуштадан сўнг яқинларини топишида омад тилаб уни кузатиб кўйдим.

– Истаган пайтингизда бу ерда келаверинг, сиз учун эшигимиз доимо очик, – дедим хайрлашаётиб унга.

Арзибой оға ёш боладай қувониб, анча жойгача ортига қарай-қарай менга қўл силтаб кетди.

Хотима

Орадан уч-тўрт ойча вақт ўтди. Арзибой оға бизникига бошқа қайтиб келмади. Унинг омонат гапларини ҳам эгасига етказолмадим. Чунки Алпомиш ҳам, Қанатбай ҳам йўлимда дуч келмади. Очигини айтсам, ўзим ҳам унинг илтимосини омонат сифатида қабул қилмаган эдим.

Бир куни кечкурун, адашмасам, июнь ойининг ўрталари эди, телевизорда “Диккат, қидирув!” деган ёзув пайдо бўлиб, уч одамнинг суратини кўрсатишди. Булар нима жиноят қилган экан деган ўйда телевизорга тикилиб қолдим. Бундоқ қарасам, учинчи суратдаги одам таниш туюлди. Уни қаерда кўрган эканман деб хайрон бўлдим.

“Шу йилнинг 13 июнь куни Украина фуқароси, 1949 йили Нукус шаҳрида туғилган қорақалпоқ миллатига мансуб Ерқасимов Арзибой исм-шарифли бемор шаҳар шошилинич тиббий ёрдам бўлимига оғир аҳволда олиб келинган. Беморнинг миясига қон қуйилган, ҳозирги пайтда оғир аҳволда. Уни танийдиган, яқиндан биладиган одамлар бўлса, зудлик билан шошилинич тиббий ёрдам бўлимига мурожаат қилишини сўраймиз”.

– Ҳов, ҳов... Ахир, бу Арзибой оға-ку, – дедим ҳовлиқиб.

– Ким у Арзибой? – сўради хотиним ажабланиб.

- Баҳорда уйимизда бир оқшом меҳмон бўлиб кетган одам!
- Бечора! Яхшиям, кўчада ўлиб қолмай, касалхонага тушибди.
- Кун кеч бўлиб қолди. Улов ҳам топилмаса керак...
- Нима қилмоқчисиз? – деди у бирдан хушёр тортиб.
- Уйга олиб келаман!
- Эсингиз жойидами?! Бир оқшом кўниб кетган нотаниш девонанинг жанозасини уйингизда бермоқчимисиз?
- Савоб бўлади, ахир...
- Кўйинг, садағаси кетай унақа савобнинг! У кўнгил майлига учиб, оқ сут берган онасини, гулдай хотини билан гўдагини ташлаб кетган бета-йин одам бўлса...
- Кўй, ундай дема. Бўйнимда унинг омонати қолиб кетаяпти. Мен ҳам унинг туғишганларини топишга кунт қилмадим. Ўзи топиб олар деб ўйлаган эдим.
- Шу куни хотин икковимиз бир тўхтамага кела олмадик. Болалар ҳам унинг тарафига ўтиб олишди.
- Боякишнинг яқинларидан ҳеч ким қолмаган шекилли, – деди эр-талаб келинимиз. – Йўкса, икки кундан бери қайта-қайта суратини кўрсатишмасди.
- Бормасам бўлмайди, – дедим ўрнимдан туриб. – Уйга олиб келмасам, мачитга олиб борарман.
- Хотиним энгил тин олди.
- Ростдан ҳам шундай қилсангиз бўлади.
- Касалхонанинг жонлантириш бўлими иккинчи қаватда жойлашган экан. Ичкаридан тамбаланган эшикнинг атрофида етти-саккиз одам тўпланиб турибди. Биттаси эшикнинг тўйнуғидан ичкарига мўралаяпти.
- Киритмаяптими? – сўрадим уларнинг биридан.
- Йўк. Бир чол қайтиш қилган экан, шуни олиб чиқишмоқчи.
- Мен ҳам бир қарай-чи.
- Синглим, манави оғангиз ҳам бир қараб юборсин, – деб ёши улугрок хотин эшикнинг тўйнуғидан қараб турган келинчакнинг энгидан тортди.
- Узун даҳлизда ўлик сукунат ҳукмрон эди. Онда-сонда ҳамширалар бир эшикдан чиқиб, бошқасига кириб кетади. Ҳеч бирининг тўйнуқдан қараб турган одамлар билан иши йўк. Бир пайт даҳлиз охиридаги хонанинг эшиги очилиб, икки нафар санитар йигит ғилдиракли замбилни судраб чиқди. Уларнинг ортидан оқ халатни елкасига елвагай ташлаб олган қирқ ёшлардан ошган барваста йигит ва икки-уч нафар шифокор кўринди. Мен тўйнуқдан бошимни олишим билан эшик очилди.
- Қочинглар, йўлни бўшатишлар!
- Марҳумнинг юзига оқ мато ёпилган эди.
- Оға, сиз тўхтаб турунг, – деди ҳамширалардан бири елкасига халат ташланган йигитга. Сўнг югуриб бориб, хоналардан биридан аллақандай журнал олиб чиқди.
- Фамилиянгизни айтиб юборинг!
- Ерқасимов Алпомиш.
- Марҳумнинг кими бўласиз?
- Ўғли.
- Манави ерга қўл қўйиб юборинг.

Бу пайтда санитарлар замбилни судраб пастга тушиб кетган эди. Йигит журналга ошиғич имзо чекди-да, елкасидаги халатни эшик ёнидаги илгакка осиб, пастга қараб юрди. Мен ҳам унинг ортидан эргашидим.

Ташқарида “Тез ёрдам” машинасига мархумни чиқаришаётган экан. Йигит салоннинг эшигини очиб, паст бўйли, тўладан келган, ҳали кексаликни бўйнига олмагани кўриниб турган аёлга юзланди:

– Чиқинг, она.

Аёл мархумнинг бош томонидаги ўриндикка жойлашди.

– Иним, сен Арзибой оғанинг ўғлимисан? – дедим йигитнинг кўлидан тутиб.

– Ҳа, – деди у менга ажабланиб қараб.

– Унда отангнинг менга айтиб кетган бир омонат гапи бор эди... Шу йил баҳорда у бир оқшом бизникига кўниб ўтган эди.

– Нима деди?

Мен беихтиёр йигитнинг онасига қараб қўйдим.

– У киши “Яратгандан сўнгги тилагим – жасадимни фарзандим қабрга қўйиб устимдан бир чангал тупроқ сочса, сўнг онаси қабримнинг бошида бир мартагина мени эслаб кўзига ёш олса, беҳиштга киргандай бўлар эдим. Мабодо ўғлимга дуч келсанг, шу гапимни айтиб қўй”, деган эди.

– Кўноғингизнинг охириги тилаги ярим-ёрти қабул бўлибди, – деди мархумнинг ёнида ўтирган аёл. Унинг Бибисора эканини пайқадим. – Фарзанди уни ўз кўли билан лаҳадга қўйиб, устидан тупроқ ҳам сочар, лекин онаси бошқа қабрнинг бошида йиғлаб бўлган. Кетдик, болам. Ўликни маҳтал қилиб қўйиш ярамайди.

Аёл машинанинг эшигини ёпди. Алпомиш ҳам ноилож кабинага чикди.

– Оға, сизни ўзим топиб оламан, – деди у машина ўрнидан жилганида.

Хайрон бўлиб қолдим. Бу йигит манзилимни ҳам, исмимни ҳам сўрамаган бўлса, мени қандай топаркин...

Хаёлимдан кечган ўйни сезгандек “Тез ёрдам” машинаси тўхтаб, йигит кабинадан бошини чиқарди:

– Айтгандай, сизни қаердан топаман?

– Мен шаҳардан чеккароқда тураман, тополмаслигинг мумкин. Ўзингнинг манзилингни айтсанг, бирон куни борарман, – дедим овозимни баландлатиб.

– Мен университетда докторантман.

– Бўпти. Мени кут!

– Хўп, оға, раҳмат!

Машина дарвоза томонга зинғиллаб жўнади.

ТАМОМ



Ирвин ШОУ

(1913 – 1984)

ТИЛАНЧИ ВА ЎҒРИ

Роман¹

*Рус тилидан
Амир ФАЙЗУЛЛА
таржимаси*

8

Билли Эбботнинг ён дафтаридан

1971

“У ҳали-хануз шу ерда.

Бироқ ханузгача ўзини шундай тутаяптики, гўё мени билмайдигандек. Менинг пайкашимча, у ва унинг дюсселдорфлик “музлатиб” кўйилган маҳсулотларни сотувчиси ҳеч ким билан гаплашмаяпти, мен уларни бирон марта жамоа ичида кўрмадим. Оқшомларда биз ҳалигача учрашмаганмиз. У ҳар куни гольф ўйнайди. Отелда у “сеньорита Моника Хитцман”, яъни мутлақо ўзиники бўлмаган исм остида қайд этилган. Бизлар тасодифан учрашиб қолганимизда, у бир ўзими ёки дўсти биланми, бундан қатъи назар бир-биримизнинг ёнимиздан еттиёт бегоналардек ўтиб кетаверамиз, бироқ аъзойи баданимни шундай бир муздек совуқлик чулғайдики, бами-соли муз тоғи ёнидан сузиб ўтгандай бўламан.

Вақти-вақти билан, у гоҳ бир ўзи, гоҳ дўсти билан теннис кортлари ёнида пайдо бўлиб қолар ва тўхтаб, ўйинни томоша қиларди.

Мен кундан-кун ёмон ўйнамоқда эдим.

Бунинг устига яна бир муаммо чиқди. Агар таъбир жоиз бўлса, бир ёшгина Кармен исмли испан қизи менга хушомадлар қила бошлади. У жонини жабборга бериб ва толиқиш нималигин билмай ўйнади. Ўзи Барселонада туғилган экан, у ерда кизнинг отаси, менга маълум бўлишича, франкочилар ҳукуматида юқори мансаблардан бирини эгаллаган экан. Баъзида у қизига ҳамроҳ бўлиб келарди – қадди тик, кўриниши жиддий, сочига оқ оралаган жентльмен.

Кизнинг ёши йигирмада, кўзлари тешиб юборгудек қарайди, ялтироқ сочли ва ҳаракатлари она йўлбарсдек шиддаткор – кортда ҳам, ундан

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

ташқарида ҳам: шундай таассурот туғиладики, гўё операдаги қаҳрамон аёлдан паст келмоқчи эмас. Яккама-якка ўйинда у мени бутунлай бурчакка қисиб қўйди. Ўйиндан кейин ва умуман, ҳар қандай қулай вазиятда у мени ичишга таклиф қилади ва камина мутлақо хуш кўрмайдиган сирларини мен билан баҳам кўради. У Англияда ўқиган ва инглизчада яхши гапиради – тўғри, талаффузида кучли фарқ бор. Унинг ҳузурда мен ўзимнинг аҳмоқона ролимни ўйнайман – спортчини тасвирлаб бераман. Аммо у, ўзининг айтишича, мени миримдан-сиримгача биларкан. Аслида ҳам шундаймикан деб кўрқаман. Унинг менга айтиб беришига, отаси каталониялик бўлса ҳам Франко томонида туриб жанг қилган ва мавр ҳамда яҳудийларни Испаниядан қувган саркардалар Фердинанд ва Изабелла билан ҳаммаслақ бўлган. У отасини қаттиқ ҳурмат қиларди, бироқ у билан каталонча гаплашганда жиғибийрони чиқарди. Карменнинг айтишига қараганда, у Барселона узра Каталония байроғи ҳилпираганда ва “унинг ватанининг” шоирлари мана шу тилда ёза бошлаганларидагина ўзини бахтли ҳис этар эди. Европанинг тил аломатлари бўйича бўлинишига катта аҳамият берувчи Моника билан улар, гарчи Кармен ҳали битта ҳам бомба қўйишга улгурмаган бўлса ҳам, дарҳол умумий тил топа олган бўлар эди. Кармен аллақандай варақаларни тарқатади, бу эса қонун йўли билан руҳсат этилмагани ўз-ўзидан кўриниб турибди. Унинг қад-қомати ҳайратомуз даражади ихчам ва келишган ва мен бу қамалга яна қанча вақт бардош беришимни билмасдим, ҳолбуки менга ҳар замон-ҳар замонда совуқ ва шубҳали қараб қўйишидан юрагим орқага тортиб кетарди. Карменнинг айтишича, отаси барча хорижликларга, айниқса, америкаликларга нисбатан шубҳа билан қарар экан, аммо миямга бир нарса чуқур ўрнашиб қолган эди, яъни ундаги ноҳолислик фақат шовинистик тусдаги мулоҳазалардангина келиб чиқмаган эди.

Кармен фотосуратлари кўпинча испан рўзномаларида кўриниб қолувчи испан қизларига ўхшарди, – улар одатда *barbera*¹ ёнида турган бўларди, матодорлар эса уларнинг шарафига буқаларни бўғизлайдилар; у Америкада варақалар тарқатиб юрган қизларга зинҳор ўхшамасди.

Моника билан яна бир ўхшашлигини айтай: ундан ҳам ҳеч қачон яхши хотин чиқмайди”.

* * *

Навбатдаги кун Билли Эббот учун расво бўлди. Моника дўсти билан кортга келди ва машғулотларнинг бутун бир ҳафтасига ёзилди, машғулотлар ўн бирдан бошланар эди.

Билли унга дастлабки сабоқни ўргатди. Моника ҳамма нарсдан умидини узганди. У билан гаплашишга муваффақ бўла олмасди, чунки бутун қирқ беш дақиқа давомида унинг дўсти корт ёнида ўтирди ва уларнинг қандай ўйнашларини томоша қилди. Моника Биллинини “мистер Эббот” деб атарди. Билли эса унга “сеньорита Хийцман” деб мурожаат қиларди. Унга тўпларни узатар экан (Моника тўплардан кўпини ўтказиб юборарди), Билли уни бир четга чакириб, мақсади нима эканини сўрасаммикин деб ўйларди – ахир у Эльфарога қуруқ тасодиф билан келиб қолмагандир.

¹ Барьер, тўсиқ (исп.).

Кундузи Билли сал бўлмаса Карменга ютқазиб қўяёзди. Карменнинг кайфияти яхши эмасди ва жон-жаҳди билан ўйнади.

Ўйиндан кейин улар меҳмонхона барида ўтиришганида Билли ундан нима бўлганини сўради.

– Тонгги рўзномаларни ўқийсизми?

– Йўқ.

– Биринчи саҳифада адмиралингизнинг Франкодан мукофот олаётган сурати босилибди.

– Шунинг учун адмираллар-да улар, – елка қисиб жавоб берди Билли. – Очиғини айтсам, қандайдир медалларга эътирозим йўқ, аммо бир нарса, яъни у ўзининг кемалари билан, бизнинг ҳарбий ҳаво кучларимиз эса самолётлари билан бу ерда бўлиши менга ҳечам ёқмаяпти. Мен армияда узоқ хизмат қилганман ва вазият кескинлашган ҳолда улардан катта фойда тегишига асло ишонмайман.

Карменнинг кўзлари чакнаб кетди.

– Сиз руслар Европани босиб олишини хоҳлармидингиз?

– Агар уларда шундай хоҳиш бўлганда аллақачон уни босиб олган бўлишарди. Европадаги бизнинг қўшинларимиз уларнинг ғашини келтирмоқда, аммо русларга бас келиш учун улар жудаям озлик қилади. Уруш бўлган ҳолда курукликдаги қўшинлар эмас, балки ракеталар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Биринчи кунданок улар ракеталарни қурбон беради. Мен бу қўшинларда хизмат қилганман ва унчалик қониқиш ҳосил қилмаганман.

– Мен жуда бахтиёрман, – масҳараомуз деди Кармен, – менинг америкалик экспертим бор, у вазият аслида қандайлигини бошлаб тушунтириб қўяди.

– Булар ҳаммаси реклама учун қилинади, – давом этди Билли. Нега Кармен билан пачакилашиб ўтирибди ўзи? Балки сўнгги қўл қизнинг фойдасига 8:6 ҳисоби билан тугагани учундир? Эҳтимол, дилбаргина ёш аёлларнинг унга сиёсатни ўргатишлари меъдасига теккандир? – Бутун дунё бўйлаб базалар барпо этиш бироз нафасни ростлаш ва кейинчалик даб-дабали машиналарда юриш ва уйдагидан беш баравар дориламон яшаш учун конгрессдан кўпроқ пул ундириб олиш имкониятини беради холос. – Карменнинг китиғига тегиш учун Билли қўшиб қўйди: – Борди-ю, биз барча Америка аскарлари эгидан ҳарбий либосни ечсак ва уларни бирон фойдали иш қилиш учун уйларига жўнатиб юборсак, бундан ҳамма ютган бўларди – шу жумладан, испанлар ҳам.

– Заифлар ва танбаллар ўзларидаги бундай одатларини оқлаш учун ҳар доим сўз топадилар, – деди Кармен. – Худога шукурки, барча америкаликлар ҳам сизга ўхшаган эмас. – Қизнинг ўз сиёсий қарашлари унчалик мураккаб эмасди. У Франкодан нафратланарди, коммунистлардан ҳам нафратланарди, энди эса, афтидан, америкалик адмирал билан биргаликда Биллидан ҳам нафратланмоқда эди. – Гап адмиралнинг бу ерда бўлиши унақа кўркинчли нарса эмаслигида эмас, гап унинг ўзи америкалик бўлиб туриб Франконинг кўкрагига медаль тақишида – бу бориб турган ахлоқсизлик. Бирон-бир мамлакатни ҳимоя қилиш – бу бир гап, жирканч тузумни қўллаб-қўлтиқлаш – бутунлай бошқача гап. Мен америкалик бўлганимда, дарҳол конгрессга, давлат департаментига, президентга, барча рўзномаларга норозилик билан мурожаат қилган бўлардим.

Ана шунақа, борди-ю, бирон фойдали иш қилмоқчи бўлсангиз, лоақал “Геральд трибюн”га бир нарса ёзинг.

– Агар бу хатни босиб чиқарсалар, сизнингча мен бу ерда қанча вақт туриб қолишим керак бўлади?

– Йигирма тўрт соат. Туришга арзийди ҳам.

– Одам, ҳар ҳолда, еб-ичмаса бўлмайди.

– Ҳа, бўлмаса-чи, – деди Кармен ғижиниб. – Сиздек одамлар учун энг муҳими – пул.

– Шуни эслатиб қўйишимга изн берингки, менинг айрим танишларим каби бадавлат дадажоним йўқ.

– Бундай дейишга қандай журъат этдингиз! Испанлар ҳеч бўлмаганда ўз ҳаётларини долларлар ва центлар билан ўлчамайдилар.

– Мен бу ерда кўрган испанлар анча бой ва ўз бойликларини кўпайтириш билан машғуллар, холос. Масалан, зайтунзорларни сотиб оладилар-да, уларни сайёҳлар қопқонига айлантирадилар. Қўлтиқдаги баҳайбат яхталарнинг эгалари ҳам камбағал бўлиш учун дунёга келмаган.

– Булар виждонларини йўқотган аблаҳлар. Улар Франко ва унинг тўдаси буюрган нарсани қилишади. Уларга ўз *fincas*¹лари, яхталари ва ўйнашларини сақлаб қолишса, бас, қолганлар эса очдан ўлиб кетаверсин. Мен коммунист эмасман, аммо оилани боқиш учун оддий одамлар қандай меҳнат қилишини сўраганимда уларнинг нима учун коммунистларга овоз беришларини тушунгандек бўламан.

– Хўш, нима истайсиз ўзи? Яна битта фуқаролар урушиними? Яна миллионлаб одамларнинг қирилишиними? Қўчаларда қон дарё бўлиб оқишиними?

– Борди-ю, иш шунгача бориб етадиган бўлса, – деди Кармен, – айбдорлар сизнинг дўстларингиз – яхталарнинг эгалари бўлиб чиқади. Албатта, бундай бўлишини истамайман. Мен тинч ва рисоладагидек ўзгаришлар бўлса дейман. Агар Америкада шундай қилиш мумкин бўлса, нима учун бу ерда мумкин эмас?

– Мен миллий испан руҳиётини ўрганиш билан шуғуланмайман, аммо қаердадир қулоғимга чалингандики, сизнинг ватандошларингиз бир кутурса нақ қонхўрга, ёвуз ва телбага айланади.

– Эй Худойим, бундай гаплар шунақанги жонимга текканки! – деди Кармен. – Гўё Испания – бу фақат буқалар жанги, флагеллантлару², булганган номус қасоскорлари юрти эмиш. Нима учун немисларнинг ёвузликлари тўғрисида ҳеч ким чурқ этмайди? Улар Европада нималар қилмади? Ёки французлар – Наполеондан кейин? Ўз вақтида америкаликлар нималар қилганини атайлаб тилга олмаётувдим. Эҳ бечора, бир чақага қиммат теннисчи. – Кармен зарда билан унга узатилган ҳисоб-китоб варағига имзо чекди, – мана, тўрт кишилиқ таниқли жинни ушлаб олдингиз. Нахотки, ёвуз ва кутурган Испанияга келганингиздан ва бу ерда бойларнинг югурдаги бўлганингиздан хурсанд бўлмасангиз?

– Эҳтимол, – хафа бўлди Билли, – биз энди бошқа учрашмаслигимиз керак. Ўзингизга бошқа шерик топинг.

– Сиз илгаргидай мен билан теннис ўйнайверасиз, чунки бунинг учун сизга пул тўлашади. Эртага худди шу вақтда. – Қиз чиқиб кетди, Билли

¹ Мулк, ер (исп.).

² XIII асрда келиб чиққан, ўзига хивич уриб гуноҳдан фориг бўлувчилар ҳаракати.

каттакон бўм-бўш барда бир ўзи қолди. Эй Худойим-а, ўйлади у, мени ўзига оғдирмоқчи дебман, аввалига Моника ўзининг бомбалари билан, энди эса мана бу!

* * *

Эртасига эрталаб Моника кортда бир ўзи пайдо бўлди. Биллининг қойил қолмай иложи йўқ эди – кизи тушмагур миттигина, сарвқомат бўлиб, оёқлари ихчам-ихчам, эгнида калта теннис кўйлаги, дид билан тахланган сочлари тўзиб кетмаслиги учун тасма билан бошини ўраб боғлаган.

Улар кортга бирга кириб келаётганда Билли аста ундан сўради:

– Моника, ҳозир қайси ўйинни ўйнамоқчисан?

– Мистер Эббот, менинг исмим сеньорита Хитцман, – деди қиз совук оҳангда.

– Агар мен Парижга элтиб ташлаган пуллар ва... қолган нарсалар керак бўлиб қолса, сенга ҳаммасини қайтараман. Тўғри, бунга бирмунча вақт керак бўлади, аммо мен уддалай олмайман буни...

– Ўлай агар, нима деётганингизни сира тушунмадим, мистер Эббот.

– Қўйсанг-чи, – деди йигит ранжиганнамо. – Мистер Эббот! Брюсселда битта тўшакда ётганимизда мени мистер Эббот деб атамагандинг-ку.

– Агар сизнинг бошқа гапирадиган гапингиз қолмаган бўлса, мистер Эббот, маъмуриятга вақтни бекорчи суҳбатларга сарф қилаётганингизни маълум қиламан, сиз ўз мажбуриятингизни бажармаётганингизни, яъни менга теннис ўйинини ўргатмаётганингизни айтишга мажбур бўламан.

– Сен ҳеч қачон теннис ўйинини ўргана олмайсан.

– Ундай ҳолда, – хотиржам деди қиз, – бу қариганингизда афсус-надомат билан эслаб юрадиган яна бир омадсизлик бўлади. Энди эса, сизнинг измингиз ила машғулоти бошламоқчиман.

Хўрсиниб кўйиб, Билли кортнинг нарига томонига йўл олди ва тўпни узата бошлади. Унинг жавоб зарбалари кеча эрталабқилардан тирноқча ҳам яхши эмасди. Сабоқ тугаганда, Моника:

– Миннатдорман сиздан, мистер Эббот, – деди-ю, кортни тарк этди.

Кундузи у Карменни 6:0, 6:3 ҳисоби билан ютди. Унинг юзлари қипқизариб кетгунча югуришга мажбур қилиб зарбаларни атайлаб узун-қиска тарзда амалга оширди.

– Сиз бамисоли сўнгги ахтадек ўйнадингиз ўзиям, – кортни тарк этиш чоғида қиз шу сўзларни айтди, холос. Кармен уни барда ўтиришга таклиф қилмади ва меҳмонхонага бир ўзи кетди. Билли унинг ортидан қараб қолар экан, Испания мен учун тобора фэйзини йўкотаяпти, деган ўй дилидан ўтди.

* * *

Уэсли Лондондан Батга поездда кетди ва Англия қишлоқларидаги кўркам боғ-роғларни деразадан мириқиб томоша қилди. Америкадаги зўриқишлар ва ишончсизликдан кейин Лондон бўйлаб сайр қилиш дарҳақиқат унга ором ва ҳузур бағишламоқда эди, у бу ерда ҳеч кимни билмас ва ҳеч ким ундан ҳеч нарса талаб қилмас эди. Бир куни қайсидир

тамаддихонада Уэслининг кулоғига официант аёлнинг худди Кейтнинг овозига ўхшаган овози чалинди ва уни қаттиқ соғинганини ҳис қилди. У сэндвичини еб олди, вокзалга борди-да, биринчи поезддаёқ Батга равона бўлди. Уни кўрганда Кейт хайратдан оғзи очилиб қолса керак! Албатта, суюнади ҳам.

Батда у таксичига манзилни берди ва орқа ўриндикқа ўтирар экан, топ-тоза кўчалару чиройли уйларни қизиқиш билан томоша қилди. Ҳа, бу ер сенга Индианаполис эмас.

Такси бир текис саф тортган уйчалардан бири олдида тўхтади. Уэсли таксичи билан ҳисоб-китоб қилди-да, қўнғироқни босди. Эшик дарҳол очилди ва ўрта бўйли, сочи оппоқ аёл кўринди.

– Салом.

– Салом, мэм, Кейт уйдами?

– Кечирасиз, ўзлари ким бўладилар?

– Уэсли Жордахман, мэм.

– Ёпирай! – Хотин мамнун жилмайди ва унга кўлини чўзди. Қаттиқ, серкадоқ, меҳнаткаш кўл. – Сен тўғрингда кўп эшитардим. Кир, кира қол, болам. Мен – Кейтнинг онасиман.

– Танишганимдан ғоят мамнунман, миссис Бейли.

Улар чокқина меҳмонхона бўлмага кирдилар. Ердаги манежда бир ўғил гўдак эмаклар ва “ху-ху” деб овоз чиқарарди.

– Бу сенинг уканг, – деди миссис Бейли. – Тўғрироғи, сенинг қондош уканг. Исми Том.

– Биламан, – деди Уэсли, гўдакка қизиқиш билан қараркан. – Полвон бола!

– Жуда ажойиб. Қувноклигини айтмайсанми! Чой ичасанми?

– Йўк, Раҳмат. Кейт-чи, уйдами?

– Ишда. Бориб кўрсанг бўлади. “Кингз армз” тамаддихонаси, бу ердан ўн-ўн беш кадам нарида. Сени кўриб роса қувонса керак. Кечлик овқатга қоласанми?

– Ҳозирча билмайман. Салом, Томми, – деди Уэсли, манежга яқин бориб, – ишлар қалай?

Гўдак жилмайди ва “ху-ху” лаб кўйди. Уэсли энгашиб ва бир бармоғини олдинга чиқариб, унга кўлини узатди. Гўдак ўтирди, сўнг бармоқни ушлади, ўрнидан турди ва ғолибона кулди. Кўли қаттиққина экан, ўйлади Уэсли.

– Томми, – деди у, – сен кучли йигит экансан.

Гўдак беҳад бахтиёр эди. Балки унинг ёшида Уэсли ҳам бахтиёр бўлгандир. Қизик, укасининг бу бахтиёрлиги узокқа борармикан? Кейтдай онаси бўлган бола бир умр бахтиёр бўлади.

– Тамаддихона қаерда эди? – сўради Уэсли. – Унга қандай борилади?

– Уйдан чиқасан – чапга буриласан; уч маҳалла нарида, шундоқ муюлишда. – Миссис Бейли унга эшикни очди. У йигитнинг ёнида турар экан, базўр Уэслининг елкасидан келарди, хотиннинг самимий чехраси чиндан ёқимли эди. – Бир гап айтаман, билиб кўйгинки, Уэсли, – деди аёл жиддийлашиб, – қизим отанг билан кечирган вақтлар унинг ҳаётидаги энг бахтиёр дамлар эди. Қизим ҳеч қачон буни унутмайди. – Хотин бир кадам ортга тисарилди-да, жилмайиб кўйди, аммо Уэсли унинг кўзларида ёш ялтиллаб турганини кўрди. – Билиб кўй, биз сенга бегона эмасмиз.

– Мен албатга қайтиб келаман. Унга кимдир крикет ўрнига бейсболни ўргатиши керак-ку, ўша одам мен бўлсам нима қилибди?

– Сен яхши боласан, – кулди миссис Бейли. – Кейтнинг ҳикояларидан мен сени ўзимча худди шундай тасаввур қилгандим.

Аёл очик эшик олдида турганча унинг куёшли кўчадан кетиб боришига қараб қолди.

Соат учлар бўлганди – дўкон ёпилиш вақти, – ва “Кингс армз” тамад-дихонаси хувуллаб қолганди, фақат ихчамгина столда бир чол олдида бир кружка пиво кўйиб ўтирар эди. Кейт стаканларни чайар, пешбандли киши эса шишаларни териб кўймоқда эди.

Кейтнинг ишдан бўшадини кутганча Уэсли индамайгина пештахта олдида турди. Ниҳоят, Кейт бурилмасдан сўради:

– Хўш, хизмат, сэр?

Уэсли кулди.

– Уэсли! – деди аёл. – Қачон келган эдинг бу ерга, анча бўлдимми?

– Ўн беш дақиқа. Ташналикдан ўлай деяпман.

– Пиво ичасанми?

– Йўқ. Шунчаки сени бир кўрмоқчийдим.

– Башарамга қараб бўлмайди.

– Нималар деяпсан? – Кейт деярли ўзгармаганди, фақат юзи ва сийна-лари тўлишганди, ранги ҳам хийла оқарибди. – Сен жудаям чиройлисан.

Аёл унга жиддий қараб турарди.

– Бунчалик эмасу, аммо барибир эшитган кулоққа яхши.

Пештахта ёнидаги соат учга бонг урди ва Кейт баланд овозда деди:

– Вақт бўлди, жентльменлар, илтимос, тугатинглар.

Столчада ўтирган чол типирчилаб қолди, пивони охиригача сипкорди-да, чиқиб кетди. Кейт пештахта ортидан чиқиб келди ва Уэслининг рўпарасида тўхтади.

– Сени яна кўрганимдан хурсандман, – у йигитни кучоқлаб юзидан ўпди.

– Менинг бу ердалигимни қаердан билдинг?

– Мен уйингга бордим.

– Болани кўрдингми?

– Ҳа. Зўр бола экан.

– Бе, унчалик зўр эмасу, аммо ёмонмас. – Уэсли унинг мамнун эканлигини кўриб турарди. – Шошмай тур, мен ҳозир пальтомни кийиб чиқай, кўчада шу пайтгача қандай яшаганингни сўзлаб берасан. – Чиқаверишда у пештахта ортидаги кишига қичқирди:

– Олтигача, Элли.

Ўша киши жавобан нимадир деб ғудраниб кўйди.

– Чиройли шаҳарча экан, – деди Уэсли кўчада. – Бу ерда яшаш маза бўлса керак.

– Ҳа, яхши кунлари ҳам бўлган. – Кейт елка қисиб кўйди. – Илгари бу ерга олий тоифадаги одамлар келарди – сув ичишарди, казинода ўйнашарди. Энди эса бу ерга кўпроқ сайёҳлар келади, гоҳо шундай бўладики, худди музейда яшаётгандайсан. Билмадим, ҳозир олий тоифадагилар қаерга бораётган экан. Умуман, улар ёруғ дунёда қолганми, йўқми?

– Ўрта ер денгизини соғиндингми?

– Баъзи нарсаларни... ҳа, соғинганман... қолганларини ҳечам, – жавоб берди у, тўғрига ўйчан қараганча. – Кел, бу ҳақда гаплашмайлик. Сен яхшиси ўзинг тўғрингда гапириб бер.

Уэсли узоқ сўзлади, бу вақт ичида улар деярли бутун шаҳарни у четидан бу четигача юриб ўтдилар. У гапни Индианаполисдан бошлади ва Кейт тинглар экан, аттанглаб бош чайқарди. Уэсли ўзи учрашган одамларни айтганда ва отаси ҳақида гапирганда Кейт бутунлай қайғуга ботди, аммо у фильмда қатнашгани ҳақида ҳикоя қилганида аёл Уэслига сал бўлмаса нафрат билан қарай бошлади.

– Актёр! Ана, холос! Бундан кейин ҳам шу иш билан шуғулланмоқчимисан?

– Эҳтимол, аммо кейинроқ. Ҳозирча мени Европада қиладиган ишим бор.

– Бу Европа деганинг қаер? – шубҳа билан сўради Кейт. – Каннда бўлмасин тагин?

– Ҳа, Каннда.

Аёл бош ирғади.

– Куёнча эртами, кечми шундай бўлишидан қўрқарди.

– Эртами-кечми.

– Мени ҳам бу лаънати дунёдан ўч олгим келади, лекин, мана қиладиган ишим барда пиво қуйиб бериш. Қасоснинг ҳам қаердадир охири бўлиши керак-ку.

– Аммо аввал унинг бошланиши бўлиши керак.

– Борди-ю, сени ўлдиришса, ким ўч олади? – Аёлнинг овозида энди қасос оҳанги бор эди.

– Бу ҳақда энди қандайдир бошқа одам ўйлаб туришига тўғри келади.

– Мен сен билан баҳслашмоқчи эмасман. Сен қуйиб қуйгандай отаннинг ўзисан. Борди-ю, бошига бир фикр келиб қолгудек бўлса, икки дунёда ҳам уни қайтариб бўлмасди. Сенга омад тилайман.

– Бу ҳақда ҳам ўйладим мен. Меросга олган ва кинода ишлаб топган пулларимга икки йилдан кейин “Клотильда”га ўхшаган яхта сотиб оламан, мен ҳам йўловчи ташиб, киракашлик қиламан.

Кейт тоқатсизлик билан бош чайқади.

– Сен Том эмассан, унинг ўғлисан. Ўз ҳаётинг билан яша, Уэсли.

– Худди шу менинг ҳаётим бўлади. Мен ҳатто, эҳтимол, сен ҳам менинг шеригим, жуда бўлмаганда жамоам аъзоси бўлишинг мумкинлигини ўйлаб қўйганман. Биз яхта сотиб оладиган вақтга қадар, гўдак... Томми... анча катта бўлиб қолади ва уни ҳам ўзинг билан олиб...

– Орзулар. Эски орзулар.

Улар индамай яна ярим маҳаллани юриб ўтдилар.

– Сенга бир гапни айтиб қўйишим керак, Уэсли. Пул борасида. Ёнимда ҳемири ҳам қолмаган.

– Қолмаган? – қайта сўради Уэсли. – Қандай яшаётганингга қараб туриб...

– Ўзимдан ўтганини ўзим биламан, – деди у алам билан. – Мен дўзахда яшаяпман. Бир одам бор, ўша менга уйланаман деб юрибди. Батда унинг ўз иши бор, юкларни элтиб бериш бўйича чоғроқ идора. Касоддан сақланиб қолиш учун у мендан пул сўраганди.

– Борини унга бердингми?

Кейт бош ирғади.

– Мен уни севаман деб ўйлагандим. Сен мени тушунишинг керак. Мен ўзим, эрсиз яшай олмайман. Биз деярли ҳар куни бар ёпилгандан кейин кўришамиз. Бугун у ҳам мени кутаяпти. Мен унга бу вақт ичида Томни ўйнатиб юрган эдим десам борми, ғазабдан лов ёнади. Ортимдан юриб келаётганида болага лоақал қиё караб ҳам қўймайди.

– Шунақа одамга турмушга чиқмоқчи бўлаяпсанми?

– Касодга учрагунча у бунақа эмасди. Бунгача у яхши, хушмуомала одам эди. Мен ва онам билан ҳам, бола билан ҳам... – Кейт хўрсиниб қўйди. – Сен ҳали ёшсан. Сенингча, ёруғ дунёда фақат оқ ва қора бор... Шу, сенга ҳозир бир гап айтаман. Менинг ёшимдаги, болали, хунук, бир умр энг қора ишдан боши чиқмай келган аёлга осон тутиб бўлмайди. – У соатга қаради. – Туш бўлиб қолаёзибди. Танаффус вақтида лоақал бир соат Томмини ўйнатсам дейман.

Улар индамай Кейтнинг онасининг уйи томон одимлаб борарди. Уй олдида бир машина турар, рулда бир эркак киши ўтирарди.

– Бу ўша, – деди жувон. – Кутаяпти, қара, башарасидан заҳар томаяпти.

Уэсли билан Кейт уйга яқинлашганда ҳалиги киши машинадан тушди. У баланд бўйли тўладан келган одам бўлиб, юзлари кип-қизил эди, ундан спирт хиди бурқирди.

– Қаерларда юрибсан, мараз? – деди у баланд овозда. – Уч соатдан бери кутаман сени.

– У билан бироз пиёда юриб келгандик, – хотиржам жавоб берди Кейт. – Гарри, бу Уэсли Жордах, у мени кўргани келибди...

– Бироз пиёда юрдингми, а? – такрор сўради Доусон ва куч билан аёлинг башарасига солди. Бу шундай тез содир бўлдики, Уэсли нима гаплигини ҳам англолмай қолди. – Бироз пиёда юриш қанақалигини кўрсатиб қўяман сенга, – кичкириб деди Доусон, яна қўлини кўтариб.

– Ҳовлиқманг, ошна, – деди Уэсли ва унинг қўлидан ушлаб, Кейтдан нари сурди.

– Қўйвор, ифлос... кўтир янки! – вишиллади Доусон, ўзини ҳимоялашга ҳаракат қилиб.

– Муштлашиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяйми, мистер, – деди Уэсли, Доусонни елкасидан тобора нари туртаркан. Бироқ шу он Доусон қўлини тортиб олди-да, Уэслининг бошига айлантириб солди. Уэсли чайқалиб кетди, лекин оёқда туриб қолди ва Доусоннинг иягига бошлаб туширди. Доусон унинг устига ағанаб тушди ва иккаласи бараварига тош йўлга қулади. Уэслининг бошига яна икки марта мушт келиб тушди, бироқ кейин у тиззаси билан Доусоннинг чотига зарба берди ва унинг юзини мушлари билан дўппослай кетди. Доусон шалпайиб тош йўлда ётиб қолди. Уэсли ўрнидан турди, оёғи билан Доусоннинг бошига ғазаб билан икки марта тепди.

Муштлашув вақтида Кейт икки букилиб турганча чурқ этмади, энди эса югуриб Уэслининг олдига келди ва қўллари билан кучоклаб уни ерда ётган Доусондан нари судрай бошлади.

– Бўлди қил, тўхта, – кичқирди у. – Нима, уни ўлдирмоқчимисан?

– Худди шундай қилмоқчиман, – деди Уэсли, ғазабдан титраб. Бироқ Кейтнинг қўлидан сирғалиб чиқишга ҳаракат қилмади.

– У сени ёмон урдими? – сўради Кейт уни қўйиб юбормай.

– Йў-ўқ, – деди Уэсли. Ҳолбуки боши ҳамон ғувуллар эди. – Унчалик эмас. Мени қўйиб юборавер. Ошнангга ортиқ тегмайман.

– Уэсли, – тез-тез гапирди Кейт, – сен бу ердан тезда кетмасанг бўлмайди. Биринчи поездга ўтир-да, Лондонга жўна. У ўрнидан тургудек бўлса...

– У бошқа ҳеч нима қилолмайди – керагини олди.

– У қайтиб боради-да, дўстларини етаклаб келади. Улар куруқ қўл билан келмайди. Кет, илтимос, хозироқ кет...

– Сен-чи, нима қиласан?

– Мендан ташвиш қилма. Менга жин ҳам урмайди. Фақат кетсанг бўлгани.

– Сени мана бу алвасти билан ташлаб кетолмайман. – У Доусонга қараб қўйди. У кимирлади, ҳолбуки кўзлари юмуқ эди.

– У энди олдимга яқин келолмайди. Мен у билан алоқани уздим.

– Мени тезроқ кетсин деб шундай деяпсанми?

– Қасам ичаман, бу ҳақиқат. Агар у менга яқин келгудек бўлса, уни полицияга топшираман. – У Уэслининг лабларидан ўпди. – Хайр, Томми.

– Томми? – кулди Уэсли.

Хижолат ичида қўли билан юзини ёпиб, Кейт ҳам кулиб юборди.

– Бир кун ичида бир дунё воқеа. Ўзингга эҳтиёт бўл, Уэсли. Бу жоҳроларга аралашиб қолганинг чакки бўлди-да. Энди эса бор.

Уэсли Доусонга қаради. У қонли лаблари билан нималарнидир гапириб, ўтиришга уринди. Уэсли чўкка тушди-да, унинг галстугидан тутамлади.

– Менга қара, хой, тасқара, – деди у Доусоннинг шишиб кетган қулоғига энгашиб, – агар мана бу аёлга қўл кўтарганингни билгудек бўлсам, ўша заҳоти етиб келаман. Бугунги олган насибанг кейин оладиган насибанг олдида ҳолва бўлиб қолади. Уқдингми?

Доусон бир нималар деб ғудранди.

Уэсли Кейтнинг юзидан ўпди ва орқасига қарамай кўчадан юриб кетди. Боши ҳамон ғувуллаб оғрирди, лекин у енгил юриб борар, қадам сайин кайфияти яхшиланарди – хайрлашув ҳақидаги хотира юрагини қандайдир ғалати хотиржамлик ҳиссига тўлдиромокда эди. Поездда ҳам Лондонгача бўлган бутун йўл давомида у ўзини ғоят тетик ҳис этди.

* * *

Билли Кармен билан теннис ўйнарган – бу сафар ҳеч қанақанги адоватсиз, – корт олдида малла сочи офтобда куйган, жинси шим кийган ва сафар халтасини ортмоқлаган ёш йигит пайдо бўлди; ўйинни томоша қилганча у бирмунча вақт тик турди, кейин сафар халтасини қўлига олиб, ўтлокзорга жойлашиб ўтириб олди. Сафар халтали саёҳатчилар Эль Фарода камдан-кам учрайдиган ҳодиса ҳисобланарди. Билли дам-бадам унга қараб-қараб қўярди. Йигитча ўйинни берилиб томоша қиларди-ю, бироқ на яхши чиққан зарбларга қойил қолар ва на хатолардан жаҳли чиқарди.

Билли йигитчани Кармен қизиқтираётганини пайқади ва қиз ҳам тез-тез унга қараб қўярди.

– Билмайсизми, ким бу? – сўради қиз, улар томонларни алмаштираётганда.

– Уни биринчи марта кўриб туришим, – деди Билли сочик билан пешонасини артаркан.

– Анави Хитцманингдан бунинг ўлса ўлиги ортик, – деди Кармен. Моника ҳар куни соат тўртдан ошганда пайдо бўларди, яъни Кармен ва Билли кортга чиқишлари биланоқ уларнинг ўйинини диққат билан кузатар эди. – Моника ўзини ғалати тутди. Худди уни теннис эмас, бизнинг ўзимиз қизиқтираётгандек. Қизиқишида ҳам ғалати нарса бордай.

– Мен у билан ҳар куни эрталаб шуғулланаман, – деди Билли. Отаси ҳам уни Брюсселда кўриб қолиб, у ўзини ғалати тутадими-эй, деган экан. – Балки қизгина ўзини теннисни ўрганишга бағишламокни ихтиёр қилгандир.

Улар яна ўйинни бошлаб юбордилар. Билли ютиб чиқди; бу сафар Кармен уни ахта букага чиқариб уялтирмади.

– Раҳмат, – деди Кармен, уст кийимини кияр экан. Бугунги ўйинимиз сал теннис ўйинига ўхшайди. – У йигитни барга таклиф қилмади, ўтлоқда ўтирган йигитнинг олдидан ўтаётганида эса унга жилмайиб қўйди. Бирок унинг табассумига жавоб бўлмади.

Шу куни Биллининг машқ қиладиган бошқа одами йўқ эди, шу боис у ҳам свитерини кийди-да, кетишга чоғланди... Йигитча ўрнидан турди.

– Мистер Эбботмисиз?

– Ҳа. – Нотаниш йигит унинг исми шарифини билишидан Билли хайрон бўлди. Йигитча Эль-Фарода теннис сабоқлари оладиган серпул одамлар боласи эмаслиги шундоқ кўриниб турарди.

– Мен сенинг амакиваччангман, – деди йигитча, – Уэсли Жордахман.

– Ана, холос! Мен сен тўғрингда кўп эшитганман. – Улар бир-бирининг кўлини сиқиб қўйишди. Амакиваччасининг кўли қаттиқ ва кучли эди.

– Мен ҳам сен тўғрингда кўп эшитганман.

– Яхши гаплармиди, ишқилиб?

– Унчалик эмас, – мийиғида кулди Уэсли. – Аммо теннис ўйнашингга беш кетдим.

– Роузволл¹ тинч ухласа бўлаверади, – одоб билан деди Билли, ҳолбуки мактов унга мойдай ёкиб тушганди.

– Қиз ҳам, – деди Уэсли, – ёмон ўйнамайди, шекилли, шундай эмасми?

– У яхши тайёрланган.

– Агар барча шогирд кизларинг шунақа чиройли бўлса, унда сен ёмон жойлашмабсан.

– Ҳаммаси бирдай эмас уларнинг. Хўш, қаерга кўнгансан?

– Ҳеч ерда. Ит ётиш, мирза туриш.

– Бу ерга қандай шамол учирди?

– Сени кўргани келдим, – жиддий жавоб берди Уэсли.

– Мени?

– Мен охири Жордахлар ёш авлодининг иккинчи вакилини кўрмоқчи бўлдим.

– Хўш, қалай экан?

– Сен тўр ёнида яхшигина одоб сақлар экансан. – Иккови ҳам кулиб юборди.

– Ҳа, энди бунисига чидаса бўлади, – деди Билли. – Менга қара, ташналикдан ўлай деяпман. Бориб бир пивоҳўрлик қилмаймизми?

¹ Машхур Австралия теннисчиси.

– Жоним билан, – деди Уэсли сафар халтасини елкасига иларкан.

Меҳмонхона йўлида Билли барваста, кучли, ҳозиргина сафар халтасини елкасига осонлик билан ирғитган йигитга ҳавас билан қараб тўймаётганди, барибир ҳам амакиваччаси унга шаксиз ёққанди.

– Амаким... амакимиз Рудольфнинг айтишича, сен отамни билар эмишсан, – деди Уэсли.

– Мен уни фақат бир марта кўрганман. Болалигимда. Бувимнинг уйида – биз битта хонада ухлардик.

– Хўш, отам сенга қанақа бўлиб кўринганди? – сўради Уэсли мутлақо лоқайд оҳангда.

– У менга ёққан. Унинг ёнида ҳамма миттивой бўлиб кўринарди. Мен ҳам ундай яшашни хоҳлардим – муштлашиб, денгизлар оша олис ўлкаларга саёҳат қилишни. Кейин, – Билли жилмайди, – у бошқаларга ўхшаб пижамада ухламасди. У мен учун, эҳтимол, қанақадир эркин ҳаёт тимсоли бўлиб қолганди.

– Сен ҳам ўзингга яраша қув бола бўлгансан шекилли, – кулди Уэсли.

– Унчалик қув эмасдим, – жавоб берди Билли.

Улар барга бирга кириб, икки шиша пиво буюрдилар.

Барда отаси билан бирга Кармен ҳам ўтирарди. Кармен кириб келганларга қизиксиниб қараб қўйди.

– Хуллас, шундай бўлдики, – давом этди Билли, – мен ҳеч қачон, ҳеч ким билан муштлашмадим, ҳеч қаерда бўлмадим ва ҳар доим пижамада ухлайман. – У елка қисиб қўйди. – Мени таажжубга солган яна бир нарса – отангнинг тўппончаси бор эди. Ана, холос, ўйладим мен, ҳеч бўлмаганда оилада лоқал битта ҳақиқий эркак бор экан-ку. Бу тўппонча унга нега керак, шуни билолмадим.

– Ҳеч нимага керак эмасди. Тўппонча керак бўлганда эса, ёнида бўлмаган.

Улар жим бўлиб қолдилар.

– Жуда ачинаман, Уэсли, – юмшоқ оҳангда деди Билли, – бўлган барча воқеа учун.

– Ҳа.

– Режаларинг қанақа?

– Ҳозирча ҳеч қанақа режам йўқ. Шароитга қараб иш кўраверамиз-да. Билли ўзича Уэслининг қандайдир режалари бор деб ўйламоқда эди, аммо уни амакиваччасига очиб сочгиси келмаяпти.

– Сени кинода катта келажак кутмоқда эмиш.

– Мен таклифни қабул қилишга тайёрман, аммо ҳозир эмас. Фильм қандай кетишини кутишга, сабр қилишга тўғри келади.

– Онамнинг ёзишича, фильмларингизни Канндаги фестивалга юборишмоқчи экан.

– Бу мен учун янгилик, – деди Уэсли. – Гретхен аммамдан хурсандман. У мард аёл. Сен у билан муомалангни яхшилаб олсанг бўларди. Агар у менинг онам бўлганида, мен унга қўлимдан келганча ёрдам берардим. Менга қара, уни Каннга бориб кўрсанг нима қилибди?

– Дуруст фикр, – ўйчан деди Билли. – Сен у ёққа бормоқчимисан?

– Ҳа. У ерда менинг бошқа ишларим ҳам бор.

– Машинада бирга кетсак-чи? Фестиваль қачон?

- Майнинг охирида.
- Яъни бир ярим ойдан кейин. Сафар учун ажойиб вақт.
- Сени кўйиб юборишадими?
- Яқинда икки ҳафта тўлиқ бўш бўламан. Сен нима билан шуғулланасан?
- Билмадим, – елка учирди Уэсли. – У ёқ-бу ёқни айланиб кўраман, агар йўқ демасанг. Балки сендан теннисни ўрганарман, ё бўлмаса бандаргоҳда ишлаб кўраман.
- Пул масаласида қандайсан?
- Ҳозирча бироз пулим бор, – деди Уэсли, – озроқ пул бўлса ёмон бўлмасди.
- Ҳовузда бир бола ишларди – ҳовузни тозаларди, матрасларни олиб чиқарди ва яна кутқарувчилик ҳам қиларди, ўша бола икки кун аввал бўшаб кетди. Сузишни биласанми?
- Билганда-чи.
- Хўп десанг, шу жойни сўраб берайми?
- Хонамда иккита каравот бор. Ўша ерда ётиб-тураверасан.
- Наҳотки юрадиган қизинг бўлмаса?
- Ҳозирча йўқ, – деди Билли. – Бундан кейин ҳам бўлиши даргумон.
- Сени уялтириб қўймоқчимасман.
- Бир-биримизни уялтириб қўймаслик учун ҳам амакиваччалармиз-да, – деди Билли.

* * *

Эртаси кун Уэсли ҳовузда ишлай бошлади, кечкурун фонус ёруғида Билли унга теннис ўйнашни ўргатди. Уэсли бақувват бўлиб, ҳаддан ташқари сезгир эди ва тез орада Биллининг бошқа шогирдларидан ўзиб кетди. Билли ўз шогирдларининг муваффақиятларидан ғурурланарди, аммо Уэсли ўйинидаги босиқ ғазаб саросимага солиб кўяр ва вақти-вақти билан амакиваччасини: “Эсингни йиғ, бу бор-йўғи ўйин”, дея огоҳлантиргиси келарди. Унда йигитга тинчлик бермаётган шундай бир нарса бор эдики, том маънода “ўйин” сўзи Уэслининг ҳаётида батамом йўқ эди.

Билли Уэслининг жамоасида кўп ҳузурланди ва тез орада шу нарса маълум бўлдики, у намунали тартиб ўрнатишга кодир аъло даражадаги кўшни экан. Мониканинг тутумсиз рўзғор юритишидан кейин бу жудаям асқотмоқда эди. Меҳмонхона бошқарувчиси Уэслидан мамнун эди ва яхши одам топгани учун Биллини табриклаб ҳам қўйди. Билли Уэслига Карменни таништиргандан кейин Карменнинг унга муносабати ўзгарди ва қиз кўп ўтмай ҳар иккаласини, акаси отелда бўлмаган вақтларда, бандаргоҳдан сал наридаги чокқина ресторанчада кечки овқатга таклиф қила бошлади. Уэсли Карменнинг олдида ўзини хотиржам ва жиддий тутишга ҳаракат қиларди ва Биллига шу нарса аён бўлдики, шу пайтгача сузишга қизиқиш билдирмаган Кармен энди ҳар кун тонгда вақтини ҳовуз бўйида ўтказмоқда эди. Биллининг онаси режиссёр эканини ва Уэсли унда роль ўйнаганини билгач эса Кармен унга чуқур ҳурмат билан қарай бошлади, шаҳарда, қизнинг таъбирича, қизикроқ фильм бўлиб қолса, ҳар иккаласини кинога таклиф этар эди. Қизга кўп қон тўкиладиган ва охи-

ри қайғули тугайдиган фильмлар ёқарди, у кўпинча кинотеатрдан йиғлаб чиқарди.

Икки ҳафталик машғулотлардан сўнг Моника Биллига эртасига тонгда кетаётганини маълум қилди. Моника унга яхшигина чойчақа берар экан, у албатта қайтиб келишини айтди; бироқ аниқ кун-санасини айтмади.

– Сен билан яна кўришишдан хурсанд бўламиз, – деди у, кимни назарда тутаётганига аниқлик киритмай.

– Гро-Кайю кўчасида нималар содир бўлганини сенга қизиғи йўқми? – сўради Билли.

– Гро-Кайю кўчасида нималар бўлганини биламан. У ерда адашиб, бошқа одамни ўлдиришибди. Бир нечта одамни.

– Мен сенга қўнғироқ қилган эдим.

– Сен манзилингни қолдиришни унутибсан. Ўша хатони такрорламагин-да, ахир. Бу бадбахт мамлакатда бир умр теннис мураббийи бўлиб қолмоқчимисан?

– Билмадим.

– Ҳовузда ишлаётган бола билан қаерда танишиб қолдинг?

– Бир ажойиб кунда у ўз оёғи билан келиб қолди, – ёлғонлади Билли.

Уэсли унинг амакиваччаси эканини у ҳеч кимга айтмади: Уэслини Моника билан илакишиб қолишини у хоҳламасди.

– Мен сенга ишонмайман, – хотиржам деди Моника.

– Ҳеч қанақа ёрдам кўрсатолмайман.

– Унинг афт-андомига гап йўқ. Кучли ва хотиржам. Бир амаллаб мен у билан жиддий гаплашиб олишим керак.

– Уни ўз холига қўй.

– Илтимос, эсингда бўлсин, сенинг кўрсатмаларингга мухтож эмасман.

– Эсимда бўлади. Ва фақат бугина эмас, яна бир дунё нарсалар ҳам. Улар айримлари жуда ғаройиб. Хотиранг қалай?

– Ёмон. Жуда ёмон. Кортда менга нисбатан кўрсатган сабр-бардошингиз учун сизга ташаккур билдираман, гарчанд унчалик фойда келтирмаган бўлса-да, тўғрими?

– Мутлақо фойда келтирмаган. Сендан ҳеч нарсани умид қилиб бўлмайди.

– Умид қиламанки, сен бошқа шогирдларинг билан катта муваффақиятларга эришасан. Масалан, мана бу испан манжалақиси билан. У сенга қанчадан тўлаяпти? Ахир сен унинг олдида жиголо ўрнидасан-ку? Испанияда эса жиголо касаба уюшмаси аъзоси бўлиш керак эмасми?

– Мен бунақа ифлос сўзларни эшитмайман, – деди Билли жаҳл билан.

– Бир неча йилдан кейин ўрганишингга тўғри келади. Adios¹, чироғим.

У кизнинг ортидан қараб қолди, кейин титроқ қўллари билан чойчақани чўнтагига жойлади ва ракеткани қўлига олди. Барибир ҳам Моника келади ва қайси хонадалигини айтади, ярим тунда келса олдига киришга таклиф этади деган умид уни тарк этмаганди.

¹ Хайр (исп.).

Орадан икки ҳафта ўтгач Уэсли уларнинг бўлмасидаги столда ўтириб хат ёзарди. Билли фламенко оқшом зиёфатига боришга ҳозирланиб кийинмоқда эди. Шу муносабат билан лўлилар ҳам таклиф қилинганди, меҳмонлардан эса испан миллий либосида келиш илтимос қилинган эди. Билли кўкрагида бурмаси бор башанг кўйлакни сотиб олган ва оркестр машшоқларининг биридан ингичка почали қора шим, болеро курткачаси ҳамда пошнаси одатдагидан сал баландроқ туфли сўраб олганди. Уэсли ҳам таклиф қилинган эди, ammo рақслар ўрнига хатлар ёзиш билан шуғулланишга қарор қилганди, ва бундай либосда ўзимни чинакам алвастидек ҳис этган бўлур эдим, деб кўшимча қилиб айтди.

Уэсли эргалаб Гретхендан хат олди. Аммаси айтгандики, “Масхара-ли таъмир” Канн фестивалига тақдим этилганини айтиб, қувончни баҳам кўриш учун унга тўғри ўша ёққа ўтишини айтиб, Гретхен ва Дэвид Доннелли билан бирга Рудольф ҳам боришини айтди. Лоақал уч кунга Фрэнсис Миллер ҳам келишга ҳаракат қилар экан. Бу икки ҳафта кизиқ ўтиши кутилмоқда, дебди. Уларнинг Билли билан танишганларидан Гретхеннинг боши осмонга етибди. Кейин Гретхен Биллини ҳам Каннга боришига кўндиришга умид билдирибди.

– Билли, – деди Уэсли, – мен онагга хат ёзаяпман. У иккалангизни Каннга келишингизни илтимос қилаяпти. Нима деб жавоб берай?

– Ёз... – Билли ўйланиб қолди; бир пой туфлиси оёғида эди, иккинчи пойи ерда ётарди, – келамиз деб ёз унга... келамиз-да, нега келмас эканмиз?

– У хурсанд бўлади.

– Бўпти, – деди Билли, оёғини иккинчи туфлига сукиб, ўрnidан тураркан, – менимча, ўн йилда инсон бир марта ўз онаси кўнглини олса яхшида. Кўринишим қанақа?

– Тасқарайи тараққос.

– Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Бўпти мен лўлилар олдида кетдим.

– Яхшилаб ўйнаб-кулинглар.

– Агар тонггача қайтмасам, демак, мени ўғирлаб кетишган бўлади. Бу лўлилардан ҳар нарсани кутса бўлади. Уларга ўн уч ярим доллардан ортиқ берманглар.

У “Кармен”даги тореадор ариясини хуштак қилиб чалганча чиқиб кетди.

* * *

Лўлиларга гап йўк, гитаралар ва кастанъетилар овози қонни жунбушга келтирар, мусиқа ва кўшиқлар юракни ғам-ғуссага тўлдирар, севгилисига интизор ошиқларни фарёд уришига мажбур этар, раққосалар мағрур ва жўшқин рақсга тушар, мусаллас дарё бўлиб оқарди. Испаниядаги ўша дастлабки кундаги каби яна Билли бамисоли унинг учун атайлаб яратилган мамлакатга келиб қолгандек ҳис этди ўзини.

Раққослардан бири Карменнинг олдида борди ва уни ўйинга таклиф қилди. У маза қилиб жуда енгил рақс тушар эди – мохир раққосалардан қолишмайди, деди ўзича Билли; қизнинг узун ялтироқ сочлари хилпирар, юзидан одатдагидек нафрат тараларди. Ана, рақс тугади ва меҳмонлар,

шу жумладан, Билли ҳам каттиқ қарсақ чалди. Шунда яна ўтириш ўрнига Кармен унинг олдига келди-да, уни жойидан турғазди. Кўпчиликни қаҳқаҳаси ва чапаклари остида Билли лўлилар ҳаракатига монанд қиз билан рақсга туша кетди.

Рақс тугагач, Кармен терга ботган Биллини бўса билан мукофотлади.

– Ҳаво етмаяпти, – деди Билли. Улар пешайвонга чиқдилар. Осмон тунд ва қоронғи эди, қора булут лахтаклари дам-бадам ой юзини беркиртар эди.

– Сенга қойил қолдим, – деди Кармен.

Билли уни қучоқлаб ўпди.

– Сал туриб, – шивирлади Билли, – олдингга келаман.

Қиз унинг бағрида тош қотди, кейин эса уни нари туртди.

– Сен билан рақс тушишга тайёрман, – совуқ жавоб берди қиз, – теннис ўйнашим ва баҳслашим ҳам мумкин. Аммо ўзимни сенга бағишлаш ҳаёлимга келгани йўқ.

– Аммо сен менга шундай қарадингки...

– Рақс вақтида ҳамма шундай қарайди, – деди Кармен нафрат билан оғзини артаркан. – Фақат шунинг учун. Борди-ю, бу ерда кимгадир ўзимни бағишламоқчи бўлсам, шуни билгинки, ҳовузда ишлаётган йигитчадан бошқа ҳеч кимга эмас.

– Тушунарли, – ғазаб ва умидсизликдан хиркироқ овозда жавоб берди Билли. – Буни унинг ўзига бориб айтсам майлими?

– Айтавер. – Ҳаммаси шу даражага бориб етганди.

– Бориб айтаман ҳам. Хоним ҳар доимгидек, хизматингизга тайёрман.

– Хонаминг рақами ўттиз бир. Эсингдан чиқмайдими?

– Асло эсимдан чиқмайди.

Қиз кулиб кўйди. Унинг кулиши бемазадан-бемаза эди.

– Энди мен қайтишим керак. Иккаламизни бирга чиқиб келганимизни ҳамма кўрди. Сиз, ҳойнаҳой, биларсиз, Испания – колоқ мамлакат. Бу ерда одоб-ахлоққа риоя этишга катта аҳамият берилади. Сиз мен билан борасизми?

– Йўқ. Мен топшириқни бажаришим керак. Кейин эса ётиб ухламоқчиман.

– Яхши тушлар кўринг. – Кармен бурилди-да, мусиқага пешвоз танобийга йўл олди.

Билли эса аъзойи бадани тунги салқиндан жунжикиб, ўз бўлмаси томон юриб кетди. Эҳтиёт бўл, синьор, деб ёзган эди унга отаси. Чолгина ҳаммасини билиб гапирганди.

Билли бўлмага кириб келганида, Уэсли уйқуни урарди. У нотинч ухлар, у ёнидан, бу ёнига ағдарилар ва титраб кетарди, вақти-вақти билан инграниб кўярди, гўё кундизи ўзидан нари қилган ёки пайқамаган, қандайдир каттиқ дард тунда хуружга олгандек эди. Билли ўзининг янги топилган амакиваччасига қарар экан, унинг Уэслига раҳми келаётибдими, яхши кўрадимми ёки нафратланадими – билмасди.

У маъюс тушлар кўраётган Уэслини ўз холига қўйиб, ечиниби ётишга чоғланди, бироқ кейин ўйлаб қолди: нима бўпти, биз бир оиланинг зурёдларимиз-ку, дея Уэслини турта бошлади.

– Нима гап? – талмовсиради Уэсли.

– Сенга бир янгилик айтмоқчиман. Ўттиз биринчи бўлмада сени бир хоним кутаяпти. Унинг исми Кармен. У мендан шуни айтиб қўйишимни шахсан илтимос қилди.

– Ҳазиллашма. – Уэслини бутунлай уйқуси қочди.

– Умримда ҳеч қачон бу қадар жиддий гапирмаганман.

– Бу ишқ оташи қаёқдан алангаланиб қолибди?

– Сенинг ўрнингда бўлганимда, савол бериб ўтирмасдим, темирни кизиғида босардим. Ўзинг айтмаганмидинг, чиройли экан деб?

– Мен уни севмайман, – деди Уэсли хафа бўлиб, ёш болага ўхшайди; шу тоб улар орасидаги фарқ етти йил экани Биллининг ёдига тушди. – Ҳойнаҳой, нотўғри қилаётгандирман. Аммо иложим йўқ. Мен бир ғалати қизни севиб қолганман. У Нью-Йоркда туради. Балки яқинда Европага келиб қолар. Кармен мен тўғримда нималарни ўйласа ўйлайверсин, – қўшиб қўйди у нописандлик билан, – мен ўз севган қизимни кутаман.

– Кейин пушайман қиласан, – огоҳлантирди Билли.

– Ҳеч қачон. Карменни сен ҳам ёқдирасан ва уни яхшироқ биласан – нега ўзинг бора қолмайсан!

– У тўғрисини айтди, сени ёқтирмайман деди. Бўпти, мен ўз вазифамни бажардим ва ётиб ухлайман... Яхши ётиб тур, Уэсли. Бошингда жиддий синовлар турибди, сен дам олишинг керак.

– Ҳа-а. Ўчир манави лаънати чирокни.

Билли қўлини чўзиб, чирокни ўчирди. У кўзларини очиб, қоп-қора шифтга қараганча узоқ ётди. Беш дақиқадан кейин унинг қулоғига Уэслининг бир маромда нафас олаётгани чалинди, ахён-ахёнда у инграниб қўярди: йигитча яна ёмон тушлар кўраётганди. Хонага тонг нурлари киргунча Билли мижжа қоқмади. Узоқдан ҳамон мусиқа овози қулоққа чалинарди.

Эртасига соат роппа-роса тўртда Кармен пайдо бўлди. У хотиржам ва тетик кўринарди. Уларни жуфтлик ўйинлари кутарди. Шериклар аллақачонок уларга мунтазир эди ва Кармен уларни ва Биллини барабар хуш табассум билан олқишлаб қўйди. Иккала шерик ҳам эркақлар эди, аммо улар Кармендан кўра анча бўш ўйнар экан, ана шу боис улар Билли билан майдончанинг турли томонларида бўлиб қолди. Карменни бугун таниб бўлмасди ва унинг ракиблари яхшигина югуришига тўғри келди. Ҳисоб 4:4 бўлганда узоқ зарбалар алмашинувидан кейин Кармен тўпни Биллининг боши узра тик кўтарди. Ортга чекинар экан, у Карменни чехрасида кинояли табассумни кўрди, баланд сакради, тўпни тутиб ола билди ва тўп ҳаводалик чоғидаёқ қарши зарба берди, тўп Карменнинг оёқлари олдига бориб тушади ва Кармен уни қайтаролмайди деб ўйлаган эди, бироқ қиз тўр томон ташланди, қоқилиб кетди-ю, тўп унинг кўзига келиб тегди. Кармен чинқириб юборди, ракетка қўлидан тушиб кетди ва қўллари билан кўзини ёпди.

“Вой худойим-ей”, ўйлади Билли тўрдан сакраб ошиб ўтиб, у томон интилар экан, энди шуниси етмай турувди, деди энсаси қотиб.

Докторнинг чехраси жиддий эди. Кўз хавф остида, деди у. Кармен Барселонадаги тажрибали мутахассисларга бормаса бўлмайди. Эҳтимол, операция қилишга тўғри келар, маслаҳат берди у.

– Сендан кечирим сўрайман, – деди Билли, улар доктордан мехмонхонага қайтиб келаётганларида.

– Мендан кечирим сўрашингизга ҳожат йўк, – энсаси қотиб деди Кармен. Қизнинг азоб чекаётганини Билли кўриб турарди. – Бу сизнинг айбингиз билан бўлмади. Мен ўзимни тўрға ташламаслигим керак эди. Мен сизни доғда қолдиришга қасд қилгандим. Ўзингизни заррача ҳам айбдор ҳис қилмаслигингиз керак.

Билли эгилди-да, қизнинг юзидан ўпиб қўйди. Бу гал киз уни ўзидан нари итармади.

Аммо ким нима десаям, ўзи айбдор эканини Билли биларди, агар кечаги оқшом бўлмаганда у ҳеч қачон тўпни бундай кучли зарба билан қайтармасди.

Эртасига эрталаб бошқарувчи уни хузурига чорлади.

– Биродар, афтидан сиз ортиқча уришиб юборгансиз. Менга ҳозиргина қизнинг отаси қўнғироқ қилди. Мутахассиснинг айтишича, операцияни четлаб ўтиш мумкин, ҳаммаси ўтиб кетадиганга ўхшайди, бироқ отаси ҳеч гапга кирмаяпти. Менга келсак, мен сизни мижозларимга шикаст етказишингиз учун ёлламагандим. Отаси сизни ишдан бўшатишни талаб қиляпти, ва гарчи, қиз ҳам менга қўнғироқ қилиб, бу ишим учун мени асло кечирмаслигини айтса-да, мен, афсуски, отасининг хоҳишини қондиришга мажбурман. Шунинг учун нарсаларингизни йиғиштирингда, кетинг. Қанча тез кетсангиз, ўзингизга шунча яхши бўлади.

Бошқарувчи стол тортмасидан хатжилд олди-да, уни Биллига узатди.

– Бунда сизнинг бир ойлик маошингиз бор. Ҳеч қандай чегирма қилмадим.

– Миннатдорман сиздан, – итоаткорона деди Билли.

– Кетаётганингиз учун ачинаман, албатта. Бу ерда сизни ҳамма ёқтириб қолганди. – Хайрлашаётиб бошқарувчи унинг кўлини сиқиб қўйди.

Бўлган воқеани Уэслига айтгани ҳовуз томон йўл олар экан, Билли Жордахларни таъқиб қилувчи омадсизлик ҳақидаги отаси айтган сўзларни эслади. Тўғри, унинг исми шарифи Жордах эмас, Эббот, аммо бунинг аҳамияти йўк.

Ўша куниёқ усти очик “пежо”да улар қайдасан Франция деб кетиб борар эдилар. Билли Уэслига ишини ташлагани яхши бўлмаганини уқтиришга уринса-да, Уэсли унинг гапига кулоқ солмасди. Билли тихирлик қилиб ўтирмади. У амакиваччасига илакишиб қолганди ва унга баҳорги Испания ва Франция бўйлаб биргаликда автомобилда саёҳат қилиш ғоят мафтункор кўринмокда эди. Улар шошмай кетиб борар, диққатга сазовор жойларни томоша қилар, йўл чеккасидаги зайтунзор соясида ёки узумзорлар ёнида овқатланар эдилар. Уларнинг овқати мусалласдан иборат эди. Тўп ва ракеткаларни улар ўзлари билан олиб олган эди ва деярли ҳар бир шаҳарчада иккови осонлик билан корт топар ва бир неча бор теннис ўйнар эдилар.

– Агар машқ қилсанг, – деди Билли, – икки йилдаёқ мендан ўзиб кетасан.

Улар шамол сари юрган сайин Билли Эль-Фарони тарк этганларидан жуда суюнардди. У Испания билан хайрлашганига ачинарди, бироқ энди рўпараларидан тусмолли шамаларга уста ва теннисга заррача ҳавоси йўқ Моника пайдо бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳар куни ўйлашига тўғри келмайди.

Уэсли унга отасини билган одамлар билан учрашувлари ҳақида ва ўзининг Батга сафари тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Доусон билан муштлашувни сир тутди ва фақат Кейт ҳақида, шунингдек, меҳр чашмаси – ўзининг митти қариндош укачаси тўғрисида сўзлаб берди.

– Шунақанги ёқимтой болаки. Ёш букачадай кучли. Катта бўлганида, бизнинг отамизга ўхшаса, эҳтимол, чинакам бахтли бўлади.

– Сен эса, менингча, бахтли бўлмайсан, – деди Билли. – Сен ёш, кучли, келишган ўспиринсан, онаминг ёзишича, сени катта истикбол кутмоқда эмиш, бунинг учун хоҳиш керак, аммо бахтли йигит бўлишга сиёҳинг камрокми дейман.

– Мен жуда бахтлиман, – ўжарлик билан жавоб берди Уэсли.

– Ҳарҳолда, ухлаётганингда бундай деб бўлмайди. Нега туни билан инграниб чиқасан?

– Шунчаки ёмон тушлар кўрсам керак-да. Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

– Рухшунослар бундай демайди.

– Сен-чи? – тўсатдан сўради Уэсли.

– Мен эса сен ич-этингни ейсан дейман. Қанақадир кўрқинчли нарса сенга азоб беради. Агар сен шу ҳақда гапирсанг, эҳтимол, анча енгил тортган бўлармидинг.

– Пайти келиб гапираман, лекин ҳозир эмас. Кел, бошқа мавзуда гаплашайлик.

Франция чегарасидан ўтиб, улар Порт-Вандр шаҳаридаги чокқина денгизбўйи меҳмонхонасида тунаш учун тўхташди.

– Ажойиб ғоя келди миямга, – деди Билли. – Каннда бизни ҳали икки ҳафта кутишади. Парижга бориб, у ерда айланиб келсак қандоқ бўларкин?

– Йўқ, – бош чайқади Уэсли. – Мен Каннга боришим керак. Мен нукул ортга суриб келардим, энди эса бунга чек қўяман.

– Нимага?

Уэсли амакиваччасига қандайдир ғалати қараб қўйди.

– Мен Қуёнча билан кўришсам керак. У “Котильда” да мен билан юрган эди... У ҳозир Сен-Тропезда. Унда мен учун муҳим маълумотлар бўлиши керак. Сен Парижга боравер, мен йўловчи машиналарда бораман.

– Қанақа маълумотлар?

Уэсли тагин унга ғалати қараб қўйди.

– Мен бир одамни қидираяпман, Қуёнча уни қандай топишни билиши мумкин. Бор-йўғи шу.

– Бу одамнинг икки ҳафтача кутолмайдими?

– Бусиз ҳам қачондан бери кутади.

– Ким экан у?

– Ёмон ухлашимга сабабчи бўлган одам. Тушимда кўраман, мен унга пичоқ сукавераман, сукавераман, у бўлса йиқилмайди, тик тураверади ва

юзимга қараб кулади... Уйғонганимда унинг кулгиси қулоқларим тагида эшитилиб тураверади.

- Сен уни таний оласанми? Айтмоқчиманки – тушингда танийсанми? Уэсли аста бош ирғади.
- Бу одам отамни ўлдирган.
- Уэсли бу гапни шундай оҳангда айтдики, Биллининг эти жимирлаб кетди.
- Уни топсанг нима қилмоқчисан?
- Уэсли чуқур “ух” торти.
- Эртами, кечми, барибир кимгадир бу ҳақда гапиришимга тўғри келади. Шундай экан, айта қолай, уни ўлдирмоқчиман.
- Улар индамай ўтирганча денгизни томоша қилардилар.
- Қандай қилиб ўлдирмоқчисан? – охири сўради Билли.
- Билмадим, – елка учирди Уэсли. – Пайти келганда бир нима қиларман. Балки, пичоқ билан ўлдирарман.
- Тўппонча борми?
- Йўқ.
- Унда бўлса-чи, нима қиласан?
- Борлиги аниқ.
- Демак, сени ўлдиришади.
- Бундай бўлмаслигига ҳаракат қиламан, – маъюс оҳангда деди Уэсли.
- Борди-ю, сен уни ўлдирдинг ҳам дейлик, сени ўша заҳоти полиция кидиришга тушади, буни тушунасанми?
- Фараз қилайлик.
- Кам деганда йигирма йилга кетасан. Турмада ўтиришга шунчалик интиқмисан?
- Йўқ.
- Барибир ҳам Каннга бориб, шу ишни қилмоқчимисан?
- Ҳа.
- Менга қара, Уэсли, – деди Билли, – ҳе йўқ-бе йўқ ўлимга тик боришингга мен йўл қўймайман. Мен сенга ёрдам бераман.
- Қандай қилиб?
- Энг аввало менинг Парижда овози чикмайдиган тўппончам бор – яширикча олиб юраман...
- У асқотиши мумкин, – маъқуллади Уэсли.
- Мен сенга... қотиллик қилиш режасини тузишда ёрдам беришим мумкин. – Билли шу сўзни айтишда тутилиб қолди. – Нима бўлганда ҳам ҳарбий тайёргарликдан ўтганман ва қурол ишлатиш йўлини биламан. Кейин французчада мен сендан яхшироқ гаплашаман. Ҳозир сенга бир гапни айтаман, буни бирор тирик жонга айтмаслигинг керак: мен армияда бўлганимда Брюсселдаги террорчилик гуруҳига аъзо бўлиб киргандим.
- Сен-а? – ишонқирамай сўради Уэсли.
- Ҳа, мен. Амстердамдаги испан сайёҳлик агентлигини портлатишда иштирок этганман. Мен бомбаларни йиғишда моҳирман. Бу ишда мenden яхшироқ ёрдамчини топа олмайсан! Биз бундай қиламиз: сен Сен-Тропезгача етиб олгунингга қадар мен Парижга бориб келаман, тўппончани оламан ва сен билан ё Сен-Тропезда, ё Каннда учрашамиз. Қалай, розимисан?

Уэсли Биллига ўйчан қараб қўйди.

– Сен алдамайсанми?

– Сени қара-ю, – хафа бўлди Билли. – Умримда алдамаганман. Сирасини айтганда, сен нимани йўқотардинг. Бир неча кундан кейин мен келаман. Тўппончани олиб келаман. Сенинг машқ қилишинг учун бир неча патрон ҳам оламан. Бу ёлғонга ўхшайдими?

– Ҳар қалай, йўқ. Бўпти. Парижда қаерга қўнишингни айт, сенга қўнғирок қилиб, мени қаердан топишингни хабар қиламан.

– Озигинадан ичмаймизми, а? – деди Билли.

– Ичсак ичибмиз-да, – рози бўлди Уэсли.

* * *

Эртаси куни улар биргаликда Нимгача етиб олдилар, бу ердан Билли шимолга, Париж томонга бориши керак эди. Машинани йўл чеккасидаги терак соясига қўйиб, Билли индамай рулда ўтирар эди; Уэсли сафар халтасини олиб елкасига ортмоқлади. Улар шунга келишишди: Билли Сен-Тропездаги хат талаб қилиб олинадиган идорага сим қоқиб, Париждаги меҳмонхонада қўнганини билдиради.

– Хўп, хайр, – деди Уэсли, – эҳтиёт бўлиб юр.

– Сен ҳам, – жавоб берди Билли. – Менсиз бирон қилиқ-пилик чиқармайсанми?

– Йўқ. Сўзим – сўз. – Улар бир-бирининг қўлини сиқди. – Тенниссиз зерикиб қоладиган бўлдим-да.

– Билиб қўй, француз турмаларида теннис ўйналмайди.

– Эсимда бўлади, – деди Уэсли ва ортга бир қадам ташлади.

Билли моторни юргизиб, қўл силкиди ва автомобиль йўлга чиқиб олди. Орқани кўрсатадиган ойнада Канн йўналишида одимлаб кетаётган баланд бўйли озғин одам акси кўриниб турарди.

* * *

Парижда Билли Сўл қирғоқдаги меҳмонхонадан бўлма олди ва ўша захоти Америка билан суҳбатга буюртма берди. Рудольфнинг овозини эшитиб, Билли деди:

– Рудольф амаки, бу мен Билли Эбботман. Мен Парижда, “Аламбер” меҳмонхонасидаман. Менга зудлик билан ёрдамингиз керак бўлиб қолди. Уэслининг ҳаёти хавф остида... менинг ҳам, агар... – У жим бўлиб қолди.

– Агар нима, Билли?

– Агар биз бош қўшмасак. Буни телефонда айтиб бўлмайди.

– Эртага мен Парижда бўламан.

– Худога шукур! – деди Билли. – Бу мен учун жуда қувончли хабар бўлди, амакижон.

У каравотга ҳорғин чўзилди-ю, бир дақиқадан кейин донг қотиб ухлаб қолди.

– Энди эса, Билли, – деди Рудольф, улар тайёрагоҳдан Парижга олиб борадиган йўлга бурилгач, – қани, айт-чи, нима гап ўзи?

– Гап Уэслида, – деди Билли, машинани аста юрғазиб. Ёмғир ёғарди ва йўлнинг ҳўл юзасида машиналарнинг кечки оқими акс этарди. – У ҳозир Франциянинг жанубида, қотилни қидираяпти.

Рудольф шляпасини боши орқасига сурди-да, худди оғрикни ҳайдайдигандек, кўлини пешонасидан юргизди.

– Буни қаердан биласан? – бўғик овозда сўради Рудольф.

– Унинг ўзи айтиб берди. Биз Испанияда кўришиб қолдик. Биз битта бўлмада турардик. У ухлаганида шундай ҳаёлга бориш мумкин эдики, гўё у бир кишилик оқопа ётибди-ю, снарядлар тобора яқинида портлаётгандек. Мен бир нарсани англадим: йигитча нимадандир ич-этини емоқда. Охири мен ундан сўраган эдим, у менга бўлган воқеани айтиб берди.

– Унинг гаплари жиддийлигига ишонасанми?

– Ҳа, унинг гаплари жиддий. У ҳазилни ёқтирмайди. Унинг теннис ўйнашини кўриб юрагингиз шувуллайди. Мен бунақасини ҳеч қачон кўрмаганман.

– Унинг ақли жойидами, ишқилиб?

– Шундан бошқа ҳаммаси жойида.

– Нега сен у билан қолмадинг? – таҳдид оҳангида сўради Рудольф.

– Нима десам экан... – хижолат ичида чўзиб деди Билли. – Бу ҳангоманинг иккинчи қисми. Мен унга ёрдам беришни ваъда қилгандим.

– Қандай қилиб?

Билли ўриндикда безовталаниб қимирлаб кўйди ва рулни маҳкам ушлаб олди.

– Бунда иштирок этишга, бизни қўлга ололмайдиган бирон йўл топишга ваъда бердим. Менинг ҳарбий тайёргарлигим ва шунга ўхшаган нарсаларни ҳисобга олиб...

– Эсинг жойидами ўзи – кескин оҳангга сўради Рудольф.

– Ҳа, жойида.

– Сен ростдан ҳам ваъдангни бажармоқчимисан?

– Нима дейишни ҳам билмайман. Албатта, мен уни ёлғиз ташлаб кўймайман. Сиз мен билан худди маҳбусни сўроқ қилаётган полициячидай гаплашасиз.

Рудольф “бор-е” дегандай қўл силтади.

– Икки телба. Бир дарахтда битган икки аҳмоқ.

– Бу бизнинг конимизда бор, – дили оғриб деди Билли. – Аҳмоқлар мамлакатига ҳуш келибсиз, амакижоним, унинг Оврўпо бўлимига.

– У ёқда, жин урсин, нималар бўлмаяпти-ю, сен бўлсанг Парижда қўл ковуштириб ўтирибсанми? – Рудольфнинг тобора жаҳли чиқмоқда эди.

– Мен унга Парижда овозсиз отиладиган тўппонча бор дедим, ўшани келтиришга ваъда бердим.

– Ўша тўппонча ҳақиқатдан ҳам сенда борми?

Билли яна ўриндикда безовталаниб қимирлаб кўйди.

– Асли бундан сўз очгим йўқ эди. Сизга ҳам яхши бўларди... бу ёғи менга ҳам... агар сиз бўлмаганингизда.

Рудольф чукур нафас олди, кейин пишиллаб нафас чикарди.

– Сени полиция қидирмаяптими?

– Йўқ. Бу ҳақда ҳеч нарса билмайман, – деди Билли, рулда ўтирганидан ва амакисини юз ифодасини кўрмаётганидан мамнун бўлиб.

Рудольф соқоли ўсган юзини кўли билан ҳорғин силаб қўйди.

– Ўша тўппончани менга беришингга тўғри келади.

– Лекин мен Уэслига уни икки кундан кейин келтириб бераман деб кўйганман.

– Менга қара, Билли, – деди Рудольф хотиржам гапиришга ҳаракат қилиб, – ўзинг айтдинг, менга ёрдамингиз керак дединг. Мен биринчи самолётдаёқ учиб келдим. Сен нима десам, айтганимни қиласанми, ёки... – У жимиб қолди.

– Ёки нима?

– Ҳозирча билмайман. Уэсли ҳозир қаерда?

– Сен-Тропезда. Биз бир нарсага келишиб олдик, мен телеграммада унга ўзимнинг Париждаги манзилимни юбораман, у менга қўнғироқ қилади ва биз жанубда қаерда ва қачон учрашишимизни келишиб оламиз.

– Телеграмма юборган бўлсанг керак?

– Бугун эрталаб.

– Нега бунчалик шошдинг? Лоақал менинг келишимгача сабр қилмапсан. Ахир сени қаердан қидириши кераклигини у билмаганда яхши бўларди.

– Бусиз ҳам у менга шубҳа билан қарайди, – ўзини ҳимоя қилиб деди Билли. – Борди-ю, уни алдайдиган бўлсам, у менга тупуради-да, бу ишга бир ўзи киришади.

– Балки сен ҳақдирсан. У қўнғироқ қилдими?

– Ҳозирча йўқ.

– Буниси аъло бўлди. Қўнғироқ қилиб қолса, менинг бу ердалигимни айтма. Ўша лаънати тўппончани қидириб тополмаяпман, де. Мен буни осон иш деб ўйловдим, қарасам, унақа эмас экан.

– Бу нима беради?

– Бирон йўлни ўйлаб топишга вақтим бўлади, – жаҳл билан деди Рудольф. – Сен ҳам миянгни бир ишлатиб кўрсанг бўларди. Энди эса чурк этма, илтимос. Олис йўлдан учиб келгандан кейин кўзларимни юмиб, бир неча дақиқа хотиржам ўтиргим келаяпти – зора, икковимиздан биримизга яхши фикр келиб қолса.

Отелда хайрлашишдан аввал Рудольф:

– Билиб қўй, эртага тўппонча менда бўлиши керак. Яна бир гап, унга Уэслининг кўзи тушмаслиги керак, – деди.

– Унда у пичокми ё сўйилми топади, бўлмаса муштини ишга солади. Сиз уни билмас экансиз, – эътироз билдирди Билли.

– Билмайман ва уни айнан ҳозир била бошлаганим бешбаттар ёмон.

– Менга қаранг, – деди Билли, – агар бу ишга бош қўшишни истамаётган бўлсангиз, мен ўзим бир ёқли қилишга уриниб кўраман. Мен айтмадим, сиз эшитмадингиз – хўпми?

Борди-ю, бу таклифга “ха” деб жавоб бергудек бўлса, ўзини нималар кутаётганини билмоқчи бўлгандек Рудольф Биллига ўйчан қараб қўйди.

– Ҳойнахой, Дановични аллақачон қидириб топишим керак эди. Фақат бу нарса бугунги оқшомгача миямга келмаганди. Йўқ, сен айтмадинг, мен

эшитмадим – бу масалани ҳал қилмайди. Яхши ётиб тур, Билли. Борди-ю, тунда мияннга бирон ғоя келиб қолса, менга кўнғироқ қил. Мириқиб ух-лаш барибир насиб қилмайдиган кўринади.

У яна бир неча марта қўли билан юзини силаб қўйди-да, секин, оғир қадамлар билан лифт томонга йўл олди.

Бир марта ҳам ундан ёшини сўрамабман-а, ўзидан хафа бўлиб ўйлади Билли, лифт эшиги ёпилди.

* * *

Эрталаб улар бирга нонушта қилишди. Рудольфнинг юзи ҳорғин эди, кўзлари киртайган, у индамай кавшанар ва пайдарпай финжондан қахва ичарди.

– Бугун... анави нарсани олиб келасан-да, – тилга кирди ниҳоят у, – менга берасан.

– Сиз ростданам анави... – гап бошлади Билли.

– Мен ишонган ягона йўл, – дағал оҳангда деди Рудольф, – сендан ҳеч қанақа эътироз эшитмаслик, вассалом.

– Бош устига. – У бу сўзни елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил талаффузда айтди: қарор қабул қилишдаги масъулият энди биргина унинг замасида эмасди.

Танобийга портъе кириб келди-да, французчалаб Биллига мурожаат қилди:

– Холлда сизни телефонга чақирашяпти, мистер Эббот.

– Раҳмат, – Билли ўрнидан турди. – Бу, хойнахой, у. Менинг бу ердалигимни бошқа ҳеч ким билмайди.

– Ҳушёр бўл ва ортиқча гапирма. Ҳаммаси ҳаққоний чиқишига ҳаракат қил.

– Мен-ку, ҳаракат қиламан, аммо манави йигитчадан ҳар нарсани кутса бўлади, – деди Билли ресторандан чиқар экан. Қахвадан оғзи бирданига аччиқ таъмга тўлди. Холлда у телефон уячасига борди-да, гўшакни олди.

– Билли, – Уэслининг базўр етиб келган овози қулоғига чалинди. – Сен гапира оласанми?

– Унчалик эмас.

– Мен Сен-Тропездаги “Лэ Пинед” отелидаман. Қачон келасан?

– Бир неча кундан кейин, ундан олдин иложим йўқ, Уэсли. Анави иш юзасидан баъзи муаммолар чиқиб қолди. – Ўзининг овози ўзига бегонадай, сохтадай туюлиб кетди.

– Қанақа муаммо? – кескин оҳангда сўради Уэсли.

– Кўришганда ҳаммасини айтиб бераман.

– Олиб келиб бериш ниятинг борми ўзи, ё йўқми?

– Бор, нега йўқ бўларкан. Фақат бунинг учун яна озгина вақт керак бўлаяпти.

– Қанча?

– Тўрт-беш кун.

– Борди-ю, яқин беш кунда келмасанг, мен Каннга кетавераман, – деди Уэсли. – Бир ўзим. Нима деётганимни тушунгандирсан?

– Ташвишланма, Уэсли. Мен қўлимдан келган ҳамма нарсани қиламан.

– Назаримда, чўзаётгандайсан, Билли.

- Ҳеч нарсани чўзаётганим йўқ. Фақат айрим тўсиқлар пайдо бўлди.
- Ҳаммаси тушунарли, – деди Уэсли ва гўшакни илди.
- Билли битта-битта юриб, ресторанга қайтди.
- Уэсли Сен-Тропездаги “Лэ Пинед” отелида, – деди у ўтираркан. – У хафа, менга беш кун муҳлат берди.
- Рудольф бош ирғади.
- Унга менинг бу ердалигимни айтмадингми?
- Йўқ.
- Бугун кечқурун поездда Антибга жўнайман. Тайёрагоҳда назоратдан ўтказишларини ёқтирмайман. Борди-ю, мен билан боғланиш талаб этилса, мен Сен-Поль-де-Ванседаги “Коломб д’Ор” отелида бўламан.
- Тунда миянгизга битта-яримта ғоя келиб қолмадими?
- Келса келгандир. – Рудольф маънос жилмайди.
- Қанақа ғоя, билсам бўладими?
- Йўқ. Кеча кечқурун ўзинг айтдинг-ку, баъзи нарсалар тўғрисида гапириб бўлмайди деб. Иккаламиз ҳам шу қоидага риоя қилсак, ёмон бўлмайди.
- Сир сақлашга келганда бизнинг авлодимиз олдига тушадигани топилмайди.
- Дарвоқе, шунақа. – Рудольф ўрнидан турди. – Бугун мен Парижни томоша қилмоқчиман, Луврга боришим ҳам мумкин. Шу ерда соат бешда кўришамиз. Бунгача ҳеч қанақа қилиқ кўрсатмагин.
- Ҳаракат қиламан. Соат бешда кўришамиз.
- Рудольф кетгандан кейин Билли таксида банкка жўнади. У бировларнинг усти очилиб-ёпиладиган “пежо”га эътибор қилишини истамади ва ҳар эҳтимолга қарши, рақамларни ёзиб олди. Теннис сумкасини ҳам ўзи билан олиб олди ва банк омборхонаси хизматкори ҳар иккала қулфни очиб, ўз столи томон кетганида сумкасига автомат тўшпончани ва эҳтиёж патронларини солиб қўйди, шунингдек, ўн минг франкдан қолган бор буд-шуди ҳам шунинг ичида эди. У юкорига кўтарилди, банк хизматкорига сейф унга ортиқ керак эмаслигини айтди-да, калитни қайтарди.
- Сўнг сумкани қўлида кўтариб, яна таксига ўтирди, меҳмонхонага қайтди, сумкани каравот устига қўйди ва ундан кўзини узмай бўлмада соат бешгача ўтирди.

* * *

Рудольф поезддан тушгач, жануб куёши нуридан чароғон Антибга етиб келди. Хертц агентлигида ўзи буюртма қилган машина уни вокзалда кутарди.

“Коломб д’Ор” отелига келгач, холлга жомадонини ўзи олиб кирди, бўлмани олгач, ҳаммолни кўздан йўқотиб қўймаслик учун у билан измаиз кетди.

Ҳамма кетгач, Рудольф Антибдаги кекса адвокатга қўнғироқ қилди ва соат ўн бирда у билан учрашишга келишиб олди. Сўнг соқолини олиб, ваннада узоқ ётди. Нью-Йорк вақти бўйича тунги соат икки, ўзини батамом ўнглаб улгургунча йўқ эди. Худди тушида ҳаракат қилаётгандек, у кийинди ва бўлмага катта финжонда қаҳва буюрди. Бу илгари ҳам ўзи қўнган бўлма эди. Бу ерга Жанна келган эди, у билан ўтказган соатлар

ҳақидаги хотиралар хаёлида жонланди. У бир варақ қоғоз олди-да, бундай деб ёзди: “Азизам Жанна! Мен яна отелимиздаман ва мабодо бўш бўлсанг...” У ортиқ ёзмади ва қоғозни ғижимлаб ташлади. Ғоят эски гап. Энди барчаси ўтмишда қолган.

Соат ўн яримда у жомадонни ёпди, пастга тушди ва машинага ўтирди-да, Антибга йўл олди.

Қария уни катта лакланган стол ортида кутарди, унинг ортидаги катта деразадан худди рассом асаридек куёшдан ялтираган мовий осмон кўзга ташланарди.

– Шу ерда гаплашсак бўладими? – сўради Рудольф ўтираркан.

– Бешак.

– Мен назарда тутаётганим – бу столда магнитофон ёки бошқа шунга ўхшаш техника йўқмикан?

– Бор, – иқрор бўлди адвокат, – аммо у ўчириб қўйилган. Мен ундан фақат мижозим илтимоси бўйича фойдаланаман.

– Борди-ю, уни стол устига қўйишингизни сўрасам, сизга малол келмайдими – янаям ишончлироқ бўлиши учун.

– Сиз нима десангиз, шу-да, сэр, – совуқ жавоб берди қария. Қошини чимириб, у ғаладонни тортди ва муштдайгина аппаратни стол чаккасига олиб қўйди.

Аппаратни яқиндан кўриш учун Рудольф ўрнидан турди. Магнитофон чинданам ўчик эди.

– Ташаккур сизга, сэр, – деди у ва яна ўтирди. – Мен сиздан ҳеч қандай ёзув-чизув қилмаслигингизни сўраган бўлардим – ҳозир ҳам, мен кетгандан кейин ҳам.

– Бўпти, ҳеч қандай ёзув-чизувсиз, – бош ирғади қария.

– Ҳузурингизга келишимга сабаб бўлган иш ғоят нозик. Гап менинг жияним, ўлган укамнинг ўғли ҳақида бормоқда.

Қария бош ирғади.

– Жуда қайғули воқеа. Вақт қалб жароҳатига бироз бўлса-да малҳам бўлишидан умидворман.

– Бироз дейсизми?

– Мерос ҳам бирозгина... нима дейди... кўнгилсизликлар билан тақсим қилинган.

– Жуда катта кўнгилсизликлар билан, – маънос жавоб берди Рудольф.

– Э-воҳ, – деди қария, – бу оммавий можаролар...

– Жияним ҳозир Франциянинг жанубида юрибди. Менинг бу ердалигимдан у беҳабар ва мен ҳозирги вақтда бундай ҳол сақланиб тургани маъкул деб биламан.

– Жуда яхши.

– У бу ерга Дановични топгани келган.

– Э-ҳа! – деб юборди кекса адвокат.

– У Дановични ўлдирмоқчи.

Худди томоғига бир нима тикилиб қолгандай қарияни йўтал тутди. У катта оқ дастрёмол олди-да, лабларини артди.

– Кечирасиз мени, – деди у. – Бу ишни нима учун “нозик” деганингизни энди тушунапман.

– Жияним шу Дановични топишига қаршиман.

– Табиий хошиш, – фикрига кўшилди адвокат. – Аммо менинг сизга қандай фойдам тегиши мумкин?

Рудольф чуқур нафас олди.

– Борди-ю, Дановични жияним унинг қаерда туришини билгунга қадар ўлдиришса, масала ўз-ўзидан ҳал бўлади.

– Тушунаман, – ўйчан деди қария. Уни тагин йўтал тутди ва у дастрўмолини чўнтагидан чиқарди. – Сизнингча, маъқул натижага эришишингизда қандай ёрдамим керак бўлади?

– Ўз вақтида, сэр, сиз шубҳасиз бериги соҳилдаги муайян муҳит билан боғлиқ ишлар билан шуғулланган бўлишингиз керак.

Адвокат бош ирғитди.

– Ўз вақтида, – деди у аста, – ҳа.

– Борди-ю, сиз мени Дановичнинг қаердалигини билган одам билан таништириб кўйсангиз ва борди-ю, у бу ишни зиммасига олишга рози бўлса, бу... хизмати учун яхшигина пул тўлаган бўлардим.

– Тушунаман, – такрорлади адвокат.

– Табиийки, – кўшимча қилди Рудольф, – мен мўмайгина пулни сизнинг Швейцария банкидаги ҳисобингизга ўтказишга тайёрман.

– Табиий, – рози бўлди адвокат ё таваккал қилиш имкониятиданми, ёки Швейцария банкидаги мўмайгина пулни ўйлабми, тез-тез нафас олиб.

– Бу ишни пайсалга солиб бўлмайди, – деди Рудольф. – Бола нодон ва бесабр.

– Сизга ачинаман, мсье Жордах, – бош ирғади қария, – аммо ўзингиз билгандек, бундай ишлар бир окшомда қилинмайди, агар умуман қилинадаган бўлса.

– Мен йигирма минг доллар тўлашга тайёрман.

Адвокат яна йўтала кетди. Яна дастрўмол билан оғзини артди.

Анчагача хонада жимлик ҳукм сурди. Нима қилаётганини ўйлаб, Рудольф азоб чекмоқда эди. Бутун умр у яхшилик ва одамшавандаликка ишониб келди, энди бўлса жиноятга қўл урмоқда. Аммо нима учун бу ишга қўл урмоқда? Одамшавандалик кўплаб бошқа муборак сўзлар каби тузоқ бўлиши мумкин. Масала сен учун қайси бири муҳимроқлигида: сенинг эътиқодингми ёки жисму жонинг?!

Рудольфга бурилиб қарамасдан, адвокат деди:

– Нима қилиш мумкинлигини ўйлаб кўрай. Бир одам билан боғланишга ҳаракат қиламан ва борди-ю, у розилик билдирса, ундан сизни топишини илтимос қиламан. Мени тушунарсиз деб умид қиламанки, бу ишдаги иш-тироким шу билан ниҳоясига етади.

– Тушунаман, – деди Рудольф ўрнидан тураркан. – Мен Сен-Поль-де Вансдаги “Коломб д’Ор” отелига қўнганман. Қўнғироғингизни кутаман.

– Мен ҳеч нарса ваъда қилмайман, азизим мсье, – таъкидлади адвокат. У ўғирилди ва денгизга орқасини қилиб тураркан, жуда қийинчилик билан жилмайди. – Ростини айтсам, жиянингизни бу аҳмоқона ниятдан қайтарсангиз маъқул бўларди.

– Мен ҳам шу фикрдаман, аммо уни бу йўлдан қайтаришга кўзим ет-маяпти.

– Хаҳ, бу ёшлар-а, – қовоғини уйиб бош ирғади қария. – Бўпти, бир нима қилишга уриниб кўраман.

– Раҳмат, – Рудольф ўрнидан турди. У хонадан чиқиб кетаётганида адвокат нигоҳини ҳамон денгиздан узмай турарди. Хайрлашаётиб, улар бир-бирининг кўлини сиқмадилар.

Пулнинг кучи, ўйлади Рудольф, бандаргоҳ кўчаларидан ўтиб бораркан. Қизик, агар ёнида муллажиринги бўлганда ўзининг қирол амакисини ўлдириш учун Ҳамлет Розенкранц ва Гильдерстернни ёллаган бўлармиди?

“Коломб д’Ор”га етиб келгач, у Париждаги “Аламбер” меҳмонхонасига кўнғирок қилди. Банкка кетаётганида Билли меҳмонхонадан чиқмаганини Рудольф билмасди.

– Билли, менда барибир умид бор. Мен сенга ҳеч нарса айтмайман, шу боис ҳеч нарса сўрама – хозир ҳам, кейин ҳам. Аммо барибир умид бор. Энг асосийси – вақтдан ютиш. Шу боис сен Уэслини тутиб туришинг керак. Гапларимни эшитаяпсанми?

– Жуда яхши эшитаяпман. Уни қандай қилиб тутиб турай?

– Бешинчи куни Сен-Тропезга жўна. Биронта хангома ўйлаб топ... ўзинг ақлли йигитсан-ку...

– Ҳамма мени шунақа дейди, – мунгли оҳангда деди Билли.

– Уни ёлғиз қолдирма, бўлмаса бир ёққа жуфтақни ростлаб қолади. Унинг қаердалигини биз ҳар доим билишимиз керак, тушундингми?

– Тушундим, – деди Билли совуққонлик билан.

– Агар зарурат туғилса, унга мени қаердалигимни айт. Буни хоҳламасдиму, лекин, агар бошқа йўл билан уни тутиб бўлмаса, айтишга тўғри келади-да.

– Мен уни қанча вақтгача тутиб туришим керак?

– Қанча керак бўлса, ўшанча.

– Бунақа лўнда муддат ҳам бўларкан-да.

– Ҳазилни бир четга кўя тур, – кескин оҳангда деди Рудольф. – Мен ўз ишимни бажараяпман ва ўз ўрнида – сен ҳам.

– Хўп бўлади, сэр. Кейинги бир неча кунни мен бирон-бир хангома ўйлаб топишга бағишлайман.

– Бу бошқа гап.

– Фақат бу жиннивойни бунга ишонтириб бўлармикан – бу энди масаланинг иккинчи томони.

– Омадингни берсин, – деди Рудольф ва гўшакни илди.

* * *

“Клотильда” Сен-Тропез бандаргоҳида Қуёнча хизмат қилган яхтадан сал нарида лангар ташлаб турарди ва у яхтани томоша қилиш учун Уэсли билан ўша ёққа йўл олди. Қуёнча уни қайтариш учун кўп уринди.

– Бусиз ҳам сен уни кўп марта кўргансан, – дерди Қуёнча.

– Ташвишланма, Қуёнча, – деди Уэсли, – мен пул ҳам тўламайман, бировнинг бурнини конатмайман ҳам. Бу мен бир вақтлар яшаган ягона уй. Мен унга бир караб оламан-да, унда отам қандай юрганини бир тасаввур қиламан. Ўшандан буён бундан баттарларни кўравериш кўзим пишиб кетди... – Биллини кута-кута у туну кун Сен-Тропез ва Канндаги тунги қовоқхоналарда дайдиб юрарди. У Қуёшчадан Данович ҳақида сўрашга ботинолмасди, чунки Қуёнча ўша заҳоти у билан даҳанаки жангга киришиб кетиши мумкин эди. Уэсли Данович ҳақида бошқа ҳеч ким-

дан сўраёлмасди: у Данович ва охир-окибат полиция ҳам Уэслининг уни қидираётганидан хабардор бўлишини истамасди. Аммо ўзи қидира олар эди. У хар куни қидирар эди ва эртами-кечми Данович бирон-бир жойда лоп этиб пайдо бўлиб қолишига мутлақо амин эди.

– Улар яхтани тоза тутишар экан-а, тўғрими? – сўради у Куёнчадан.

– Немислар. Палубани қара, ёғ тушса ялагудек қилиб қўйишибди. То-моша қилгани бортга чикмайсанми? Улар автопилот ўрнатишган.

– Йўқ, – бошини чайқади Уэсли. – Шунисига ҳам раҳмат. Уни яхшилаб кўриб олганимдан хурсандман.

Улар Куёнчанинг яхтасига қайтиб боришди, улар тушликка балик қовурилмоқда эди. Учовлашиб овқатланишлари керак эди, чунки Куёнча бандаргоҳ дўконида ишлайдиган бир қиз билан танишиб олганди, қиз хар куни Куёнча билан овқатланарди. Бу хушрўйгина, корасоч қиз бўлиб, инглизчада ажабтовур гаплаша оларди. Куёнча қизни деб ақлу хушидан айрилган эди, Уэслининг тушунишича, қиз Куёнчага узукка кўз қўйгандай муносиб. Қиз яхтага ишдан кейин ҳам келарди, гоҳо тунлари ётиб ҳам қоларди. Улар турмуш куришга аҳд-паймон қилган эдилар.

Тушлик овқат хуштаъм ва серёғ-сергўшт бўлиб, бир шиша муздек мусаллас билан “йиғлаб кўришди” ўзиям. Уэсли Куёнчадан Каннда на-мойиш этиладиган кинода суратга тушганимни ҳеч кимга айтма деб ил-тимос қилганди, бироқ қиз – унинг исми Надин эди – Уэслидан нима иш қилишини сўраган заҳоти Куёнча оғзидан гуллаб юборди.

– У, жин урсин, киноактёр, хўш, сузиш бўйича эски ошнамга бу ёқармикин?

Начора, ўйлади Уэсли, модомики бу кизнинг наздида Куёнчанинг эътиборини кўтарадиган бўлса, кўтаради-да!

– Ростданми? – Надин унга ишонқирамай қараб турарди.

– Тўғри. Кино халққа намойиш этила бошлангандан кейин, мени собик киноактёр дейишлари ҳеч гап эмас.

– Нима, мени лақиллатаяпсизларми? – сўради Надин.

– Ўзинг кўрасан, – деди Куёнча. – У фестивалда намойиш этиладиган кинокартина қахрамони.

– Қахрамон эмас, – эътироз билдирди Уэсли. – Мен унда кичик ролни ўйнаганман.

Надин унга тикилиб қаради.

– Худди шундай деб ўйлагандим, чунки сенга дурустгина ролларни топширса ҳам бўлаверади. Мен билан бир қиз ишларди, – давом этди Надин, – барча дугоналаримнинг ичида энг яхшиси, кино деса ўзини томдан ташлайди. Уни кечки овқатга олиб келсам майлими?

– Мен Сен-Тропезда узоқ қолмайман, – деди Уэсли хижолат тортгандай икки ҳафтага Европага бориб келишга Элисга берган ваъдасини эслаб, у бир француз жононига шайдо бўлиб қолишни истамасди.

– У инглизчада яхши гаплашади.

– Буни қаранг-а, бугун биттаси билан кўришишим керак эди. – Бугун унинг келганига беш кун бўлган, у Биллини меҳмонхонада кутиб олмоқчи эди.

– Унда эртанги оқшомга-чи? – қисталанг қилиб сўради Надин.

– Эртага кечқурун мен, хойнаҳой, Каннда бўламан. Бошқа вақтда бўла қолсин шу иш.

– Агар биз Каннга борадиган бўлсак, сен ўзинг тушган кинога чипта олиб бероласанми?

– Олиб беролсам керак. Менинг қаерда кўнишимни Куёнча билади.

Жин урсин, кўнглидан ўтказди Уэсли, анави итвачча Дановични ер тишлатганимда икки фаранг қизи елкамда осилиб туриши етмаётганди.

– Эсингдан чиқмайдами, ишқилиб? – сўради Надин ўз дўкончасига қайтар экан.

– Чиқмайди, – ёлғон гапирди Уэсли.

Надин Куёнчани ўпиб қўйди ва улар Уэсли билан унинг ортидан қараб қолишди – ихчам гавдали Надин бамисоли рақс тушаётгандек енгил одимлар ила соҳил ёкалаб борарди.

– Хўш, у сенга ёқадими? – сўради Куёнча. Сал олдин у бундай савол беришга журъат қилолмасди.

– Жуда келишган қиз экан.

– Бундан яхши хотин чиқмайди, ўта енгилтак экан демоқчимисан? – ташвишланиб сўради Куёнча.

– У ажойиб қиз, – деди Уэсли. Куёнчанинг уйланишидек жиддий иш учун масъулиятни зиммасига олишни у истамаётганди. – Мен уни деярли билмайман-ку.

– Бир гапни қулоғингга қуйиб ол: бу қадду қоматинг, киночидек касб-коринг ва отангдан ўрганган барча одамшавандаликларинг билан, гаров ўйнайман, аёлларни мендан юз баравар ортиқ биласан. Менинг эса заиф томоним шунда ва хато қилишдан кўрқаман. – У жим бўлиб қолди. – У сенга озгина ишвали қиликлар қилганини сезмадингми?

– Нималар деяпсан, Куёнча, – таажжуб билан деди Уэсли.

– Мен дўстларимга қараб қош қоқадиган аёллар билан андармон бўлишни асло истамайман.

– Ташвиш қилма, у менга кипригини ҳам қоққани йўқ.

– Унда яхши. Хўш, ўзингдан гапир.

– Нимани гапирай?

– Ахир Ложувард соҳилига эски ошнанг билан учрашиш ва аллақандай бўлмағур кинони кўриш учунгина келмагандирсан...

– Қаёқдаги гапларни гапирасан-да. Мен фақат...

– Ҳечам қаёқдаги гаплар эмас-да, – деди Куёнча. – Мен сени яхши биламан. Сенинг қачон кайфиятинг яхши бўлишини ҳам биламан. Қачон безовталиқ оромингни бузганини биламан. Ҳозир сен ниманидир яшира-япсан. Мен доим зимдан сени кузатиб юраман ва сен менга ёқмай кетасан, Уэсли.

– Булар бари бир чақага қиммат гаплар, – деди Уэсли кескин оҳангда. – Қари кампирдек шанғиллаганинг қолади, бас.

– Бир нарсани аниқ биламан: отанг бошингга мусибат тушишини асло хоҳламаган бўларди, айниқса, анави Данович туфайли. Гапимни эшита-япсанми, Уэсли?

– Эшитаяпман.

– У сени аярди ва ҳаётингга ҳаммаси яхши бўлишидан бошқа ҳеч нима истамасди. Мен ҳам шуни хоҳлайман. Сени турмага ёки касалхонага бориб кўриш ёки касалхонадаги ўликлар ичидан мурдангни топиб олишни истамайман.

– Сен билан кўришгани келганимдан афсусланишга мажбур қилма.

– Мени умуман бошқа кўрмасанг ҳам хафа бўлмайман, – деди Куёнча, – фақат манови миянгга бирон-бир ақлли нарса жойлаб кўяй деяпман-да. Олдиндан сени ажойиб ҳаёт кутиб турибди – уни бой берма. Отанг ўлиб кетган, кўлингдан ҳеч нарса келмайди ҳам, унинг хотирасини хурмат қил – мен сендан илтимос қилмоқчи бўлган нарсам – шу.

– Мен отелга боришим керак, – деди Уэсли. – Қўнғирок кутаяпман.

Куёнча яхта тумшугида қолди, Уэсли эса унинг ўкрайган нигоҳи остида ижарага олган бир цилиндрли мопедни тириллатганича отель томон олиб кетди.

* * *

Отелга яқин келиб, бекатда томи очилиб-ёпиладиган “пежо”га кўзи тушди.

– Сизни барда қандайдир ёш жаноб кутяпти, – деди унга портъе, бўлма калитини тутқазар экан.

Кимсасиз барда Билли бир ўзи пивохўрлик қиларди. У букчайиб ўтирар, негадир хокисор кўринарди. Эгнидаги костюми ғижимланган, шамолда тўзгиган сочларига тарок тегмаганди. Сафардан кейин очик машинада Парижга, ундан бу ерга келганига қадар бусиз ҳам буғдойранг туси баттар қорайиб кетганди. Арабнинг ўзгинаси, деди ўзча Уэсли унга яқинлашаркан. Билли ўрнидан турди-да, улар қўл бериб кўришишди.

– Хўш, амакижон, жуда ҳаяллаб кетдингиз-ку, – деди Уэсли.

– Бошқача гаплашсанг бир еринг камайиб қоладими? – сўради Билли ғижиниб.

– Юринг бўлмага, – деди Уэсли, пештахтанинг нариги чеккасида ликопчаларни тозалаётган барменга кўз ташлаб. – Ўша ерда гаплашамиз.

– Шошмай тур, ичиб олай. Қолаверса, сен ҳам бир кружка пиво ичиб олсанг ёмон бўлмасди.

– Мен учун ёмон бўлмайдиган нарсалар тўлиб-тошиб ётибди. Ичинг тезроқ.

Билли атрофга кўз югуртирди.

– Яхши жой экан. Ҳамёнингни қаппайтириб келишга арзийди.

– Мен бу ерда икки кунга қолмоқчийдим, бутун бир мавсумга эмас. Хўш, ичиб бўлдингми?

– Ичиб бўлдим, ахир ҳақини тўлаб кўйишим ҳам керакми?

– Менинг ҳисобимга ёзиб кўяверинг, – деди Уэсли барменга.

– Раҳмат, – деди Билли, Уэсли билан изма-из бардан чиқар экан.

– Бу менинг кўлимдан келадиган энг кичик ҳиммат, – кинояомуз деди Уэсли, – менинг садоқатли амакиваччамга.

Бўлмада Уэсли дарҳол Биллига ташланди.

– Олиб келдингми? – кескин оҳангда сўради у.

– Ҳозир сенга ҳаммасини тушунтираман. Уни мен учун сақлаб келган одам полициядан яшириниб юрибди. Парижда у йўқ, қизалоғи ҳам отамнинг қаердалигини билмаймиз дейди. Лекин у қизалоғига қўнғирок қилади ва...

– Қачон? Қачон у қизига қўнғирок қилар экан?

– Қизалоқ анигини билмайди, аммо тезда...

– Тезда? Мустақиллик кунидами? Балки, рождестводир?

– Нега мен билан бунақа гаплашасан? Мен ўзимга боғлиқ ҳамма ишни бажардим.

– Менимча, сен алдаяпсан, Билли, – деди Уэсли маҳзун оҳангда.

– Нега ҳаммадан шубҳаланаверасан? Ахир сенга ёрдам бераман деб ўзим айтган эдим-ку. Ҳеч ким манглайингга тўппонча тираб мажбурламаган. Жон-жаҳдим билан ҳаракат қилдим.

– Алдаяпсан! Бу тўппонча қаердалигини биласан-ку... агар у ростданам бор бўлса... унинг қаердалигини айтасан. Ҳозирок. – Шундай деб Уэсли мушукдай Биллига бир сакраб, томоғидан буға бошлайди. Билли жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатди, бироқ Уэсли ундан қирк фунтча оғир эди. Улар олиша кетдилар. Мувозанатини йўқотган, Билли ағдарилиб тушди ва Уэсли уни тиззаси билан босди. Унинг юзи ўша-ўша хотиржам эди, одамхўрларга ўхшаб, унинг чайир қўллари Биллининг томоғидан бўғиб олганди. Билли хушдан кета бошлагандагина Уэсли бармоқларини бўшатди.

– Айтасанми, йўкми?

– Кўйиб юбор. – Билли хириллади. – Бўғиб ўлдириб кўйишинг мумкин.

– Худди шундай. – Уэслининг қўллари яна унинг томоғидан бўға бошлады.

– Рудольф... У Сен-Поль-де-Вансда... “Коломб д’Ор” отелида. Кўйиб юбор!

Уэсли аста бармоқларини ёйди-да, ўрнидан турди. У Биллининг туришига ёрдамлашиб юборди ва Билли қўллари билан бўйнини пайпаслаб, ўзини стулга ташлады.

– Рудольф амакимиз қаердан келиб колди? Фақат алдама.

– Мен унга, Нью-Йоркка кўнғироқ қилган эдим. Сенга фақат шу одамгина ёрдам беради деб ўйладим. Мутлақо сени деб. Ахир сен мени ўзидан хавотир олади деб ўйламайсан-ку.

– Кўрқоқ, – нафрат билан деди Уэсли. – Ёрдамга Санта-Клаусни чақирганмишлар. Шундай бўлишини бошиданок ўйлашим керак эди. Теннисчидан бундан ортиқ нимани ҳам кутиш мумкин.

– Энди Сен-Поль-де-Вансга жўна, қонхўр иблис, бориб Рудольф амакимизни бўғишга ҳаракат қил.

– Балки шундай қиларман ҳам. Сен эса йўқол бу ердан. Ҳа, бошқа сенинг қорангни кўрмай, бўлмаса афсус қиласан.

– Сеникига келсам ҳам пичоқсиз келмайман, – деди Билли ўрнидан турар экан. – Айтиб қўяй.

– Раҳмат. Назарда тутаман.

Эшик тагида Билли орқасига ўгирилди.

– Яна бир гап. Сен нима деб ўйласанг ўйлайверу, мен – дўстингман.

Уэсли кибр билан бош ирғаб қўйди, Билли эса ташқарига чиқиб кетди.

Пастда у Сен-Поль-де-Вансга кўнғироқ қилди ва бўлган воқеани Рудольфга сўзлаб берди.

– Эй Худойим, – деди Рудольф. – Нахотки у шунчалик бузилиб кетган бўлса!

– Ундан баттар, – деди Билли. – Ақлдан озган. Сиз яхшиси бошқа отелга ўтиб олинг, бўлмаса у сизга ҳам ташланади.

– Ҳечқаёққа ўтмайман, – хотиржам жавоб берди Рудольф. – Келаверсин.

– Фақат у билан ёлғиз учрашманг, – деди Билли амакисининг довурак-лигига қойил қолиб.

– У қандай хоҳласа, шундай учрашишга тайёрман.

– Бирон йўлини ўйлаб топдингизми?

– Эҳтимол.

– Ўрнингизда мен бўлганимда у келгунча анови нарсани гумдон қилган бўлардим. Уни денгизга ташлаб юборинг.

– Йўк, – ўйчан деди Рудольф, – билишимча, бундай қилишга арзимайди. У яқин кунларда асқотиб қолиши мумкин.

– Омадингизни берсин.

– Келаси ҳафтада Канндаги фестивалда кўришамиз. Мен барчамиз учун “Мажестик” отелидан бўлмалар буюриб қўйдим. Сен Уэсли билан битта бўлмадасан. Бироқ мана бу воқеадан кейин... – у мийиғида кулди, – сени бошқа қаватга жойлашим керак бўлади.

– Ҳаммасини ҳисобга олишда тенгсизсиз, – мақтаб қўйди уни Билли.

– Деярли ҳаммасини, – жавоб берди Рудольф.

Билли гўшакни илди ва портъенинг пештахтаси олдига бориб, деди:

– Илтимос, суҳбат пулини мистер Жордах ҳисобига ёзиб қўйинг.

* * *

Уэсли ўша куни ҳам, эртасига ҳам қўнғироқ қилмади. Аммо антиблик адвокат қўнғироқ қилди.

– Менда баъзи бир янгиликлар бор, – деди у. – Сизнинг ишингиз вазидан мен мурожаат қилмоқчи бўлган одам ҳозирги вақтда турмада ўтирибди. Бироқ икки ҳафтадан сўнг чиқади ва уйига, Марселга қайтади. Мен у билан боғланаман ва унга сизни қаердан топишини айтаман.

– Мен Канндаги “Мажестик” отелида бўламан, – деди Рудольф.

– Ҳаяллаганим учун узр.

– Илож қанча. Меҳнатингиз учун ташаккур. Қўнғироғингизни ку-таман.

Илож қанча, ўйлади Рудольф, гўшакни илар экан. Ҳаётим достони учун мос сарлавҳа. Илож қанча.

10

“Масхарали таъмир”нинг реклама агенти биринчи режиссёрлик иши билан Канн фестивалида Америка киносанъатини намойиш этиши керак бўлган Гретхен ҳақидаги мақолани чоп этди. Шу боис Гретхен самолёти Ницца тайёрагоҳига қўнганида фотографлар аллақачон уни кутиб туришарди. Гретхен қандай қилиб самолётдан чиқиб келаяпти, Билли ва Рудольф билан қандай кўришаяпти – ҳаммасини суратга олишарди. Гретхен йиғисини базўр тийиб ўғлини маҳкам кучоқлади ва ўпди.

– Шунча вақт ўтибди-я, – шивирлади у. Фоторепортёрлар борлигида онасининг бағрида бўлишдан ийманган Билли юмшоқ, аммо кескин тарзда она кучоғидан суғурилиб чиқди.

– Ойи, – деди у, – келинг, шу оилавий кўришувни кейинга қолдирайлик.

Рўзнома саҳифаларида қариндош-уруғлар кучоғида сал бўлмаса бўғилиб ўлаёзганларнинг суратлари унга сира ёкмасди, бу суратларнинг кинога қанчалик фойда ёки зарари тегиши билан иши бўлмасди.

Гретхен ортга чекинди ва унинг лаблари қимтиниб, Биллига яхши та-ниш бўлган совуқ, ингичка чизикқа айланди.

– Билли, – деди у расмий оҳангда, – сенга рассомимиз мистер Доннеллини таништиришга рухсат бер.

Билли аллақачон йигитнинг қўлини қисиб қўйганди.

– Танишганимдан ғоят хурсандман, сэр, – деди Билли. Яна биттаси. Гретхен кўнгли бўшлигидан ҳеч бирига йўқ деёлмасди. Улар божхона эшиги тагида йиғилган оломон орасидан ўтиб келишаётганда Доннеллининг ҳомий мулкдор сифатида онасининг биллагидан тутиб турганини кўрди. Бу учрашув вақтида – шунча йиллардан бери биринчи марта – Билли меҳрибон ва ақлли бўлишга уришиб кўрди, аммо хушрўй онасининг ҳар доимгидай ҳашамдор мовий костюмда унинг ўзидан камида икки ёш катта одам билан қўлтиқлашиб туриши ғашини келтирди.

Бироқ бу туйғуга кўпроқ йўл бериб қўганидан ўзи уялиб кетди. Минг қилганда ҳам онаси кап-катта одам, бўш вақтида у нима қилади, кимни хуш кўради – бу унинг шахсий иши. Шу боис ҳозир, онаси билан машина томонга борар экан, у онасининг қўлини аста сиқиб қўйди, бу билан оилавий кўришув важдан яқинда қилган танбеҳи учун кечирим сўраган бўлди. Гретхен таажжуб ичида ўғлига қаради, кейин эса қувноқ кулиб қўйди-да, деди:

– Бизни ғаройиб икки ҳафта кутаяпти.

– Тезроқ шша кун кела қолсайди. Кинойингизни кўришга шунақанги мушток бўлиб кетаяпманки, қўяверасиз.

– Кўрганларга у ёққандек.

– “Ёққандек” ҳам гапми, – суҳбатга аралашди Рудольф. – Ҳамма қойил қолаяпти. Менга кинодаги улушимни юз фоиз фойдаси билан сотишни таклиф қилишди, лекин рад этдим.

– Вафодор оғам, – қувноқ оҳангда деди Гретхен, бироқ ўша захоти туси тундлашди, – Руди, бундоқ чиройингни очсанг-чи. Кўринишинг худди тун бўйи мижжа қокмаган одамга ўхшайди. Тинчликми ўзи?

– Тинчлик бўлганда қандоқ, – хижолат ичида кулиб юборди Рудольф. – Ҳойнаҳой, казиноларда узоқ қолиб кетаяпман чоғи.

– Тўғрисини айтсам, кўнглимнинг бир чети ўпирилган, – деди Гретхен, ҳаммол ва ҳайдовчи жомадонларни машинага жойлар экан.

– Нимадан?

– Уэсли мен билан сўрашгани келмади.

Рудольф ва Билли бир-бирига қараб қўйди.

– У биз билан битта отелда эди, чамаси? – сўради Гретхен.

– Йўқ, – деди Рудольф.

– Лекин у Каннда бўлса керак? Кино намойиш этилгандан кейин рўзномалар ва телевидение унинг авра-астарини ағдаришга киришади. Борди-ю, у ўзини актёрдек тутиб туриши керак.

– Гретхен, – эҳтиёткорлик билан деди Рудольф, – унинг ҳозир қаердалигини биз билмаймиз. У Сен-Тропезда эди – у ҳақда биз билган сўнгги хабар шу, лекин кейин қаёққадир ғойиб бўлган.

– Буни қандай тушуниш керак?

– Ҳеч қанақа тушуниш шарт эмас, – ёлғонлади Рудольф. – Сен ташвишланма, у албатта келиб қолади.

– Келиб қолса-ку, нур устига нур, – деди Гретхен Доннеллининг маши-насига ўтириб. – Акс ҳолда мен қидирув эълон қилишимга тўғри келади.

Юқлар кўплигидан Рудольф учун жой қолмагани, ниҳоят, улар Билли билан “пежо”лар бекатига йўл олдилар.

– Зудлик билан синглимга бир баҳона ўйлаб топмаса бўлмайди, – деди Рудольф.

– Бу сафар ўзингиз ўйлаб топинг, – деди Билли. – Охири марта ўйлаб топган ёлғонимга сал бўлмаса бошим билан жавоб бераёзим.

– Балки рўзномада Гретхеннинг суратини кўриб, келиб қолар. Суратга олиш чоғида у Гретхенга жуда парвона бўлаётгани.

– Биламан. У менга ҳикоя қилиб бергани. Ҳозир у фақат бир нарсани ўйлаб юрибди – бир югослав одамни қидириб топиш. – Билли маънодор қилиб Рудольфга қараб қўйди. – Сизда ҳеч қандай янгилик йўқми?

– Эҳтимол бир неча кундан кейин бўлиб қолар.

– Ораларингдаги гапдан мени ҳали ҳам воқиф этишни хоҳлаяпсизлар, шундайми?

– Йўқ, – кескин жавоб берди Рудольф. – Ижиклаб сўрамай кўя қол.

Бирмунча вақтгача Билли кўзларини йўлга тикканча сукут сақлади. Онасининг келиши муносабати билан у машинани ювди ва тоза, дазмолланган костюмини кийди. Уэслининг йўқлиги учрашувдаги умумий кайфиятга ёмон таъсир қилгани.

– Онамнинг ҳаётидаги ушбу тантанали дамларни писанд қилмасликка унинг ҳаққи йўқ эди. Тайёрағоҳда онамнинг кайфияти аъло даражада эди. Бугун айниқса очилиб кетибди.

– Жуда ҳам.

– Унинг Доннелли билан алоқалари қанақа? – Билли бошни буриб, Рудольфга қараб қўйди.

– Менинг билишимча – ҳеч қанақа, – жавоб берди Рудольф кескин. – Улар биргаликда ёмон ишлашмади, ҳозир эса биз у билан битта иш қилаёпмиз. Бу ерда ҳам сен ҳеч нимани ижиклаб сўрама.

– Шунчаки сўрадим-да, – деди Билли. – Ўғил онасидан ташвишланади-да. У қанақа йигит ўзи?

– Зўр йигит: истеъдодли, ориятли, ҳалол, ичкиликбоз.

– Бунга онам отам ҳаётлигидаёқ ўрганиши лозим эди. Мен ичкилик-бозликни назарда тутаяпман.

– Сенинг отангни ҳам таклиф қилган амманг. Лекин у ҳозир қандайдир янги иш билан банд, Чикагодан бошқа жойга кетиб қолиши мумкин. Ҳар ҳолда, у охири ўзини қўлга олган кўринади.

– Ишониш қийин. Ўз ўғли учун бир яхши иш қилгани ҳам етарли.

– Қанақа иш?

– Менда ичкиликка нафрат уйғотди. – Билли мийиғида жилмайди. – Менга қаранг, миямга бир фикр келди. Ота-она борасида эмас, балки Уэсли борасида.

– Қани, кулоғим сенда.

– Сиз, албатта, полиция меҳмонхонага киришда тўлдириладиган карточкаларни кўздан кечиришини биласиз-а?..

– Ҳа.

– Уэслининг бу ерда Каннда таниши йўқлиги аниқ, борадиган жойи йўқ, шунинг учун хойнаҳой у меҳмонхонада турибди. Полицияга бориб,

билиш керак. Нима бўлганда ҳам у фестиваль киносида ўйнайди-ку... дейлик, уни кидиришади, интервью олиш, расмга тушиш учун...

– Йўқ, бундай қилиб бўлмайди. Полиция Уэслига қанчалик оз қизиқса, барча учун шунча яхши. Биз ўзимиз уни излаб топишимиз керак. Бандаргоҳ томонларни кезамизми, тунги клубларни бориб қараймизми, хуллас, ҳамма жойни қараб чиқиш лозим. Онангга эса ҳозирча у уялаяпти – кино намойиш этилгунча ҳеч қандай овоза бўлмасликни истаяпти деймиз, унга ўз ролини яхши ўйнамагандек туюлаяпти ва ҳамма унинг устидан кулаётгандек бўлаяпти, шунинг учун ҳам одамлар кўзига тушмасликка ҳаракат қилаяпти, деймиз...

– Бунга уни ишонади деб ўйлайсизми? – шубҳа билан сўради Билли.

– Эҳтимол. Йигитнинг ғалати эканини аммаси билади ва ҳар ҳолда, ундан буни кутса бўлади дейди.

– Мен бир нарсадан таажжубдаман, – деди Билли, – у сизнинг олдингизга келмади, кўнғироқ ҳам қилмади.

– Унинг бундай қилмаслигига ишончим комил эди, у кидирган нарсани мендан ҳеч қачон ололмайди – буни у беш қўлда билади.

– Тўппонча ҳали ҳам сиздами? – сўради Билли.

– Менда.

Билли яна мийиғида кулиб қўйди.

– Гаров боғлайман, сиз чўнтагида овозсиз отиладиган тўппончаси бўлган фестивалдаги ягона одамсиз.

– Бундай имтиёздан жон-жон деб воз кечган бўлардим, – маъюс оҳангда деди Рудольф.

Улар Канндаги Круазетт киргоғи бўйлаб ўтиб кетаётганда фестиваль фильмлари афишалари орасида Рудольф, Гретхен исми шарифи бўлган “Масхарали таъмир” афишасини кўриб қолди.

– Энди, – ҳазиломуз деди Билли, – бу барча ташвишларга кўшимча тарзда менинг машҳур она ўғли бўлишни ўрганишимга тўғри келади. Борди-ю, мендан интервью олсалар нима дейишим керак?

– Бемисл экан деб айтавер.

– Навбатдаги савол, мистер Эббот, кино саноати деб онангиз сизни қурбон қилди дея оласизми, деб сўрашса, фақат сўнгги ўн-ўн беш йилда, холос, дейман.

– Сен менга шундай ҳазил қила оласан, – кескин оҳангда деди Рудольф, – бошқа ҳеч ким бунга журъат этолмайди. Буни ўзинг ҳам тушуниб тургандирсан, ҳойнаҳой.

– Ҳа, сэр. Албатта, аҳмоқнинг гапини айтдим.

– Ҳар ҳолда, ҳозирча Гретхен машҳур эмас ва умуман, бундай жойларда бугун сен машҳурсан, эртага эса – йўқ. Онанг ҳозир мураккаб ва оғир дамларни бошдан кечирмоқда ва биз уни қаттиқ қўллаб-қувватлашимиз керак.

– Мен унга қудратли эман дарахтидай суянчиқ бўламан, у ўзининг бебош ўғлини танимай қолади, менга ҳайрон бўлиб қарайди.

– Гарчи отанг каби ичишни билмасанг-да, Билли, аммо сен, афтидан, бир боқибегам одам деган таассурот уйғотасан кишида – отанг худди шунақа одам эди.

– Бу шунчаки отадан ўғилга ўтадиган ҳимоя усули, бу билан меҳрибон ва бетинч юракни ёт кўзлардан беркитмоқчи бўлади.

– У, лоақал, ҳар замон-ҳар замонда ташқарига кўз солиб турсин. Бундан бир нарса бўлиб қолмайсан.

Улар меҳмонхона танобийсига кириб келганда, Рудольф унинг учун бирон янгилик бор-йўқлигини сўради. Ҳеч қандай янгилик йўқ эди.

Танобийнинг тўрида Гретхен журналистлар ва фотографлар қуршовида ўтирарди. Кандаги асосий машҳурлар ҳали етиб келмаганди ва уларнинг фильмини реклама қилаётган агенти бу воқеадан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда эди. Гертхен яхши гапирар, жилмаяр афтидан, ўзини аъло даражада ҳис этарди.

Уларга кўзи тушган Гретхен бу ёққа келинлар, ишорасини қилди, аммо Билли йўқ дегандек бош чайқади.

– Мен кетдим, – деди у Рудольфга, – бандагоҳдан ўтаман ва йўқолган фариштамизни қидириб кўраман. Онажонимга айтинг, мен уни севаман, аммо ишларим кўп.

Рудольф синглизининг олдига борди ва Гретхен уни ўз акам, кинога пул тиккан сармоядорлардан бири деб таништирди. Биллининг қаёққа кетганини сўрамади. Фотографлардан бири унга синглизининг ёнига келиб туришини таклиф қилган эди, Рудольф синглизидан Доннелли қаерда деб сўради.

– Уни топишдан осони бор эканми? – У объективга қараб, Рудольфга жилмайиб кўйди.

Рудольф барга борди: у ерда Доннелли тунд ҳолда, вискили стакан устида энгашиб ўтирарди.

– Машҳур фестивалнинг ўйин-кулгилари-ю, қувноқликларидан маза қилаяпсизми? – сўради Рудольф.

Доннелли унга энсаси қотиб қараб кўйди.

– Бу ерга келмасам бўлар экан.

– Нега? – ҳайрон бўлди Рудольф.

– Анави болакай, унинг ўғли Билли, тайёрагоҳда менга шундай бир қараш қилдики...

– Сизга шунақа кўринган.

– Йўқ, ундай эмас. Энди у мен туфайли Гретхеннинг ҳаётини бузма-сайди деб кўрқаман. Ёки у қизғанаяптими?

– Йўқ. Эҳтимол, шунчаки ташвишланаётгандир: нима бўлганда ҳам сиз Гретхендан анча ёшсиз, Билли сизларнинг бу ишларингизнинг охири вой бўлмасайди, деб кўрқаётгандир.

– У сизга шундай дедими?

– Йўқ, – икром бўлди Рудольф. – У ҳеч нима дегани йўқ.

– Синглингиз менга у ҳақда гапирганди, – Доннелли вискини охиригача сипқорди ва барменга яна олиб кел ишорасини қилди. – Унга йўрғакда теккан яна бир касали бор эди.

– У ҳаётимда янги саҳифа очаяпман деганди.

– Ниццадаги тайёрагоҳда у ҳеч қанақа янги саҳифа очмаганди – бу энди аниқ. Дарвоқе, иккинчи йигитчамиз қани – анави Уэсли дегани. Гретхеннинг айтишича, улар иккаласи машинада Испаниядан келиши керак эди.

– У шу ерда, – номаълум қилиб жавоб берди Рудольф.

– “Шу ерда” деганингиз қаерда? – тиниб-тинчимаётганди Доннелли. – Биз учиб келганимизда, Уэсли бу ерда йўқ эди, ваҳоланки у, жин урсин, унинг учун Гретхен қилган ҳамма нарсадан кейин уни топиши керак

эди. – Доннелли стакандаги вискини ютоқиб ичди. – Гаров боғлайман, буларнинг ҳаммаси унинг ўғлини кўлидан келадиган ишлар.

– Тайёрагоҳдаги битта қараш деб шунчалар асабийлашиш шартми? Ишонинг менга, ҳаммаси жойига тушиб кетади.

– Қанийиди шундоқ бўлса. Чунки, борди-ю, у шу икки ҳафта ичида ойисини хафа қилгудек бўлса, мен унинг бўйнини қайириб ташлайман. Шундай деб қўйинг. Яна шуни ҳам айтингки, мен унинг онасининг кўлини сўраганман.

– У нима деб жавоб берди?

– Кулиб қўйди.

– Табриклайман.

– Қаёққа қарамай, кўзимга фақат у кўринади, – маъюс оҳангда деди Доннелли.

– Агар бунақа бадбинликни ташласангиз сиз яхшироқ кўринган бўлардингиз... – шундай дея Рудольф стакан билан бар пештахтасига енгил уриб қўйди.

– Сиз ҳам мени қайта тарбияламоқчимисиз?

– Назаримда, Гретхен бу мавзуда оғиз очган шекилли?

– Албатта шундай бўлган. Мен унга ваъда бердим, агар у менга тегса, мусалласга ўтаман.

– У нима деб жавоб берди?

– У кулиб юборди.

Рудольф жилмайди.

– Каннда вақтингизни хуш ўтказинг.

– Ҳаракат қиламан, агарда Гретхеннинг барча иши о'кей бўлса. Дарвоқе, Нью-Йоркдан учиб чиқишингиздан бир кун олдин менга бир адвокат қўнғироқ қилди ва Коннектикутдаги ишимиз йил охирига бориб изга тушар экан, деб қўйишимни илтимос қилди.

– Ана кўрдингизми, ҳаммаси бизнинг фойдамизга ҳал бўлаяпти, шунинг учун бунақа қайғуга ботиб ўтиришимиз ярашмайди.

Рудольф Доннеллининг елкасига қоқиб қўйди-да, бардан чикди. Тонобийдаги матбуот анжумани тугаган эди, бироқ реклама агенти Симпсон ҳали қоғозларини йиғиштираётган эди.

– Хўш, яхши ўтдимми? – сўради ундан Рудольф.

– Зўр ўтди, – жавоб берди у. – У мафтун этишда устаси фаранг. Билсангиз, мен Париждаги кўрикда бўлган эдим ва ўйлайманки, юқори ўринлардан бири бизга тайин қилинган.

Рудольф мамнун бош ирғаб қўйди, холбуки бирорта реклама агенти ишининг биринчи ҳафтасида унинг мижозини мағлубият кутаётганини тан олмайди.

– Рўзномаларда Уэслининг фотосуратлари кўпроқ бўлса дегандим.

– Шу ҳам гап бўлдими, – деди агент. – Бусиз ҳам ҳамманинг оғзида Уэсли, у – мўъжиза, фотосуратлар ҳам зарар қилмайди.

– У ҳам ҳозир шу ерда ва борди-ю, уни кўчада олайлик дейишса, биз уни дархол топиб берамиз. Шунда рўзномачилар кино намойиш қилингунга қадар бир неча интервью олишлари мумкин бўлади.

– Бош устига. Бу ашёнинг ўзи менга ҳам керак бўлади.

– Раҳмат, – деди Рудольф ва ўз бўлмаси томон йўл олди. Жомадон у кутган жойда – столда турарди. Демак, тўшпонча ҳам аввалги жойда.

Қандай жирканч буюм, ўйлади у жомадонни ёпар экан. Унга жомадонни кунда камида ўн марта очиб-ёпаётгандек туюлиб кетди.

У ваннахонага кирди-да, иккита тинчлантирувчи ҳапдори ичди. Парижга келганидан буён у қаттиқ ҳаяжонда эди, унда ҳатто эт учиш ҳоллари пайдо бўлганди. Ҳапдориларнинг кучи икки соатга етарди.

У ётоқ бўлмасига кирганида телефон жиринглади. У гўшакни олди, ундан аёл овози эшитилди:

– Рудольф Жордахни телефонга чақириб бера оласизми?

– Бу мен ўзимман.

– Сиз мени танимайсиз, – деди аёл. – Мен Уэслининг танишиман. Менинг исмим Элис Ларкин.

– Ҳа, Уэсли сиз тўғрингизда менга сўзлаб берганди. Сиз ҳозир қаердасиз?

– Нью-Йоркдаман. Уэсли сизлар биланми?

– Йўқ.

– Уни қаердалигини биласизми?

– Айни дамда афсуски йўқ.

– У менга ўтган ҳафтада кўнғироқ қилиши керак эди, – деди Элис. – Мен бир неча кунга Каннга бормоқчи эдим. Менимча, таътилим жойида бўлади, аммо бир нарсани билмоқчиман – унинг режалари ўзгариб қолмадимикин?

– Назаримда, бир тўхтамга келгунингизга қадар бироз кутишингизга тўғри келади. Гап шундаки, Уэсли аллақаёққа ғойиб бўлган. Агар у келиб қолса, сизга телефон қилишини айтаман.

– Унга ҳеч нарса бўлмаганми? – ташвишланиб сўради аёл.

– Менинг билишимча – йўқ, – жавоб берди Рудольф, сўзларни чертиб-чертиб. – Аммо аниқ айтолмайман. У сал бекароррок.

– Ахийри аслингга тортасан деганлари тўғри экан, – энди аёлнинг овозида жаҳл бор эди. – Нима бўлганда ҳам, борди-ю, уни кўриб қолсангиз, менинг номимдан катта муваффақият тилаб қўйинг.

– Албатта. – У аста гўшакни жойига қўйди. Ҳапдорилар таъсири сезилганича йўқ эди. Бунақада бу телба Уэсли одамни жинни қилиб қўяди-ку. Балки, кўнглидан ўтказди у, уни топгудек бўлсам, қўлига мана бу лаънати тўппончани берсам-да, қўлимни ювиб қўя қолсам. Рудольф дераза олдида борди ва денгизга қаради – кўм-кўк ва сокин уммон. Пастда, Круазетт соҳилбўйида одамлар сайр қиларди; уларнинг боши узра куёш чарақлар ва фестиваль байроқлари шамолда ҳилпирарди. Бахтиёр одамлар, ўйлади Рудольф, кўм-кўк осмондан кўз узмай. Ичидан битта-яримта билан ўрин алмаштирсаммикан деган ўй ўтди.

* * *

Қош қорайганда Билли бўлмасига қайтди. Кун бўйи у эски бандаргоҳ бўйлаб изғиди, яхталарни қараб чикди, бар ва ресторанларга кирди. У онасига мехмонхонага кўнғироқ қилди, бироқ телефончи қиз миссис Берк ҳеч ким билан уланмасликни илтимос қилдилар, деб жавоб берди. Ҳойнаҳой ўзининг малла соқоли билан тўшакда ётгандир. Яхшиси, бу ҳақда ўйламай.

У ечинди ва душда чўмилди. Узоқ жазирама кундан кейин бу чинданам жонининг роҳати эди – тизиллаб отилган сувга ўзини тутиш, дунёдаги ҳамма нарсани унутиш ва фақат сувнинг баданни тешгудек ёқимли урилишини ҳис этиш – оҳ, оҳ, оҳ!

У душдан чиққан ҳам эдики, эшик тақиллади. Билли сочларини артиб сочиққа ўранди, гиламда ҳўл излар қолдириб, эшик томон йўналади. Рўпарасида Моника жилмайиб турарди.

– Оҳ! – деб юборди Билли.

– Кўрдим, меҳмонни кутишга тайёр экансан, – деди у. – Кирсам майлими?

Бир ўзими ёки йўқми эканини билиш учун Билли йўлакка кўз ташлади.

– Кўркма, бу шунчаки зодагонча ташриф. Мен билан ҳеч ким йўқ. – Қиз бўлмага ўтиб кетди ва Билли эшикни ёпди. – Вой-бў, – деди Моника мухташам, чиройли жиҳозланган хонага кўз югуртирар экан. – Бу ҳечам Брюсселдагига ўхшамайди. Капитализм сенга ярашибди, кўзичоғим.

– Мени қандай топдинг? – сўради Билли Брюссель ҳақидаги сўзларни эшитмаганга олиб.

– Жуда оддий. Бу гал сен янги манзилингни қолдирибсан.

– Бундан кейин бундай хатога йўл қўймасликка ҳаракат қиламан. Ўзларига нима керак?

– Шунчаки сен билан кўришишим керак бўлиб қолди. – Қиз оёқларини бир-бирига чалиштириб ўтириб олди-да, йигитга қараб жилмайди. – Чексам қаршимасмисан?

– Борди-ю, қаршиман десам-чи?

– Барибир чекаман. – Моника кулиб юборди, сумкачасидан сигарета олди-ю, аммо тутатишга шошилмади.

– Бориб кийинай. Хорижлик хонимларни кип яланғоч ҳолимда кутиб олишга ўрганганман. – Билли ваннахонага йўл олди (шим ва кўйлақлари ўша ерда эди), бироқ Моника сигаретани итқитди-да, йигитнинг қўлидан тутди.

– Кераги йўқ. Мен ҳечам бегона эмасман. Бундан ташқари, эгнингга қанча оз кийим илсанг, шунча яхши кўринасан. – Қиз бошини кўтариб, йигитга қаради. – Ўп мени, – деди.

Билли ўзини Моникадан олиб қочишга ҳаракат қилди, бироқ қиз уни маҳкам ушлаб олди.

– Хаёлингга тагин нималар келди? – сўради Билли кескин оҳангда, холбуки таниш эҳтиросни ҳис эта бошлаганди.

– Ҳамон ўша хаёл, – мийиғида кулди қиз.

– Испанияда “ўша” деган нарса бўлмаганда, – деди Билли, туйқусдан уйғонган хоҳишни лаънатлаб.

– Испанияда мен бошқа ишлар билан банд эдим. Бунинг устига мен у ерга бир ўзим боргандим, агар эсингда бўлса. Энди мен ёлғизман, ҳеч нима билан машғул эмасман ва ҳаммаси эскичасига бўлади. Мен, назаримда, сенга бир гап айтган эдим-а, “янги сўллар” мени қониктирмайди, деб. Ўшандан буён ҳеч нарса ўзгармади.

– Эй Художон! – Охир-оқибатда бундан аттанг деб қолишига ишончи қонил эди Биллининг.

– Сирасини айтганда айнан шуни деб келган эдим. – Қиз ўрнидан турди ва улар ўпиша кетдилар. – Мен сени соғиндим, – шивирлади қиз. – Бор ёт. Мен ечинаман.

Сочига ўраб олган сочикни олмай Билли ётди. Моника кўйлагини ечди. Йигит кўзларини юмди. Бир марта ва сўнгги гал, ўйлади Билли. Шу нарса ўзи керакмиди, жин урсин. Бир қават юкорида онаси хойнаҳой, шундай иш билан машғулдир. Кулоғига Моникани каравот томонга оёкяланг келлаётгани эшитилди. Билли сочикни бошидан олиб ташлади. “Оҳ” торганча қиз йигит устига қулади ва йигит уни маҳкам кучоқлади.

* * *

Билли дим, қоп-қоронғи хонада чалқанча ётар, Моника унинг ёнидан жой олганди, у бошини йигитнинг елкасига қўйди.

– Энди манзилингни қолдиришни унутма, – деди Моника.

– Унутмайман, – деди Билли, гарчи тўғри айтаётганига ишонмаса-да. Қиз уни жуда кўп ходисотлардан ўтиб келишга мажбур этди шунда у қиз билан у ўзини беҳовотир сезадиган жой тўшак эканини англади.

– Ҳозирги манзилинг қанақа?

– Сенга нега керак у?

– Ногоҳ отелинг ёнидан ўтгудек бўлсам, сени кўриб ўтаман.

– Мени сен билан кўришишни истамайман.

– Жин урсин! – Билли қўлини бўшатди ва туриб ўтирди. – Нима учун ташаббус доим сен томондан бўлиши керак экан?

– Чунки мен мана шундай ҳаракат қилишни яхши кўраман.

– Ҳаракат қилиш эмиш! Менга бу сўз ёқмайди.

– Кўнишга мажбурсан, жонгинам, – деди Моника.

У ҳам энди ўтириб, каравот ёнидаги тумбочка устида турган қутичадан бир дона сигарет суғуриб олди-да, “чирг” этиб гугурт чакди. Гугурт шуъласи унинг юз-кўзини ёритди.

– Ҳозир бўшман дегандай бўлувдинг шекилли? – деди Билли.

– Бўш вақт ҳам қачондир тугайди.

– Агар сени қаердан топишим мумкинлигини айтмасанг, бу бизнинг охирги учрашувимиз бўлади.

– Биз шу ерда кўришамиз, – деди Моника, тутунни ичига тортиб. – Эртага худди шу вақтда.

– Аблах.

– Мен сенинг тилингга доим қойил қолиб келганман. – Қиз турди-да, қоронғида кийина бошлади. – Ҳа, айтганча, бугун кундузи бир отель ёнида амакиваччангни кўргандим. Сен билан теннис ўйнаган йигитча бор-ку, ўшани.

– Ростданми? Унинг амакиваччам эканини ким айтди сенга?

– Мен уни маълумотлар китобчасидан топдим. “Ким аслида ким” деган.

– Ҳар доимгидек ғоят оқилона иш тутасан. Уни қайси отель ёнида кўрдинг?

– У ҳали сизлар билан турмайдами? – бироз тин олиб деди Моника.

– Йўқ. Хўш, биз уни қайси отель ёнидан топишимиз керак?

– Биз деганинг кимлар?

– Бу ёғи билан ишинг бўлмасин.

– Буни қара-я, отелнинг номи эсимдан чиқибди.

– Алдама.

– Эҳтимол, – кулди қиз. – Борди-ю, сен яхши бола бўлиб эртага кечкурун мени шу ерда кутсанг, шояд эсимга тушса.

– Сен у билан гаплашдингми?

– Йўқ. Мени оиланинг бошқа аъзоси қизиктиради.

– Эй Худойим-эй, – деди Билли.

– Бир вақтлар сен буни муҳаббат дегандинг.

– Бу аввал шундай бўлганди, – маънос деди Билли.

– Сен айтгандек бўла қолсин, кўзmunчоғим. – Қиз сигаретани ташлаб, тўшак олдига борди, эгилди ва йигитни ўпди. – Яхши ётиб тур, болажоним. Мен борай энди.

Эшик ёпилгач, Билли ўзини ёстикка ташлади ва коп-қоронғи шифтга тикилди. Яна бир муаммо – у билмайдиган, лекин эртага аниқлаш мумкин бўлган шаҳар отелларидан бири олдида бугун Уэслини кўришганини Рудольфга айтсинми, йўқми? Айтса, у буни қаердан билганини ва нима учун эртагача кутиш лозимлигини тушунтиришига тўғри келади. Мониканинг номини тилга олмасдан у бирон нарасани тушунтириб беролмайди ҳам. У бошини асабий чайқади. Моникасиз ҳам Рудольфнинг ташвиши бошидан ошиб-тошиб ётибди.

Телефон жиринглади. Бу Рудольф эди, у Биллига шуни айтдики, ярим соатдан кейин улар барчаси кечки овқат олдида пастдаги барда учрашар эканлар.

11

– Йўқ, – деди Гретхен, – мен ҳеч нарса ташкил этмокчи эмасман. Мен чарчадим, ундан кўра, ётиб, кам деганда икки кеча-кундуз ухлаганим яхши. – У ўз бўлмасида Доннелли ва Рудольф билан ўтирарди.

Рудольф кино намойишидан кейин жюри аъзолари, бош ижара компаниялари вакиллари ҳамда Гретхен ва ўзи яхши муносабат ўрнатган журналистлар учун байрам зиёфати уюштиришни таклиф қилди. Фестивалдаги фильм намойишига оз кунлар қолгани сайин Гретхеннинг ҳаяжони ортиб борар ва бундай оқшом зўриқишини босар эди.

– Биздан ташқари бу ерда яна бир одам бўлса, – деди Гретхен, – шунда, эҳтимол, бир нарса уюштирса бўларди. Барча табрикларни бир ўзим қабул қилишни истамайман, борди-ю, киномиз муваффақият қозонолмаса, битта ўзим тунд башараларни томоша қилишимнинг ҳам ҳожати йўқ. Фрэнсис Миллер ва Уэсли шу ерда бўлганда эди, мен рози бўлардим, аммо бу итдан тарқаган қиз келмади-келмади, Уэсли эса аллақайёққа ғойиб бўлган, умуман, бундай йиғинлар учун кексалик қиламан энди...

– Жуда соз, – деди Рудольф. – Биз шунчаки тор даврада овқатланамизда, бир-биримизни табриклаймиз. – У соатга қараб кўйди. – Энди кеч. Ётиб ухла, сингилжон. – У Гретхенни ўпиб кўйди-да, эшик томон йўл олди.

– Мен сизлар биланман, – деди Доннелли, – мен ҳам тўйиб ухлашим керак. Борди-ю, Гретхен менинг қолишимни истаса...

– Йўқ, раҳмат, – деди Гретхен. – Эрталаб кўришамиз.

– Мен сиз билан гаплашиб олишим керак, Руди, – деди Доннелли лифтга бориш йўлида. – Кўнглим тинч эмас. У бўлаётган ишларни кўтара оладими, йўқми, айтиб бўлмайди. Ухламайди, ҳапдори ичгани-ичган, ёнида ҳеч ким бўлмаса, йиғлайди. Уни қандай юпатишни ҳам билмай қолдим.

– Хотин киши бўлиш яхши-да, – деди Рудольф. – Мен ўзим ҳам жон-жон деб йиғлаган бўлардим.

– Мен бўлсам сизни иродангиз мустаҳкам деб юрибман, – хайрон бўлиб деди Доннелли.

– Бу ерда гап кино устида кетмаяпти.

– Нима экан бўлмаса?

– Бошқа пайт айтарман.

– Мендан ёрдам керакмасми?

– Керак. Гретхенга ғамхўрлик қилинг.

– Борди-ю, фильм намойишидан кейин машинада шахар четларини айлансак-чи, – жиллакурса у лоақал икки кун бу жиннихонадан сал нари бўлармиди.

– Мен розиман, – деди Рудольф, – агар уни кўндиролсангиз, албатта.

– Эртага эрталаб уриниб кўраман.

– Жуда яхши, – деди Рудольф. Лифт эшиги очилди. – Хайрли тун, Дэвид. Яхши дам олинг, – Доннелли катта йўлакдан юриб кетди-да, Гретхен эшиги олдида тўхтади. У эшикни тақиллатиши учун қўлини кўтармоқчи ҳам бўлди, бироқ фикридан қайтди. Бугун у бир ўзи ухлай қолсин. У лифт олдида юриб келди-да, барга тушди. Бармен ундан нима ичишни сўраганида, у дарҳол жавоб қайтармади. Барибир ҳам содали виски буюрарди. Ҳозирча мусаллас ича қолсин.

Бўлма эшигини очар экан, Рудини қулоғига телефонини зўр бериб жинглаётгани чалинди. У шошиб гўшакни олди.

– Мсье Жордахми? – сўради эркак овози.

– Ҳа.

– J'avocat d' Antibes m' u dit cue vous worlez me parler...¹

– Сиз инглизча гапира оласизми? – сўради Рудольф. Агар бу ўша одам бўлса, у ҳар бир сўзни тушунмоғи шарт.

– Оз-моз гаплашаман. – Унинг овози паст ва дағал эди. – Антиблик адвокат айтдики, орамизда кичкина бизнес бўлиши...

– Биз қачон учрашимиз мумкин?

– Ҳозир, – жавоб берди кўнғирок қилган киши.

– Қаерда?

– A La gare. Вокзал. Мен буфетдаги пештахта ёнида тураман.

– Мен ўн дақиқадан кейин етиб бораман, – деди Рудольф. – Мен сизни қандай биламан?

– Кўк шимдаман, – деди гўшакдаги овоз, – жигарранг пиджакдаман. Ўзим кичкина-ю, қорним катта.

– Келишдик, – деди Рудольф. – Ўн дақиқадан кейин учрашамиз. – У гўшакни илди. Кўк шим, жигарранг пиджак, катта қорин. Пировардоқибатда, гўзаллик ва дид билан кийиниш ҳозир иккинчи даражали бўлиб турибди. У жомадонни очиб, ичига қаради. Тўппонча жойида эди. У жомадонни ёпди, кулфлади ва чиқиб кетди.

Пастга тушиб, у портъе пештахтаси ортидаги кассир хонасига кирди ва ундан сейфини очишни сўради. Нью-Йоркдаги банк унга ўн минг доллар юборган эди. Рудольф уни франкка айлантирди. У биларди: яхшими ёки ёмонми – содир бўладиган ишлар фақат пул туради. У тартиб билан тахлаб чиқилган даста-даста қоғоз пулларни кўздан кечирди, ўйланиб

¹ Антиблик адвокат айтдики, сиз мен билан гаплашингиз мумкин (франц.).

турди ва беш минг франк олди. Қолган дасталарни у сейфда қолдирди ва уни кулфлади. Сўнг меҳмонхонадан чиқди-да, таксига ўтириб, “La gare” деди. Вокзал йўлида Рудольф ҳеч нима тўғрисида ўйламасликка ҳаракат қилди. Ҳисоб-китоб қилар экан, у кўполлик билан чўнтагидан бир нечта ўн франкли қоғоз пул чиқарди. Қайтимини олиб, таксичига чойчақа берар экан, унинг қўли қалтирарди.

Бақалок, кўк шим ва жигарранг пиджакдаги кишини у бар пештахтаси ёнида турганини кўрди. Унинг олдида патнисда стакан турарди.

– Хайрли оқшом, мсье, – деди Рудольф яқинроқ бориб.

Киши ўғирилди ва Рудольф унга синовчан разм солиб қаради. Унинг сочи қора, юзи лўппи, кўзлари кичкина-кичкина, ичига чуқур ботган ва ҳўл лаблари қалин эди. Беўхшов оч мовий кепкачаси энсасига суриб олганидан ажиндор манглайи очилиб қолганди. Бошқа вазиятда Рудольф бунақа одамга асло ишонмаган бўларди.

– Балки бир жойга ўтармиз, – деди келган киши. – Бу ернинг чироғи ўткир экан, кўзни оғритади.

Улар энсиз, коп-қоронғи ва хувуллаган йўлқадан ўтдилар.

– Қулоғим сизда: таклифингиз?

– Сиз Данович деган одамни биласизми?

Киши индамай яна ўн қадам юрди ва бошини чайқади.

– Балки исми шарифини ўзгартириб олгандир. Сизнингча, у қаерда ҳозир?

– Каннда бўлиши керак, – деди Рудольф. – Сўнгги марта уни “Пушти эшик” тунги клубида кўришган экан.

– Ёмон жой, – бош ирғиди у. – Жуда ёмон.

– Тўғри.

– Агар уни топсам, нима бўлади?

– Агар уни бир ёқлик қилсангиз, нақд пул оласиз.

– “Бир ёқлик қилмоқ” нима дегани?

– Ўлдирасиз. – Эй Худойим, дилидан ўтказди Рудольф, гапираётган ўзимми?

– Compris¹, – деди ёлланган одам. – Энди пул ҳақида гаплашиб олайлик. Қанча тўлайсиз?

– Дейлик, эллик минг франк ёки тахминан ўн минг доллар, агар сиз долларда олмоқчи бўлсангиз.

– Ҳозирча хамирдан патир қанча? Қидириш учун?

– Ёнимда беш минг франк бор, – деди Рудольф. – Уни олишингиз мумкин.

У тўхтади ва калта, йўғон қўлини чўзди.

– Мен пулни ҳозир оламан.

Рудольф кармонини олди-да, пулни чиқарди. Ҳамроҳи кўча фонусининг хира нурида пулни диққат билан қайта санаб чиқди. Қизиқ, ундан тилхат сўрасам, у нима деркин? Шуни ўйлаб, Рудольф кулиб юборай деди. Унинг иши тушиб турган дунёда фақат биргина кафолат бор эди – қасос.

Ёлланган одамча пулларни пиджагининг ички чўнтагига тикди.

– Уни топганимда, – деди у, – мен қанча оламан?

– Ишдан... олдинми ё кейин?

– Олдин.

¹ Келишдик (франц.).

- Йигирма минг, – деди Рудольф. – Бу тенг ярми бўлади.
- D'accord¹, – деди у. – Қолганини қандай оламан?
- Сиз қандай хоҳласангиз, шундай.
- У биров ўйланиб қолди.
- Уни топдим деганимда, сиз адвокатга йигирма беш минг берасиз. Адвокат “Нисматэн”да бу одамни... хах, нима деган эдингиз?
- Бир ёклик бўлганини ўқийди.
- Ана шунақа, бир ёклик бўлади ва дўстим адвокатга боради-да, пулни олади. Келишдикми? – У Рудольфга кўлини чўзди.
- Рудольф ўз ҳаётида кўплаб битимларни кўл сиқиб тасдиқлаган, кейин байрам қилиб нишонлаганди. Бу сафар ҳеч қанақа байрам бўлмайди.
- Телефондан узоклашманг, – ёлланган одам шундай деди-ю, орқасига ўгирилди ва вокзалдан тескари томонга тез одимлаб кетди.
- Рудольф чуқур хўрсиниб Круазетт кирғокбўйидан юриб, ўз отели томон йўл олди. У Нью-Йоркда ўзига хужум қилган ва шундоқ бой одамнинг чўнтагида атиги бир неча доллар пули борлигини кўриб дарғазаб бўлган икки ўғрини эслади. Каннинг қоронғи кўчаларида битта-яримта безорининг миясига уни тунаш ҳаёли пайдо бўлиб қолса, нима бўлади? Унинг чўнтақларини титқилаб, улар шу заҳоти уни бир ёкли қилиб қўя қолишади. Ёнида қолган пул таксида меҳмонхонага етиб олишига кифоя қилади, холос.

* * *

- Билли эшик тақиллашидан уйғониб кетди. Кўзларини ишқалаб, ўрнидан туриб, эшикни очди. Рўпарасида Моника турарди. Қиз тез ичкарига кирди. Билли унинг ортидан эшикни ёпиб, чирокни ёқди.
- Салом, – деди Билли. – Ўй-хаёлим сенда бўлди, қачон келаркансан деб кутдим, – Қизнинг ташрифидан сўнг тўрт кун ўтган эди.
 - Мени соғиндингми? – Қиз ёмғирпўшини бир четга иткитди ва жилмайиб, гижимланган тўшакка ўтирди.
 - Сенга кейин сўзлаб бераман. Ҳозир соат неча бўлди?
 - Ўн икки-ю, ўттиз.
 - Жадвалинг ғалатироқми-ей.
 - Ҳечдан кўра кеч. Ё гапим нотўғрми?
 - Буни мен ҳам сенга кейин айтаман. Менга кундузги вақт кўпроқ ёқади.
 - Шунчалик европалашиб кетдингми?
 - Сен-чи? Кундузи нима ишлар қиласан?
 - Қизиқувчанликни охири бахайр бўлмайди, – ясама самимийлик билан жилмайди Моника.
 - Кўриб турибман, сен сийқаси чикқан сўзларни кўп гапираркансан. Амакиваччамни кўрган отель номини эсладингми?
 - Эслашга қаттиқ ҳаракат қилаяпман. Гоҳо тилимнинг учида тургандай бўлади.
 - Эсинг пастми? – деди Билли.
 - Қандай ажойиб сўзлар. – Қиз сигаретани ташлади-да, уни гилам устида эзгилади. Биллининг ғаши келди. Кийинишни-ку ўрганибди, аммо

¹ Розиман. (франц.)

ўзини уйда тутиш одати ғирт тентакона. Қиз ўрнидан турди, йигитнинг олдига келиб, уни кучоклади ва ўпди. Йигитнинг шу заҳотиёқ туйғулари жунбушга келди. Билли бошқа нарса тўғрисида ўйлашга ҳаракат қиларди – машинанинг мойини алмаштириш пайти бўлмадимикан, эртага теннис ўйинига борсамикан, “Масхарали таъмир”нинг оқшом кўригига икки кундан кейин кийишига тўғри келадиган смокингини дазмолга берсамикан – аммо бу хаёллари ёрдам бермади.

– Дарвоқе, сендан қарз олишга келишиб қўювдик, – деди Моника даб-дурустан.

Йигитнинг бадани жимирлаб кетди.

– Нимани назарда тутаяпсан? – сўради Билли, ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилиб.

– Париждаги қарз, – деди Моника. – У эсингдан чиқмагандир, ҳойнаҳой.

Билли ҳеч нарса деб жавоб бермади ва каравотда қимир этмасдан ёта-верди.

– Биласанми нима қилишинг керак, – давом этди қиз, сочларини тарар экан. – Эртадан кейин кечки соат олтида сен Антиб кўчасидаги “Вуаль вер” барига кирасан. У ерда “Экспресс” ва “Нувель обсерватор” журналларини олиб ўтирган одамни кўрасан. Сен уни столчаси ёнига келиб ўтирасан ва ўзингга мусаллас буюрасан. У стол тагидан ўн олти миллиметрли кинокамерани олади.

– Аслида бу ўн олти миллиметрли кинокамера бўлмайди, – ғижиниб деди Билли.

– Ақлинг кириб қолибди.

– Соч тарашни бас қилсанг-чи, жин урсин сени!

– Шу камера билан Фестиваллар саройига кирасан, унинг ичида ётган нарсани суғуриб оласан ва пана жойга яшириб қўясан. Соат қурилмаси тўққизу қирқ бешда ишга тушади – Ниҳоят, Моника тароқни кўйди ва ўзини ён томонидан кўришга ҳаракат қилиб қўли билан сочларини тўғрилади.

– Нима, жинни бўлдингми? – деди Билли. – Тўққизу қирқ беш дақиқада у ерда онамнинг киноси кетади-ку.

– Мутлақо тўғри. Сендан ҳеч ким шубҳаланмайди. У ерда камерали одамлардан кўпи бўлмайди, сен бутун бино бўйлаб бемалол юра оласан ва ҳеч ким сендан ҳеч нарса сўрамайди. Бу бинога айнан сени танлашларининг сабаби шунда. Ўйланма. Ҳеч ким ўлмайди.

– Бошқача айтганда, бу беозор ва безарар бомбача бўлади, шундайми?

– Шу ҳазилкашлигингни қачон ташлайсан? Соат ўнда полицияга қўнғироқ қилишади ва бинога бомба қўйилган деб эълон қилишади. Беш дақиқа ичида улар бинони тозалашади. Биз ҳеч кимни ўлдирмоқчи эмас-миз, ҳар холда – ҳозир.

– Унда бу даҳмазаларнинг нима кераги бор? – сўради Билли, ўзининг овози қалтирашидан уялиб.

– Бу шунчаки намойиш учун, хўжакўрсинга қилинаётган ишлар. Буни матбуот ва телевидение, шунингдек, жаҳонга таниқли машхурлар туфайли ҳамма билади. Чиқиб кетиш учун улар бир-бирини босиб, ур-йикит бўлиб кетади. Бутун тузумнинг чириб битганини ишончли тарзда намоеън этиш учун бундан нафратлироқ ўйин борми!

– Борди-ю, мен рози бўлмасам-чи?

– Сен билан шуғулланишади, – хотиржам жавоб берди Моника. – Борди-ю, ҳаммаси рисоладагидек бўлса, мен амакиваччанг яшайдиган отель номини эшлашга ҳаракат қиламан. Эсингдан чикмасин: “Вуаль вер” бари, иккита журнал, кечкурун соат олтида. Яхши ётиб тур, болакай. – Қиз сумкачасини олди-ю, ёмғирпўшини елкасига солди-да чиқиб кетди.

* * *

Гретхен, Рудольф ва Доннелли билан биргаликда Фестиваллар саройи зинасидан кўтарилар экан, Билли портерда, “оддий одамлар билан биргаликда” ўтираман деди онасига, холбуки тўртовлари учун ҳам балконда жойлари мухайё эди. У ойисини ўпиб қўйди-да, унинг кулоғига деди:

– Merde.

– Нима? – сўради хайрон бўлиб Гретхен.

– Франция шоу-бизнесида ана шундай омад тилашади.

– Кино сенга ёкишига аминман, – жилмайди Гретхен ва ўғлининг юзидан чўлпиллатиб ўпди.

– Мен ҳам омад тилайман, – жавоб берди Билли жиддий оҳангда. У чиптасини кўрсатди-да, танобийга кирди. Гарчи тонгги кўрик бошланишига ҳали ўн дақиқа бўлса-да, танобий томошабинга тўла эди. Панароқ жой қандай топади? У эркаклар хожатхонасига ўтди. У ер бўм-бўш эди. Чанок ёнидаги ерда ишлатилган қоғоз сочиқлар идиши турарди. Агар унга ҳеч ким халақит бермаса ўттиз сония ичида камеранинг орқа копкағини олиб ташлаш, бомбани суғириб олиш ва уни яширишга улгуриш мумкин эди.

Эшик очилди, бир гулдор кўйлакли эркак киши кирди ва ўта захоти писсуарга томон юрди. Билли атайлаб кўлини чайди ва қоғоз сочиқда кўллларини обдон артди. У танобийга қайтиб келди ва ҳали бир қанча бўш жой қолган биринчи қаторга бориб ўтирди. У шундай ҳолатда эдики, кинони охиригача кўра оладими, йўқми, ўзи билмасди – онасининг ёнида ўтиришни хохламагани шу боисдан эди. Бироқ кино уни бутунлай лол қилиб қўйганди, кулгили жойларда эса у ҳатто барчага кўшилиб кулди. Уэслининг ўйинига эса қойил қолди.

Кино тугагач, томошабинлар узоқ ва яқдиллик билан қарсак чалди. Кейин улар балконга йўл олдилар ва Билли уларнинг Гретхенни олқишлаётганини кўрди, Гретхен энди балкон панжараси олдида ийманибгина кулиб турарди. Онасининг муваффақиятидан тўлқинланган Билли ҳаммадан қаттикроқ чапак чаларди ва шунча йиллардан бери унга паст назар билан қараб келаётгани учун ичида ўзини қаттиқ қойиди!

Круазетт соҳил бўйида унинг кўзи ёш дастхат шинавандалари тўдасига тушди, улар орқа ўгириб турган бир кишини қуршаб олганди. Билли ўша ёққа бормоқчи бўлди-ю, аммо тўхтаб қолди. Дастурлар, дафтарчалар ва ҳатто қоғоз парчаларига дастхат ёзаётган одам Уэсли эканини таниди. Билли кинояли жилмайди. У аста-аста Уэсли томон сурилиб бора бошлади, бу пайтда Уэсли эгилиб, лўли кийимидаги паст бўйли бир қизга дастхат ёзиб бераётганди.

– Мистер Жордах, – деди Билли аёл овозида чучук тил билан. – Менга ҳам дастхат беринг. Сизга жуда қойил қолдим!

Уэсли нигоҳини кўтарди.

– Йўкол кўзимдан, шайтон, – деди у. Бироқ унинг юзида мамнун табас-
сум жилваланарди.

Билли унинг қўлидан маҳкам тутиб олди.

– Бугунча етарли, болалар, – деди у баланд овозда. – Мистер Жордах-
ни матбуот анжуманида кутишайпти. Кетдик, сэр. – У Уэслини маҳкам
ушлаганча олдинга юрди. Уэсли аввалига бироз қайсарлик қилди, лекин
кейин итоаткорона ёнма-ён одимлай кетди.

– Сен ҳозир ҳаммадан ҳам аммангга кераксан, – деди Билли, – уни
доғда колдиришга ҳақинг йўқ.

– Ҳа-а, – чўзиб деди Уэсли. – У чинданам зўр аёл.

– Бўлмаса-чи! Сен шу гапни унинг ўзига айтасан. Мен сенга айтсам,
сен ҳам зўр ўйнабсан.

– Ҳа, ёмон эмас, – мамнун жавоб берди Уэсли. Энди табассумдан оғзи
қулоғига етганди унинг.

Лифтни кутиб, тик турганча Билли паст овозда деди:

– Хўш ўша одамни топдингми?

Уэсли бошини чайқади.

– Энди буни кўнглингдан чиқариб ташласанг бўлармиди?

Ниҳоят, Уэслининг чехрасидан табассум ариди.

– Йўқ, ҳали бунга бор.

– Киноюлдузларнинг шаҳар бўйлаб изғиб, одам ўлдириб юриши яраш-
маган иш.

– Мен киноюлдуз эмасман.

– Ҳозир Канда сенинг башарангни ит ҳам, бит ҳам танийди. Одам у
ёқда турсин, гувоҳсиз пашшани ҳам ўлдиролмайсан. – Лифт томон икки
одам яқинлашиб кела бошлашди ва Билли жимиб қолди.

Билли ва Уэсли матбуот танобийсига кириб кетганда журналистлар
қуршовидаги Гретхен энди гапира бошлаган эди, бироқ гапи бўғзида
қолиб, тўхтади.

– Хонимлар ва жаноблар, – деди у ҳаяжонланиб, – бу ерга мен учра-
шишга муяссар бўлган, келажаги энг порлоқ ёш актёрлар ташриф буюр-
ган. Уэсли, илтимос, бу ёққа келсанг-чи.

– Эй Худойим! – гудранди Уэсли.

– Борсанг-чи, галварс, – Билли уни сахнанинг Гретхен турган томони-
га туртди.

Уэсли танобийлардан секин юриб ўтди ва сахнага кўтарилди. Гретхен
уни ўпди, кейин эса томошабинларга юзланиб деди:

– Мен сизларга лутфан Уэсли Жордахни таништираман.

Томошабинларнинг гулдурос қарсақлари янгради, фотосуратчилар-
нинг аппаратлари тинмай чиқирларди, Уэслининг юзида эса яна табассум
пайдо бўлди, бу гал у бироз ясама чиқди. Билли билдирмайгина танобий-
дан ситилиб чиқиб кетди.

Круазетт соҳил бўйида у қаҳвахонага кирди, пиво буюрди ва ундан бир
култум ютиб, телефон автоматга жетон сўради, пастда телефон уйчасида-
ги маълумотномани варақлади ва туман полицияси рақамини терди.

– Алло, – эркак овози эшитилди.

– Бугун кечкурун Антиб кўчасидаги “Буаль вер” қаҳвахонасида, –
деди Билли французчалаб, жанубий Франция одамлари лаҳжасида, – сиз

“Экспресс” ва “Нувель обсерватёр” журналларини олиб ўтирган одамни кўрасиз...

– Бир дақиқа! – полициячининг чиндан кайфи учганди. – Ким гапира-япти? Сизга нима керак?

– Стол остидаги полда, – давом этди Билли, – бомба ётибди.

– Бомба! – кичкириб юборди полициячи. – Нималар деяпсиз? Қанақа бомба?

– Бомба механизми кечки етти-ю, қирк бешга ўрнатилган. Такрорлайман: бугун олтида, “Вуаль вер” қахвахонасида.

– Шошмай тулинг! Мен... – янада қаттиқроқ кичкирди полициячи.

Билли гўшакни илди, тепага чикди ва пивони охириганча смирди.

* * *

Кечки кўриқдан кейин улар Гретхеннинг уйида ўтириб шампанхўрлик қилардилар. Реклама агенти Симпсон нутқ ирод этарди:

– Биз ҳамма мукофотни олиб кетамиз – энг яхши фильм учун, энг яхши аёл ижроси учун, иккинчи даражали энг яхши эркак роли учун. Мен бунга кафилман. Одатда мен энг ёмонини айтишга мойил бўлардим, аммо энди... – у ўзига ишониб топширилган хазина қийматини тасаввур қилишга кучи етмагандек бошини чайқади. – Мен Каннга тинимсиз ўн беш йилдан буён келиб тураман ва сизларга айтсам, бунақа маросимни ҳали кўрмаганман. Сизга келсак, йигитча, – у Уэсли томон бурилди, – сизга келсак, Худо хоҳласа, бу ердан сиз мукофотсиз кетмайсиз.

Уэсли индамай ўтирар, лабларида ясама табассум мухрланиб қолганга ўхшарди. Билли турди-да, ўзига тегишли жомни шампанга тўлдирди, кино бошида у экранга маъносиз тикилганча жим ўтираверди. У ерда содир бўлган воқеалар унга энди маъносиздек туюлмоқда эди, сўзлар эса куруқ товушга айланганди. У дам-бадам соатига қараб-қараб кўяр, соат тўққиздан қирк беш дақиқа ўтганда орқаси билан ўриндик орқасига ўзини ташлади ва кўзларини юмди.

Ранги қочган ва ҳорғин Гретхен бармоғидаги узукни тинимсиз айлан-тирарди. Шампанга у кўлини теккизмади ҳам ва бутун оқшом чурк этмади. Диванда у билан ёнма-ён ўтирган Рудольф дам-бадам далда беришга ҳаракат қилиб кўлини қоқиб-қоқиб кўярди. Доннелли каминга суянганча тик турар ва соқолини чимдиб-чимдиб тортарди. Реклама агентининг ди-лидагини очиб гапириши, афтидан, унинг ғашини келтирар эди.

– Эртага, – тиниб-тинчимаётганди Симпсон, – Гретхен ва Уэсли учун кун оғир бўлади. Ҳар ким сизлар билан гаплашишни ва сизларни су-ратга олишни хоҳлайди. Эртага соат тўққизда мен сизларга дастурхон бераман ва...

Рудольф ва Доннелли бир-бирига қараб қўйди ва Рудольф ўрнидан турди.

– Агар эртага кун оғир бўладиган бўлса, – деди у Симпсоннинг гапини бўлиб, – унда Гретхен дам олиши керак. Келинлар, тарқалайлик.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман, – уни қувватлади Доннелли.

– Албатта, албатта, – розилик билдирди Симпсон. – Ҳозир азборойи ҳаяжонланганимдан...

– Биз ҳаммасини тушунамиз, ўртоқжон, – деди Рудольф. У эгилиб, Гретхенни ўпиб қўйди. – Яхши ётиб тур, сингилжон.

Гретхен зўр бериб жилмайди. Улар кетишгач, Гретхен ўрнидан турди, Доннеллининг олдига борди-да, унинг кўлидан тутди.

– Дэвид, – деди у, – бир дақиқа кетмай тур.

– Жоним билан, – деди Доннелли ва Биллига маъюс қараб қўйди.

Билли жилмайишга ҳаракат қилди ва Гретхенни юзидан ўпиб қўйди.

– Раҳмат, она, – деди у, – бугун жуда ажойиб кун бўлди.

Гретхен унинг кўлидан тутди-да, ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

– Кечир, – деди Гретхен, – бугун шунақа... шунақа кун бўлдики, юз кунга татиб кетди. Эрталаб бутунлай кайфим чоғ бўлади. – Сўнг эшик тагида турган Уэслига мурожаат қилиб деди: – Сен-чи, йўқолиб қолмайсанми?

– Йўқ, мэм, – жавоб берди Уэсли. – Борди-ю, сизга керак бўлиб қолсак, мен атиги икки қават пастда тураман. – Рудольф аслида амакиваччаларни бир бўлмага жойлаштирмоқчи бўлганди, аммо Билли кўнмади: бу жиннининг миясига нималар келиб, нималар кетмайди. У аслида нимадан хавотирда эканини Рудольфга айтмаганди.

Йўлакда Рудольф:

– Негадир сира уйкум келмаяпти. Хонамда бир шиша шампанним бор. Кетдик, шанпанхўрлик қиламиз, – деди.

– Эртага менинг зарур иш юзасидан учрашувим бор, – деди Симпсон. – Сиз эса боринг. – Бутун умр бировларни мақтаб келган новча ва маъюс Симпсон лифт деворига суяниб турарди, хайрлашар экан, бир шиша шампан билан оқшом байрамани давом эттиришга чоғланган иккала амакиваччага ғамгин қўл силкиди ва эртанги учрашувга тайёргарлик кўргани кетди.

Шампанни ичар экан, Рудольф жиянининг дераза ёнидаги йўлда ётган қулфлоғ жомадонидан кўз узмаётганини пайқади.

– Гаров боғлайман, – деди Уэсли, тиқин учиб, Рудольф қадахларни тўлдираётганда, – у шу ерда.

– Нима шу ерда? – такрор сўради Рудольф.

– Нимани гапираётганимни билиб турибсиз.

– Кел, ичайлик, – деди Рудольф.

Уэсли шошмайгина қадахни столга қўйди ва чўнтагидан бежиримгина тўппончани олди.

– Наригиси менга барибир энди керак эмас, – деди у ғоят бамайлихотир, – шу боис уни эсдалик буюми деб сақлаб қўйишимиз мумкин.

– Ўша аҳмоқлигинг қолмабди-қолмабди-да, – деди Билли.

– Мен шунинг учун ичаман, – деди Уэсли.

Улар ичишди.

Уэсли тўппончани қайта чўнтагига жойлади.

– Демак, – деди Рудольф, – сен кинони кўрдинг, кейин эса олқишларни қабул қилдинг ва мана бу матоҳни доим ёнингда олиб юрдинг, шундайми?

– Худди шундай, – жавоб берди Уэсли. – Ахир мўлжалга олинган киши ҳар лаҳзада пайдо бўлиб қолиши мумкин-да.

Рудольф қовоғини уйиб, хонада нари бориб, бери кела бошлади.

– Борди-ю, мен сенга, Уэсли, бир иш билан шуғулланишяпти, бу ерда сен қиладиган иш йўқ десам, нима қилардинг?

– Шуғулланишяпти – бу нима деганингиз?

– Шундай деганимки, биз бу ерда шампанхўрлик қилиб ўтирган бир вақтда ўша одамни устаси фаранг қотил кидирмоқда.

– Бу ишни мен учун бировлар қилишини истамайман, – деди Уэсли совуқ оҳангда, – мен ортиқ на сизнинг, на бошқа биронтасининг марҳаматига зор эмасман.

– Мен Канда фестивал охиригача бўламан. Яна ўн кун. Агар шу вақтгача иш ижро этилмаса, мен уйга кетаман ва бу ишга нуқта қўяман. Фақат менга ваъда бер, ўн кун ичида сен ҳеч қандай чора кўрмайсан. Кейин, майли, билганингни қил.

– Мен ҳеч қанақа ваъда беролмайман.

– Уэсли... – гап қотди Билли.

– Сен бурнингни сукма, – унинг сўзини бўлди Уэсли. – Етар энди.

– Тинчланинглар, – деди Рудольф. – Икковингиз ҳам тинчланинглар. Яна бир гап, Уэсли, яқинда бир киз ошнанг қўнғироқ қилди, мисс Ларкин деган.

– Хўш, у нима деди?

– У бу ерга келмоқчи. Унинг айтишича, тахриятда икки ҳафтага таътил оларкан-да, сенинг қўнғироғингни кутаркан.

– Кутса кутаверсин, – Уэсли қадахни бўшатди.

– Унинг келишини ўзинг хоҳлаган экансан – у шундай деди.

– Унгача ҳаммаси тамом бўлади, деб ўйлагандим. Лекин ҳеч нарса бўлмади. Насиб қилса кўришиб қолармиз ҳали.

– Ўзинг биласан, – деди Рудольф. – Мен Купидон ролини ўйнамоқчи эмасман – бусиз ҳам ишим етарли. Қани, охиригача етказиб қўяйлик-да, кейин мен бориб ётай.

– Хўш, сен нима қилмоқчисан? – сўради Билли, улар Уэсли билан отелдан кўчага чиққач.

– Айланиб келаман. Хоҳласанг, бирга юр.

– Йўк.

– Хўш, буларнинг бари ҳақида сенинг фикринг қандай? – сўради Уэсли.

– Мен ўлгудек кўрқаман, – деди Билли. – Ҳаммамиз учун кўрқаман.

Уэсли жиддий бош ирғади.

– Бекатгача сен билан бирга бораман, – деди Билли. – Мен машина устини ёпишни унутибман, об-ҳавонинг авзойига қараганда ёмғир ёғадиган.

Бекатда Уэсли унга машина тепасини ёпишда ва ойналарни суришда ёрдамлашиб юборди.

– Уэсли, – деди Билли, – икковимиз машинада Париж томон йўл олмаймизми? Йўлда теннис ўйнардик, кайф-сафо қилардик... Қизингга қўнғироқ қилиб, бу ерга чақирардинг. Арзимаган ўн кун экан! Шунча йиллар ўтиб кетди-ю.

– Сен билан теннис ўйнашга розиман, – жавоб берди Уэсли, – аммо фақат шу ерда. Хайрли тун, ошна.

Билли узун бўйли, қора костюми ва чўнтаги бироз дўппайган қариндоши ортидан қараб, бошини чайқаб қўйди, сўнг отелга йўл олди. Эшикнинг калитини у икки бора айлантириб қулфлади.

Эртаси куни у тонгда тезда уйғонди ва рўзномаларни бўлмага келтиришларини сўради. Унга фестивалга бағишланган махсус сонларни ва “Нис-матэн”ни олиб келишди. Биринчи саҳифасида Биллининг кўзи икки полициячи ўртасида турган қора кўзойнакли киши фотосуратига тушди. Унинг юзи Биллига танишдек кўринди. У дюсселдорфлик Мониканинг

музлатилган маҳсулотлар сотувчи ошнасини таниб қолди. Фотосурат тагидаги мақолада ёзилишича, бу одам полицияга номаълум кишининг қўнғироғи бўйича қўлга олинган ва унда кинокамера филофи ичига яширилган бомба топилган. Полицияга қўнғироқ қилган одам жанубликларнинг кучли лаҳжасида французчалаб гапирган.

Ушбу сатрларни ўқиб, Билли жилмайиб кўйди. Уэслидан ташқари, ўйлади у, оиламизда бошқа актёрлар ҳам бор.

* * *

Эртасига эрталаб ихчамгина очик машинада улар теннис ўйнагани Жуан-ле-Пэндаги тинч шаҳар орти клубига жўнадилар. Уэсли жинси шим, офтобдан ранги ўчган кўйлак ва пиджакда эди, кийимининг елкалари титилиб кетганидан матбуотда ҳайратомуз ижодий муваффақиятларга эришган актёрга асло ўхшамасди. Билли нафрат ила унинг чўнтагини қўли билан туртиб кўйди:

– Нахотки ҳатто теннис ўйнаганда ҳам бу лаънатини ўзингдан нари қилмайсан-а? Борди-ю, сени юта бошласам, туйкус мени мўлжалга оладигандек бўлиб кўринасан доим.

– Мен қаерда бўлсам, у ҳам ўша ерда, – камтарона жилмайди Уэсли.

Улар кийимларини алмаштириб, кортга йўл олгандан кейин у пиджagini теннис либоси устидан ташлаб олди, ўйин бошланай деб турганида уни яхшилаб ўради-да, скамейкага, пиджак доим кўриниб турадаган тўр ёнига кўйди.

Биринчи куни Уэсли худди Испаниядагидек берилиб ўйнади, коптокка жон-жаҳди билан зарба берар, копток кўпинча ё тўрга бориб тегар, ё ташқарига чикиб кетар эди. Икки соатдан кейин Билли:

– Бугунча етарли. Агар сен кинода шундай ўйнаганингда, чиптангга қарабоқ ичкарига кўйишмасди, – деди.

– Ёш қалб, – истехзоли жилмайди Уэсли, пиджagini тердан хўл бўлган кўйлаги устидан кияр экан. – Тузалишга сўз бераман.

– Қачон ахир?

– Эртадан бошлаб, – сўз берди Уэсли.

Кийиниш хонасида улардан бошқа ҳеч ким йўқ эди, бироқ Уэсли улар душга навбати билан киришларини ва пиджакни назоратсиз қолдирмасликни талаб қилди.

– Кўп нодонликлар қилдим, – вайсарди Билли, – аммо сира пиджакни кўриқлашимга тўғри келмаганди.

Уэсли ечина бошлади. Унинг мушакдор елкалари, узун-узун оёқларига қараб, Билли кўшиб кўйди:

– Менинг гавдам шунақа бўлсайди, аллақачон Уимблдонда финалга етиб борардим.

– Ҳаммасига баравар етишиб бўлмайди, – деди Уэсли. – Аммо сенда ақл бор.

– Сенда-чи?

– Мақтангулик ҳеч нима йўқ.

– Ўз ҳунарингда узокқа борасан, ҳа.

– Агар шуни танласам, – деди Уэсли, душга йўл олар экан.

Бир дақиқа вақт ўтгач, Биллининг қулоғига тўкилаётган сув шовкини орасидан Уэслининг қўшиқ хиргойи қилган овози эшитилди “Бошим-

га ёмғир томчилари келади тушиб...” Агар ичкарига битта-яримта одам кириб қолса-ю, дилидан ўтказди Билли, бу қувноқ кўшиқни эшитгудек бўлса, йигитча кеча-ю, кундуз ёнида тўппонча олиб юришига икки дунёда ишонмаган бўларди.

Улар машина томон кетаётганда Билли деди:

– Агар кинони ташласанг, амманг сени умрбод кечирмайди. Мен ҳам.

Уэсли индамай ўзини ўриндикқа ташлади ва ўзи ўйнаган кинодаги бир кўшиқни хуштакда хиргойи қила бошлади.

* * *

Эртасига эрталабдан Уэсли ваъдасида турди ва тинч ўйнай бошлади. У бирдан ўйин йўсинини узайтириб олгану, ҳар бир коптокка аниқ зарбалар бораётгандек туюларди. Икки соатдан кейин Билли ниҳоят халлослаб қолди, аммо тўрттала бўлимни ҳам ютди. Уэсли эса Биллига қараганда икки баравар кўп югурган бўлса-да, ҳеч нима бўлмагандек бир текис нафас оларди. Кун ботгач, душга боришганда Билли пиджагига қоровуллик килиб туришни буюрди.

Учинчи куни улар бор-йўғи бир соатгина ўйнадилар: Гретхен ва Доннелли унинг машинасида овқатлангани Муженга бориб келишлари учун Билли эртароқ келишга ваъда берганди. Кино намойишидан кейин Канда Гретхенни бир нафас ҳам тинч қўйишмаётганди ва муттасил зўриқиш таъсир қила бошлаганди.

Бир соат ичида Билли ва Уэсли фақат бир қўлгина ўйнади, холос. Билли ҳар бир очко учун қаттиқ кураш олиб боришига тўғри келди, аммо барибир ҳам у 6:3 ҳисобида ютди.

– Ух-х-х, – деди у чарчоғини чиқариб, кийимхона томон йўл олишар экан. – Сенга ваъда бериб чакки қилган эканман. Агар шундоқ кетаверсак, мендан ҳеч нарса қолмайди.

– Болалар ўйини, – ўзича мамнун бўлиб деди Уэсли.

Улар кийинаётганда, кучли портлаш овози янгради.

– Бу нима тагин? – сўради Билли.

Уэсли елка қисиб қўйди.

– Ҳойнахой газ қувури портлади-ёв.

– Газ қувурига ўхшамайди, – деди Билли. Унинг сал-пал боши айланди ва у скамейкага чўқди. Кийимхонага бошқарувчи чопиб келди.

– Мсье Эб-б-бот, – у қўрққанидан тутилиб гапирарди. – Тезроқ келинг. Бу сизнинг машинангиз... фалокат рўй берди.

– Ҳозир бораман, – деди Билли қимир этмай ўтирганча. Полиция сиренаси чийиллади. Билли кўйлагини кийди ва хотиржам, пинагини ҳам бузмай тугмаларини қадай бошлади. Уэсли шошиб жинси шимини тортқилади.

– Уэсли, – деди Билли, – у ёққа борма.

– У ёққа борма деганинг нимаси?

– Наҳотки тушунмаётган бўлсанг? Бир неча сониядан кейин у ерга полициячилар келади. – Билли тили ғўлдираб, шошиб гапирарди. – Суратинг барча рўзномаларда чиқади. Ўтир шу ерда. Анови даҳмаза тўппончангни бирон панага яшир. Агар сендан бир нарсани сўрашса, мен ҳеч нраса билмайман, деб туриб ол.

– Мен ростданам ҳеч нарса билмайман.
 – Унда янаям яхши. Ҳаммасига шундай де. Мен эса бориб қарай-чи, нима бўлди экан. – У кўйлагининг тугмасини кадаб бўлди ва бафуржа кийимхонадан чиқиб кетди.

Яқиндаги турар-жойлардан клуб томонга одамлар оқиб бора бошлади. Дарвозага сиренаси чинқириб турган ихчам полиция машинаси учиб кирди ва кескин тўхтади. Ундан икки полициячи сакраб тушди ва Биллининг машинаси турган жойга ташланди. Билли машинадан ҳеч вақо қолмаганини кўрди – олд ғилдираклар йўқ, капот кузовдан бир неча метр нарида ётарди. Қандайдир бир аёл қўлларини ўйната-ўйната полициячига куйиб-пишиб, дарвоза олдидан ўтиб кетаётганини бир эркак киши моторга унаб ётганини, дарвозадан ўтиб кетиши ҳамон портлаш овози эшитилганини тушунтирарди.

Полициячи клуб бошқарувчисидан бу кимнинг машинаси эканини сўради, бошқарувчи Биллини кўрсатди. Билли яқинроқ юриб келди ва шунда сал илгари “пежо” мотори бўлган жой билан ёнма-ён дабдаласи чиққан ва қонга бўялган эркак киши жасади ётганини кўрди.

– Мсье, – деди Билли, – бу менинг машинам. – Агар бу ерда бошқарувчи бўлмаганида у ўзини фақат инглизча гапирадиган қилиб кўрсатарди.

Полициячи жасадни у ёқ-бу ёққа ағдариб кўра бошлаганда, Билли тескари ўгирилди. Оломон ўзини орқага олди, аёл қичқириғи янгради.

– Мсье, – полициячилардан бири Биллига мурожаат қилди, – сиз бу одамни танийсизми?

– Башарасини кўришга тоқатим йўқ, – деди Билли, ўша-ўша четга қараганча.

– Илтимос, мсье, – деди кўркқанидан ранги қув оқарган ёш полициячи йигит. – Сиз бу одамни кимлигини бизга айтишга мажбурсиз. Борди-ю, бу нарсани пайсалга соладиган бўлсангиз, кейин моргга келишингизга тўғри келади.

Иккинчи полициячи жасад ёнида чўккалаб турар ва чўнтакларда қолган нарсаларни титкиларди. Кейин ўрнидан турди-да, бошини чайқаб деди:

– Ҳеч қанақа хужжат-пужжат йўқ.

– Илтимос, мсье, – қисталанг қиларди ёш полициячи.

Билли мурдага қарашга ҳаракат қилиб кўрди. Кўкрак ўрнида қизил тешик кизариб кўринди, башараси дабдала бўлиб кетганди, унда хунук бир ифода қотиб қолган бўлиб, букланиб кетган лаблар орасидан абжағи чиққан тишлар кўринарди. У бу одам билан Брюселда кўришган эди – у ерда уни Жорж деб аташарди.

– Узр, мсье, – бошини чайқади Билли, – мен бу одамни умримда кўрган эмасман.

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

1

Билли шаҳар янгиликлари бўлимининг бўм-бўш хонасидаги ёзув столида ўтирар ва кўзини ёзув машинасидан узмасди. У бугунга мўлжалланган барча ишни қилиб бўлди ва энди уйга кетса бўлади. Бирок уй дегани бир хонали жирканч хонадон бўлиб, у ерда уни ҳеч ким кутмаётганди. Бундай

хаёт тарзини унинг ўзи танлаган эди. Жуан-ле-Пэндаги воқеалардан сўнг у ўзини одамлардан четга тортадиган бўлиб қолганди.

Столда унинг рўпарасида қалин хатжилд ётарди – бу амакиси Рудольфнинг Канндан ёзган хати бўлиб, уч кун аввал келганди. Амакиси усти-устига, пайдар пай хат ёзар, Вашингтонда каттагина маош оладиган ажойиб йигитларнинг жаннатнамо турмушлари ҳақидаги ҳикоялари билан ҳавасини келтирарди, Рудольф аксар вақтини шу ерда ўтказар, қандайдир маошсиз, аммо афтидан демократик партия учун муҳим ишни адо этарди. Нима бўлганда ҳам унинг исмини рўзномаларда тез-тез тилга олишар, гоҳо Элен Морисон ва Коннектикут штати сенатори билан ёнма-ён қўйишарди... Сенатор билан биргаликда у бизнес важидан Европага сафарга борар эди.

Билли хатни қўлига олмоқчи бўлган ҳам эдики, бироқ телефон жиринглаб қолди. У гўшакни олди.

– Эббот эшитади.

– Билли, бу Рода Флинн. – Гўшакда мусиқа ва овозлар кулоққа чалинарди.

– Салом, Рода, – жавоб берди Билли. Рода бошловчи шарҳловчи бўлиб, кўзга яқин бир қиз эди. Унинг ишлари Биллидан кўра яхшироқ кетмоқда эди – унинг мақолалари энди имзо билан босиларди. Тахририятда у ҳар доим Биллига ишва билан боқарди.

– Оқшомга зиёфатим бор, – деди Рода, – таниш эркаклар бўлса ҳалақит бермасди. Агар бўш вақтинг бўлса, сен...

– Узр, Рода, мен ҳозир ишляпман. Бошқа вақтда, хўпми?

– Қачон қарама “бошқа вақт, бошқа вақт...” – Қизнинг овозидан ҳафсаласи пир бўлгани билиниб турарди. – Ишлайвериб белинг чиқиб кетмасин тагин. Сенга қанча тўлашларини биламан, шунинг учун жуда уларнинг кўнглига қарайверма.

– Маслаҳатинг учун раҳмат. Яхши ўйнаб-кулинглар.

Гўшакни қўйиб, у яна кўзларини ёзув машинкасига тикди. Узоқдан келаётган телетайпнинг “тўқир-тўқир” овозигина бу жимликни бузарди, кулоқларида эса телефон гўшагидан унгача етиб келган ўйин-кулгилар шовкини янграрди. У бу оқшомга боришдан, сулувроқ бир қиз билан гап сотишдан бўйин товламасди ҳам, аммо ўзи хоҳлаган одами билан бўладиган суҳбатни бошқа ҳеч ким билан баҳам кўргиси йўқ эди.

Нима бўпти, ўйлади у, бошқалар билан суҳбатлашишнинг иложи бўлмаса, лоақал ўзим билан гаплаша оларман.

У машинкага бир варақ қоғозни жойлади-да, харф теришга киришди.

“1972 йил. Турли сабаблар туфайли Испаниядан кейин мен ҳеч нарса ёзмай қўйдим. Ҳозирги вақтда мен Чикагода бир ўзим ёлғиз ва кўрқув ичида яшаяпман.

Менинг авлодимдаги ва менинг таржимаи ҳолимдаги одамнинг гапирадиган гаплари, албатта, бўлади ва бу гаплар келажакда ёшлар учун фойдадан холи бўлмасди, деб биламан.

Мен тобора инжиқ бўлиб кетаяпман. Балки бундай эмасдир. Нотаниш одамлар менга тикилиб қараётгандек бўлади. Кўчадан кетиб борарканман, бирданига орқамга ўгирилиб қарайдиган одат чиқардим. Сўнгги ярим йил ичида хонадонимни тўрт марта ўзгартирдим. Ҳозиргача ҳеч ким билан бирга турганим йўқ. Балки Худо менга башоратчиликни “юктиргандир”

ва шу боисдан ҳам нима бўлишини олдиндан билиб тураман. Вақт айлана бўйлаб эмас, балки бир жойдаги доира бўйлаб ҳаракат қилаётгандир ва бу доирада кимдир тескари йўналишда ҳаракат қилмоқда, чамамда. Уильям Эббот ўғилнинг асаб касали ҳозирча фанга маълум эмас.

Борди-ю, мени ўлдирсалар ёки ғалати ҳолатда ўлсам, унда ўзини Моника Волнер деб атаган аёл айбдор бўлади. Ўшанда у НАТОда таржимон бўлиб ишларди, мен эса Брюсселда армияда хизмат қилар эдим. Кейинчалик уни Испанияда, мўъжазгина Эль-Форо шаҳарчасида (Малагадан унча узоқ бўлмаган маскан) учратганимда ўзини Моника Хитцман деб таништирганди. У террорчилик ташкилоти аъзоси эди ва ўйлайманки, шундай бўлиб қолгусидир. Мазкур ташкилот ҳозир ҳам бутун Европада ҳаракат қилмоқда ва эҳтимол, Америкадаги шундай ташкилотлар билан алоқа ўрнатган. Франциянинг Жуан-ле-Пэн шаҳрида менинг машинамга бомба қўяётганда портлаш чоғида ҳалок бўлган одамнинг исми Жорж эканини яхши билардим; у таркибида Моника Хитцман бўлган гуруҳга бошчилик қилган. У ўт очиш куроли ва портловчи қурилмалар тайёрлаш бўйича мутахассис бўлган.

Мен бу мақолани “Чикаго Трибюн” рўзномасининг шаҳар янгиликлари бўлимида ёзаётirman; ярим йил муқаддам отамнинг муҳаррирларининг бири билан дўстлиги туфайли мени ўша ерга ишга олишганди. Менинг ёзмаларим қаерда сақланишидан отам бохабар бўлиб турарди-ку. Мен бу қайдномаларни саёҳатларим вақтида тўпланиб қолган қоғозлар ва китоблар, эски кийим-кечак ва турли майда-чуйдалар билан бирга у яшаётган уйнинг тагхонасидаги ҳарбий сандикчамда сақлаб турибман, чунки менинг мўъжазгина хонамда уларни қўйишга жой йўқ. Бу сандикчада мен ёзган нимадир борлигини отам билади, аммо у ҳеч нарса ўқимаган. Булар у мени ёз-ёз, деб сира ҳол-жонимга қўймаган романнинг қораламалари эканини айтдим. Мени француз полицияси қаттиқ сўроққа тутгач (у ерда мен ва камина Жорж деб билган одам ўртасида қандайдир алоқа борлигига ҳақли равишда гумон қилинмоқда, аммо улар ҳеч нарсани исботлай олишмади), Канндан кетган вақтимдан буён оила аъзоларимдан биронтасини кўрганим йўқ – меҳр-окибатга путур етганидан эмас, кўпроқ уларнинг хавфсизлиги важдан шундай бўлиб қолди. Миямда бир ўй уймалашгани-уймалашган – тасодифий бомба портлашидан йигирма дақиқа ўтгач, мен машинани онам ва унинг дўстига бермоқчи, улар тушлик қилгани биргаликда шаҳарга боришни мўлжаллаб қўйишганди ва ҳозир мен Ложувард қирғоқда нималар содир бўлгани ҳақида ёзиш учун ўзимда куч топганимни биринчи марта ҳис қилиб турибман”.

Билли ўзини икки полициячи аввал одоб сақлаб ва ҳурматини жойига қўйиб, кейин эса дилидаги адоватни бор бўйича ташқарига чиқариб кескин ва кўпол равишда сўроққа тутганини эслаб, ёзишдан тўхтади. Улар сени ҳибсга оламиз деб дўқ қилишди, аммо у бунинг қуруқ пўписа эканини билиб турарди ва Каннга онаси қўйган фильмни кўришга келганини, бу одамни ҳеч қачон кўрмаганини, ўзига маълум бўлганидек, унинг ҳеч қандай душмани йўқлигини айтиб, маҳкам туриб олди. Афтидан, худди шу ерда қандайдир фожиали хатолик ўтган эди.

Охири уни қўйиб юборишди, иш ёпилмаганини, Франция билан Қўшма Штатлар ўртасида жиноятчиларни топшириш тўғрисида битим мавжудлигини уқтиришди.

Рудольф унга ажабланиб қараб турарди, аммо буни овозсиз отиладиган тўппонча воқеасидан кейин кутиш мумкин эди.

– Омадли йигитсан, – деди Рудольф эртаси куни тайёрағохда Биллини Нью-Йоркка кузатар экан. – Доим шундай бўл.

– Ташвиш қилманг, – жавоб берганди Билли ўшанда.

Улар билан бирга турган Уэсли энди жилмаймасди, индамай унинг кўлини сиқиб кўйди.

Гретхен кузатишга келолмади. У бомба борасидаги воқеадан хабар топгач, – буни ундан яширишнинг иложи бўлмаганди, – ўзини ёмон хис қилиб, ётиб қолди. Доктор унинг иситмаси баланд эканини айтди-ю, аммо касалини аниқлай олмади, фақат камида беш кун кўрпа-тўшак қилиб ёт-маса бўлмаслигини уқтирди.

Билли ҳайратланганча унинг олдига кирганида, онасининг овозини эшитиб, кайфи учди. Онаси юзи кўкиш тусга кириб, бир неча соат ичида кичкина бўлиб қолганга ўхшарди.

– Билли, сендан қаттиқ илтимос қиламан... мен учун... ўзингни эҳтиёт қил, – эшитилар-эшитилмас деди Гретхен.

– Ҳаракат қиламан, – жавоб берди Билли ва эгилиб, онасининг қизиб турган манглайдан ўпди.

Куйилиб келган хотираларни қувиб, Билли бошини чайқади-да, яна ёзув машинасини чиқиллата кетди.

“Агар полициячиларга бор ҳақиқатни сўзлаб берганимда, менга Фахрий легион ордени беришлари тайин эди. Пировард-оқибатда Европада террорчилик қилаётган жиноятчилар галасини йўқ қилиш ёки жиллақурса, қискартириш – менинг хизматим. Албатта, бу тасодифан рўй берганди, аммо тасодифни ҳам – балки унақа-бунақа нарсадан ҳам ортиқроқ даражада – эътиборга олиш керак бўлади. Оиласининг бутун тарихи гоҳ яхши, гоҳ ёмон тасодифлардан иборат. Эҳтимол, бошқа оилаларда ҳам шунақадир.

Гўёки мен қариндошлар билан кўришишдан қочгандай бўлиб кўринишимга қарамай, улар мени ўз саргузаштларига тўлиқ иштирокчи қилиб оладилар. Мен ҳам дадил ва муфассал хатларим билан жавоб берман, улардан шуни билиб олса бўладик, отам деярли ичишни ташлаган ва менинг газетадаги ишларим миҳдай кетаяпти. Бу ҳақиқатдан анча узоқ, чунки мен бор-йўғи полиция иши ва майда жиноятлар тўғрисидагина ёзаман. Гарчанд мен назарий жиҳатдан ишлаётган роман шунчаки “Уруш ва тинчлик”ка ўхшаган ёки буюк Америка романи эканига отамни ишонтиришга ҳаракат қилсам-да, барибир унга, назаримда, ёмон чиқмаяпти, деб айтиб қўяман.

Рудольф амаки – хонадонимиз халоскори, виждони ва паноҳкори – оилавий ришталарни кўз қорачиғидай асраб-авайлайди ва гарчи ҳозирги вақтда савобли ишлар кетидан қувиб, Лонг-Айленд, Коннектикут, Вашингтон ва Европа пойтахт шаҳарлари ўртасида бўзчининг моқисидай қатнаса-да, оғохлантиришлару маслаҳатларга тўла муфассал мактублар ёзишга вақт топади, бунга эса биздан ҳеч биримиз эътибор қилмасдик. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли – хат ёзишни жонидан яхши кўрадиган бошқа биронта одамни кўрмаганман – унинг ўзи, эндиликда миссис Доннеллига айланган онам ва Каннда қолиб, қайсидир яхтада матрос бўлиб ишлаётган амакиваччам Уэсли қандай яшаётганини билиб олдим. Ру-

дольф амаки вақт топди-да, қандайдир бир иш юзасидан уни бориб кўрди ва...”

У ҳарф теришдан тўхтади, ўрнидан турди ва ёзув столини айланиб юра бошлади. Кейин яна ўтирди, машинкага жойлаштирилган вараққа тикилди ва яна ҳарф теришга тушди, фақат энди аввалги шитоб йўқ эди.

“Ҳаттоки айни пайтда ҳам мен Уэслининг алмисокдан қолган ғояси билан боғлиқ ҳеч нарса ҳақида ёзмаслик керак деб биламан, бизлар – ойим, амаким ва мен – уни Ложувард соҳилидан олиб кетишга уриниб кўрдик. Сирасини айтганда, биздаги энг бахтли хотиралар бу жой билан боғлиқ эмас. Ҳатокки фестиваль ҳам барчамизнинг ҳафсаламизни пир қилиб юборди. Симпсоннинг башоратларига қарши ўлароқ жюри кино-мизни биронта ҳам мукофотга лойиқ топмади. Тез орада ўзининг иккинчи киносини суратга олиш тараддудини кўраётган волидамнинг ёзишича, Уэсли онам таклиф этган ва унга (Уэслига) бир дунё пул келтирадиган ролдан, шунингдек, шунга ўхшаган бошқа таклифлардан воз кечибди. Умуман олиб қараганда, Уэсли ҳозир, ҳеч шубҳасиз бутун Ўрта ер денгизидаги энг бақувват ва бой матрос ҳисобланади. Сўнгги хатида у менга ёзишича, Ложувард соҳилдаги ўз “иш”ини тугатгач, у кинода кўп ишлаш, отаси каби денгизда киракашлик қилиш учун яхтага катта пул тўплаш ниятида экан. Хатдаги гаплардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, унинг кайфияти аъло даражада, аммо аслида бундай бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки мен ҳам ўз қариндош-уруғларимга аъло даражадаги хатлар ёзиб тураман. Барибир ҳам унда менда бўлмаган бир нарса бор ва бу хуш кайфият манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўн саккиз ёшга тўлганда у ўзини ўттиз минг долларини олди, бироқ солиқларни тўлашга мўмайгина пули кўлдан кетгани ҳам рост, унинг хуштор қизи “Тайм”нинг Париж бюросига ўтиб олди ва дам-бадам унинг олдида Каннга учиб келади. У яна ёзадики, ёз ойларини истисно қилганда теннисни кўп ўйнайди ва ҳозир, ҳойнаҳой, мени бемалол юта олади ҳам. Мен эса Жуан-ле-Пэндан кейин ҳалигача қўлимга ракетка тутганим йўқ.

Полиция барибир ҳам Жорж қаердан келиб қолгани ва унинг ҳақиқий исми нима эканини аниқлашга муваффақ бўлганича йўқ. Мени эса қандайдир бир туйғу исканжага олган: кунлардан бир кун ёзув столидан кўзимни кўтараману, рўпарамда Моникани кўраман. У тинмай тушимга киради – шахвоний, бахтиёр тушлар, уйғонганимда эса мени тушқунлик қамраб олади”.

* * *

Билли тўхтади, ковоғини уйди ва сўкинди. У машинкада ҳарф терилган варақни суғуриб олди-да, уйга олиб кетиш учун иккита бошқа вараққа кўшиб, каттакон хатжилдга жойлади. Сўнг ўрнидан турди, пиджагини кийди ва энди кетмоқчи бўлганида нигоҳи ерда ётган хатга тушди – бу Рудольф амакисининг Канндан юборган хати эди. Бугунги ишни эртага қолдирмай уни ҳозир ўқиб қўя қолай, дилидан ўтказди у. У хатжилдни очди, унинг ичидан эски ва чеккалари унниқиб кетган рўзнома сафиҳаси чиқди, унинг иккала томонидан иккита мактуб игналар билан қадаб кўйилганди. Биринчи мактубда амакисининг ёзувида қўйидаги гаплар бор эди: “Қизил қалам билан айлантириб чиқилган мақолани ўқи. Кейин эса орқа томонидаги бир парча хатни ўқи”.

Билли бошини асабий чайқади. Ҳазилларингиздан ўргилдим, дилидан ўтказди у. Аммо бу Рудольф амакисига асло ўхшамасди. Қизиқиш голиб келиб, у столга, ёруққа якинроқ ўтирди. Саҳифанинг юқориги чап бурчагига йирик-йирик ҳарфлар билан “MARSEILLES”¹ ва майдарок ҳарфларда – “Page Deux”², деб ёзилганди. “Faits Divers”³ номи остидаги устун қизил қалам билан айлантриб чиқилганди.

“Mort d’un Voyou”⁴ – ўқиди Билли, афтидан, у ҳали француз тилини унутмабди. Мақолада бундай ёзилганди:

“Кеча кечқурун Эски бандаргоҳда бир кишининг жасади топилди, кейинчалик полициянинг аниқлашича, у Югославия фуқароси Янош Данович деган одам экан. У бошига икки марта ўк тегиб ўлган. Полиция берган маълумотга кўра, Ложувард соҳил ва Марселдаги жиноий гуруҳ аъзоси бўлиб, қўшмачилик ҳамда куролли талончиликда айбланиб, бир неча бор ҳибсга олинган, бироқ бир марта ҳам қамалмаган. Полиция бу қотилликни навбатдаги ўч олиш деб билади ва тергов давом этмоқда”.

Билли аста рўзномани столга қўйди. Эй Худо, ўйлади у, Рудольф амакимнинг ҳойнаҳой томи кетган! Нега у бундай нарсаларни почтадан юборади! Бирдан хат бошқа манзилга бориб тушса ёки тасодифан битта-яримта очиб қўйса-чи? Нима учун Америка сенаторининг маслаҳатчиси Марселдаги майда йўлтўсарнинг ўлдирилишига қизиқиб қолди экан, деб гумонсирайдиган пасткашлар ҳар доим топилади, ундан кейин қанақанги қовла-қовлалар бўлишини сўраманг. У рўзномани майда-майда қилиб йиртиб ташламоқчи бўлган эди, бироқ бирданига иккинчи хат эсига тушди.

У саҳифани айлантриди, хатни ажратиб олди ва ўқиди: “Санага қара”. Билли саҳифанинг юқори қисмига кўз солди. Бу “Меридиональ” рўзномасининг биринчи саҳифаси эди ва унда куйидаги сана қайд қилинганди: “1970 йил, 24 октябрь, шанба”.

1970 йил! Уэсли Европага йўл олганида Дановичнинг ўлганига ярим йил бўлган экан. Билли бошини кўлига қўйди-да, кула бошлади. У обдон кулиб олгач, паджакни кийди-да, Рода Флиннга қўнғироқ қилди. Қизнинг овозини эшитиб, Билли деди:

– Салом, Рода! Оқшом базми авжидадир, ҳойнаҳой? – деб сўради Билли.

– Агар кела олсанг, – жавоб берди Рода, – унда “ҳа”.

– Кетдим. Манзилингни айтиб юбор. – Қиз унга манзилни айтди. – Ўн дақиқада етиб бораман. Ўткирроқ бир нарса олиб қўй. Бугун бу мен учун зарур.

У таҳририятдан чиқиб, такси кидира-кидира Мичиган-авенюдан кетиб бораркан, ортидан таъкиб қилишаётгандай туюлди. У орқага бурилиб қаради: хув нарида, ярим маҳалла масофада фақат иккита жуфтлик кетиб борар эди.

“Амакимдан тўппонча ёнингизда йўқми, деб сўраб кўрсаммикан, қўнглидан ўтказди у. Айтиб бўладими, бирдан аскотиб қолар”.

Кейин кўзи таксига тушди, унга чиқиб оқшомги зиёфатга йўл олди.

ТАМОМ

¹ Марсель (франц.).

² Иккинчи бет (франц.).

³ Йилнома (франц.).

⁴ Безорининг ўлими (франц.).



SHE'RIYAT MINTAQALARI



Александр БЛОК

(1880–1921)

*Рус тилидан
Жамол КАМОЛ
таржимаси*

СКИФЛАР

*Панмўзулизм! Қандай қўрқинч бир садо,
Менинг қулоғимга хуш ёқар аммо.*

Владимир СОЛОВЬЁВ

*Сизлар – милён-милён, бизга йўқ рақам,
Солишинг гар сизда куч бўлса, қудрат!
Ҳа, биз – скифлармиз! Осиёлик қавм,
Қийиқ кўзларимиз қўрқинч, оч-офат.*

*Аср сизга аср, бизга бир лаҳза,
Текин хизматкормиз сизга ҳар қачон.
Биз ўртада қалқон тутдик ҳамиша,
Мўғуллар бир тараф, Оврупо бир ён!*

*Асрлар, асрлар оловида чин
Қуйдингиз қуроллар қабоҳатини,
Ёввойи чўпчак деб билдингиз лекин
Лиссабон, Мессини¹ ҳалокатини.*

*Юз йиллар Шарққа кўз тикдингиз илҳақ,
Дурру гавҳаримиз бўлди сизга тан,
Фурсат келиши кутдингиз фақат
Бизга ўқ узмоққа замбараклардан.*

*Мана, фурсат етди, кулфат очиб юз,
Қанот қоқар, алам зиёда ҳар он,
Аммо кун келади, унда шубҳасиз,
Пестум²ларингиздан қолмагай нишон.*

¹ XIV–XVIII асрларда Португалия пойтахти Лиссабон, 1908 йилда жанубий Италияда жойлашган Мессини шаҳри кучли zilзиладан буткул вайрон бўлган. Бу ерда ана шунга ишора.

² Пестум – қадимий юнон шаҳри. Тўққизинчи асрда вайрон этилган.

Эй сен, кекса дунё! Тириксан, омон,
Ширин азоб ичра яшарсан ҳали.
Сфинкс қошида тўхта бир замон
Заковатли подшо Эдип сингари!

Россия – сфинкс. Қувониб, куйиб,
Ва қора қонига ботиб шу палла,
Сен томон термилар, термилар тўйиб,
Ҳам нафрат ила, ҳам муҳаббат ила!

Йўқ, севги эмасдир сиздаги сезги,
Биздек севолмайсиз, беролмайсиз тоб,
Унутдингиз, бордир дунёда севги,
Ки ўртаб куйдирар ва айлар хароб!

Биз севамиз совуқ рақамлар тафтин,
Илоҳий рўёлар сафосини ҳам,
Англаймиз галл¹ фикри теран ҳикматин,
Олмонларнинг хомуш даҳосини ҳам...

Парижнинг дўзахдек кўчалари-ю
Салқин Венеция тароватларин,
Барини эслаймиз, лимонзор боғлар,
Кёльннинг булутдек иморатларин...

Биз танни севамиз, таъми, ранги-да,
Оғир нафаси-да хушидир, билсангиз.
Айбдормизми, бизнинг нафис қўлларда
Қарсиллаб синарса суякларингиз?

Жиловидан тутиб асов отларни
Бўйсундириб минии – бизга ҳеч нарса.
Ўжар канизаклар, паризодларни
Кафтга қўндиришини биламиз роса.

Келинг биз тарафга! Қўйинг урушни,
Келинг бизнинг сокин қучоғимизга!
Қинига жо этинг эски қилични,
Ога-ини бўлинг, дўст бўлинг бизга!

Магар йўқ десангиз, бизга нима ул?
Бузуқбошлик келур бизнинг-да қўлдан.
Асрлар, асрлар – лаънат ўқилур,
Лаънат ёғар сизга бемор наслдан.

Гўзал Оврупонинг кўзи ўнгида
Чексиз ўрмонларга оламиз ўзни.
Қайта юз очамиз, кўрасиз шунда
Осиёлик мудҳиш қиёфамизни!

¹ Галл – Ҳозирги Франция худудида яшаган қадимги халқ номи.

Кенгиш майдон очдик, келинг Уралга,
Уруш карнайлари чалинсин баланд.
Пулат машиналар интегралга
Тўлиб, саваш қилсин мўғуллар билан.

Биз сизларга қалқон бўлмаймиз энди,
Жанг аро тикмаймиз сиз учун жонни.
Ўша кўрқинч, қийиқ кўзлар-ла худди
Тамошо қиламиз қону қиронни.

Қўзғалмаймиз, ёвуз, қонсираган хун,
Ўликлар ҳамёнин титса ҳамки то,
Шаҳарларни ёқиб, кул этса буткул,
Оқ танлар гўшитини қовурса ҳатто!..

Сўнги бор – эсни йиғ, эй кўҳна дунё!
Тинчлик, меҳнат ила эт ўзни эъзоз,
Сўнги бор – чарогон дўстлик базмига
Чорламоқда сени бу бадавий соз!

НОТАНИШ

Оқшомлари ресторанлар узра
Иссиқ ҳаво ёввойи, бўғиқ,
Ва маст-аласт қичқириқлар ила
Баҳорий руҳ кезар ачимсиқ.

Узоқда, тўзонли кўчалар оша,
Мудроқ дала уйлар оша ҳамон,
Новвойхона томи йилтирар хира,
Бир бола йиғлайди ногаҳон...

Ҳар оқшом шлагбаумлардан
Нарида, дол қўйиб иляпаларни,
Эркаклар сайр этар хонимлар билан,
Гапга тўн кийдириб, авраб уларни.

Қўл узра эшаклар гижирлаши-ю,
Бир аёлнинг чинқироқ саси,
Осмонда юз очиб, сочади ёғду
Ярим ойнинг кумуш ҳалқаси.

Ҳар оқшом ягона дўсти азиз
Қадаҳимда акс этади хуш,
Тахир, сирли шаробдан шаксиз,
Худди мендек ширакайф, сархуш.

Хизматкорлар қўшни столларда
Уйқу босиб ўлтирар гурас,
Мастлар қуён кўзлари ила
Қичқиришар: "In vino veritas!"¹

Ҳар оқшом белгили соатда
(Ё тушимда кўраман бунни?)
Бир санам қомати атласда,
Деразадан жазб этар мени.

Мастлар орасидан оҳиста ўтиб,
Ёнида кимса йўқ, ҳамроҳсиз,
Атру уфор, туманлар таратиб,
Дераза олдидан ўлтирар ёлғиз.

Қадим ривоятлар уфуруар шунда
Атлас, шоҳилардан ҳар сафар,
Мотам парлари бор иляпасида,
Нафис қўлларида узуклар.

Бир яқинлик тортиб кўнгилни,
Қора ниқоб оша боқаман шу дам.
Кўраман мафтункор соҳилни,
Ва мафтункор йироқларни ҳам.

¹ "Ҳақиқат шаробдадир!" (лотинча).

*Ажабтовур сирлар меникидур ул,
Кимнингдир қуёши берилмиш менга,
Тахир шароб сингиб жонимга буткул,
Ҳукми отабини жойламиш унга.*

*Туяқуш парлари эгилиб энди,
Миямда тебраниб турар ярқираб,
Тубсиз мовий кўзлар сочиб сеҳрини,
Олис бир соҳилда гул очар ажаб.*

*Хазина бор менинг қалбимда улуг,
Калити ҳам мендадир фақат,
Сен ҳақлисан, шаробхўр махлуқ!
Шаробдадир асл ҳақиқат...*

СОЛЬВЕЙГ¹

*Сергей Городецкийга²
Сольвейг чанги учиб келар...
Ибсен. “Пер Гюнт”*

*Сольвейг! Келдинг менга чангида учиб,
Табассум айладинг баҳор қучиб!*

*Фақир кулбам аро яшадинг ноқис,
Тошлар орасида ўтсиз, чироқсиз.*

*Яшил кўзларингни чақнатиб менга,
Боққан эдинг, олдим болтамни қўлга.*

*Асрий қарагайни қулатдим қулиб,
Баҳорим юз очди келинчак бўлиб!*

*Янги уйим узра
Энди ҳар лаҳза
Қарагайлар тўсмас мовий самони.*

*Бу осмон – сеники!
Бу осмон – меники!
Бекорга мағрур деб аташмас мени!*

*Мен ўрмончи эдим,
Дуо ўқирдим
Кўкка қулоч ёзган қарагайларга.*

¹ Сольвейга – норвег хотин-қизларининг номи, “қуёш йўли” демак.

² Сергей Городецкий – Блокка замондош шоир.

Сен келдинг, ёришиди,
Қиш уйқуси қочди,
Баҳор гурросини сочди оламга.

Тинглаяпсанми, айт,
Болта садосин шу пайт?

Кўрмаяпсанми, шод, қувончли нигоҳ
Сенга тикилмишидир, сенга маҳлиё?

Тинглаяпсанми мени,
Қувноқ ўқшигимни?
Дарахт кесиб, Сольвейг, куйлайман сени!

Ойболтам остида, мақтов айтиб жуда,
Новдалар тебранар кўкка етгудек.

Овозинг юксалур
Кекса қарагайдан ул,
Яшил баҳор кўшигисан, Сольвейг!

ШОИРЛАР

Шаҳар чеккасида хароб маҳалла,
Ери зах, тупроги ботқоқ, баттарин,
Шоирлар яшайди бунда, бир-бирин
Қаршилаб кибрли табассум ила.

Қуёш беҳудага чиқиб ҳар куни,
Шу ботқоқни бурқар меҳру шафқатга,
Бу жойнинг одами ўз кундузини
Шаробга сарф этар, қора меҳнатга.

Маст бўлиб дўстликка ичишар қасам,
Валақлашар олди-қочдидан қанча,
Тонгга яқин қусиб, қамалиб маҳкам,
Ишлашади сўнгра ҳолдан тойгунча.

Инларидан чиқиб келишар кейин,
Денгизга боқишар шафақ ёнганда,
Кўчадан ўтгувчи зебо санамнинг
Олтин сочларига бўлишар банда.

Сўнг олтин асрни орзу этишар,
Ноширларни шигаб сўкишар иноқ,
Кичиқ гул устида кўзёш тўкишар,
Мўъжаз булутчага чекишар фиरोқ.

Шоирлар яшайди шундоқ. Ўқувчи!
Ўйлаб кўр, уларда не савдо, самар,
Уларнинг турмуши, иши, хоҳиши
Сенинг турмушингдан ёмонми магар?

Йўқ, азиз ўқувчим, ўйлагин зинҳор,
Шоир бисотида ҳар тугул ҳар гоҳ
Булут бор, олтин соч, олтин аср бор,
Буларнинг бариси сенга нораво!

Сен ўзинг, хотининг ила шод, масрур,
Конституциянг ила бахтиёр,
Шоирга майхўрлик – жаҳоний сурур,
Қоида-қонунинг барчаси бекор.

Маيلي, итдек ўлай девор тагида,
Ҳаёт ерга қорсин мени бешафқат,
Худойим, қор билан кўмиб ўшанда,
Қуюн пешонамдан ўпади албат!

НАЖОТ ФАРИШТАСИ

Нажот фариштаси, севаман сени,
Сабабки, зулматда асрадинг мени.

Сабабки, нозанин келинчак эдинг,
Сиру синоатим барини билдинг.

Ки бизни бойлади тун ила асрор,
Синглимсан, қайлигим, қизимсан, дилдор.

Сабабки, умримиз узоқ кўринди,
Сабабки, биз ҳатто эр-хотин энди!

Мен севганни сен севмаганинг-чун,
Фақир-фуқарони ўйлаганим-чун

Аҳил яшашимиз бу ҳолда гумон,
Ўлдирмоқ истайман, ўлдиролмайман.

Қуён юракларни, ёвуздир улар,
Мени ва халқимни таҳқир этдилар.

Турмага тиқишди асл эрларни,
Нотавон дейишди камситиб мени.

Сотиб олмоқ бўлар улар иродам,
Итдек итоаткор бўлишимни ҳам.

Сабабки, ожизман, бўйсуншига шай,
Боболарим қул бўлишган ҳар қалай.

Руҳим бўлмиш нозик захардин адо,
Қўлим кўтаролмас ханжарни асло.

Аммо мен севаман ожизлигим-чун,
Менга сунчиқдир қудратинг, кучинг.

Оловда тобланиб, қўргошинланган,
Нарсани парчалаш қийиндир зотан!

Сен-ла тонготарга боқамиз тикка,
Сен-ла ўшал тубсиз қоронғиликка.

Қисматнинг биза зўр мукофоти бор,
Эркин инсонмизу, қулмиз ғазабкор.

Таслим бўл! Бўш келма! Тўхта! Ташлама!
Зулматми ё олов – олдинда нима?

Ким чорлар? Ким йиғлар: Йўлимиз қаён?
Ҳамиша биргамиз, бирга иковлон!

Ўлиб-тирилгаймиз? Ўлгаймиз ҳамон?..

КЛЕОПАТРА

Музейлар кетма-кет очилар ҳамон,
Бировлар очади уни эрмакка,
Биз эса, шаробхўр, сурбет оломон,
Борамиз... Тобутда кутар малика.

Ойнабанд тобутда унсиз ётар, жим,
Ўликмас, тиркмас, бир ҳолатда ул,
Одамлар шивирлаб айтар бетиним,
У ҳақда беҳаё гапларни нуқул...

Малика ётади чалқанчасига,
Абадий уйқуга гарқ бўлиб тамом,
Илон унинг очиқ, мум сийнасига
Эринмай захрини тўқар беомон.

Мен ҳам шу қатор шарманда, сотқин,
Кўзларим атрофи кўкарган ҳалқа.
Келдим тобут ичра тин олиб, сокин
Ухлаган санамга назар солмоққа.

Томоша қилади сени ҳар кимса,
Тобутингда жондан бўлсайди асар,
Эшитардим унда неча бир дафъа
Чирик дудоқларнинг оҳини магар.

“Исириқ тутатинг. Кўминг гулларга,
Бундан кўп асрлар муқаддам, йироқ,
Миср ўлкасида эдим малика,
Энди мум ичраман, чирик бир тупроқ”.

“Малика! Мен сенга маҳлиё, мафтун,
Агарчи Мисрда қул эдим, ҳақир,
Насибамни қара, буюрмиш тақдир,
Бу юртда шоирман, подшоман бузун!

Тобутингдан боқиб, кўрасанми, айт,
Рус ҳам Римдек сенга маст бўлиб боқар,
Цезарь ва мен энди абадулабад
Қисмат қаришисида тенгмиз, баробар!”

Жим қолдим. Қарайман. Мени эшитмас,
Аммо экин эсиб кўксида кам-кам,
Олар ҳарир мато остида нафас,
Шивир-шивир сўзин илғайман шу дам:

“Бир замонлар эдим ҳар ишга қодир,
Энди-чи, асрлар, давронлар оша –
Ҳолимга кўзёши тўкади шоир,
Аҳволимга боқиб, кулар фоҳиша...”

СЕНИ УНУТГАНЛАР

Етишиди соати. Шайланди замон,
Қилич ярқиради йўл очиб тикка,
Мен оломон ила йўл олдим ҳамон
Туманли манзилга, баланд кенгликка.

Йўлда неча довон, жарлик, чеки йўқ,
Халқ ҳориб, доҳийлар ҳолдан тойди ҳай,
Қаршимизда қора булутлар қуюқ,
Чақмоқ тилкаларди уларни тинмай.

Қўллар осилса-да ночор шалвираб,
Муштлар тугиларди шу ҳолларига,
Гулдирак гумбурлаб, болалар ийглаб,
Аёллар ўранди рўмолларига.

Мен даги чарчадим, қатордан кетдим,
Ортимдан эргашиди неча бир одам,
Бошимизда осмон, кўринмасди дим¹,
Булутлар ортида эди қуёш ҳам.

Сарсон бўлиб юрдик, чекиб оҳ-воҳ,
Тополмай кулбайи вайронамизни,
Тунлар гулхан ёқиб, исиндик гоҳо,
Тақдир қалтиратди совуқда бизни.

Қанча йўл изладик, тортиб машаққат,
Бари зоеъ кетди етмай самарга.
Ушалмас орзулар берасан фақат,
Бу дунёда Сени унутганларга...

ОҚШОМ ЧЎКАР СОКИН, БЕСАДО...

Оқшом чўкар сокин, бесадо,
Куюқлашар туман сув узра.
Тўлқинларда сирли бир нидо,
Бош кўтарар оппоқ бир кимса.

Сув париси чиқар денгиздан
Ва ёнимга келиб ўлтирар,
Ҳарир рўмол остида шу дам,
Кумушланиб, кўкси ялтирар.

Талпинади сўнгра қучгани
Ва бағрига босади маҳкам,
Кучаман деб бўғдинг-ку мени,
Эй денгизлар париси, санам!

“Мен бўғаман кўнглимни чоғлаб,
Кўлим кучли, чирмашур чунон,
Оқшом салқин, сени қучоқлаб,
Исинмоқчи бўламан шу он”.

Ой чеҳраси оқариб, сўлгин,
Осмон хира ташлайди назар.
Ёшланади кўзларинг нечун,
Эй денгизлар париси, дилбар?

“Кўзларимда қалқиб турар нам,
Кўзёш дема, кўнглим қувончи.
Мен денгиздан кўтарилган дам,
Иниб қолган тиниқ бир томчи”.

Оқ чорлоқлар қичқирар чанқоқ,
Тўлқин урар қиргоққа бошин,
Қалбинг нега титрайди мундоқ,
Эй денгизнинг гўзал сирдоши?

“Ғалатидир қалбим чинданам,
Титрашлари ажабдир албат,
Мен севаман сени, эй одам,
Муҳаббатдан яралган хилқат!”

* * *

Ҳаёт бахш этмоқчи ўз нафасидан
Келиб аввалгидек ул зебо санам,
Менинг абгор бўлган танимга чиндан,
Менинг шу кулбайи вайронамга ҳам.

¹ Дим – сира, асло маъносида.

Бошимда осмондек турди меҳрибон,
 Мен унга жавобан шу оғриқ қўлим
 Қимирлатолмадим ҳаттоки, гулим,
 Мен сени қанчалар соғиндим дебон.

Нурсиз кўзларимни тикиб кўрдим, ул
 Куйиб, гам чекарди менга ҳар нафас.
 Бизнинг орамизда йўқ эди буткул
 На бир сўз, на иқбол, на ранжу араз.

Бечора қалб чарчаб, ҳорганди кушод,
 Шунча йил, шунча ой, шунча кун магар,
 Кечикканди қаро бахтимиз, ҳайҳот,
 От суриб келса ҳам йўлда қанчалар.

Мен энди хастаман, дарди бедаво,
 Хаёлим ўзга бир оламда бугун,
 Қуёшли шафаққа боқаман мамнун,
 Абадий тунданам кўрқмайман асло.


Абадият боқиб кўзимга бўйла,
 Тиниб-тинчимокқа ўргатди мени.
 Мовий туннинг муздек шабнами ила
 Сўндирди ҳаяжон гулханларимни...

Ортимдан эргашиб бир аблаҳ гадо,
 Судралиб келади одим ва одим.
 “Пулинг қайда?” – “Пулим шаробхонада”,
 “Қалбинг қайда?” – “Уни ўпқонга отдим”.

“Сенга нима керак?” – “Истагим шуки,
 Мендек аён этсанг ўзни ҳар лаҳза.
 Чидасанг, масхара этсалар, кулги,
 Истагим шу фақат, бошқа ҳеч нарса”.

“Бошқалар ишига тикма бурнингни,
 Эргашма изимдан, нари тур, йўқол!”
 “Азизим, иков деб ўйлама бизни,
 Адашма, аланглаб атрофга кўз сол...”

Чинданам (бошимга солди не савдо!)
 Теграмда бировни кўра билмадим,
 Чўнтагимга боқсам, йўқдир ҳеч вақо,
 Юрагимга назар ташлаб... йиғладим.



Эд МАКБЕЙН

(1926–2005)

ИЛК АЙБЛОВ

Ҳикоя

*Рус тилидан
Алишер ОТАБОВ
таржимаси*

У теридан тикилган камзулининг ёқасини кўтариб полиция машинасида ўтирар, қоп-қора камзулнинг тугмалари кумуш рангда товланарди. У ўн етти ёшда эди. Тим қора, хурпайган сочлари елкасигача тушган. У қадди-қомати келишган йигит эканини ўзи ҳам билар, шунинг учун бошини тик тутиб юрарди. Лаблари исталган лаҳзада очилишга тайёр булма пичоқ дамидай қимтилган, қўли камзулининг чўнтагида, кулранг кўзларида ҳаяжон бор эди. Бу кўнгилсизликлар ўткинчи эканига ўзини ишонтиришга уринар, лекин кўлидан ҳеч иш келмасди. Полициячи фонарини юзига ўқталганда қочмоқчи бўлгани, миршаб камзулининг енгидан ушлаганда тутақиб, машинага тикишаётганда қаршилиқ қилгани, кейин полиция маҳкамасида рўйхатдан ўтказиш вақтида саволларга жавоб беришдан бош тортгани қайта-қайта кўз олдида келаверарди.

Ирландиялик навбатчи зобит унга бошдан-оёқ разм солди.

– Нега бақраясан, бақалок? – деди у безрайиб.

Зобит унга еб қўйгудек ўкрайди-да:

– Буни эртагача қамокқа тикинглар, – деб буйруқ берди. Тунни полиция маҳкамасидаги ҳибсхонада ўтказди-ю, тонгда вужуди яна ўша ғалати ҳаяжонни ҳис қилди. Шу ҳаяжон туфайли у мушкул аҳволга тушиб қолганини дурустроқ англаёлмасди. Чунки авваллари бошига ташвиш тушса ўзини бунчалик масрур ҳис қилмасди. Ҳозир у гўё махфий бир жойдаги сирли даврага тушиб қолгандек эди. Нонуштадан сўнг соқол олишга руҳсат беришмаганда полицияга нафрати янада ортди. Ўн етти ёшда бўлса ҳам ҳалитдан соқоли бинойидек ўсарди. Эркак киши тонгда соқол олиши керак-ку, ахир, жин урсин! Лекин атрофидаги воқеалар унга шунчалик ғайритабиий туюлардики, юзига қаҳрли тус берган тукларига ҳам эътибор бермай қўйди. Бошига мусибат тушган бўлса нима қилибди? Бунақа ҳаётнинг ҳам ўзига яраша завқи бор-ку, ахир. У ўзини кино қаҳрамонларидек ҳис қила бошлади. Ўзини кўрсатадиган вақт келди. Уни тутиб қамокқа тикишганда зигирча ҳам кўрмади, аксинча завқи жўшиб ҳаяжонланди.

Хибсхонада эгнидан арзон вино ҳиди анкиётган, тунни у каби шу ерда ўтказган бир дайдисифат нусха ҳам ўтирарди.

– Ўв! – деди у.

– Менга гапираяпсанми? – деди камерадоши.

– Ҳа. Энди бизни нима қилишади?

– Аввал сўроқ қилишади, болакай, – деди дайди. – Биринчи марта қўлга тушдингми, дейман?

– Биринчи марта, – деди у гердайиб.

– Ҳамма қонунбузарларни дастлаб сўроқ қилишади, – тушунтира кетди ҳалиги нусха. – Шу жумладан, жиноий ишга қўл урганларни ҳам. Сен жиноят қилганмисан?

– Ҳа-да, – деди у пинагини бузмай.

Бу бадбахтни нега хибсга олишган экан-а? Боғдаги скамейкада ухлагани учун ушлашган бўлса керак.

– Демак, дастлабки сўроқдан ўтишингга тўғри келади. Ҳар эҳтимолга қарши башарангни эслаб қолиш учун ҳамма изкуварлар йиғилади. Сени ўртага чиқариб айбловни ўқишади. Кейин изкуварларнинг бошлиғи сени сўроққа тутлади. Айтганча, исминг нима, болакай?

– Нима ишинг бор?

– Гап қайтарма, тирранча, қўлингни синдириб кўяман, – дағдаға қилди дайди. Усти юпун бўлса ҳам у иягини жун босган буқадай бакувват, гавдали киши эди.

– Исминг Стиви.

– Мен эса Жим Скиннерман, – деди дайди. – Биров маслаҳат берганда бидирламай эшитишни ўргангин, хўпми?

– Қанақа маслаҳат экан ўзи? – деди Стиви ҳам бўш келмай.

– Сўроққа олиб чиқишганда саволларига жавоб берма. Жиноят жойида кўрсатма берганмисан?

– Йўк.

– Яхши. Сўроқ пайтида ҳам индамай ўтиравер. Улар сени жавоб беришга мажбурлай олишмайди. Оғзингга толқон солгандек миқ этмай ўтирсанг бўлгани.

– Уларга ниманиям айтардим? Шундоғам барини билишади-ку, – деди Стиви.

Дайди елка қисди-да, бунга гапириш бефойда экан, дегандек юзини нари бурди.

* * *

Стиви кўча шовқинига кулоқ тутганча хуштак чалиб полиция машинасида ўтирарди. У ўзини еттинчи осмонда юргандек ҳис қилар, шодлигини ичига сиғдирилмасди. Унинг ёнида ўтирган Скиннер ўриндиққа ястанганча бир нималарни ўйлаётганди. Марказий кўчадаги полиция маҳкамасига етиб келишгач, уларни алоҳида камераларга жойлашди. Дастлабки сўроқ соат тўққизда бошланиши керак эди. Ўнта кам тўққизда Стивини хибсга олган полициячи уни маҳбуслар учун ясалган маҳсус лифтга олиб кирди.

– Лифтёрлик қилиш сенга ёкса керак-а? – деб сўради у миршабнинг асабига тегиш учун. Лекин миршаб пинагини ҳам бузмади. Улар дастлабки сўроқ ўтказиладиган хайхотдай залга кириб, сахна ёнидаги йиғма курсиларда ўтирган аллақандай кимсаларнинг ёнидан ўтишди.

– Жамоат жам-ку, – деди Стиви.

– Умрингда театрга тушмаганмисан, дейман? – деди полициячи мийиғида кулиб.

Сахнадаги пардалар очиб кўйилгани учун ҳамма нарса кафтдагидек кўриниб турарди: махбус учун шифтдан ингичка кувур орқали туширилган микрофон, оппоқ деворга бўйни ўлчаш учун ҳар хил баландликда тортилган чизиқлар. Уни томоша қилиш учун шаҳардаги ҳамма изкуварлар йиғилганини пайқагач, Стиви ўзини ниҳоят кўлга тушган тутқич бермас жиноятчидек ҳис қила бошлади. Полициячиларнинг ортига микрофонли минбар ўрнатишибди. У ерда миршабларнинг бошлиғи ўтирса керак, деб ўйлади Стиви. Зал бир хил кийим кийган полициячиларга тўла, сахнадаги столда фуқаролик кийимидаги бир кимса ўтирарди.

– Анави ким? – деб сўради Стиви миршабдан.

– Стенографиячи зобит, – деди у. – Келажак авлод учун сенинг гаплирингни ёзиб олади.

Улар сахнага чиқишганда атроф бутун шаҳардан тутиб келинган жиноятчиларга тўла эди. Махбусларнинг орасида фақат битта аёл бор эди ва Стиви эркакларга таклид қилиш учун уларга диққат билан разм солди. Лекин бу шалвираган жиноятчилар унинг ҳафсаласини пир қилди. Стивининг булардан ўлса ўлиги ортиқ эди. Демак, у давранинг бош қаҳрамони бўлади. Уни залга бошлаб кирган зобит нарироқдаги хўппа семиз полициячи аёл билан гап сота бошлади. Скиннерга кўзи тушган Стиви эса уни саволга тутди:

– Энди нима бўлади?

– Бир оздан сўнг улар дераза пардаларини тушириб, зални коп-қоронғи қилишади-да, юзингга прожекторларни тўғрилашади. Хуллас, сен томошабин изкуварларни кўролмайсан, улар эса сени бошдан-оёқ кўздан кечиришади.

– Э, шуларнинг турқиға қарайман деб кўзим учиб тургани йўқ, – деди Стиви энсаси қотиб. Скиннер елка қисиб гапида давом этди:

– Ишингни муҳокама қилишаётганда сени ҳибсга олган зобит изкуварлар бошлиғининг ёнига бориб туради. Бош изкувар исмингни ва сени қаерда кўлга туширишганини ўқиб эшиттиради. Жой номи билан бирга рақамни ҳам айтади. Масалан: Манхэттен-бир ёки Манхэттен-икки. Бу ўша округдаги жиноят ишининг рақами. Биринчи бўлиб жиноят қилган бўлсанг, бир рақамини оласан, тушундингми?

– Ҳа, – деди Стиви.

– У изкуварларга сени нега ҳибсга олишганини тушунтиради. Кейин айблов кўйилди ёки кўйилмади, деб айтади. Агар сенга айблов қўйишса, бош изкувар кўп савол бермайди, чунки жавобларинг аввал берган кўрсатмангга мос келмаслиги мумкин. Лекин агар айблов қўйишмаса, савол беравериб бошингни қотиради. Аммо сен бирорта саволига жавоб бермаслигинг керак.

– Кейин нима бўлади?

– Бош изкувар гапини тугатгач, суратга тушириш ва бармоқ изларингни олиш учун сени пастга олиб тушишади. Ундан кейин якуний айбловни эълон қилгани жиний суд мажлисига олиб боришади.

– Мени суратга ҳам олишаркан-да? – деди Стиви хангу манг бўлиб.

– Бўлмасам-чи.

– Бу ерда мухбирлар ҳам бўлса керак-а?
 – Ким?
 – Мухбирлар.
 – Бўлса бордир. Лекин журналистларнинг аксарияти полиция машиналари тўхтаган йўлнинг нариги бетидаги бинода ўтиришади. Бу ерда полиция радиоси бор. Улар шов-шувли тафсилотларни шу радиодан эшитиб дарров эълон қилиб юборишади. Ким билади, балки бир-иккита мухбир бу ерга ҳам киргандир.

Шундай деб Скиннер Стивига шубҳаланиб қараб қўйди.

– Мухбирларга нима ишинг бор? Ўзи нима жиноят қилгансан?

– Э, айтишга ҳам арзимаёди, – деди Стиви. – Газеталарда биз ҳақимизда ёзишармикан, шуни билмоқчи эдим.

– Шов-шув кўтармоқчисан шекилли?

– Йўқ деяпман-ку! Нима, мени каерга тушиб қолганини билмайди, деб ўйлаётсанми?

– Менимча, сен қанчалик мушкул аҳволда қолганингни фаҳхламаяпсан. – деди Скиннер бош чайқаб.

– Бу билан нима демоқчисан, жин урсин?!

– Вазият сен ўйлагандан кўра анча жиддий, болакай. Гапимга ишонавер.

– Ишонаман, албатта! Ахир, бу соҳада сенинг тажрибанг катта-ку!

– Сендек гўр эмасман ҳар қалай, – деди Скиннер энсаси қотиб.

– Тўғри айтасан. Истироҳат боғидаги скамейкада ухлаб жуда катта жиноят қилгансан. Менга ақл ўргатмай қўяқол.

– Одам ўлдирдингми?

– Йўқ, – деди Стиви.

– Бирортасини зўрладдингми?

Стиви жавоб бермади.

– Нима иш қилган бўлсанг ҳам, аввал бу жиноятни неча марта такрорлаганингдан қатъи назар ўзингни биринчи марта кинғир йўлга киргандай кўрсат. Қилмишингни тан ол-да, бу ёғига жиноятга қўл урмайман, деб айт. Ана шунда шартли жазо билан қутулиб қолишинг мумкин.

– Йўғ-э?

– Ҳа-да. Лекин кейин кинғир ишлардан тийилишингга тўғри келади. Ана шунда ҳаммаси изга тушиб кетади.

– Кинғир ишдан тийил, эмиш. Кулгимни қистатмасанг-чи, ошна.

Скиннер Стивининг билагига чанг солди.

– Эсингни йиғ, тирранча! Сувдан курук чиқиш имкони бор экан, фойдаланиб қол! Ўзим неча марталаб жазодан қутулиб қолганман. Лекин бу сафар тузоққа илиндим. Бу ер оромгоҳ эмас, гапимга ишон. Турмага ўрганиб қолмай туриб эсингни йиғиб ол!

Стиви унинг чангалидан юлқиниб чиқди-да:

– Мени тинч қўй, жин урсин! – деб ўшқирди.

– Жанжални бас қилларинг, – орага суқилди полициячи. – Ҳамма тай-ёр. Бошлайверсак ҳам бўлади.

– Атрофингдаги маҳбусларга қара, – деб шивирлади Скиннер. – Яхшилаб қара, балки шунда сенга эс кирар.

Стиви афтини бужмайтириб, юзини нари бурган эди, Скиннер уни елкасидан тортиб ўзига қаратди. Дайдининг тук босган юзи-ю, қизарган кўзларида илтижога ўхшаш бир ифода қотиб қолганди.

– Болакай, – пичирлади у. – Гапларимга қулоқ сол. Маслаҳатимга амал қил. Мен ахир...

– Гап сотишни бас қилларинг! – ўшқирди зобит.

Шу пайт Стиви дераза пардалари туширилиб, зал нимқоронғи бўлиб қолганини пайқади. Атрофга оғир сукунат чўкди. Стиви ўзини биринчи бўлиб саҳнага чақиришларини кута бошлади. Анави жин ургур Скиннер нималар деб валдиради ўзи? Атрофингдагиларга қара, эмиш! Кўрққанидан боёқишнинг эси оғиб қолди шекилли. Хитлар бунақа қари пиёнисталарни жазолаб нима фойда топишаркан-а?

Шу пайт полициячи саҳнага бир кишини бошлаб чиқди ва Стиви маҳбусга яхшироқ разм солиш учун чапроққа сурилди. Миршаблар уни ҳеч вақо кўринмайдиган орқа қаторга ҳайдашмаса бўлгани. Стивини ҳибсга олган полициячи ҳамон бақалоқ аёл билан гап сотарди.

Саҳнага чикқан тепакал кимса жимитдек кўзларини нуқул пирпиратар, эгнига денгизчилар камзули ва қора канош шим кийганди. Қизариб кетган кўзлари туни билан мижжа қоқмаганидан далолат берарди. Унинг бўйи девордаги беш футу олти дюймлик белгигача етди.

– Исми-шарифи Азией Огастус, – гап бошлади изкуварлар бошлиғи. – Манхэттен-бир. Ўттиз уч ёшда. Бродвей ва қирқ учинчи кўча кесишган жойда, барда ҳибсга олинган. Чўнтагидан 45-калибрли тўппонча чикқан. Айблов қўйилмади. Хўш, бу воқеа ҳақида ўзинг нима дейсан, Гас?

– Қайси воқеа ҳақида? – деб сўради Азией.

– Чўнтагингда ўқотар қурол бормиди?

– Ҳа, тўппончам бор эди.

Шу пайтгача елка қисиб турган Азией бирдан гавдасини кўтарди.

– Нега тўппонча олиб юргандинг, Гас?

– Шунчаки ўзим.

– Уни нимага ишлатмоқчи эдинг?

– Қолган саволларингизга жавоб бериш ниятим йўқ, – деди Азией. – Сиз мени учинчи даражали сўроққа тутаяпсиз. Менга адвокат беришларини талаб қиламан.

– Ҳали адвокат талаб қилишга эрта, – деди изкуварлар бошлиғи. – Ҳеч ким сени учинчи даражали сўроққа тутмаяпти. Нега тўппонча олиб юрганингни билмоқчимиз, холос. Қуролдан фойдаланишга рухсатноманг йўқлигини билардинг-ку, ахир, тўғрими?

– Рухсатномам бор, – деди Азией.

– Биз қуролдан фойдаланишга рухсатнома берувчи бўлимдагилар билан гаплашдик. Уларнинг айтишича, сенда рухсатнома йўқ экан. Тўппончанг денгизчилар револьвери, шундайми?

– Ҳм.

– Жавобингни эшитмадим.

– Ҳа, денгизчилар револьвери.

– Нега бу тўппончани кўтариб юрасан? Ундан қандай фойдаланмоқчисан?

– Мен қуролларга қизиқаман.

– Нега?

– Нега, деганингиз нимаси? Нега қуролга қизиқасан демоқчимисиз? Чунки...

– Нега чўнтагинга тўппонча солиб юрувдинг?

- Билмасам.
- Ўқланган қирқ бешинчи калибрли револьвер олиб юришга бирор жиддий сабабинг бўлган. Қурол ўқланган эди, тўғрими?
- Тўғри.
- Бошқа қуролларинг ҳам борми?
- Йўқ.
- Уйингдан ўттиз саккизинчи калибрли тўппонча ҳам чиқди-ку. Бунга нима дейсан?
- Ҳеч нима.
- Тушунмадим?
- Ўттиз саккизинчи ҳисобга кирмайди.
- Бу нима деганинг?
- Унинг тепкиси бузук.
- Демак, сенга тепкиси соз револьвер керак экан-да?
- Мен бундай деганим йўқ.
- Ўттиз саккизинчи ярамайди, чунки бузук, дединг, тўғрими?
- Ўқ отмайдиган тўппончанинг кимга кераги бор, ахир?
- Сенга ўқ отадигани нимага керак эди?
- Шунчаки чўнтагимга тўппонча солиб юрардим. Ҳеч кимни отганим йўқ-ку, ахир?
- Ҳали кимнидир отиш ниятинг ҳам бормиди?
- Бўлмасам-чи, – деди тоқати тоқ бўлган Азией. – Шунақа ниятим бор эди.
- Ким экан ўша бечора?
- Билмасам, – деди Азией аччиқ жилмайиб. – Йўлимда учраган исталган одамни отмоқчи эдим. Хўш, жавобим сизга ёқдими? Ҳаммани бир бошидан қирмоқчи эдим! Кўнглингиз жойига тушдими? Бутун инсониятни йўқ қилмоқчи эдим.
- Балки сен бутун инсониятни қиришни эмас, ўғрилиқ қилишни режалаштиргандирсан?
- Йўқ, қирмоқчи эдим, – Азиейнинг ўжарлиги тутди. – Шаҳарликларнинг барини ўлдирмоқчи эдим. Хўш? Жавобим сизга маъқулми?
- Қуролни қаёқдан олдинг?
- Флотдан.
- Қаердан?
- Ўзим хизмат қилган кемадан.
- Демак, револьверни ўғирлабсан-да?
- Йўқ, топиб олдим.
- Давлат мулкани ўғирлагансан, шундайми?
- Топиб олдим, дедим-ку.
- Флотдаги хизматдан қачон бўшадинг?
- Уч ой бурун.
- Бошқа иш топдингми?
- Йўқ.
- Сени қаерда хизматдан бўшатишди?
- Пенсакола шаҳрида.
- Ўша ерда тўппончани ўғирладингми?
- Ўғирлаганим йўқ, деяпман-ку!
- Нега флотдан кетдинг?

Азией нима деб жавоб қайтаришни билмай иккиланиб қолди.
– Хўш, нима учун флотдан кетдинг? – изкуварлар бошлиғи саволини такрорлади.

– Мени у ердан ҳайдашди! – деди Азией тутақиб.

– Нега?

– Чунки кетишимни хоҳлашди! – ўшқирди Азией.

– Нега?

У жавоб бермади.

– Нега сени флотдан ҳайдашди?

Қоп-қоронғи зал сув қуйгандек жим жит бўлиб қолди. Стиви Азиейнинг титраётган лабига ва пирпираётган кўзларига диққат билан разм солди.

– Кейингисини чакиринглар! – деб буюрди изкуварлар бошлиғи.

Стиви Азиейнинг полициячи кузатувида зина бўйлаб пастга тушганини кўрди. Азией синовдан яхши ўтди. Тўғри, сўроқнинг охирида бироз асабийлашди-ю, лекин умуман олганда ўзини йўқотиб қўймади. Йигит киши чўнтагига тўппонча солиб юрса, бунинг нимаси ёмон? Ахир, у ҳеч кимни отмаган-ку! Бу хитларнинг шаҳарда изғиб, тўппонча олиб юрган йигитларни тутишдан бошқа иши йўқ шекилли. Боёқиш Азией флотда хизмат қилган экан. Асабийлашса ҳам қуюшқондан чиқмади, азамат.

Шу пайт Стивининг ёнидан бир эркак ва бир аёл ўтиб саҳнага чиқишди. Эркак жуда новча экан – бўйи олти футлик белгига тенглашди. Малла сочли, тўладан келган аёлнинг бўйи пастроқ эди.

– Уларни бирга қўлга туширишган, – деб шивирлади Скиннер. – Шунинг учун бирга сўроқ қилишади.

– Азией зўр йигит экан-а? – деди Стиви жавобан. – Хитларни бошлаб лакиллатди, тўғрими?

Скиннер индамади. Изкуварлар бошлиғи томоқ кириб гап бошлади:

– Макгрегор Питер, қирк беш ёшда ва Андерсон Марсия, қирк икки ёшда. Бронкс-бир. Гранд-Конкорс кўчасида, йўл четида турган машинада ҳибсга олинган. Машинанинг орқа ўриндигидан жомадон, ёзув ва тикиш машинкалари, пўстин ва бошқа буюмлар топилган. Айблов қўйилмади. Хўш, бу лаш-лушлар ҳақида нима дея оласиз, Пит?

– Улар меники.

– Пўстин ҳам сизникими?

– Йўқ, пўстин Марсияники.

– Сизлар ростдан ҳам эр-хотин эмасмисизлар?

– Йўқ.

– Бирга яшайсизларми?

– Ўзингиз биласиз-ку, – деди Пит.

– Хўш, бу лаш-лушлар ҳақида нима дея оласиз? – изкувар саволини такрорлади.

– Бизники деб айтдим-ку, – деди Пит энсаси қотиб.

– Нега барини машинага солиб олдинглар?

– Чунки... биз... ҳалиги... – Пит дудуклана бошлади. – Саёҳатга чиққандик.

– Қаёққа бораётувдинглар?

– Қаёққа, дейсизми? Ҳалиги... – Пит нима дейишни билмай жимиб қолди. Бу нусха ғирт масҳарабоз экан-ку, деб ўйлади Стиви. Бунақа томо-

ша билан солиштирганда Кони Айленддаги арғимчоқлар ҳеч нарса эмас. Бир-икки соат сўроқ қилинса бу қисма қилмишига иқрор бўлиши аниқ. Хотини ҳам ўзига мос экан.

– Биз... – деди Пит ҳамон талмовсираб. – Биз ҳалиги... Денверга кетаётувдик.

– Нега?

– Дам олиш учун-да, – деди у жилмайишга уриниб.

– Ҳибсга олишганда чўнтагингизда неча пул бор эди?

– Қирқ доллар.

– Қирқ доллар билан Денверга кетаётганмидинглар?

– Йўқ, эллик долларим бор эди. Хуллас, қирқ-эллик доллар пул бор эди-да.

– Машинадаги лаш-лушларни нима қилмоқчи эдинглар?

– Айтдим-ку, саёҳатга чиққан эдик, деб.

– Ё, тавба! Саёҳатда тикув машинасини нима кераги бор? Тикувчимисиз дейман?

– Мен эмас, Марсия – тикувчи.

– Шундайми, Марсия?

– Ҳа, – деди малласоч аёл шангиллоқ овозда. – Тиқишни яхши кўраман.

– Пўстин ҳам сизникими, Марсия?

– Албатта.

– Астарига “Ж” ва “Д” ҳарфлари туширилган экан. Бу исмингизнинг бош ҳарфлари эмас, тўғрими?

– Тўғри.

– Унда пўстинга нега бу ҳарфлар ёзилган?

– Мен қаёқдан билай! Пўстинни бозорда харид қилганмиз.

– Қаердаги бозордан?

– Бруклиндаги Миртл-авенюдан. Бруклинга ҳеч йўлингиз тушганми?

– Тушган. Жомадон-чи? Унга ҳам бояги ҳарфлар ўйиб ёзилган. Хўш, буни қандай изоҳлайсиз?

– Жомадонни ҳам ўша бозордан сотиб олганмиз.

– Ёзув машинкасини-чи?

– Машинка Питерники.

– Унда ҳарф тера оласизми, Пит?

– Баъзан эрмак қиламан.

– Машинангиздан чиққан нарсаларни йўқолган буюмлар рўйхати билан солиштирамиз. Демак, бу лаш-лушларнинг ўғирланганидан хабарингиз бор экан, тўғрими?

– Биз уларни бозордан сотиб олдик, – гўлдиради Пит. – Аввал ўғирланганми-йўқми, қаёқдан билайлик?

– Сиз ҳам Пит билан Денверга кетаётганмидингиз, Марсия?

– Ҳа.

– У ерга йўл олишга қачон аҳд қилдинглар? Уч-тўрт дақиқа бурунми?

– Саёҳатга чиқишга ўтган ҳафта келишиб олувдик.

– Денверга Гранд-Конкорс орқали кетаётганмидинглар?

– Нима? – Питернинг пешонаси тиришди.

– Машинангиз Гранд-Конкорсда турган эди. Ўғирланган буюмларга тўла машина билан у ерда нима қилаётувдинглар?

– Ҳеч ҳам ўғирланмаган-да, – эътироз билдирди Пит.

– Биз Йонкерсга кетаётгандик, – гапга аралашди аёл.
 – Ҳозиргина Денверга дединглар-ку?
 – Тўғри, лекин биз аввал машинани тузатмоқчи бўлдик. Унинг ҳалиги... Питер, машинанинг қаери бузилувди?

Пит жавоб беришдан аввал узоқ ўйлади.

– Ҳа, ҳалиги... анави... ғилдиракларни бир-бирига боғлаган узун темир илгак бор-ку, ўшани тузатмоқчи эдик. Йонкерсда ўша илгакларни тузатадиган устахона бор.

– Йонкерсга кетаётган бўлсангиз, нега Конкорсда тўхтадинглар?

– Бир масала юзасидан келишолмай қолдик.

– Нима масала юзасидан келишолмадинглар?

– Йўқ, келишолмадик эмас, сал баҳслашиб қолдик.

– Сабаб?

– Ҳалиги... овқат...

– Нима?

– Мен хитойча овқат емоқчи эдим. Марсия эса бир стакан сут билан пиширик емоқчи бўлди. Шунинг учун Конкорсда хитойча ресторанга кирган маъкулми, оддий ошхонагами деб баҳслашиб қолдик.

– Плашингиздан ҳамён топдик, Пит. У сизникими?

– Йўқ.

– Кимники?

– Билмайман, – деди Пит ва шошиб қўшиб қўйди. – Ичида пул йўқ эди.

– Лекин Симон Грейнжер деган одамнинг хужжатлари бор экан. Ҳамённи қаердан олдингиз?

– Кўчадан топиб олдим. Ичида пули йўқ эди.

– Балки машинадаги буюмларни ҳам кўчадан топгандирсиз?

– Йўқ, сэр. Уларни сотиб олганман. Ҳамённи эгасига қайтармоқчи эдим, почта кутисига солиб кетиш хаёлимдан кўтарилибди.

– Денверга саёҳат ташвишларига чалғигандирсиз-да?

– Топдингиз.

– Охирги марта қачон меҳнат қилиб пул топгансиз, Пит?

Пит беихтиёр жилмайди.

– Уч йилча бурун, адашмасам.

– Бу икковлон шу пайтгача қўл урган жиноятлар рўйхатини ўқийман, – деди изкуварлар бошлиғи. – Марсия, 1938 йил – жинойи жазо олган, 1939 йил – далилларни яшириш, 1940 йил – гиёҳванд моддалар сақлашда айбланган. Ҳалиям наша чекасизми, Марсия?

– Йўқ.

– 1942 йил – жамоат тартибини бузган, 1943 йил – яна наша билан қўлга тушган. 1947 йил... Ҳозирча шу ёғиям етар, Марсия?

Аёл индамади.

– Питер, – деди изкуварлар бошлиғи коғозига кўз югуртириб, – 1940 йил – бир аёлни зўрламоқчи бўлган, 1941 йил – ҳарбий хизматдан бўйин товлаган, 1942 йил – жамоат тартибини бузган, 1943 йил – ўғрилиқ, 1945 йил – қўшмачилик қилган, 1947 йил – босқинчилик қилиб оғир тан жароҳати етказгани учун Оссингсда икки йил ўтириб чиққан.

– Мен турмада ўтирмаганман.

– Манави хужжатда ўтиргансиз, деб ёзилган.

– Ҳеч қачон камоққа тушмаганман, – деди Пит асабийлашиб.

– 1950 йил, – рўйхатини ўқишда давом этди изкувар, – вояга етмаган шахсга оғир тан жароҳати етказган. Хўш, бунга нима дейсиз, Питер?

Пит култ этиб ютинди.

– Нима ҳам дердим...

– Наҳотки қилмишингиздан уялмаётган бўлсангиз?

Пит жавоб бермади.

– Олиб кетинглар буларни, – деб буюрди изкуварлар бошлиғи.

– Бечораларни тавбасига таянтирди ўзиям, – деб пичирлади Скиннер. – Шаҳардаги ҳар бир полициячи уларни эслаб қолиши учун атайлаб шундай қилди...

– Олдимга туш, – деди шу пайт бир миршаб Скиннернинг билагидан ушлаб. Стиви зинадан саҳнага чиқаётган Скиннерга қараб бояги икковлон ҳақида ўйлади. Пихини ёрган муттаҳамлар экан ўзиям! Тавба, бир қарашда икковиям эл қатори мўмин-қобил одамга ўхшайди-я!

– Скиннер Жеймс. Манхэттен-икки. Эллик бир ёшда. Учинчи авенюдаги “Кийим-кечак” дўкони витринасига ахлат челаги улоқтирган. Полиция зобити уни дўкондан бир талай пальто олиб чиқаётганда ҳибсга олган. Айблов қўйилмади. Айтганларим тўғрими, Жеймс?

– Ўша воқеани эслолмаяпман, – деди Скиннер.

– Наҳотки?

– Тонгда ҳибсхонада уйғонганим ёдимда, холос.

– Дўкон витринасига ахлат челагини отганингизни ҳам эслолмай-сизми?

– Йўқ, сэр.

– Пальтолари ўғирлаганингизни-чи?

– Йўқ, сэр.

– Дўконга бекорга бостириб кирмагандирсиз ҳар ҳолда? Назоратчи зобит сизни бир кучоқ пальто кўтариб чиқаётганингизда ҳибсга олган.

– Гапларингизга ишонаман, сэр.

– Дўкондан пальто ўғирлаётганда қўлга тушгандан кейин ишонмай қаёққаям борардингиз.

– Бу воқеани эслолмаяпман, сэр.

– Аввал ҳам шу дўконга кирувмидингиз?

– Ёдимда йўқ, сэр.

– Қаерда ишлайсиз?

– Ҳеч қаерда, сэр.

– Аввал бирор жойда ишлаганмисиз?

– Ёдимда йўқ, сэр.

– Кўп нарсани эсан чиқариб қўйибсиз-да, а?

– Хотирам чаток, сэр.

– Балки қилмишларингизнинг рўйхатини ўқисам хотирангиз жойига тушар?

– Балки, сэр.

– Нимадан бошлашга ҳам хайронман, Жеймс. Тартибли фуқаро эмаслигингиз шундоққина кўриниб турибди.

– Наҳотки, сэр?

– Хўш, 1948 йил – босқинчилик қилгансиз, 1949 йил – жамоат жойида ярим яланғоч юргансиз, 1951 йил – ўғрилиқ қилгансиз, 1952 йил – оғир тан жароҳати етказгансиз. Хуллас, қўй оғзидан чўп олмайдиган одамга сираям ўхшамайсиз, Жеймс.

- Шунақа денг, сэр.
- Ҳа, шунақа. Хўш, дўкон ҳақида нима дея оласиз?
- Ўша воқеани эслолмаяпман, сэр.
- Нега дўконга бостириб кирдингиз?
- Бостириб кирганимни эслолмайман, сэр.
- И-е, бу нима? – деди кўққисдан изкувар.
- Сэр?..
- Рўйхатнинг тепароғига қараш керак экан-да, Жеймс? 1938 йил – биринчи даражали қотилликда айбланган ва ўлим жазосига ҳукм қилинган. Томошабин изкуварлар бир-бири билан шивирлашишга тушди. Ҳангуманг бўлиб қолган Стиви эса, маслаҳат беравериб жонига теккан дайдига яхшироқ разм солиш учун олдинга сурилди.
- Ўшанда нима бўлувди, Жеймс?
- Қачон, сэр?
- Сизни ўлимга ҳукм қилишган экан-ку? Бу жазодан қандай қутулиб қолдингиз?
- Апельляция берувдим.
- Ишни қайта кўриб чиқишмаганми?
- Йўқ, сэр.
- Омадингиз бор экан.
- Шунақа десаям бўлади.
- Шунақа десаям бўлади, эмиш. Электр курсидан қутулиб қолибсизу, яна тақдирдан нолийсиз-а! Лекин бу сафар қонунга чап беролмайсиз.
- Мен қонунларни яхши тушунмайман, сэр.
- Йўқ-э?
- Ҳа, сэр. Фақат бир нарсани аниқ биламан – полиция маҳкамасини оёққа турғизмоқчи бўлсанг, бир шиша арзон вино сотиб ол-да, четроқка чиқиб тўйгунингча ич.
- Бу билан ўша куни вино ичгандим, демоқчимисиз?
- Ҳа, сэр.
- Кейин дўконга бостириб кирганингизни эслолмайсиз-а?
- Эслолмайман, сэр.
- Яхши, кейингисини чақиринглар!
- Скиннер бошини буриб бир нима демоқчи бўлгандек Стивига қаради. Кейин миршаб ҳамроҳлигида сахнадан тушиб зулматга сингиб кетди. Шу пайт бошқа бир зобит Стивининг билагидан тутди. Дастлаб Стиви шошиб қолди, лекин дарров ўзини қўлга олиб полициячининг чангалини нари сурди-да, қаддини ғоз тутиб зинадан чиқа бошлади. Сахнага чикқач, у ўзини роль ўйнашга тайёрланаётган актёрдек ҳис қилди. Ёритилган сахна ва томошабин изкуварлар ўтирган қоп-қоронғи ўриндиклар кишида ғалати таассурот қолдирарди. Юзига туширилган прожекторлар ҳам у ўйлагандек ёрқин нур сочмаскан. Гапирганда ҳамма унга қараши учун кучлироқ прожектор ўрнатишса бўлмасмикан-а? Стиви пастда ўтирган изкуварларга қаради. Ғира-ширада уларнинг юзини бир-биридан ажратиб бўлмасди. Бош изкувар гапира бошлаганда Стиви бошини буриб ортидаги девордаги бўй ўлчагичга бир қараб олди-ю, гапи ҳаммага эшитилиши учун микрофон ёнига турди.
- Айблов қўйилмаган, – деб хулоса чиқарди изкувар. Стиви даммини ичига ютиб илк саволни кута бошлади.

- Биринчи марта кўлга тушдингми, Стиви?
- Билиб туриб сўрайсиз-а, – деди у энсаси котиб.
- Саволимга жавоб бер.
- Ҳа, биринчи марта.
- Нима иш қилиб қўйганингни айтиб берасанми?
- Айтгандан нима фойда. Бари ўзингизга маълум-ку.
- Тафсилотларни сендан эшитмоқчимиз. Бир бошдан гапириб бер, Стиви.
- Оддий ўғриликни бутун штатга овоза қилмоқчимисиз? Нима, бошқа қиладиган ишингиз йўқми?
- Сени бафуржа сўроқ қилишга вақтимиз етади.
- Менинг эса вақтим йўқ.
- Шошиб қаёққа ҳам борардинг, ўғлим. Бўла қол, бошла гапингни.
- Нимани ҳам гапирардим? Қандолат дўконига ўғри тушган, тамом-вассалом.
- Ўша ўғри сенсан, тўғрими?
- Буни ҳали исботлашингиз керак.
- Дўконга сен бостириб кирганинг бизга маълум.
- Унда нега савол бериб бошимни қотирасиз?
- Нега дўконни ўмардинг?
- Тамакига пулим қолмовди.
- Хўш, давом эт.
- Дўконни ўмаргим келди.
- Нега?
- Менга қаранг, сизлар мени жиноят устида кўлга олдинглар. Бунақа савол-жавобнинг нима кераги бор?
- Биз нима рўй берганини ўз оғзингдан эшитмоқчимиз. Нега айнан қандолат дўконига бостириб кирдинг?
- Ҳар хил дўконларнинг номини қоғозга ёздим-да, кўзимни юмиб бит-тасини танладим, тушунарлими?
- Йўғ-э? Жуда унчаликмасдир?
- Алдадим. Ўша қандолат дўконига битта қари гўрсўхта ишлайди. Уни бирёғлик қилиш хамирдан қил суғургандай гап.
- Дўконга соат неччида кирдинг?
- Чолнинг ўзи айтгандир? Менга қаранг, мени бу ерга ҳамма томоша қилиши учун олиб чиқишганидан хабарим бор. Изкуварларингизни зериктирмай шу даҳмазани тугата қолайлик.
- Дўконга соат неччида кирдинг, Стиви?
- Айтмайман.
- Айтмасанг ҳам биламиз.
- Унда нега сўраяпсиз? Соат ўнда кирдим. Кўнглингиз жойига тушдимми?
- Сал эртароқ кирибсанда-а?
- Унда ўн бирда кирдим! Ўн бир тўғри келадими?
- Ўн иккида деганингда ҳақиқатга яқинроқ бўларди.
- Э, менга барибир, – деди Стиви пинагини бузмай. Аслида буларга ҳаммаси маълум. Шундай экан, ўтирганларга ўзини бир кўрсатиб қўйса зиён қилмайди.
- Дўконга ўн иккида киргансан, тўғрими?
- Ўн иккида бўлса, ўн иккида-да, нима фарқи бор.

- Қўлингда ўқотар қурол бормиди?
- Йўқ.
- Нима бор эди?
- Ҳеч нима. Мен чолни нигоҳим билан кўрқитдим.
- Қўлингда пичоқ бўлган, шундайми?
- Билиб туриб нега сўрайсиз?
- Ундан фойдаландингми?
- Йўқ.
- Чолга кассани очмасанг бўғизлаб кетаман, деб айтибсан. Шу гап ростми?
- Айтган гапларимни магнитофонга ёзиб олмайман-ку, ахир.
- Демак, бўғизга пичоқ тираб кассани очишга мажбур қилгансан, шундайми?
- Ҳа.
- Кассадан неча пул олдинг?
- Ўлжамни тортиб олдинглар-ку. Ўзларинг санагандирсизлар.
- Санадик. Ўн икки доллар ўмарибсан, тўғрими?
- Мен санашга улгурмадим. Хитлар келиб қолди.
- Зобитлар дўконга қачон етиб келишди?
- Кетаётганимда. Мени ҳибсга олган хитдан сўранг. Аниқ вақтини ўша билади.
- Лекин кетишингдан аввал ҳам бир воқеа рўй берган.
- Ҳеч нима рўй бермади. Кассани шип-шийдам қилиб, жуфтакни ростладим. Қуённинг расмини чиздим.
- Пичоғингда қон изи қолган.
- Кеча жўжа гўштини бурдаловдим. Ўшанинг қони бўлса керак.
- Дўкон хўжайинини пичоқлагансан, шундайми?
- Мен-а? Мен умримда бировни чертган одам эмасман!
- Уни нега пичоқладинг?
- Мен ҳеч кимни пичоқламаганман!
- Қаерига пичоқ сукдинг?
- Пичоқламаганман, деб айтаяпман-ку!
- Пичоқ сукқанингда бақирдимми?
- Саволингизга тушунмадим.
- Дўкон хўжайинини пичоқлагансан. Бу бизга маълум.
- Ғирт сафсата бу!
- Мени лақиллатаман, деб овора бўлма, Стиви.
- Била туриб нега сўрайверасиз, ахир? Мендан нима истайсиз ўзи?!
- Дўкондорни нега пичоқлаганингни айт.
- Пичоқламаганман деяпман-ку!
- Кеча уни шифохонага олиб кетган дўхтирлар кўкрак ва қорнига олти марта пичоқ суқилганини айтишди. Хўш, бунга нима дейсан, Стиви?
- Бунақа саволларингизни бошқа маҳбусларга асраб қўйинг. Мени сизга айтадиган гапим қолмади.
- Пулини ўмарганингда кейин нега бечорани пичоқладинг?
- Стиви жавоб бермади.
- Ё ундан кўрқдингми?
- Э, чолнинг нимасидан кўрқаман? – деди Стиви тутақиб.

– Балки бировга гуллаб қўйишидан ёки кимнидир ёрдамга чақиришидан кўрққандирсан?

– Ҳеч нарсадан кўрққанним йўқ, деяпман-ку! Қари гўрсўхтага дамингни чиқармай ўтир, девдим. Айтганимни қилганда олам гулистон эди!

– Демак, у айтганингни қилмаган?

– Ўзидан сўранг.

– Мен сендан сўраяпман!

– Ҳа. Кассадаги пулни олишим билан қари тўнка дўконни бошига кўтариб додлай кетди. Ўн икки долларни деб аюҳаннос солди-я, эси паст!

– Кейин нима қилдинг?

– Овозингни ўчир, дедим.

– У гапингга кирмади, шундайми?

– Ҳа. Бўғзига пичоқ тираганимдан кейин ҳам додлайверди. Кейин... пичоқ билан бир-икки марта туртдим.

– Олти мартами?

– Санаганим йўқ. Додламай жим ўтирганда соғ қоларди. Касалхонага бориб ўзидан сўранг-чи, айб кимда экан. Дунёни бошига кўтариб аюҳаннос солмаганда унга қўлимнинг учини ҳам теккизмасдим!

– Энди ундан ҳеч нарсани сўролмаймиз, Стиви.

– Нега?

– Бугун эрталаб унинг жони узилди.

– Нима?..

Стивининг фикрлари чалкашиб кетди. Изқувар уни ўлди, дедими? Зал сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Ҳамма Стивига савол назари билан қараётгандек туюлди. У нигоҳини қаерга яширишни билмай бошини эгиб олди.

– Мен... мен уни ўлдирмоқчи эмасдим.

– У нима деди? – деб сўради стенографиячи-зобит дафтарида бошини кўтариб.

– Ўлдирмоқчи эмасдим, деди, – шивирлади унинг ёнида турган бошка бир миршаб.

– Нима?

– Ўлдирмоқчи эмасдим, деди! – ўшқирди бош изқувар. Унинг овози жимжит залда акс-садо берди. Стенографиячи бошини эгиб дафтарига ёза кетди.

– Кейингисини чақиринглар! – деди бош изқувар.

Стиви саҳнадан тушганида боши оғирлашиб, оёқлари шалвираб қолганди. У зобитнинг ортидан чурк этмай лифтга кирди.

– Биринчи сўроқдаёқ суробингни тўғрилашди, йигитча, – деди зобит лифтнинг эшиги ёпилгач.

– У ўлмаслиги керак эди! – аламидан ўкириб юборди Стиви.

– Пичоқламаганинда ўлмасди, – деди зобит пинагини бузмай.

Стиви сўроқдан аввал Скиннер унга нима деб маслаҳат берганини эслашга уринар, лекин лифтнинг тарақ-туруғида фикрлари чувалашиб кетаверарди. “Атрофимдагилар ҳақида нимадир деганди”, ниҳоят эслади у лифтда ўшаларнинг ёнига тушиб бораркан.



АДИБ ЮРАГИНИ ЁРИТГАН ҚУЁШ

ёхуд

гўзаллик инкишофи

Дунёнинг гўзаллиги муҳаббат билан... Тангри Таоло ҳам жамики борлиқни муҳаббат билан яратди. Уларнинг ичида инсоний севги куёш янглиғ ҳар бир юракда порлаб, оламга мунавварлик ато этади. Бу ишқнинг гўзаллиги, кадр-қимматини биз ҳароратли сўз воситасида, адабиёт орқали англаймиз. “Муҳаббатдан муҳаббат бўлур пайдо, муҳаббатсиз кишидан қоч Хувайдо” деган эди ҳазрати Хувайдо.

Шарқда мусулмон қадриятларига биноан муҳаббатли икки кўнгилик фақат никоҳ орқали бир бутунликка эришади. Икки севишган кўнгиликнинг аҳдини бутун борлиқ, коинот, фаришталар олқишлайди, дейдилар. Инсоний муҳаббатнинг улуғлиги яна вафо билан синалади, садоқат билан мустаҳкамланади. “Тоҳир ва Зухра”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Вомик ва Узро”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” каби муҳаббат дostonлари ҳам ана шу қадриятлар улуғворлиги билан бетакрордир. Бу ишқ қиссалари асрлар давомида нафақат шарқ халқлари, балки бутун дунё аҳлини ҳайратлантириб келди, уларга “муҳаббат илми”дан сабоқ берди.

Ўрта Осиёдаги биринчи замонавий романнавис Абдулла Қодирий ҳам “Ўткан кунлар” романида Отабек ва Кумуш муҳаббати тимсолида ана шу анъаналарни насрда, ўз даврига мос талқинда давом эттирди, бу асарда қаҳрамонлар муҳаббати қанчалар гўзал бўлса, уларнинг қисмати шунчалар аянчлидир. Баъзан, балки бу асарлардаги севишган қалблар муродига етсалар, улар бу қадар таъсирчан чиқмасмиди, деган ўйга ҳам боради киши.

Шарқона қадриятларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бунда муҳаббат, садоқат, вафо қанча улуғланса, бевафолик, турмуш ўртоғи, севакли ёрига хиёнат шунчалар қораланади. Зино – яъни никоҳсиз қовушув асл энг оғир гуноҳ ҳисобланади.

Биз барчамиз болалиқдан мана шундай покиза ва улуғвор қадриятлар асосида камол топдик. Шу боис ҳам кўнглимиз ҳар қанча юксак туғёнли муҳаббат бўлса-да, лекин у никоҳланган жуфтига садоқатсизлик эвазига бунёд бўлса қабул қилмайди. Никоҳ бузилганда арш ларзага келади, дейди уламоларимиз.

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхонимнинг буюк садокати, ибo ва ҳаё доирасидан чиқмаган мунис соғинчлари, Ҳамид Олимжонга бўлган вафоси, бардоши покиза муҳаббат рамзига айлангани ана шундан бўлса керак:

*Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйлайман чекинар алам.
Тунлар ёнимдасан, кундуз қошимда,
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам.*

Бу заифа қалб ила айрилиқ ва ҳижрон, кўз ёшлар, ҳаёт синовларини энгиб, тоғдек бардошга айланган қалбнинг иқрори. Бу муҳаббатга содиқ шарқ аёлининг ўз юраги ва ҳиссиётлари номидан ўзига ўқиган ҳукмидир.

Шу боис ҳам академик шоиримиз Ғафур Ғулом шоира Зулфия ҳақида “Муаззам Шарқ намоёнди сенинг покиза жонингда...” деган эди. Машхур авар шоири Расул Ҳамзатов: “Шоиралик шоирликка нисбатан кам учрайдиган ҳодиса. Ана шундай яркироқ юлдузлар каторидан ўзбек шоираси Зулфия муносиб ўрин эгаллайди”, дея эътироф этади. Буюк қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов: “Ўзбек шоираси Зулфиянинг кутлуғ қадами туфайли Шарқ адабиётига санъаткор аёл кириб келди... Мен шоира поэзиясидаги дилбарлик, донолик бу улкан маданиятнинг қўлга киритган улкан ютуғи эканлигини ҳам таъкидламоқчиман. Чунки Зулфия фақат ўз шеърларида гавдаланган тўла-тўқис аёл тимсолигина эмас, балки у мукамал шахс ҳамдир”, дея шоирани шарафлаган эди. Чунки Зулфияхонимнинг виқорли шахсияти, садоқатга йўғрилган тақдири шарқ анъаналари ва кадриятларига мос эди. Шу боис ҳам у халқимиз томонидан вафо тимсоли сифатида улуғланди. Шу ўринда беихтиёр Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Аёл” шеъри ёдга тушади.

Шундай буюк кадриятлар таъсирида мен 30 йилдан ортиқ вақт давомида буюк қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссидаги Жамилани эрига хиёнати учун “кечира олмай” келдим. Унинг муҳаббатини тушунгим келмасди. Гарчи руҳиятим бу гўзал муҳаббатдан ёниб таъсирланган, бу севгидан юрагим ларзага келса-да, қалбимда бир овоз тинмай бу “муҳаббат эмас, хиёнат” деб шивирларди. Ҳар гал машхур француз адиби Луи Арагоннинг “Жамила” бу ер юзидаги муҳаббат ҳақидаги энг гўзал достондир” деган сўзларини ўқиганимда ички қайсарлик билан “Ҳа, энди бу французлар эркин муҳаббатни ёқлайди-да, улар никоҳ нима эканлигини, ўз жуфтига садоқат ва вафо не эканлигини билармиди?” дея ўйлар ва кўнглим ғашланарди. Луи Арагоннинг “Жамила”ни Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта”си билан қиёслагани ҳам менга бироз эриш туюларди. Таниқли адабиётшунос олимларнинг “Жамила” ҳақидаги мақтовларини негадир қабул қилолмасдим. Улар гўёки Луи Арагон фикрини рад этса, адабиётни тушунмайдиганлар сафига кириб қолишдан қўрққанларидан мажбуран “муроса” йўлини тутгандек туюларди, кўплари шундай ҳам эди. Аслида олимлар, ўқувчилар ичида мен каби фикрлайдиганлар, адибни “Жамила”нинг “жасорати” учун, шарқ кадриятлари, никоҳни таҳқирлаган инсон сифатида айбловчилар кам эмасди.

Адабиётшунос олим Иброҳим Саидов шундай дейди: “Бу улуғ ёзувчи XX асрда ўз асарлари билан дунёни мафтун қилди. Бу адабий “улуғвор юриш” “Жамила” қисси билан бошланди. Ч.Айтматов Москвадаги Олий Адабиёт курсида ўқиб юрган пайтларида институтнинг проза курси раҳбари, машхур адабиётшунос ва таржимон Избах Гонштейн буюк француз ёзувчиси Луи Арагонга ёш адиб Ч.Айтматовнинг “Жамила” қиссасини

юборади. Маълум вақт ўтгач И.Гонштейнга жавоб хати келади. У мактубни талабаларга ўқиб беради (Қиссани Луи Арагонга Мухтор Аvezов тавсия этган деган фикрлар ҳам бор). Мактубда Луи Арагон Францияда бу қиссани ўқиб таъсирлангани ва француз тилига таржима қилиб 100 минг нусхада чоп этиргани, яна 100 минг нусхада чиқармоқчи эканлиги айтилган экан. Хат “Мен бундай гўзал севги қиссасини ўқимаганман” деган сўзлар билан якунланади”.

Гарчи ғарб олами бу қиссани юксак даражада эътироф қилиб турган бўлса-да, адиб “Жамила” қиссаси учун ҳам ўз вақтида жиддий танбеҳлар эшитади: “Жамила” қиссаси чиққанда ўзимизнинг туппа-тузук ёзувчимиз бирдан унга ёпишиб қолди, – дея хотирлайди адиб. – Қиссани фирқа мажлисида, жамоатчилик кўз ўнгида ер билан яксон қилди. У ўзининг қиссага қўйган айбларида бадий ижодда маъно ва мазмун коммунистик партия сиёсатига уйғун бўлиши, ижодкор социалистик реализмдан асло чекинмаслиги, идеологиянинг бошқа қатъий талаблари ҳақида узоқ сафсата сотиб, охири оиланинг бузилиши коммунистик ахлоқ принципларига катта зарба эканини таъкидлади. Оила бирлиги ва аҳиллиги партия ва жамиятнинг асосини ушлаб турган муҳим таянч эканини қайд этиб, ниҳоят, менинг қиссам ана шу ғояларга мос келмаган сюжет асосида ёзилганини “фoш” этди”.

Қирғиз олимлари А.Муратов ва К.Акматовлар 1959 йилнинг 16 январида Қирғизистон Ёзувчилар уюшмасидаги “тошбўрон”да 23 киши қиссани қаттиқ танқид қилганлигини, фақат икки ёш олим – К.Бобулов ва К.Асаналиев “Жамила” ҳақида илиқ фикр билдирганлигини айтади.

Таниқли адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов эса Чингиз Айтматовнинг “Жамила”, Ўтқир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” асарлари қахрамонларининг бу борадаги “журъат”ларини таҳлил қилар экан шундай дейди: “Аслида бу вафосизлик жиддий муҳокамага арзийди. (таъкид бизники) Аммо адиблар бу масалада ўзларини холис тутадилар. Ч.Айтматов Жамиланинг қилмишини баҳолашни воқеага бевосита гувоҳ бўлган хикоячи Сеит, овул аҳли ва ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилади. Келинойисини қораламаган биргина Сеит эди, холос. Ўзи ҳам севги қошонасига илк қадамини қўяётган бу ўсмир йигит улар тўғри иш қилди, деган хулосага келади. Бироқ қишлоқ аҳли ёппасига Жамилани қоралайди: “Аҳмоқ-да! Ақли бўлса туз ичган жойига туфлаб, санқиб юрган бир мусофирга эргашиб кетармиди?” “Тавба, Содикдан ортиқ эрни топиб бўпти. Ўзига ўзи қилди, жувонмарг!”

Бир қарашда Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссасининг бош қахрамони урушда қон кечиби юрган эрига “хиёнат” қилгандай. Асар ҳақида шошиброқ хулоса чиқарган ҳар қандай шарқ кишиси у аёлми, эркакми, Жамилани бевафоликда, енгилтакликда айблаши аниқ. Абдулла Ориповнинг “Аёл” шеърида ўн тўққиз ёшида бева қолган, урушда қурбон бўлган севган ёрига бир умр садоқатда ўтишга жазм қилган аёл вафоси, бардоши мужассам эди. Шунинг учун кўнгил Жамилани айблаган ҳолда шоир шеъридаги вафодор аёлни улуғлайди. Аслида-чи?!

Хўш, Чингиз Айтматов ўзигача бўлган муҳаббат борасидаги шарқона адабиёт анъаналарини қандай қилиб буза олди? Француз адиби Луи Арагон бу асарга айнан шу жиҳати учунгина юксак баҳо берганмиди? Айтматовга ким бу йўлда ирода ва куч бағишлади? У ҳақиқатда ҳам бундай исёнкор муҳаббат қиссасини қуйлашда Шарқда биринчи эдимми?

Атоқли адиб Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” асарлари нафақат шарқдаги илк замонавий романлар сифатида, балки юксак бадиат ва маҳорат, бетакрор ширали тили, шарқона муҳаббат ҳарорати ила йўғрилгани билан ҳам элларга манзуру машҳур бўлди. Аёнки, шарқда, хусусан минтақамиздаги халқлар ичида уни қайта-қайта ўқимаган ижодкор топилмайди. Шу маънода Чингиз Айтматовнинг болаликдан бу асарлар билан яқиндан танишганига асло шубҳа йўқдир.

Абдулла Қодирий гарчи илк романи “Ўткан кунлар” қаҳрамонлари тақдирини шарқона анъаналарга мувофиқ аянчли айрилиқ ва қисмат билан яқунлаган бўлса-да, “Меҳробдан чаён” романида муҳаббат мавзусига тамомила янгича ёндошади. (Отабекнинг ўлими моҳиятидаги уйғотувчи куч, бу алоҳида мавзу) Отабекнинг Кумушидан Анварнинг Раъноси ўз журъати, севгиси, тақдири учун курашчанлиги билан тамомила ажралиб туради. Раъно замона битаётган ҳукмларни қисмат деб билмайди. Бу асарда илк бора нафақат ўзбек, балки шарқ қизининг ўз бахти учун дадил кураши, қатъияти моҳирона ифода этилган. Бу эса ўз навбатида Чингиз Айтматовга кучли таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Айтматовнинг илк қиссасини айнан шу руҳда ёзгани ҳам буни исботлаб турибди.

Раъно ва Жамила, Анвар ва Дониёр табиатидаги ўзига хос ўхшаш жиҳатлар, муҳаббат лавҳалари акс этган тасвирлардаги уйғунлик алоҳида тадқиқот мавзуси, биз кўпроқ аёл қаҳрамонлар табиатидаги ўхшашликларга тўхталмоқчимиз.

“Асар ёзишдан олдин ўзимни сочиб юбораман. Ҳаммасини унутаман ва янгидан йиғина бошлайман. Ахир тирилиш учун ҳам аввал ўлмоқ лозим эмасми?” деган эди бир пайтлар Нобель мукофоти совриндори, португалиялик машҳур ёзувчи Жозе Сарамаго. “Жамила” қиссасини қайтадан мутолаа қилаётиб, ўзимни-ўзим таний олмай қолдим. Худди Жозе Сарамаго айтган ҳолатни ўқувчи сифатида бошдан ўткардим. Асарни синчиклаб ўқир эканман, қалбан, руҳан аввалги тушунчаларим сочилиб кетди, барчасини унутдим ва адибнинг ҳар бир сўз, ҳар бир жумла қатига сингдирган маъно, рамзлари моҳиятини англай бошладим. Негадир мен асарни эмас, Чингиз Айтматов юрагини қалбан ҳис қилаётгандим. Сўзлар юзидаги пардалар кўтарилиб, ҳар сўзда ёзувчининг қалби офтоб шуъласидек чарақлаб кўрина бошлади. Негаки адиб уни айблаганларидек, минг йиллик қадриятларимизга хилоф иш қилмаганди. У қадриятларни, никоҳни ерга урмаганди. Унинг қаҳрамони хиёнат кўчасига кирмаганди. Ҳақиқатдан ҳам “Жамила” дунёдаги муҳаббат ҳақидаги энг гўзал қисса эди. Луи Арагон Европа, дунёнинг мана-ман деган ёзувчилари ижодида кузатилмаган, шахвоний нафс, хирсий майллардан баланд, куёш қадар юксакликдаги шарқ руҳониятига зид бўлмаган покиза муҳаббатни учратганди.

Бу муҳаббат “Тоҳир ва Зухра”, “Алпомиш ва Барчиной”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” муҳаббатидай покиза, гўзал ва улуғвор эди. Шунда мен адиб нима сабабдан гарчи қирғизларда у қадар кўп учрамаса-да, асар қаҳрамони бўлган қизга – “Жамила”, яъни гўзаллик деб исм қўйганини англадим. Жамила исми моҳиятидаги “Гўзаллик” да Анвар ва Раъно исмлари замиридаги “Ёруғлик” ва “Муаттарлик – нафосат” кўриниш бергандек туюлади. Келинг, энди асар моҳиятидаги мени ҳайратга солган, ўттиз йиллик қарашларимни ўзгартирган жиҳатларга эътибор қаратайлик.

Аввало бу оила қандай тузилди? Ўқиймиз!

“...У ёшлигидан йилқичилар орасида ўсиб, катта бўлган, тоғ этагига жойлашган Бақайир овулидаги йилқичининг қизи эди, *Содиқ акам ҳам чавандоз бўлган экан, у бир куни яйловдаги чорвадорлар тўйи муносабати билан ўтказилган пойгада Жамилага етолмай қолган экан. Шундан кейин изза бўлиб, уни олиб қочиб кетганлигини билардим*”.

Асарда ёзувчи Жамиланинг қандай қилиб аламзада Содиқ чангалига тушганини билдириш билан бирга, ўқувчи эътиборини Жамила табиатидаги ўзига хос ўктамликка қаради:

“Жамиланинг хатти-ҳаракатларида аллақандай жўшқинлик, эркакларга хос фазилат бор эди. Ҳар бир ишга астойдил киришар, бошқа келинлардек бошим, белим оғрияпти деб сира зорланмасди. Бироқ ўзи ҳам бировга ҳақини кетказмайдиган, айтишган билан айтишиб, сўкишган билан сўкишадиган ўжар аёллардан эди”.

Шу боис ҳам онаси унга доимо унинг тагли-жойли ерга тушганини эслатар, болам бу ҳам бўлса сенинг бахтинг, буни сира ҳам ёдингдан чиқарма, дерди. Хотин киши Тангрининг берганига шукр қилиб, рўзғорида бирини икки қилиб юрса, шунинг ўзи катта давлат эканлигини уқтирарди. Шу ўринда яна бир жиҳатни таъкидлагимиз келади, адибнинг Жамила тасвиридаги бўёқлари негадир хаёлингизга машхур турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекиннинг “Чолиқуши” романи қахрамони Фариданинг табиатини ҳам эслатади. Эътибор беринг: Жамила жуда шўх, ёш болага ўхшарди. Гоҳида ўзидан-ўзи кампирларга суйкалиб эркаланса, гоҳида қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборарди. Кўпинча кўчадан кириб келаётганида худди ёш қизчалардек ариқдан лорсиллаб сакраб ўтар, доимо қандайдир кўшиқни ўзича хиргойи қилиб юрарди. “Кампирлар Жамиланинг бу қилиқларини ўзларича гап қилиб: “Ҳали бола-да, бора-бора куюлиб қолади” деб кўйишарди”.

Шарқ гўзаллари каби, Жамила ҳам сарвқомат, бежирим аёл эди. Икки ўрим қора сочини бошига чамбарак қилиб ўриб, устидан танғиб олган оппоқ дурраси унинг буғдойранг кулча юзига жуда ярашиб тушарди. У кулганда унинг порлаб турган шахло кўзларида навкирон ёшлик барқ урар, шунда у беихтиёр қадини ростлаб, овулнинг шўх лапарларини куйлай бошларди. Овулдаги йигитлар, айникса фронтдан қайтиб келган собиқ аскарлар гарчи *Жамилани кўз остига олишиб, гоҳо у билан тегишиб юришсалар-да, чегарадан чиқишга ботинишолмасди. Негаки, Жамила ҳаддидан ошганларнинг таъзирини бериб қўярди.*

Муаллиф Жамилани шундай таърифлайдики, ўқувчи у билан бирга кулади, ўйнайди, ҳазил-хузул қилади, лекин кўнглининг бир чети ҳамиша хижил тураверади. Бу Жамилага ачиниш, унга чинакам бахт соғиниш ҳисси бўлса не ажаб? Ана шу жараёнда унинг шодонлик ичра яширилган маҳзун ҳаётига назар солган ўқувчи қалбида адоқсиз саволлар уйғонади?

Бу оиланинг маънавий-руҳий асослари бормиди? Бу оила икки-тараф қиз ва йигитнинг розилиги асосидаги никоҳ билан мустаҳкамланганмиди? Бу оиланинг бунёд бўлишида Жамиланинг кўнгли, розилигига қаралдими? Жамиланинг ихтиёри, орзу-умидлари билан биров ҳисоблашдими? Жамила бу турмушдан бахтли эдими?

Жамилага Содиқ томонидан совчи юборилмайди, унинг ва ота-онасининг розилиги ҳам сўралмайди... Такдирга тан бергандай кўрингани билан, Жамиланинг юрагида қандайдир номсиз исён бор эди. Назаримизда

у ўз орзулари, эрки, саодатига қарши равишда қирғий чангалига тушган кушчадек ночор, сўнишга маҳкум қуёш, сўлишга маҳкум гулдек эди гўё. Муаллиф бу ҳолатни Сеит тилидан шундай таърифлайди:

“Мен аравага охирги марта пичан босар эканман, Жамиланинг ботиб бораётган қуёшга узоқ тикилиб турганини пайқадим. Қуёш дарёнинг нариги ёғида, қозоқ даштларининг аллақасерида ўт ёқилган тандирнинг озгидек алангаланиб, ҳолдан тойиб, осмонда сузиб юрган пага-пага булут парчаларини қизғиши ранга бўяб, бинафшаранг даштликка сўнгги шуълаларини сочиб, аста-секин уфқ орқасига ўтиб борарди. Жамила қўли билан қуёшни тўсиб, ўша томонда ажиб бир манзара бордек, кўзларини узмай, қулимсираб қараб турарди. Энди унинг чехраси очилиб, кўнгли анча кўтарилган эди”.

Унинг “ўша томонда ажиб манзара бордек” қуёшга талпинишида эртанги кунга умид ва интизорлик, қандайдир мўъжиза рўй беришига ишонч мужассам эди. Сеит тилидан бу ҳолатни муаллиф шундай тасвирлайди:

“Жамила ботиб бораётган қуёшдан кўзини узмай, индамай қолди, кейин гўё менга эмас, ўзига гапираётгандек, яна шундай деди: – Бундай кишилар кўнглингдагини билармиди... Буни ҳеч ким билмайди. Худо билсин, бундай эркаклар дунёда йўқдир ҳам!”

Муаллиф бу ерда ботиб бораётган қуёш тимсоли орқали умидлар ижобатисиз ўтган яна бир кун Жамила кўнглига қанчалар маҳзунлик солганини тасвирлайди. У ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда муҳаббат тўла эгасиз кўнглини тушунгувчи инсон соғинчи билан яшаётгандек эди.

Эсланг, асарда хат билан боғлиқ бир ҳолат бор.

“Содиқ акам ҳар доим хатни “Соғинчли салом хат” деган сўздан бошларди. Кейин: “Етиб маълум бўлсинки, у томонда, яъни гуллаб-яшнаётган Таласнинг салқин ҳавосида соғ-саломат, ўйнаб-қулиб юрган жондан азиз, меҳрибон отажоним Йўлчибойга”, деб саломни отамдан бошларди, кейин катта ойимни, сўнгра ишчан ойимни, ана ундан кейин қавм-қариндошларимизнинг соғлиғини сўраб, энг охирида: “шунингдек хотиним Жамила ҳам эсон-омон юрибдими?” деб бир оғиз қистириб ўтарди”.

Хўш, Жамиланинг қоронғи кўнглини бу каби хатлар ёрита олармиди?

“Жамила ҳар сафар хатни кўлига олиши билан ўз-ўзидан қизишиб кетар, уни ҳарислик билан тез-тез ўқий бошларди. Лекин хатнинг охирига яқинлашган сайин юзидаги қувонч алангалари сўниб, ранги ўчиб, қошлари яна чимирилиб қоларди. Баъзида хатни охиригача ўқиб чиқишига ҳам сабри чидмай, ҳафсаласи тир бўларди-ю, гинг демасдан, гўё қарз олган нарсасини қайтариб бераётгандек бўшашиб, хатни ойимнинг қўлига тутқазарди...”

Келинининг тумшайиб қолганини пайқаган қайнонаси ҳам Жамиладаги бу ҳолатни соғинч ҳисси деб тушунади: – *Хабар келганига қувониши ўрнига хафа бўлганинг нимаси, болам. Ёки фақат сенинг қуёвинг аскарликка кетганми? Барчага баробар мусибат, сабр қил... Кўз очиб кўрган ёрини ким соғинмайди дейсан, Соғинсанг ҳам сир бой берма, ичингда сақла. Жамила бўлса миқ этмасди. Лом-мим демаса ҳам, паришон чехраси гўё: “Эҳ, қошки эди тушунсангиз!”* деяётгандек бўларди”.

Нега у хатни ўқишга ошиқмасди? Нега унинг кўзлари сўник эди? Негаки, унинг орзулари зўрлик исканжаси туфайли топталган эди. У қалб истақларидан воз кечишга маҳкум қилинган эди. Уни наҳотки, бир умр

мана шундай бахтсиз, муҳаббатсиз, орзу-умидларимга зид равишда яшасам, деган изтироб кийнарни. Шундай бўлса-да унинг сиёҳ кўнгли умид нурларига талпинарди. Ҳар оқшом қуёшнинг ботиши қанчалар умидсиз бўлса, ҳар тонгда қуёшнинг уфқда юз кўрсатиши шунчалар умидли эди. У Қизил елканли кемани кутган Ассолдек фақат интизорлик ичра яшарди.

Ҳаммаси Жамиланинг далага чиқишидан бошланади. Раис унинг қайнонасини кўндиради: “– Агар келинимга йўлда-пўлда тентак аравакашлар тегажоглик қилади, деб қўрқсангиз, мана, қайин иниси бор-ку. Бу иним янгасига бировни яқин йўлатиши у ёқда турсин, қарагани ҳам қўймас. Сеит ҳам чакана эмас, азамат йигит-ку”. Аввалига қайнона бироз иккиланади, сўнгра келинининг ёнига доимий ҳамроҳ сифатида Сеитни, мўмин қобил, урушдан ярадор бўлиб қайтган Дониёрни ҳам кўшилишини эшитиб кўнгли бироз хотиржам бўлади.

Камгап ва тортинчоқ Дониёр шаддод келиннинг тамомила акси эди. У ҳатто бирга ишлаётган Жамила ва Сеит билан ҳам бирон марта очилиб гаплашмайди. Аввалига Жамилага Дониёрнинг бори ҳам, йўғи ҳам билинмайди. Уни “– Ҳой йигит, исминг нима, Дониёрмиди, кўринишдан эркакка ўхшайсан-ку, қани йўл бошла!” дея камситади, жиғига тегадиган гаплар қилади.

Муаллиф аста-секин ўқувчини бир қарашда сокин дарёдай турган, аслида қалбининг туб-тубларида жиловсиз тўлқинлар ўйнаётган Дониёрнинг сурати ва сийратини шундай тасвирлайди: “Серсавлат, бўй-басти келишган Дониёрнинг жағи бир-бирига ёпишиб кетган, қовоғи сира очилмас, кўзлари бир хилда ғамгин боқарди. Фақат доим учиб турадиган қошлари унинг юзига ҳусн бериб турарди. Гоҳо-гоҳо у қандайдир бир сирли товуш эшитгандек ҳушёр тортар, қошлари учиб, гўё бир нарсадан хурсанд бўлгандек кўзлари ярақлаб кетарди. Лекин биз бунинг сабабини билмасдик. Бугина эмас, унинг бошқа қизиқ одатлари ҳам бор эди. Қош қорайганда отларни аравадан чиқариб, овқат қачон тайёр бўларкин, деб ўчоқ атрофида дам олиб ўтирардик. Дониёр бўлса ёнимиздаги Қоровултепага чиқиб, қоронғи тушгунга қадар ўша ерда ўтирарди”.

Ҳа, Дониёрнинг ўз ички дунёси бор эди. Аёнки, у дунё бу дунёдан гўзалроқ, мафтункорроқ ва орзу-умидларга тўла эди. У ерда кимгадир аталган буюк муҳаббат бор эди. У кимга аталганини ҳатто Дониёрнинг ўзи ҳам билмасди. Шунинг учун имкон топилди дегунча ўша дунёсига кириб ҳаловат топарди. Буни ёш бола бўлса-да, ҳатто Сеит ҳам сезарди: “У мен англаб етмаган, маъносига тушунмаган алақандай сирли товушларни бутун вужуди билан берилиб тинглаётгандек туюларди. Баъзан қошлари чимирилиб, кўзлари чақнаб, кучи танасига сизмаётгандек тўлганар, гўё ўрнидан ирғиб туриб, қулочини ёзганча бутун борлиқни кўксига босиб, қучоқламоқчи болаётгандек туюларди. Бир қарасанг, қаттиқ чарчаган одамдай яна бўшашиб, ғамгин бўлиб қоларди”. Бу ғамгинликнинг сабаби кутиш, кутиш ва яна кутиш эди...

Чингиз Айтматов Дониёр ва Жамила ўртасидаги муносабатлар ривожини шундай ҳаётий тасвирлар билан киёслайдик, бу бир-бирига мутлақо қарама-қарши икки кутбнинг қанчалар табиий равишда яқинлашаётганидан ҳайратга тушамиз.

Жамила ва Сеит ҳар гал йўлда олдинда бораётган Дониёрни қувиб ўтиб уни чанг-тўзон ичида қолдиришади. Гарчи бу ҳазил бўлса-да, До-

ниёр миқ этмайди. Унинг ёнидан тасира-тусур қилиб ўтиб кетаётган Жамила ва Сеит араваси ортидан мулойим кулимсирайди. Аравада тик турганича отларга устма-уст қамчи босиб бораётган Жамилага ажабланиб, индамай, мамнун бўлгандек қараб қолади. Ёзувчи унинг мана шу биргина қарашида ўта кўнгилчан, олижаноб, шу билан бирга ёнаётган юраги аллақандай сирли ҳасратга тўла инсон сийратини акслантиради.

Жамила ва Дониёр ўртасидаги муносабатларнинг ибтидосини аввало Сеит сезади. Тўғрироғи, у бу муҳаббат учкунини Жамила эмас, аввало у Дониёрнинг кўзларида кўриб қолади. Дониёр арава четига қўйилган қопларни елкасига олаётган Жамилага беихтиёр тикилиб қолади. Аввалига Сеит буни кўнглига оғир олмайди. Кейинчалик эса унинг Жамилага бундай зимдан назар ташлаб юриши унга ёқмайди, у ўзини иззат-нафси топталган одамдек ҳис қилади.

Ёзувчи Жамиланинг юрагини ифода этишда ўзи хос тасвирдан фойдаланади. Эътибор берган бўлсангиз, Жамила қоп ташиётган пайтда унинг қоп-қора, кўнғир соч ўримлари ерга тегай-тегай деб кетар, орқасига бурилганида эса ажиб бир ҳолат жилваланади “*унинг қисик кўзларининг қорачиги киприклари орасидан ялт этиб кўринади*”. Ана ўша “ялт” этишда куёшнинг қоп-қора булутлар пардасини ёриб ўтишига ишора бордек туюлади.

Сеит билан Жамила йўлда бир қишлоққа киришиб бировнинг боғидан олма ўғирлаб чиқишади, йўл-йўлакай қаҳ-қаҳлаб кулишиб кетишади. *Жамила бора-боргунча Дониёрга “илиб ол!” деб олма отиб боради*. Муаллиф бу жойда ҳам шарқона таъсирли тимсоллардан ўринли фойдаланади. Маълумки, азалдан шарқда олма отиш кўнгил изхорининг ўзига хос рамзи саналган.

Асарда хирмондаги “катта қоп” билан боғлиқ воқеа қаҳрамонлар ҳаётида туб бурилиш ясайди. Бу сахнада гўё Дониёрнинг қалбидаги йигитлик ғурури, орияти билан бирга унинг замирида нурланиб турган муҳаббати намоён бўлади. Жамила Дониёрни зилдай қопни ташлашга ҳарчанд даъват қилмасин, бунинг шунчаки бир ҳазил эканлигини уқтиришга уринмасин у “Нари тур!”, деб қопни ташламайди. Гарчи ярадор оёқда минг азобда хирмон сари тик қўйилган осма ёғоч йўлақдан илгарилаб бораётган Дониёр ортидан кулиб, пичинг гаплар қилса-да, унинг кулгиси сунъийлашиб бораверади. Жамиланинг “Орқангга қайт!” дея қилган мурожаати жавобсиз қолади.

Каттакон қора қопни кўтарган Дониёр букилиб, ер бағирлаб юқорига чиқиб боради. Жамила кўркқанидан мурдадек оқариб кетган, лаблари дир-дир титраб, кўзларини катта очганча Дониёрга термилиб туради. Пастдан Жамиланинг “Бўлди, бас, қопни ташла!” деган сўзлари Дониёрнинг ориятини баттар алангалатарди у аёлнинг овозини эшитиши билан яна оёқларини ростлаб, олдинга қараб интилади.

Бир пайт Дониёр гандирақлаб, унинг ярадор оёғи унга итоат қилмай қўяди. Агар у елкасидаги қопни ташлаб юбормаса, ўзининг ҳам кулаб кетиши аниқ эди. Шунда Жамила жон ҳолатда Сеитга “Югур! Орқасидан суяшиб юбор!” дея кичқиради, ўзи бўлса беихтиёр Дониёрни ушлаб қолмоқчидай қўлларини олдинга чўзади. Сеит ёғоч йўлдан бир амаллаб чиқиб Дониёрга етиб олади. “Бетидан тер қуйилиб, манглай томирлари бўртиб чиқиб, кўзига қон тўлиб кетган” Дониёр уни ҳам “Нари тур!” деб

жеркиб ташлайди, бор кучини тўплаб, яна олдинга интилади. Хуллас, Дониёр кавариб, қадоқ бўлиб кетган қўлларини шалвиратиб, оқсоқланиб бир аҳволда пастга тушади, одамлар унга лом-мим дейишмасдан йўл беришади.

Эртасига эрталаб ғалла қоплаётганда Жамила бу касофат қопни олади-да, уни чок-чокидан шир-шир йиртиб юборади. Ва яна одатдаги юмуш билан йўлга отланишади. Ўртадаги сукутни ҳам Жамиланинг ўзи бузади, ҳа у жим туролмайди, овозини баралла қўйиб, куйлаб юборади. Бу билан гўё Дониёрнинг кўнглини очиб, хафачилигини ёзмокчи бўлади. Иккинчи томондан унинг замирида ўзига хос узр, кечирим сўраш илтижоси ҳам бор эди. Лекин бу илтижо ўтинч кўринишида эмас, Жамила табиатига хос ўктамлик ва қувноклик ила зоҳир бўлади.

Жамила аввалига бир силкиниб қўяди-да, қалбидан қайнаб чиқаётган янғроқ овоз билан куйлаб юборади. Унинг ашуласи кишига ором бағишларди. Бир пайт у ашуласини бўлиб Дониёрга кичкирди: “*Ҳой, бўшанг йигит, овозингни бир чиқарсанг-чи! Йигитмисан ўзинг?*” дейди, бунга жавобан Дониёр аравасини тўхтатиб: “*Куйлай бер, Жамила, қулоғим сенда*” дейди. Лекин Жамила бу билан қаноатланмайди. Дониёрга кетмакет кўнгил уйғотувчи кесатиқ саволлар ташлайди: “*Нима, бошқаларнинг қўшиқ эшитгиси келмайди, деб ўйлайсанми?*” “*Айтмасанг, айтма, таранг қилишини қара-ю!*” “*Ҳой, Дониёр, умрингда бировни севганмисан?*” Унинг кулги аралаш устма-уст айтган бу сўзларига Дониёр жавоб қайтармайди. Жамила ҳам чурк этмай қолади. Дара ичига ҳам бир нафас жимлик чўқади. Фақат ғилдиракларнинг дукур-дукур овози, отларнинг пишқиргани эшитилади. Йўлни кесиб ўтиб, шарқираб оқаётган сойга етишганда бирдан Дониёр аравани секинлатади, бир зум от тақаларининг кечувдаги кумушдек ярақлаган тошларга тегиб шақиллашига диққат билан қулоқ солади. Сўнгра “чух” деб отларга бир қамчи уради-да, титроқ овоз билан юракдан, завқ билан куйлаб юборади:

*Еҳ, Олатог, Олатог,
Ота-бобом ўсган ер!
Ей, Олатог, Олатог,
Оқ булут қалқиб кўчган ер!*

Аввалига уялиб, тортиниб айтган бўлса, бора-бора унинг овози баралла янграй бошлайди. Ашула дарада кўнғироқдек янграб, узоқ-узоқлардаги қояларда акс садо беради. Дониёрнинг кўнғироқдек овозигина эмас, балки куйнинг оҳанраболиги, жўшқин ҳис-туйғуларга бойлиги ҳам кишини мафтун этарди. Сеит бунинг нималигини ақлига сиғдира олмай лол бўлиб қолади. Дониёрнинг шу бир оғиз куйлашида ҳам қандайдир бир жозиба, нафосат борлиги аниқ сезилиб турарди. Муаллиф унинг ҳолатини шундай ифодалайди: “*Бу ашулачининг овозими ё бўлмаса юракдан қайнаб чиқаётган бошқа бир нарсами? Киши қалбининг энг нозик торларини чертиб, унда эзгу ниятлар уйғотаётган бу нима ўзи? Ростини айтсам, бу саволга ҳозир ҳам жавоб бера олмайман*”.

Бу ашулада деярли сўз йўқ эди, лекин бу куй сўзсиз ҳам самимий, соф ниятли қалб эгасининг бутун қувончи, умид-орзулари ва тилақларини ифодалаб берарди. Сеит Дониёрни тушуна олмайди. Лекин бир нарса

аник эдики, Дониёр бу кунни, шу дамни кўпдан бери орзиқиб кутгандек, қалбидаги бутун сир-асрорини тўкиб соларди.

Муаллиф ушбу воқеа билан нафақат Жамила ва Сеитни, балки ўқувчини ҳам Дониёр қалбидаги сирли оламга олиб киради: “У – қалбида юксак инсоний муҳаббат туғён урган бир инсон эди! Менимча, унинг севгиси бирор кишига ишқи тушиб, ўша одамга ато қилинган севги эмас, балки инсонни яратиб, уни камолга етказган кенг оламга, ёруғ дунёга бўлган чексиз, жўшиқин севги эди! Ҳа, у бу севгини ўз қалбида ардоқлаб сақлаган, ана шу севги билан яшаган эди. Агар у шундай юксак қалб эгаси бўлмай, диди паст, юраги муз бир киши бўлганда эди, табиат уни қанчалик истеъдодли қилиб яратган бўлмасин, бари бир у бунчалик кўйлай олмас эди”.

Дониёр шундай кўйлайдики, унинг куйи тунги дашт устида яна жўш уриб, мудроқ далани уйғотаётгандек бўларди. Ҳа, бу икки қалбнинг уйғониш сари қўйган илк қадами эди. Бу уйғонишнинг номи эса, муҳаббат эди.

Ҳа, бу улкан муҳаббат ҳақидаги қўшиқ эди. Унда Ватанга, ота-онага, дўсту ёрга, фарзандга, ҳаётга, дунёга кўйингки барча-барча нарсага бўлган инсон севгиси, рухий-маънавий эҳтиёжи, соғинчи уйғун эди.

Дониёр кўшиғининг сирли таровати шунда эдики, юқоридаги тасвирларнинг барини у тинглаувчи қалбида ёрқин гавдалантирарди. Сеит бунинг сабабини ўзича Дониёрнинг чет ерларда кўп йиллар сарсон-саргардон бўлиб, ўз эл-юртини кўриш иштиёқи билан яшаганида, шу қувончли дамни интизорлик билан кутганида деб биларди. Чунки инсон ўз юртига шу қадар катта меҳр ва интизорлик, соғинч билан талпинганда унинг қалбида шундай муҳаббат ва меҳр куёши жилваланади, деб биларди.

Сеит Дониёрнинг бу куйларини тинглар экан, унинг бошпана излаб ўтказган машаққатли етимлик йилларини, қонли жанг майдонларида босиб ўтган йўлларини кўз олдига келтирар эди. Эҳтимол, унинг она Ватан ҳақидаги жўшқин куйлари ўшанда туғилгандир. У Дониёрнинг ашулаларини тинглаб ўтириб, инсон боласи нима учун ўз она тупроғини бунчалар севишини, нима учун, тиз чўкиб, бу тупроқни худди ўз онасидек кучоқлаб ўпишини дилдан ҳис қилади. Бу ҳолат биринчи марта унинг юрагида янги бир ҳис уйғотганди. У тинмай қани энди она тупроғимнинг муқаддаслигини, унинг кўркини Дониёрчалик сеза билсам, сева билсам, унинг мадҳиясини Дониёрчалик тараннум килолсам, деган кучли ҳавас билан ёнарди. Ана шу лаҳзаларда у ниманидир орзиқиб кутарди, лекин бунинг нималигини ўзи ҳам билмасди. Бунга бир томондан хурсанд бўлса, иккинчи томондан хуноб бўларди. Бу жараён Сеит кўнглида илғамсиз бир тарзда рассомлик санъатининг илк куртакларини пайдо қилиб, келажакда ҳаётни турфа бўёқлар, суратлар орқали тасвирлашга катта ҳавас уйғотганини, гўзалиқни сезишга илҳомлантирганини ўзи ҳам сезмасди.

Бу воқеалар туфайли асар ўзининг янги юқори чўққисига кўтарилади. Энди қахрамонлар ички дунёсида янги олам очилади. Ана шу воқеадан кейин Жамила ҳам бутунлай ўзгариб кетади. Олдинги шўх, ҳазилкаш, гапга чечан келиндан гўё асар ҳам қолмагандек эди. Унинг ўйноқи ўткир кўзлари энди гўё булутли кундаги куёш сингари негадир ғамгин боқарди. Ғамгинлиги бу куёш унинг йўлини тўсиб турган булутларни ҳайдай оладими, деган ҳадикдан бўлса, на ажаб? Йўлда кетишаётганда ҳам Жамила чуқур ўйга толар, лабларида билинар-билиномас табассум ўйнади. Лекин

шунга карамай у фақат ўзигагина маълум бўлган аллақандай латиф бир нарсадан хузур қилаётгандек, ундан суюнаётгандек туёларди. У гўё икки ўт ичра ёнарди, у иккинчи ўтнинг нима эканлигини яхши англади, уни олдинда нималар кутаётганини сезгандай ички хавотирга тушарди.

“Баъзан эса, аксинча, хаёлини бир нарса бузгандек, қонни аравадан елкасига силкиб олиб, шу турганича қотиб қоларди. У шу туришида гўё қутуриб оқаётган сувга дуч келиб, уни кечиб ўтишини ҳам, ўтмаслигини ҳам билмай лол бўлиб турган одамга ўхшарди”. Муаллиф бу ерда ўз услубига содиқ қолган ҳолда ҳолатни ўзига хос образ асосида тасвирлайди. Гарчи Жамиланинг ақлу идроки тизгинсиз бу сувдан ўтмасликни буюраётган бўлса-да, қалби уни мана шу асов мавж сари бошларди. Жамила ўзини уни аввалгидек назарига илмаётгандек қилиб кўрсатишга қанчалик уринмасин, охири бир куни сабри чидамай хирмонда Дониёрга гап отади. “Устингдан кўйлагингни ечсанг бўларди. Ювиб берардим”. У кўйлакни сойга олиб бориб ювади-да, қуритиш учун ёзиб қўйиб, буришган жойларини текислайди. Ана шу кезде ўзи билмаган ҳолда кўйлакни анча вақтгача меҳр билан силайди. Воқеа Жамиланинг йигитлар билан бўлган ҳазил-ҳузули билан боғлиқ жараёнда янада кескин тус ола бошлайди.

Дониёр йигитларга еб қўйгудек ўқрайиб қарар, важоҳатидан гўё ҳозир югуриб бориб Жамилани уларнинг қўлидан ажратиб оладигандек эди. Юзига тик боқишга ботинолмай, фариштадек пок деб билган Жамила йигитларнинг қучоқлаб ўпиши, тортқилашиб ўйнаганлари Дониёрнинг кўнглига жуда қаттиқ ботади. Шундай бўлса-да, унинг бутун фикри зикри, эс-ҳуши Жамиланинг ҳусни жамолида эди. Дониёр йигитлардан қанчалик қизганмасин, хандон отиб кулаётган Жамиладан кўзини олмай, унинг бу қилиғига ҳам қойиниб, ҳам мароқланиб, хўмрайган қовоқлари остидан мулойим боқиб, тишини-тишига қўйиб ўтирди. Йигитлар Жамилага ҳар томондан ёпишиб, бетларини ўптирганларида Дониёр кути ўчиб, туриб кетмоқчи бўлар, лекин оёқлари итоат қилмаётгандек кимир этолмасди. Жамила унинг қараб турганини пайқаб хиралик қилаверган йигитларни силтаб ташлайди.

Икки қалбда неча йиллар давомида пинҳон ётган интизорлик, энди барча тўсиқ ва анидишаларни писанд қилмай ўзлигини намоён эта бошлайди. Қандайдир сеҳрли бир куч Жамилани Дониёр сари етакларди. Негаки у кечаги йигит эмасди. Энди у шу қадар юрак билан қуйлардики нима бўлаётганини ўзи ҳам англамасди. Юраги талпиниб, қуйдан ором олган Жамила ҳар доим унга яқинлаб беихтиёр қўл чўзганини сезмай қоларди. Дониёр буни пайқамас эди...

Жамила ва Дониёр юрагидаги севги шу қадар пок, янги умид-орзуларга тўла эдики, иккаласи ҳам ҳарчанд уринмасин бу севгини вужудидан чиқариб ташлай олмасдилар, унинг роҳату захматларига чидашга, унга сўзсиз итоат этишга мажбур эдилар. Бу бахтиёр лаҳзалардан таъсирланган кичкина Сеитнинг кўнглида ҳам ҳатто бир лаҳза “Жамила Дониёрни севса яхши бўларди”, деган фикр ўтарди. Лекин, келинимиз, акамнинг хотини-ку, деган ўй унинг ориятини уйғотар, қийнади.

Сеит тобора гўзаллашиб, латофати ортиб, нигоҳларидан нур ёғилиб турган Жамиланинг чехрасига боқиб унинг қалбида нақадар пок, беғубор, ўй-хаёллар жилва қилаётганини, севгининг инсонни орзу-умидлар,

истикбол сари етакловчи катта куч эканлигини англаб етмаса-да, мурғак қалби билан бу икки вужуддаги уйғонишни сезарди, гоҳ ҳайрат, гоҳ се-винч ҳисси ила уларни кузатарди.

“Бироздан сўнг Жамила қўлларини аста-секин Дониёрнинг елкасига ташлади-да, унга суяниб, бошини елкасига қўйди. Шунда Дониёрнинг то-вуши бир зум титради-ю, кейин яна ҳам кучайиб, кўнгироқдек янгради. У севги ҳақида куйларди. Тонг отиб, гуллаган водий юзидан қора парда кўтарилганда, мен ўша кенг дала ўртасида севишган икки ёшни кўрдим. Улар менга ҳеч назар солмасалар ҳам, кўз остидан қараб, сеҳрлангандек эргашиб борардим. Севишганлар мен билан иши бўлмай, фақат мениги-на эмас, балки бутун борлиқни ҳам унутиб юборгандек, жонга ором бе-рувчи куй оқимида чайқалиб, бир-бирига термилишиб секин боришарди. Назаримда, Дониёр билан Жамила бутунлай бошиқача бўлиб қолгандек эди. Булар мен илгари кўрмаган-билмаган қандайдир янги, бахти ку-либ боққан кишилар эди. Ҳа, уларнинг бири, кўзи қоронғида ўтдек ёниб, эски кўйлагининг ёқасини очиб юбориб, дала-даштга янгроқ куй тара-тиб бораётган Дониёр эди. Ҳа, иккинчиси, Дониёрга эркаланиб жимгина ўтирган менинг янгам Жамила эди!”

Бу шунчалар гўзал ва беғубор ҳолат эдики, Дониёрнинг куйларидан таъсирланган Сеитнинг миясига, “Мен уларнинг суратини чизаман!” де-ган фикр келади, бундан ўзи ҳам гўё нодир бир нарса топиб олгандай севиниб кетади. Гарчи аввалига ўз фикридан чўчиб, “Бу иш менинг қўлимдан келармикин, эплай олармикинман?” деб ўйласа-да орзу-истак кўркувдан кучли келиб, “Ҳа, мен уларнинг суратини албатта чизаман, мен уларни худди хозиргидек бахтиёр қилиб тасвирлайман!” деган қатъий қарорга келади. Шунингдек, у Она Ерни Дониёрдай кўра билиш, сева би-лишни орзу қилади. Сеит ана шундай гўзал ўйлар гирдобида турганда бирдан Дониёрнинг ашуласи узилиб қолади. Барчаси бир лаҳзада содир бўлади, беихтиёр Жамила аввалига Дониёрни маҳкам кучоқлаб, бағрига босади, сўнгра нимадандир чўчигандек тисарилиб, аравадан сакраб ту-шади. Жамиланинг тескари қараганича йўлнинг қоқ ўртасида серрайиб туриб қолиши, Сеитга йиғи аралаш, “Нега қарайсан? Менда ниманг бор? Қарама менга, аравангни ҳайда, жўна!” деган сўзлари, кейин Дониёрга юзланиб, “Хўш, сен-чи, сен нега анграйиб турибсан, аравангга мин! Бо-шимга битган бало бўлдиларинг-да!” дея иложсиз ўкиниши унинг юраги ихтиёр ва ихтиёрсизлик чегараси ўртасида қанчалар қийналаётгани, ёна-ётганини кўрсатарди.

Нихоят, асарнинг энг авж пардалари бўлган воқеаларга яқинлашдик. Шу ўринда энди бир лаҳза Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидаги бурилиш нуқталарига тўхталамиз. Бу икки нуқтада икки қаҳрамон Раъно ва Жамиланинг севган йигитларини лол қолдирувчи журъати намоён бўлади. Абдулла Қодирий бежиз бу бобни “Жасур қиз” деб номламаганини англаймиз.

Орзу-умидлари, муҳаббати, кўнгил истакларига зид равишда Кўкон хони амри ила унга фотиҳа қилинган Раъно бу зулм олдида бир зум ожиз қолади. Хон саройида Мирзабоши бўлиб ишлаётган Анвар эса тамомила чорасиз эди. Афсуски, бундай воқеалар инсоният тарихи, шарқ халқлари ҳаётида жуда кўп учрарди. Буларнинг аксариятида ошиқлар қисмат қаршисида таслим бўлганлар. Абдулла Қодирий Кумушдан фарқли

ўлароқ Раънодаги ўктамлик ила бу қалтис ишга киришиб “девор”ни бузишга жазм этади.

Раъно ишончли кимсалар орқали Анварга хат жўнатади, мактуб юки анча оғир эди: “...*Оғир дақиқаларда арзимас гапни кўнгилга олиш сизнинг каби олижаноблар иши бўлур, деб ким ўйласин. Бахтсиз бир қизнинг нажоти учун тебранмадингиз, деб сизни айблаб бўлмас; бироқ. Бахтсиз Раъно таҳлика остида қолганда, уни бу кун-эрта бир фожиа кутганда вафолиқ, деб билган бир кишисидан бу янглиз жафо кўриши нақлларда ўқулганми, афсоналарда тўқулганми? Шу қадар гуноҳим бор эмиш, деб хафа бўлмангиз, Анвар ака. Башарти бу гуноҳларнинг ювилиб кетишини тиласангиз, сизга бир хизмат бор, ҳам сизнинг учун энг осон хизмат: эртага чаҳоршанба кечқурун, тиласангиз очиқча, тиламасангиз-яширинча бўлса ҳам бизникига келингиз, мен билан охирги мартаба видолашингиз. Чунки сиз нашъу намо қилган жойда Раънони ҳалокат кутади*”.

Абдулла Қодирий ёзганидек, Раънонинг бу хати Анвар учун бир ташвиш эди. Унинг ёнига боришдан ҳеч бир мантиқ топмас, аксинча, бунда юрак ўтининг аланга олишини, жароҳатларнинг янгилианишини кўрар эди. Бу ҳаракатда бирорта яхшилик аломатини сезмас, аксинча бунинг қанчалар ҳалокатли эканлигини англаб, Раъно билан учрашганда ҳам унинг йиғлаб кўнгилни бузишидан бошқа нарса кўрмас эди. Лекин бормаслик неча йиллик муҳаббат, йигитлик шаънига ҳам тўғри келмас эди. Шу боис Анвар қанчалар қалтис бўлмасин Раъно билан учрашувга боришга қатъий қарор қилади.

Учрашув чоғида Анварнинг Раънога қараб, “Ўзинг ҳамма гапка тушуна туриб, яна бунчалик аччиғ ёзганинг нимади, Раъно?” деган саволига қиз титроқ овозда, “Чунки шунчалик аччиғ ёзмасам, сиз келмас эдингиз...” дея жавоб беради. Кейин улар ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтади: “Сиз мирзабошилиқни яхши кўрасиз-а?” Анвар бу муносабатсиз саволдан бироз ҳайрон бўлиб сўрайди: – Тушунмадим... Нима дмакчисан? – Сиз мирзабошилиқни яхши кўрасизми, деяпман? – Яқинда мирзолиқни ташламоқчиман Раъно? – Мирзолиқни ташлагандан сўнг нима иш қиласиз? – Қўқондан кетаман, саёҳат қиламан. – *Мени... мени ҳам ўзингиз билан олиб кетмайсизми?*”

Анвар мирзо учун бу кутилмаган сўз эди, шу боис у тушунмай Раънонинг юзига анча боқиб туриб сўрайди:

– *Сен... сенга мумкинми, Раъно?*

– Мумкин, – деб қалтиранди Раъно. – Мирзабошилиқни ҳозирдан эътиборан ташласангиз мумкин.

Бу сўз Анварни ҳам қалтиратиб юборди

– Нима деяпсан, Раъно?

Раъно бир неча вақт жавоб бералмай турди. Ўзини тўхтатиб олиш ҳаяжонини тиндириш оғир эди.

– Ҳалиги... ҳалиги сўзингиз чин бўлса, мен ҳам сиз билан кетишни хоҳлайман...”

Анвар тушига ҳам кирмаган бу таклифдан энтикиб ичида “жасур қиз” деган ўй ўтади. Ҳақиқатда ҳам бу жасуруна исён хотин-қизлар томонидан Худоёрхоннинг ҳайвоний истагига қарши биринчи кўтарилиш эди. Анвар истикболда қанчалик мушкулот ва хатарлар кутиши мумкинлигини ўйласа ҳам бу жасоратни қалб амри билан қабул қилади. Ёки, таникли адиб

Хайриддин Султон таъбири билан айтганда, “Тўрт девор ичида, зикна отанинг доимий сиқувлари остида вояга етган, ниҳоят падари тарафидан хонга мол каби сотилган бу Шарқ қизининг асар сўнггида қўркмас исёнчига айланиши, “муҳри Худо” – фотиҳани бузиб, ота-онаси, уй-жойини ташлаб ўлимни бўйнига олган ҳолда мирзо Анварга бирга қочишни таклиф этиши... бу бизнинг андиша ҳақидаги бояги мулоҳазаларимизга сиғишадими? Юзаки қараганда “йўқ” деб жавоб бериш мумкин. Бироқ Раънонинг юрагидаги бошқа бир андиша, “Мен хоннинг ифлос тўшагига ётмайман!” деган зўр инсоний кадр туйғуси, муҳаббат ва маърифат эътиборга олинса, “Ҳа!” деб жавоб қайтариш лозимдир”. Келинг, энди худди шундай мураккаб аҳволда қолган Жамила ва Дониёр воқеасига қайтайлик.

Жамилага эри Содик билан Саратов госпиталларидан бирида учрашиб қолган ҳамқишлоғининг хат олиб келгани ҳам негадир қувонч бағишламайди.

“Жамила хатни шоша-пиша олди-да, қувонганиданми, ё уялганиданми аввалига қизариб, сўнгра ранги қув ўчиб, индамай Дониёрга кўз қирини ташлади. У бояги хирмондагидек оёқларини кериб, аравасининг ёнида ёлғиз тураркан, Жамилага маънос боқарди”.

Бу маъюслик муҳаббатнинг иложсизлик қаршисидаги ожизлигини, қисмат олдида таслим бўлишга кўнганлигини англатарди. Чунки Жамила урушда қон кечиб келаётган бировнинг хотини эди. Ана шу томони Дониёрнинг юрагини ўртарди. Лекин у бу иложсизлик чегарасидан қандай ўтишни билмасди. Ана шунда “жасур аёл” Жамила бу қалтис чегарани ўз журъати ва жасорати билан бузиб ўтади. Чунки, “Хоннинг ифлос тўшагига ётмайман”, деган Раъно каби унинг ҳам бахтли яшашга ҳаққи бор эди. Адабиётшунос Х.Лутфиддинованинг фикрича, “Бу жасорат – ўзбек қиз-жувонлари руҳида минг йилларча яшаб келган куллик, мутелик, бечоралик, нотавонлик, кўрқоклик, маҳкумалик занжирларини парчалаб юбориш жасоратидир. Унда ўз эркини, инсонлигини, ўз тақдирини ҳимоя қилиш, озод этишда ҳатто эркаклардек мардлик матонати бор, у маънавий қашшоқ, заифа эмас, ҳур фикрли, ўз эркини, ўз бахтини ҳимоя қилишда эркаклардан ҳам хушёрроқ эканини намоиш этади”. Чингиз Айтматов Жамиланинг бу борадаги журъатини шундай таърифлайди:

“– Дониёр, мана мен ўзим келдим! – деди у секин шивирлаб. Атроф жимжит, осмонни гумбурлатиб яшин чақнади. – Хафа бўлдингми? Қаттиқ хафа бўлдингми? Яна жимлик чўкди, қирғоқдан тупроқнинг сувга “шўл” этиб тушгани эшитилди. – Лекин менинг айбим нима? Сенда ҳам гуноҳ йўқ. Тоғлар устида яшин гумбурлади. Жамила чўчиб ялт этиб қараганида, яшин унинг юзини ёритиб юборди. Жамила атрофга бир қаради-да, ўзини Дониёр кўксига ташлади, унинг елкаси Дониёрнинг бақувват қўллари остида дир-дир учарди...”

Чингиз Айтматовнинг бадиий маҳорати ва услубига хос жиҳатлардан бири бу унинг қаҳрамони қалбида кечаётган ички туғёнлар, ғалаёнларни табиат ҳодисасалари билан уйғун ҳолатда тасвирлайди. Ҳа, қирғоқ ўпирилди, минг йиллик тоғлар устида яшин гумбурлади. Бунинг юксак намунасининг айнан юқоридаги ҳолатда кўришимиз мумкин.

“Энди Жамилани ҳеч қандай куч тўсолмасди. У Дониёрга секин шивирлади: – Чиндан ҳам гумонсирадингми, наҳотки мен сени унга алмаштираман! У мени ҳеч қачон севган эмас, севмайди ҳам! Майли, ким нима

деса деяверсин, лекин мен сеникиман! Ёлғизим, азизим, мен сени ҳеч кимга бермайман”.

Жамиланинг жасорати умидсизлик ичра ўзини тамомила йўқотаётган Дониёрга куч бағишлайди:

“Мен ҳам сени кўндан бери севиб юрардим. Умримда кўрмаган бўлсам ҳам, оқолларда ётиб сени ўйлардим. Севган ёрим Ватанимда эканлигини билардим. Бу сен экансан, Жамилам!”

Ёзувчи бундай кейинги ҳолатни шундай тасвирлайди. *“Ёмғир шаррос куйиб берди. Қора уй тепасига ёпилган наमतлар худди қанот қоққан қушдек шамолда учиб кетди. Гоҳ қиялаб, гоҳ тик қуйган жала ерни орзиқиб кутгандек устма-уст ўнарди. Кетма-кет момақалдироқ гумбурлаб, бутун осмон қаърини тилиб ўтгандек бўларди. Узоқ-узоқлардаги тоғлар баҳор лолаларидек қизариб кўринарди”*. Ёзувчи Дониёр қалбида қайта жон олган умидни ана шундай гўзал тасвирлайди. Ана шу умид уларни янги ҳаёт сари йўлларди.

Сеит Жамила! Жамила! – дея ўпкасини босолмай йиғларди. Негаки у энг яқин, энг азиз одамлари билан хайрлашган эди. Сеит ҳам Жамилани болаларча беғубор қалби билан севиб қолганлигини англаб етади. Шу куни у фақат Жамила ва Дониёр билан эмас, болалик даври билан ҳам хайрлашар эди...

Эртасига овулда ҳар хил миш-миш гаплар тарқалади. Ҳамма хотинлар Жамилани қоралашади: *“Аҳмоқ-да! Ақли бўлса туз ичган жойига туфлаб, санкиб юрган бир мусофирга эргашиб кетармиди... Унинг нимасига қизиқ-ди экан, эски шинели билан, тешик этигидан бўлак ҳеч балоси йўқ эди-ку! – Қўтан-қўтан қўйи бормиди! Уйи йўқ, жойи йўқ, насл-насаби бетайин бир дайди-да! Майли, уволи ўзига, ҳали аттанг дейди... Содиқдан ортиқ эрни топиб бўпти. – Қайнонасини айтмайсанми, қайнонаси-чи? Бундай ювош қайнонани қаердан топади! Ўзига-ўзи қилди, жувонмарг...”*

Овулда Дониёр билан бирга қочиб кетган Жамилани қораламай, унинг қилмишини тўғри деб топган ёлғиз Сеит эди. У Жамила билан юксак қалб соҳиби Дониёрнинг ўз бахтини энди топганига ишонарди. Акасига эмас, фақат онасига жони ачирди. Бу воқеадан кейин онанинг қадди букилиб кучдан қолади. Ҳаёт оқими эскилик илдизига шафқатсиз болта уриб, янги бахт сари интилишини бир умр хотинлик вазифаси эрга садоқат дея тушуниб келаётган она тушунмасди.

“– Э-е, шўрлик келиним, кўра-била туриб ўзингни ўтга ташладинг-а. Уйимизнинг тўри сеники, еганинг олдинда, емаганинг кетингда эди... Ўзингни-ўзинг жувонмарг қилдинг... Бизни доғда қолдириб кетдинг... Нега кетдинг... Уйимизда нима камчилик кўрддинг... Шўрлик Жамила...” Сеит онасининг бу гапларига, беихтиёр: *“Йўқ, ойи, у шўрлик эмас!”* деб қичқириб юборгим келди-ю, лекин ўзимни босдим. Ойимни маҳкам қучоқлаб, Дониёрнинг кимлигини, уни жонимдан азиз кўришимни айтиб, йиглаб юборишимга оз қолди. Лекин бу сўзларни айтишига тилим борармиди”.

Ҳарбийдан келган Содиқ муҳаббатдан, севган ёридан ажраб қолганидан эмас, номусдан қаттиқ куйиниб, жиғибийрон бўларди. Йигитлик ори, ҳа у шу орияти туфайли бир оғиз инон-ихтиёри, розилигини сўрамай, орзулари билан ҳисоблашмай Жамилани ўғирлаб келганди. Шунинг учун ичган пайтлари шундай дерди: *“Кетган бўлса садқайи сар! Сарсон-саргар-*

дон бўлиб юриб, охири бир кун очидан ўлади-кетади. Хотинман деганинг тўлиб ётибди, чертиб-чертиб олиш мумкин. Олтин бошли хотиндан, бақа бошли эр яшиш!”

Бир куни Сеит уйда сурат чизиб ўтирганда беҳосдан эшик очилиб, уйга ранги кўкариб, ғазабидан кўзларига қон тўлган Содиқ акаси кириб келади. У зарда билан, “Бун сен чиздингми?” дея бир варақ қоғозни унга кўрсатади. Бу ўша хирмонда ўтириб қаламда чизган Дониёр билан Жамиланинг сурати бўлади. Акаси унинг, “Ҳа, мен чизган эдим”, деган сўзларини эшитар экан “Э, аблаҳ, сотқин!” дея суратни майда-майда қилиб йиртиб, оёғи остига олиб топтаб, кейин эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетади.

Сеит Онасининг, “Сен бун билармидинг?” деган саволига, “Ҳа, билардим”, дея жавоб беради. Шу тобда унинг дилидан отилиб келаётган туғённи ўз онасининг таъна ва ҳайрат назари билан қарашлари ҳам тўхтатолмайди. У онасига қараб, “Мен уларнинг суратини яна чизаман!” дейди. Она ғинг демай бошини маъюсина чайқаб, ерга боқади. Сеит ерда сочилиб ётган суратга қараб, ичини ўтдек ўртаётган хўрликка ҳеч чидай олмайди: “Майли, мен оиламиз, уруғимиз учун “сотқин” бўлайин, бироқ, мен одамгарчиликка, ҳақиқатга, ҳаёт ҳақиқатига хиёнат қилганим йўқ. Аксинча, адолат тарафдори бўлдим...” Афсуски, Сеитнинг бу ҳолатини одамлар тугул ҳатто ўз онаси ҳам тушунмасди, тушунолмасди.

Бу бахтнинг бахтсизлик, кўнгилнинг тутқунлик, севгининг саодатли яшаш ҳуқуқидан бебаҳра этган кўҳна одат ва қарашлар устидан қозонган ғалабаси эди. Шунинг учун ҳам ёш Сеит кўзида ёш, кўнглида қуёш билан Жамила ва Дониёрга бахт тилайди:

“...Сафарларинг беҳатар бўлсин! Жамила, менинг Жамилам, сен бошингни баланд кўтариб, кенг даладан мағрур қадам ташлаб кетдинг... Ҳозир ҳам ўшандаймисан, ҳозир ҳам йўл юришдан толиқмайсанми? Ё ўз кучингга ишонмай, чарчаган, иккиланиб қолган кунларинг ҳам бўладими? Бўш келма, бардам бўл, Дониёрдан мадад ол! Дониёр сенга севги, вафо, она Ер, ҳаёт тўғрисидаги жўшқин куйларини куйлаб берсин! Ўшанда кўз ўнгингда кенг дала гуллаб, август тунидаги кучли бўрон гувилласин! Олис йўлдан кўрқма, Жамила, сенинг йўлинг бахт йўлидир, сен ўз бахтингни топдинг!”, “Тугилиб ўсган ерим – куч-қувватим! Мен ундан янги-янги бўёқлар топаман. Чизган суратимнинг ҳар бир бўёгидан, ҳар бир лавҳасидан Дониёрнинг куйи эшитилиб турсин! “Чизган суратимнинг ҳар бир бўёгида, ҳар бир чизигида Жамиланинг қалби уриб турсин!”

Сўзимиз аввалида таъкидлаганимиздек, Чингиз Айтматов мазкур кассасига бежиз “Жамила” деб ном бермаган. Жамила – бу гўзаллик демак, бу асар чинакам гўзаллик тимсоли. Аслида Жамил, Жамила исмлари шарқ мамлакатларида кўп учрайди. Кўпинча уламоларимиз мусибат етган хонадон ахлларини дуо қилганда, “Сабри жамил ато этсин”, деган тасалли сўзларни айтишади. Кўриниб турибдики, бу жамил, жамила сўзлари нафақат ташқи чирой, балки инсоннинг ички қалб гўзаллигини, сабр ва бардош ортидан келадиган ёруғлик ва ҳаловатни ҳам англатади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бу аввало зулмат ва жаҳолатни енгиб муҳаббат қуёшидан ёришган қалблар гўзаллиги тараннум этилган асардир.

“Жамила”нинг дунёдаги энг гўзал муҳаббат қиссаси дея таърифланганини ўқувчилар яхши билади. Муаллиф Дониёр ҳақида шундай ёзади: “У қалбида юксак инсоний муҳаббат туғён урган бир инсон эди! Менимча, унинг севгиси бирор кишига ишқи тушиб, ўша одамга ато қилинган севги эмас, балки инсонни яратиб, уни камолга етказган кенг оламга, ёруғ дунёга бўлган чексиз, жўшқин севги эди!” Ана шу фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Дониёр нафақат муҳаббат тимсоли, Жамила ҳам Дониёрнинг қалбидаги гўзаллик рамзидир.

Инсонда катта қалб бўлса, бу қалбга ватан, борлик, жамики эзгуликлар сиғади, барча нарсага муҳаббат билан қарайди у... Балки айнан шу жиҳат французларнинг эътиборини тортгандир? Ана шу маънода мазкур асар шарқона ошиқлар муҳаббатининг “Тоҳир ва Зухра”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” дostonларидан улгу олган замонавий талқини эди. Мажнун нафақат Лайлини сурати учун, балки аввало сийрати, гўзал моҳият учун севди. Ошиқ маъшуқасининг ҳатто итигача севади. Бу гўзаллик, бу яратик мавжуд борлиқни ажратмай севди, катта қалб билан севди. Балки мана шу қалбга хос муҳаббат камолоти уларни ҳайратга солгандир? Негаки, унда ҳирс, жисм майли эмас, поклик, софлик, руҳий уйғунлик, покиза саодат, нурли камолот бор. Бу муаллиф орзусидаги муҳаббат эди. Чунки у шундай севги қиссалари таъсирида улғайган. Энди унинг ягона муроди буни бутун жаҳон аҳли юрагига яқинлаштириш эди, бу шарқона муҳаббатнинг ирода ила гўзаллик даражасига кўтарилган замонавий талқини эди.

“Жамила”даги Сеит муаллифнинг ўзидир. Аввало, бу гўзалликка муаллифнинг ўзи ошиқдир. Жамила ва Дониёрнинг муҳаббати шунчалар юксакки, улар инсоний, маиший ўлчамларга сиғмайди. Сеит ўзининг назаридаги пок муҳаббат суратини чизади, уни бутун дунёга кўрсатмоқчи бўлади. Бу бахтнинг, бахтиёрликнинг тасвири эди.

Болани билиб туриб айтмагани учун ёзгирадилар, аслида бу таъналар муаллифнинг ўзига қаратилган эди. Худди болани айблаган каби муаллиф ўзини айблашларини билар эди. Бу шунчалар гўзал муҳаббат эдики, бир бутун олам унинг кўзига гўзал кўринади, улар бу муҳаббат гуноҳ эканлигини англайдиган ҳолатда эмасдилар.

Ҳаёт нима? Инсон бу дунёга нима учун келади? Инсон севишга, севилишга ҳақлими? Мажбурий ҳаёт тарзи ичра Жамиланинг сўзлари чакмоқдек ёруғ туюлса-да, қалби зулмат ичра туткун эди. Бу мажбурий ҳаёт тарзи ичра у бир қатим нурга интизор эди. У Дониёр сиймосида чинакам ҳаёт, қалб гўзаллиги, ўзи соғинган, ўзи талпинган оламни кўрди. Аввал Дониёрни камситди, унинг устидан кулди. Кейин эса, Жамила қалбидаги гўзаллик, қоп-қора булутлар бағрини ёриб чиққан куёш пойида таслим бўлди, у Дониёрга қараб талпинди.

Жамила ўз истак ва орзуларига зид равишда ўғирлаб келинган эди. Унинг ўзи истагандек яшашга, ўзи хоҳлаган инсонни севишга ҳақки бор эди. Фақат Жамиланинг аввалги жинсдошларидан фарқи, у “Қисматим шу экан-да” дея тақдирга тан бермади. Ҳаёт учун курашди, орзу-умидлари, муҳаббат билан курашди. Жамила ва Содик, бу жуфтлик моҳиятида муқаддас никоҳ йўқ эди. Муаллиф бирор жойда никоҳга ишора ҳам қилмайди. Аксинча, бу туткун ҳаёт моҳиятида зулм ва жаҳолат, зўрлик бор эди. Содик жаҳолат тимсоли бўлса, Жамила жаҳолат пардасини ёриб ўтган гўзаллик тимсоли эди.

Чингиз Айтматов Жамилани мана шу зўрлик билан ташланган тақдир исканжасидан муҳаббат кўшки, оламига олиб киради. Унга севиш, севилиш бахтини, инсондай яшаш саодатини бахш этади. Таъбир жоиз бўлса, *Жамила ва Дониёрнинг никоҳини муаллифнинг ўзи “ўқийди”*.

Ёдингизда бўлса, асарда шундай парча бор. Сеит Дониёр билан Жамиланинг аравада ёнма-ён ўтирганларини сира кўз ўнгидан кеткизолмайди. У гўё ҳаётнинг энг гўзал бир лавҳасини қўлида ушлаб тургандек бўлади. Бу лавҳа унинг бутун фикру ёдини банд қилади. Охири хирмондаги ҳисобчининг бир варақ қалин қоғозини ўғирлаб олиб, ғарам орқасига яшириниб, ғалла совурадиган курак устига кўйиб, минг бир ҳаяжон билан шу ҳолатни тасвирлашга киришади. Муаллиф бу ҳолатни шундай ёзади: *“Отам мени биринчи марта от устига мингизгандаги каби “Бисмилло!” дедим-да, қаламни қоғозга теккиздим”*.

Эътибор беринг, бола яъни Сеит “Бисмиллоҳ” деб расм чизишни бошлади. Сеит Оллоҳ номи билан гўёки икки севишган қалбга никоҳ ўқигандай, янги, бахтли ҳаёт учун оқ йўл тилагандай... Гарчи мустабид тузум даврида бу сўзни бадий асарларда ёзиш, айтишга изн берилмаган бўлса-да, Чингиз Айтматов қатъият билан бу муқаддас сўзни айтади. Ёзувчи бу ерда улуг қадриятга ишора қилади. Оллоҳ номи билан қахрамонларига яшаш ва севиш, бахтли бўлиш ҳуқуқини беради, уларни шундай ҳаётга йўллайди. Такрор айтамикки, Сеит яъни рассом муаллифнинг ўзидир. “Жамила” қиссаси Чингиз Айтматов орзусидаги, у яратган гўзаллик, у ёзувчи яратган бахт суратидир.

“Жамила” инсон, айниқса, қиз болалар орзу-умидларига қарши ўларок шаклланган мавжуд анъаналар, жаҳолат асосида яшашга ҳукм этилган қалблар ичра муҳаббат ва яшаш ҳуқуқини улуғлаган асардир. Ҳа, ҳар қандай қалб ўз эрки ва умиди асосида севиш, севилиш, ана шу маънода икки қалб ризоси ва талпиниши асосида никоҳланиш, оила қуришга ҳақлидир. Кўп олимлар Жамила табиатидаги бу исённи шарқона менталитетга зид дея таъриф берадилар.

Муқаддас ислом дини таълимоти бўйича сўзимиз аввалида ҳам таъкидлаганимиздек, *никоҳ – эр ва хотиннинг ихтиёрий равишда гувоҳлар иштирокида бир-бирларига берган розиликлари, аҳд-паймонлари, оила тузиш битимидир*. Уламоларимиз бу ҳақда шундай дейишади: “Никоҳдан олдин совчилик қилиш ҳам суннат ҳисобланади, дейдилар. Совчиликдан мақсад, қизнинг хоҳишини, шунингдек, ота-онасининг фикрини, никоҳга розилигини ё норозилигини билишдир. Совчилик одатда эр тарафидан бўлади. Совчилик эрнинг аёлни бирга яшашга таклиф этишидир. Никоҳдан олдин қиз ва оила аъзоларининг розилиги лозим. Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам аёлларнинг ўзлари талаб қилмаганида ё ижозат бермаганида уларни никоҳлашдан қайтарганлар. Имом Бухорий ва Муслим Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилишади: Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: “...Қизнинг розилиги олинмасдан никоҳ қилинмайди”. Икки томоннинг розиликлари маълум бўлгандан кейин никоҳ хутбасини ўқиш суннат амаллардан ҳисобланади”.

Демакки, бу шарқона менталитетга эмас, жаҳолатга қарши исёндир. Шунинг учун ҳам биз Жамилани севиб қоламиз, унинг бахт учун кураши йўлини маъқуллаймиз, унга мафтунлигимизнинг ягона боиси бу, Жами-

лани олқишлаб калбимизда шивирлаётган овоздир. Бу – кўнгилларнинг хукукидир.

“Мана, куёш тоғ орқасидан кўтарилиб келар, ариқ бўйидаги ёлғиз кунгабоқар эса унга томон бўй чўзарди. Уни қарғалар ўраб олган, бироқ кунгабоқар бўш келмай кўкка интилар, сариқ гулли бошларини мағрур кўтариб, куёш нурини шимирарди”. Бу бизни асир этган жасорат ва муҳаббатнинг тасвири, бу тақдир измига бош эгмаган инсоний эрк, инсоний қалб ва муҳаббатнинг тантанасидир. Қарангки, буюк Луи Арагоннинг унга берган юксак баҳоси битилган тарихий мактуби салкам олтмиш йил қирғиз тилига ўгирилмади. Фақат 2014 йилда, адабиётшунос Абибилла Пазилов уни қирғиз тилига таржима қилиб, “Жаны Ордо” газетасида чоп эттирди.

Ёдингизда бўлса, Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романида чорасиз қолган Анвар ва Раъно ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтади:

“...Улар бизни бир-биримиздан ажрата оладиларми? Йўқ, Мажозий ажралиш – ажралиш эмасдир, чунки биз бир-биримизга мажозий боғланмаганмиз, ҳақиқий боғланишни эса қатъ этиш (узмок) ифлослар ухдасидан келмас. Бас, шу ҳолда биз иккава нега хафа бўлайлик, Раъно? Ишқ давоси авом ўйлағанча васл эмас – ҳажрдир. Зеро, васл ишқ ўтини сўндирғучи, ҳажр эса камолатка эришдирғучидир... Сен шу иккидан қайси бирисини танлайсан, Раъно?”

Раъно кўзини тиззасига тикиб, қўли билан шолча ипини чирмаб ўлтурар эди. Ҳалиги савол Анвар тарафидан яна такрорланди.

– Мен кейингисини... Бироқ, хоннинг ифлос тўшагида ётмайман. Анвар бир неча вақт сукутда ўлтурди. Раънонинг жавоби унга оғир таъсир қилган эди...

– Буни мен ҳам хоҳламас эдим... Бироқ, ифлослар мениям чора йўлларимни ҳаммасини кесдилар, Раъно. Яна ўйлашмоқ учун фурсат бор, айниқса, сен бирар тадбирни мувофиқ кўрсанг мен бош эгаман...”

Айни шу ҳолатда шарқона муҳаббат қиссаларида ҳукм суриб келган, “Васл ишқ ўтини сўндирғучи, ҳажр эса камолатка эришдирғучи”, деган талқин Раъно танлови ва сўзи ифодасида “Васл – камолатга эриштирувчи” тарзида ошиқлар учун янги талқинда янги тақдир йўлларини очади.

Бундан кейинги воқеалар барчамизга аён. Таҳлиллардан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, ўз севгиси, бахти йўлида тақдирини ўзгартиришга жазм этган жасоратли Жамила бу борада илк қадамни қўйган Нафосат тимсоли – Раънонинг маслақдош сингласидир.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида атоқли қозоқ адиби, академик Мухтор Авезов ҳақидаги қуйидаги маълумотни ўқиймиз: “Авезов 20-йилларда Тошкентда яшади ва Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети.) аспирантурасида ўқиди. Машҳур ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий романларидан кучли илҳомланди”. Ёки Ч.Айтматовнинг ўзи: “Жамила” босмадан чиқиши биланок “Литературная газета”да эълон қилинган мухтасар мақола ҳали-ҳали ёдимда турибди. Авезов унда бағоят самимий мулоҳазаларини баён этганди. Бу улуғ носирнинг оқ фотиҳаси эди. Ўша пайтлари устозим олдида қарздор эканимни теран ҳис қилдим”, деган эди. Академик И.Султонов “Меҳробдан чаён”нинг тўртинчи нашрига ёзилган сўзбошида: “Фақат биз ўзбекларгина эмас, иттифоқимизнинг бир қанча халқлари ҳам бу

жихатдан Абдулла Қодирийдан сабоқ олдилар. Буюк қозоқ ёзувчиси, жаҳон адабиётининг улкан вакилларида бири Мухтор Аvezовнинг таърифича, Абдулла Қодирий “Совет Шарқининг энг кўзга кўринган ёзувчиси бўлиб қолди”.

Филология фанлари доктори Эргаш Рустамов улуғ қозоқ адиби билан учрашувини шундай эслайди: “Бир вақт мен Москвада, Максим Горький номидаги “Дунё адабиёти институти”да қозоқ ёзувчиси Мухтор Аvezов билан тасодифан учрашиб қолдим (тахминан, вафотидан бирор йил бундан эди, шекилли). Уни “Москва” меҳмонхонасига кузатиб, суҳбатлашиб бордим. Суҳбатимиз, табиий, адабиёт устида эди; гап Абдулла Қодирийга бориб тақалди... Мухтор оға: “Абдулла Қодирий (Жулқунбой) юксак романлар яратди. Унинг романлари 1920 йилларда, гўё текис саҳрода тўсатдан, “Помир” тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди... Унинг тили равон, ширали, мусикий, менимча ҳамма Ўрта Осиё халқларига ҳам таржимонсиз тушунарли, – деди Аvezов ва илова қилиб қўйди, – масалан, биз қозоқлар Жулқунбой асарларини таржимасиз ҳам бемалол ўқиб тушунаверамиз.”¹

М.Аvezовни ўзига устоз деб билган Ч.Айтматов устози улуғлаган ва ихлос қўйган А.Қодирий асарларини ўқимаган бўлиши мумкин эмас. Яна, М.Аvezов таъкидлаганидек, Ч.Айтматов Қодирий романларини “таржимасиз ҳам бемалол” ўқиган, деган фикрдамиз.

Икки асар хотимаси билан боғлиқ жихатларда ҳам шунчалик ўхшашлик ва яқинлик борки, ўқувчи бундан ҳайратга тушади. Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романи сўнггидаги парчада муаллиф бу ҳикояни марҳум отасидан эшитгани Мирзо Анвар Кўқондан қочиб келиб, Тошканднинг машҳур Эскижўва маҳалласида тургани, рўза кунларидан бирида маҳалладошларни Худоёрхоннинг мирзоси ифторга тақлиф этгани, дастурхонлар йиғилиб фотиҳа ўқулгандан сўнг, домла томонидан Мирзо Анварга бир қизни никоҳлаганлари, улар ҳақиқа дуо қилиб тарқалишганлари, кейинчалик Мирзо Анварнинг ўз оғзидан Худоёрхон билан кечган можарони эшитгани ва таажжубланиб минбаъд Мирзо Анварга ихлоси ортганлиги баён қилинади.

Маълумки, ҳар бир ёзувчи китобхонлардан жуда кўп мактублар олади. Уларда мухлислар ўз таассурот ва мулоҳазаларини билдирадидилар. Ана шу маънода “Жамила” қиссаси чоп этилгандан кейин Чингиз Айтматовга келган хатлардан бири кишини ҳайратга солади. Унда шундай ёзилади: “Жамила бизнинг овулда соғ-омон яшаб юргангани сизга билдириб қўймоқчиман, уч фарзанднинг онаси бўлди, ейиш-ичишдан камчилиги йўқ...” Назаримизда чинакам асарларнинг халқчиллиги шундаки, воқеа ва ҳодисалар биз яшаб турган макондаги ҳаётнинг ўзидан олинади. Ёки, А.Муратов ва К.Акматовларнинг юқорида номи тилга олинган рисоласида Мурзапар Усеннинг “Сейит” повестида² Москвадан санавация билан Қозоғистонга келган Сейит, Дониёр ва Жамиланинг учрашуви ҳақида ҳикоя қилинади. Машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов айтганидай, ҳар бир ижодкор ўз асари масаллиғини халқдан олиб, халққа беради. Маҳоратли ёзувчининг бу борадаги тарихий хизмати шундаки, у олгандан кўра кўпроқ беради.

Бу асарларнинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, ундаги тақдир

¹ “Гулистон” журнали, 1974-й., 4-сон.

² “Ала-Тоо” ж 2016, 10-сон.

синовлари ва зарбалари қаршисида эсанкирамайдиган, курашчан қаҳрамонлар образи ҳаётда қанчадан-қанча инсонларга юксак ирода ва яшаш завқини беради.

*Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,
Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.*

Ана шу маънода Абдулла Ориповнинг “Аёл” шеъри, Чингиз Айтматовнинг “Жамила”си бир-бирига моҳиятан зид эмас, деган қарорга келиш мумкин. Иккиси ҳам буюк муҳаббат ва садоқат тўғрисида. Абдулла Орипов шеърида хотира саодатига содиқлик, Чингиз Айтматов асарида эса ишқталаб, бахтталаб қалбга, унинг енгилмас орзулари, гўзал туйғуларига собитлик, садоқат бор.

“Жамила” асарини француз тилига таржима қилган машҳур ёзувчи Луи Арагон ажабланиб шундай деган эди: “...Қандай қилиб Марказий Осиёнинг бир чеккасида, XX асрнинг иккинчи ярмида, ёшгина йигит шундай ҳикояни, қасам ичиб айтаманки, дунёдаги муҳаббат тўғрисида яратилган қиссаларнинг энг яхшисини ёзиши мумкин... “Жамила” ҳикоясини ўқиганимдан кейин кўп воқеаларга гувоҳ бўлган, кўп асарлар ўқиб чиқилган, ҳамма нарсани синаб кўрган шундай мағрур Парижда менинг қалбимда на “Вертер”, на “Антонио ва Клеопатра” ва ҳаттоки “Ромео ва Джульетта” учун ҳам жой қолмагани”.

Бу нафақат эътироф, балки ўқтамона, покиза шарқона муҳаббатга нисбатан юксак эҳтиром рамзи ҳам эди. Бу чинакам гўзаллик эътирофи эди.

Машҳур “Тоҳир ва Зухра” киносида шундай ўта таъсирли лавҳа бор. Гарчи бу соғинчли ташрифни қанчалар кутган бўлмасин, Тоҳир яқинлашаётганини сезган Шарқ маликаси Зухро ҳаяжон ва ибод ичра шошиб, чархни айлантириш орқали ўзи турган боғ ва Тоҳир қомати кўринган кирғокни ажратиб турган сув устига қўйилган кўприкни кўтариб қўяди. Севгилиси дийдорига талпинган Тоҳир шунда қалбидаги ҳис-туйғуларини қўшиқ қилиб куйлайди:

*Эй қуёш кўрсат юзинг, тундан бағр қонланмасин,
Тун қароси ёр зулфидек паришонланмасин...
Саҳнайи оламни равшан қил ёруғ нурунг билан,
Пардаи зулматни йиртиб пора қил, жонланмасин...
Тоҳиро, ҳар бир узун туннинг охиру тонгги бор,
Кўз ёшингни тўкма қўй, кўксингда маржонланмасин.*

Шунда Зухро ошиғининг дил изҳори таъсирида кўнгил майли ила ўртада кўтарилиб қўйилган кўприк чархини беихтиёр айлантириб тушира бошлайди...

Чингиз Айтматовнинг Жамиласи ҳам Абдулла Қодирийнинг Раъноси каби гўзал муҳаббат азмида ана шу “кўприк”ни туширишга ўзида журъат топа олди. Зеро, бу муҳаббатга, бахтга талпиниш, жаҳолат устидан музаффарлик қозониб, гўзаллик қаршисида таслим бўлган мунаввар қалблар ҳақидаги дoston эди.

Минҳожиддин МИРЗО

ҒАРБ АДАБИЁТИ БИЛИМДОНИ

Филология фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Холбеков жаҳон халқлари адабиётларини чуқур тадқиқ қилган истеъдодли олимларимиздан биридир. Унинг “Марло ва Шекспир”, “XX аср модерн адабиёти манзаралари”, “Структур адабиётшунослик”, “XX аср ғарб модерн драмаси”, “Бадиий матннинг структур таҳлили” монографияларида адабий жараёнлар ва оқимлар кенг ҳамда чуқур тадқиқ этилади.

Профессор М.Холбеков “XX аср модерн адабиёти манзаралари” китобида жаҳон адабиётида модерн ва модернизм тушунчаси, Ғарб насрида модернизм, Марсель Пруст, Франц Кафка, Жеймс Жойс, Виржиния Вулф, Уильям Фолкнер, Габриэль Маркес, Луис Борхес ва бошқаларнинг ижодига хос муҳим хусусиятларни ёритган эди.

Олим китобда XX аср модерн адабиётига хос фазилатлар ва камчиликлар ҳақида фикр юритар экан, унинг мазмунини, ранглари спектри, диапозони жуда кенглигини, турли муаллифларнинг модерн асарларида антик давр мумтоз адабиёти, ўрта асрлар, уйғониш даври, маърифатчилик, романтизм, танқидий реализм, символизм, экспрессионизм, неореализм, сюрреализм оқимларига хос услубларнинг аралашуви мавжудлигини эътироф қилади. Парадоксал ҳолат шунда яққол кўринадики, модерн ёзувчилар ўз асарларининг услубини нечоғлик “янги” деб ўйласалар-да, бу услубларда антик даврдан ҳозиргача бўлган барча ижодий услубларнинг гоҳ синтези, кўпроқ эклектикаси кўзга ташланади. Модерн ёзувчилар гоҳ Библиянинг “Таврот” (“Қадимги аҳд”) қисмига тақлид қилиб, гоҳ антик давр юнон ва Рим адабиёти асарларидаги сюжетларни қайта ишлайдилар (масалан, Ж.Жойс “Улисс” романида Гомер “Одиссея” сига мурожаат қилгани каби).

Муаллиф тўғри кузатганидай, модерн адабиёти фақат бадиий асарлардан иборат бўлмай, у бадиа, эртақ, тадқиқот, мактубларни ва турли мумтоз бадиий асарларнинг парчаларини ҳам ўз ичига олади. Масалан, Луис Борхес ижодида теран поэтик, психологик ҳикоялар билан айна вақтда, бадиа, мақола, кичик илмий тадқиқотлар ҳам кўп учрайди (“Бобил кутубхонаси”, “Паскал фазоси”, “Кеведо”, “Кольрижнинг туши”, “Честертон ҳақида”, “Ибн Рушд изланиши”, “Дон Кихотда яширинган сеҳр”, “Сотқин ва қахрамон мавзуси”, “Марк Инжили”, “Сюжет”, “Китобга эҳтиром” ва бошқалар). Луис Борхес “Паскал фазоси” асарида машҳур бир жумла фикрнинг минг йил давомида йўқолмай келишини кузатади: “Уйғониш нури билан ёришган 1584 йилда бу сўзлар севиниб айтилганди. Аммо 70 йил ўтгач, бу севинчдан асар ҳам қолмади, инсоният энди замон ва маконда йўқолиб кетгандай бўлди. Замонда йўқолиш – ўтмишнинг чексизлиги ва келажакнинг чексизлигидан, маконда йўқолиш – ҳар бир тирик жоннинг чексиз катталиқдан ва чексиз кичикликдан жуда узоқда эканлигидир. Ҳеч ким маълум бир кунда ва маълум бир жойда яшамайди

(оқаётган дарёга фақат бир марта тушиш мумкин, иккинчи тушганда ўша сув бўлмаслиги, оқиб кетгани каби –М.М)¹.

Уйғониш даврида инсоният етукликка эришдим деб ўйлайди ва фикрини ўз вакиллари Ж.Бруно, Т.Кампанелла ва Ф.Бэкон тили билан эълон қилади. XVII асрда инсоният қариб қолдимми, деб кўрқа бошлади ва ўзини оқлаш учун, одам гуноҳ сабабли туғилгани учун аста-секин ва муқаррар майдалашиб бормоқда, аввалги замонларда улкан одамлар узок яшар эдилар. Масалан, Мафусоил 969 йил яшаган (“Таврот”, 5-боб) ва одамларнинг жуссалари катта эди (ўша китоб, 6-боб), деб ишонардилар. “Олам тузилиши” асарининг “Биринчи йиллар” фаслида одам умри қисқарганидан ва жуссаси кичрайиб бораётганидан шикоят қилинади, охири одамлар пигмейлар ва эльфларга, капалакларга ўхшаб қолишини айтади. Аслида қадимиятга доир бундай фикрларни минг йил аввал Абу Райхон Беруний айтган эди.

XIX аср Америка адабиёти, шу асрдаги рус адабиёти каби романтизм ва реализмни уйғунлаштириб, олтин даврини бошдан кечирдилар, бу адабиёт инсониятнинг ҳаёт машаққатларига, ёвузликка, кулдорликка, ирқчиликка қарши (Фенимор Купер, Вашингтон Ирвинг) табиат офатлари ва фалокатларига қарши курашган (Г.Мелвилл “Моби Дик”, Би-чер Стоу “Том тоғанинг кулбаси”) озодлик курашини, буюк иродасини, рухий кудратини эстетик идеал даражасига кўтариб, умуминсоний кадриятларнинг мангу яшашини кўрсата олдилар.

Америка мумтоз адабиёти қад кўтараётган вақтларда бир неча асрлар давомида бу қитъага келган Англия, Голландия, Португалия, Испания мустамлакачилари маҳаллий халқни ҳам, ўзлари орасидаги соф виждонли, меҳнатсевар, камбағал одамларни ҳам менсимас, уларни одам ўрнида кўрмас, инсоний ҳуқуқларини оёкости қилар эдилар. Худди шу соф виждонли, меҳнатсевар, камбағал одамларнинг кўпчилиги Америка қитъасининг шимолида бўлганидан, жанубдаги кулдорларга қарши шахс озодлиги учун Авраам Линкольн, Жорж Вашингтон, Томас Жефферсон етакчилигида бошланган урушларда ғолиб чиқдилар ва шахс эркинлигини, барча инсонлар тенг ҳуқуқли эканлигини таъминловчи Инсон ҳуқуқлари декларациясини қонун сифатида қабул қилдилар. Бу эса Юнон ва Римда қадимги даврда бошланган демократия учун кураш 1789 йилда Бастилиянинг олиниши билан тугалланган Буюк Француз инкилобининг давоми бўлган халқаро озодлик кучларининг яна бир ғалабаси эди. Бу кураш мевалари бўлмиш озодлик, инсон кадр-қиммати, гуманизм ғоялари адабиёт, маърифат соҳасида Лонгфелло, Уолт Уитмен, Генри Торо, Г.Мелвилл, Байрон, Эдгар По, Марк Твен каби буюк эрксевар санъаткорларни етиштирди. Бу мумтоз санъаткорлар учун бадиий ижод кейин туғилган модернизм ва постмодернизм адабиёти вакиллари мақтаган топишмоқ, жумбоқ, сўз ўйини эмас эди. Профессор Муҳаммаджон Холбеков Америка ва Европа модерн адабиётида кечган шу каби янгилашни, ўзгаришларни теран тадқиқ этади. Бунда у ғарб олимларининг фикрларига асосланади.

Профессор Муҳаммаджон Холбековнинг китобида Эрнест Хемингуэй ва Уильям Фолкнер ижоди ҳақида жўшқин ва теран фикрларни ўқиймиз.

¹ Қаранг: Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Мақоллар тўплами. – Тошкент: “Mumtoz so'z”, 2014. – 388-бет.

Бу иккала адибда М.Пруст ва Ж.Жойс каби зодагонлик ва шон-шуҳратга маҳлиёликни учратмаймиз. Э.Хемингуэй ҳам, У.Фолкнер ҳам кайнок ҳаёт воқеалари, одамларнинг ички кечинмаларини, инсонлардаги энг қимматбаҳо бойлик – инсонийликни, жамият ҳаётидаги зиддиятларни бўяб-бежамай, ўз табиатларида бор камтарлик билан, муҳими, ҳаётӣй, жонли, табиӣй тасвирлаш фазилати яқинлаштириб туради. Муаллиф бу икки буюк санъаткорнинг қалбидаги самимиятни, ҳаёт муаммоларини, одамларнинг ички дунёсини, мақсад ва қилмишларини ҳаққонӣй тасвирлашда бир-бирига “рақиб” эканлигини, худди шу ҳақгўйлик, инсонийликка бўлган теран ишонч сабабли бир-бирини хурматлашини ҳам тўғри кўрсатади.

Эрнест Хемингуэй ёзувчиликка энди қадам қўйганида Американинг катта адабиётини бунёд этиб, жаҳонга танитган Вашингтон Ирвинг, Фенмор Купер, Герман Мелвилл, Натаниэль Готорн, Ральф Эмерсон, Эдгар По, Марк Твен ва бошқаларнинг асарлари жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилиниб, шон-шуҳрат топган эди. Бу адибларнинг кўпчилиги ёвузликка, қулдорликка, инсониятнинг ижтимоӣй тенгсизлигига қарши курашган инсонларни, улар ҳаётидаги гўзаллик ва фожиаларни, яхшилик ва ёмонликни, улуғворлик ва тубанликни, мардлик ва садоқатни, айни пайтда фойда кўриш йўлида виждонсизлик қилувчиларни гоҳ жиддий, гоҳ юмористик ва лирик оҳангда тасвир этдилар. Модернчи санъаткорлар эса инсоният тарихини (масалан, Юлий Цезарь ва Марк Брут ҳаётини) келгуси авлодлар расмӣй тарихӣй асарлардан (Эдуард Гиббон ва Теодор Моммзен тадқиқотларидан) эмас, балки инглиз даҳо санъаткори У.Шекспирнинг “Юлий Цезарь” фожиасидан яхшироқ ўрганишади, деб фикрлайдилар.

XX аср Фарбий Европа ва Лотин Америкаси адабиётида аввалроқ Марк Твен, Ч.Диккенс, Г.Андерсен, Жек Лондон, Г.Мелвилл, Г.Лонфелло, У.Уитмен эъзозлаган, мангу ва олий идеаллар, инсонӣй фазилатлар, мардлик, олийжаноблик, адолат ва ҳақиқат қуйланган мумтоз асарлар ўрнини услубӣй янгиланиш баҳонасида индивидуализм, худбинлик, маънавий саёзлик мақталган асарлар эгаллади ва бу асарларнинг муаллифлари ўзларини янгилик кашф этувчи – модернчилар деб атадилар. Булар орасида Э.Хемингуэй, У.Фолкнер мумтоз реалистик адабиётга садоқатини асраб қолдилар. Профессор Муҳаммадҷон Холбеков китобидаги мақолаларда У.Фолкнер ва Э.Хемингуэй ижоди ҳақида завқ билан ёзади. Шунингдек, олим китобида Маркеснинг ноширлар ва журналистлар билан суҳбатида ўзини тинимсиз макташларини, бир-бирига зид, мантиқсиз фикрларини, баъзи замондошларининг танқидларини холислик билан ёритади.

Профессор Муҳаммадҷон Холбековнинг фикрича, “Ёлғизликнинг юз йили” романини идрок қилиш, “мағзини чақиш” бошқа модернист ёзувчиларининг интеллектуал романларига қараганда, анча осон ва мароқли. Гарсиа Маркес ўз вақтида телесериаллар учун сценарийлар ёзгани шунчалик кўнгилхушлик, вақтичоғлик машғулоти бўлмаган, балки унинг ижоди учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаган. У тўлиқ англаган ҳолда “сара жамият” вакилларига эмас, балки оддий ўқувчиларига макбул қилиб ёзади. Шу сабаб роман оммабоп китобга айланди. Аслида, сценарийнавислик нуқтаи назаридан қараганда, Маркесни ҳақиқӣй пост-модернист ёзувчи десак бўлади.

Профессор Муҳаммаджон Холбеков XX аср Ғарб модерн драмасига бағишланган илмий рисоласида¹ Европада фашизмга қарата “Қаршилик кўрсатиш ҳаракати” тарафдорлари бўлган драматурглар Гарсиа Лорка, Бертольд Брехт, Луиджи Пиранделло, Сэмюэл Беккет, Жан Кокто, Альбер Камю, Жан-Поль Сартр, Жан Ануй, Жан Жироду, Морис Метерлинк, Бернард Шоу, Б.Штраус, Георг Койзер, Юджин О’Нил, Торнтон Уайлдер ижодида драматургияни, театр санъатини янгилаш, антик драмага хос мифологик мавзуларни замонага мослаштириб қайта талқин этиш кучли эканини англатади. Экзистенциалистлар XX асрда одамларнинг кўпчилиги фақат мавжудлиги, тирикчилиги учун яшаётгани, юксак инсоний идеаллар ва фазилатлардан воз кечиб, ўзаро душманлашиб, абсурдмаъносиз ҳаёт кечираётганини айтиб, томошабинларга ҳаёт ҳақиқатларини инсониятнинг инқирозга юз тутаётганини тасвирлайди, “Театр санъати XX асрда ифодавийликни бойитиш (томошабинга кучлироқ таъсир кўрсатиш, шу орқали жамоатчилик фикрини муҳим ижтимоий глобал масалаларга қаратиш) йўлида ўзидан (театрдан) фаркли бўлган кинематография ва фотография каби санъат турларининг имкониятларини ҳам ўзига сингдириб борди”, деб ёзади М.Холбеков. Биз бу адолатли фикрга кўшимча қилиб айтамикки, театр санъатига жиддий ва ғолиб рақобатчи бўлиб қолган кино санъатидан орқада қолиб кетмаслик учун режиссёр ва адиблар театр санъатига турли янгиликлар кирита бошладилар.

Профессор Муҳаммаджон Холбеков тўғри кўрсатганидек, XX аср театри моҳиятига кўра режиссёрлик театридир. Муаллиф амри ўрнига (Арасту фикрича, қахрамон характериға тақлид ўрнига) театрда пьеса ва томошабин ўртасида бош воситачи сифатида режиссёрнинг амри мустаҳкам ўрин эгаллади. Вақт ўтиши билан матн (пьеса, драма матни) ва унинг сахнадаги тажассуми орасидаги масофа каттариб бораверади. Бертольд Брехт (Германия), Луиджи Пиранделло (Италия), Ф.Гарсиа Лорка (Испания) каби драматурглар режиссёр сифатида ўз театрларини яратдилар.

Истеъдодли Ғарб адиблари ва драматурглари мумтоз театр анъаналарини эскирди деб ҳисоблаб, ўз театрларини янгиликлар билан бойита бошладилар. Аслида мумтоз адабиёт, санъат анъаналари, қонуниятлари ҳеч қачон эскирмайди. Шунга қарамай, модернчи адиблар томошабинларни ҳайрон қолдириш, баҳс-мунозараға чорлаш, воқеани диалог, гап-сўз билан эмас, сукут билан ифодалаш каби драматик диалогнинг янги имкониятларини кашф этишди.

“Ғарб модерн драматургиясида, – деб ёзади М.Холбеков, – мифологик сюжетларға қизиқиш бутун XX аср давомида сўнмайди. Бу ўринда Юджин О’Нилнинг “Мотам Электранинг қисмати”, Т.Уильямснинг “Орфей жаҳаннамға тушмоқда”, Ж.Ануйнинг “Антигона” каби асарларида, шунингдек, тарихий шахс ҳаётидан олинган, драмалар (П.Клодель “Христофор Колумбнинг китоби”, Б.Брехтнинг “Галилей ҳаёти”, Ж.Осборннинг “Лютер”, П.Вайснинг “Маратнинг ўлдирилиши”)да тарихий воқеа-ҳодисалар янги талқин этилди.

Профессор Муҳаммаджон Холбеков Ғарб театрида вужудға келган экспрессионизм драмасига хос хусусиятларни бундай ифодалайди:


¹ Холбеков М. XX аср Ғарб модерн драмаси. Рисола. – Тошкент: “Mumtoz so'z”, 2017. – 72-бет.

“Экспрессионистик пьесада сўз воқеадан устун туради. Кўп ҳолларда падаркушлик билан якун топадиган оталар ва фарзандлар ўртасидаги зиддиятлар, эркинликка интилиш ва муросасозликни рад этиш – экспрессионистик драматургиянинг бош мавзулари шулардан иборат”. Модернчилар, экспрессионистлар, сюрреалистлар, абсурдчи драматурглар ўзларини ҳар қанча янгиликлар кашфиётчиси қилиб кўрсатсалар-да, кўп ҳолларда антик драма сюжетларидан фойдаланишга эҳтиёжманд эдилар. Буларнинг мақсади асосан антик давр драмасы қаҳрамонларини янги шароитда пасткаш, оддий, ғаразли одамларга айланиб қолишини билдириш – дегероизация, қаҳрамонликдан тушириб, ҳозирги бачкана одамларга яқинлаштириб, шу билан томошабинларнинг эътиборини қозонишдан иборат эди. Профессор Муҳаммаджон Холбеков ҳам ушбу тадқиқотида Ғарб театршунослари изидан бориб, модерн драма муаллифларининг асарларини асосан янгиликлар, фалсафийликнинг кучайиши деб талқин қилади. Модернчи драматурглар кўп ҳолларда XIX асрнинг буюк кашфиёти бўлган, узок ўтмишда ҳам илдизлари бўлган воқеликни, ҳаётни ҳаққоний, реалистик тасвирлашдан чекиниб, субъективлик, абсурд, парокандалик, маъносизликни ижодий усулга айлантиришни яхши кўрадилар. Модернчи драматурглар Эсхил, Софокл, Эврипид, Шекспир, Лопе де Вега, Кальдерон, Мольер, Расин, Пьер Корнель, Шиллер ва Байрон драмалари даражасида ёзишга кучи етмагани сабабли ўзларини классик драма бадиийлиги қонуниятларини бузиб, мантиксизликни, парокандаликни, фашизм етакчиларига ҳам маъқул келувчи тошбағирликни, сўз ўйинларини, найрангбозликни янги кашфиёт деб тақдим қиладилар. Таниқли файласуф Ортега-и-Гассет булар ҳақида “Санъатда дегуманизация” асарида танқидий фикр билдирган эди.

Таниқли адабиётшунос олим, Ғарб адабиётининг билимдони профессор Муҳаммаджон Холбеков ушбу китобига кирган тадқиқотлари, адабий-танқидий мақолаларида XX аср адабиётидаги турли йўналишларни чуқур тадқиқ этади, модернизм, модерн романи ва драмасы фазилатларини ҳам, нуқсонларини ҳам ёритишга интилади. Олимнинг китобидан ўрин олган, “Лотин Америкаси сеҳрли реализми” тадқиқоти ҳам бу қитъа адабиёти ҳақида ўқувчига тўлиқ маълумот беришига ишончимиз комил.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу китобдан адабиётшунослар, айниқса олий ўқув юртлари талабалари ва магистрантлари ўтган аср жаҳон адабиётида кечган манзара ва оқимлар хусусида кенг маълумот олишлари мумкин.

Маҳкам МАҲМУДОВ



ҚЎРҚУТ ОТА ҲИКМАТЛАРИ

Халқ оғзаки ижоди – миллат ҳаёти ва тафаккурининг бадиий қомусидир. Фольклорнинг ушбу хусусияти, айниқса, эпосда кўзга яққол ташланади. Зеро, бошқа ҳеч бир жанр олам ва одамни бадиий идрок этишда эпосдек кенг имкониятга эга эмас. Дунё халқлари оғзаки адабиётининг сара эпик намуналари орасида “Қўрқут ота китоби” ҳам ғоят машҳур (“Қўрқут Ота китоби”. “Ёшлик” журнали, 1988 – 5-сон (38 – 55-бетлар); 6-сон (34 – 47-бетлар); 7-сон (41 – 54-бетлар). Турк, озарбайжон, туркман каби халқларнинг муштарак адабий мероси бўлмиш бу мухташам асар бағрида ҳам “Илиада” ва “Одиссея”, “Маҳобҳорат” ва “Рамайна”, “Алпомиш” ва “Манас” дагидек, туганмас маъно булоғи қайнайди.

“Қўрқут ота китоби” таржимасига сўзбоши ёзган адабиётшунос олим Бахтиёр Назаров қайд этганидек, IX – XIV асрларда яратилиб, XV асрда тартиб берилган, ўн икки ҳикоятдан иборат мазкур асарда исломгача бўлган даврга мансуб туркий халқлар ҳаёти ҳам ўз ифодасини топган (Б.Назаров. “Қўрқут ота китоби” ҳақида. “Ёшлик” журнали, 1988 йил 5-сон, 39-бет). Эпосдаги ҳар бир ҳикоят мустақил асар бўлиб, барча ҳикоятларни уларда қатнашувчи персонажлар, энг аввало, зукко бахшишоир Қўрқут ота образи бирлаштириб туради. Зотан, “Қўрқут ота китоби” ушбу бахшишоирни таъриф-тавсиф этувчи қуйидаги сўзлар билан бошланиши асло бежиз эмас: “Ҳазрати Расул алайҳиссалом замонига яқин пайтда Баёт наслидан Қўрқут ота деган эр дунёга келди. У киши Ўғузнинг билгувчиси эди, ўғуз ичида унинг бир каромати зоҳир бўлмиш эди, не деса бўларди, ғойибдан турли хабар сўйларди, Яратганнинг ўзи унинг қалбига илҳом соларди”. Бу сўзлардан Қўрқут отанинг Ҳақ Таолога қалбан боғланган зот бўлгани, илоҳий илҳом воситасида ғайбдан муждалар олгани маълум бўлади. Унинг эл орасидаги обрўйи шу қадар баланд эдики, “Қўрқут ота Ўғуз қавмининг мушқулини ҳал этарди; ҳар не иш бўлса, Қўрқут отадан бемаслаҳат кўрилмасди; ҳар ким унинг буюрганини бажарарди”. Бахтиёр Назаров яна кириш сўзида таъкидлаганидек, “Мазкур китобда... Қўрқут ота... ўлмас, абадий ҳаёт кечирувчи қахрамон сифатида талқин қилинади. Бу эса аслида мазкур асарни яратувчи халқ орзуларининг ифодасидир” (Юқоридаги манба, 40-бет).

“Қўрқут ота китоби” ҳикоятларида, асосан, жамиятнинг юқори табақа вакиллари – хонлар, беклар бош қахрамон сифатида гавдалантирилади. Бунинг сабаби шуки, одатда, миллат ҳаёти кўпроқ юқори табақа вакиллари феъл-атвори, истак-хоҳиши, саъй-ҳаракатига боғлиқ тарзда кечеди. Албатта, аҳолининг қуйи табақаси вакиллари учун ҳам хону бекларникидек кечинма, орзу-истак, туйғу ва эҳтирослар бегона эмас. Бироқ ҳар қуни бир хил юмуш билан шуғулланиб, камтарона кун кечирувчи чўпон, дехқон ва хунармандлар аксар турмушнинг адоқсиз майда ташвишларига ўралашиб яшайди. Ҳукмдор ва унинг атрофидаги зодагонлар

эса бундай ташвишлардан фориг бўлгани сабаб улар ҳаётида инсоний эҳтиросларнинг чексиз уммони мавжланади. Зотан, қуйи табақа вакиллари хос тирикчилик ташвишлари оёғига тушов бўлганида эди, Алпомиш Барчинни деб қалмоқ юртига, Фарҳод Ширинни деб арман ўлкасига йўл олмас эди. Аммо, шунга қарамай, “Кўркут ота китоби”да оддий халқ вакиллари, чунончи, чўпонларнинг ёрқин образини ҳам учратиш мумкин.

Асарда воқеа-ҳодисалар наср, қаҳрамонлар ўй-кечинмаси эса назмда ифодаланади. Ҳоҳ насрий, ҳам назмий баёнда бўлсин, халқона тилга хос донолик, лўндалик, ёрқинлик кўзга ташланиб туради. “Кўркут ота китоби”ни мутолаа қилар экансиз, бот-бот ёмби иборалар, теран ҳикматларга дуч келасиз. Ушбу ибора ва ҳикматлар ўғуз халқининг кўп асрлик ҳаёт тажрибасидан чиқарилган доно хулосалар ўлароқ киши ақлини ҳайратга солади. Улар гоҳ бахши-шоир нутқи, гоҳ эса персонажлар нутқида келиб, мазмун теранлиги ва шакл гўзаллиги учун хизмат қилади.

“Кўркут ота китоби” – қадимги туркий халқларнинг табиат, жамият ва инсонга доир бой қарашларини ўрганишда беназир манбадир. Биз қуйида ушбу эпоснинг айрим ҳикоятларини таҳлил қилиш орқали ана шу қарашларга бир қарра назар ташлаймиз. Дастлаб таҳлилимиз учун асос бўлажак бир неча ҳикоят мазмуни билан мухтасар танишиб олсак.

1. **Дирса хон ўғли Бўғоч хон ҳақида ҳикоят.** Бўйинтур хон ҳар йили бир марта ўғуз бекларини чакириб, тўй берар эди. Ушбу зиёфатлар шу қадар дабдабали ўтардики, у тикдирган чодирлар ер юзини қоплар, ола соябонлар эса кўк юзини тўсарди. Бу гал Бойинтур: “Ўғли борни оқ ўтовга, қизи борни қизил ўтовга қўндириб, кимнингки ўғли-қизи бўлмаса, қора ўтовга ўтқазинг, қора кигиз тўшанг, олдига қора қўйнинг сонидан қўйинг, егани есин, емагани кетсин. Ўғли-қизи бўлмагани Эгам қарғандир, биз ҳам қарғармиз”, дейди. Ўғуз бекларидан Дирса хоннинг ўғил-қизи йўқ эди, шу боис у қора ўтовга киритилади. Бундан жаҳли чиққан Дирса хон тўйни ташлаб ўрдасига қайтади-да, “Қани айт-чи, сандами, мандами айб, Қодир Эгам бизга бир ўғил бермас”, дея хотинини қистовга олади. Хотини эса бунга жавобан: “На мандан ва на сандан, устимизда турган ёзикдандир”, дейди ғам-ҳасратда. Дирса хон хотинининг маслаҳати билан отдан – айғир, туядан – бўғро, қўйдан – кўчқор сўйдириб, Ич Ўғуз, Таш Ўғуз бекларини чакириб, оч кўрса тўйдириб, ялонғоч кўрса кийинтириб, қарздорларни қарзидан қутқазиб, элдан бир жужуқ сўраб, дуо оладики, тез орада хотини ҳомиладор бўлиб, ой-куни етганда бир ўғил туғади.

Ўғил беш ёшга кирганида, Дирса хон уни олиб Бўйинтур хон ўрдасига боради. Бўйинтурхоннинг бир буқа ва туяси бўлиб, улар тошни тепса, талқонга айлантлар даражада кучли эди. Бўйинтурхон ҳар йили икки марта – ёз ва кузда уларни уриштирарди. Одамлар буқа майдонга чиқиб келганда дафъатан уч-тўрт бола бу ерда ўйнаб юрганини кўриб қолади. Уларнинг “Қочинг” деган қичқириғига жавобан бошқа болалар қочади, бироқ Дирса хоннинг ўғли майдонда тураверади. Ҳатто буқа унга хужум қилмоқчи бўлганда унинг манглайига мушт уриб, ерга ҳам қулатади. Шу ерда ҳозир бўлган Кўркут ота боланинг мардлигига тасанно айтади ва унга Бўғоч дея исм қўйиб, “Отини ман бердим, ёшини Эгам берсин”, дея дуо қилади.

Тобора куч-қувватга тўлиб, доврўғи ҳам ёйилиб бораётган Бўғочга Дирса хоннинг қирқ йигити қалбида ҳасад уйғонади. Улар: “Эй хон, ўғлинг нонкўр чиқди, ярамас чиқди. У қатта-ю кичик, эркагу аёл, барча-барчани хўрламоқда, таҳқирламоқда. Бунинг хабари Бўйинтур хонга етиб борса, унинг ғазабига дучор бўласан. Бундай ўғил санга на керак, ўлдирсанг-чи”, дея унинг кўнглига ғулғула солишади.

Оқибатда Дирса хон қирқ йигит маслаҳати билан ўғлини алдаб овга олиб чиқади-да, у кийик қувиб, отаси олдидан ўтганда, ўғлига камондан ўқ узади. Бундан кейинги воқеани ровий: “... ўқ ўғлоннинг икки қураги ўртасига бориб қадалди, қизил қон тўкилди, қўйни қонга тўлди, бадавий отининг бўйинини кучоклади, ерга кулади”, деб тасвирлайди. Ўз қилмишидан даҳшатга тушган Дирса хон ўғли устига келиб хўнграб йиғлайди. Охири, ўғлим ўлди, деган фикрга келиб, қирқ йигити билан ўрдасига қайтади. Ўғлининг илк ови-ни байрам қилиш илинжида турган Дирса хоннинг хотини эса бу даврада ўғлини кўрмай, уни сўраб-суриштиришга тушади. Бироқ Дирса хон мум тишлагандек лом-мим демай тураверади. Номард қирқ йигит эса онага бундай жавоб қилади: “Ўғлон соғдир, омондир, эрта тонготарда келар, кўркма, қайғурма, бек сархушдир, шунинг учун жавоб бермади”.

Бу жавобдан қаноатланмаган она қирқ инжа қизни ёнига олганча, арабий отга миниб, ўғлини қидириб кетади. У бирмунча йўл юриб, қишин-ёзин қори, музи эримас бир тоққа етиб боради. Қараса, бир дара устида қарға-қузғун айланаётир, гоҳ кўниб, гоҳ учаётир. Дирса хоннинг хотини отни ана шу томон йўрттиради. Бўғоч хон шу ерга кулаган бўлиб, қарға-қузғун унинг устига қўнмоқчи бўлар, лекин икки кучук ўз эгасини улардан кўриқлаб турарди. Иттифоқо Бўғоч хон устида яшил тўнли, бўз отли чол пайдо бўлади-да, унинг ярасини уч марта силаб, “Кўркма ўғлон, санга бу ярадан ўлим йўқдир, тоғ чечаги-ла она сути ярангга малҳам бўлар”, деб кўздан йўқолади.

Чол ғойиб бўлган маҳал она ўғил олдига етиб келади. Бўғоч хон унга яшил тўнли, бўз отли чол сўзларини етказди. Қирқ қиз дарҳол тоғ чечагини териб келади. Она эса кўкрак сутига қориб, улардан малҳам тайёрлайди. Сўнг ўғлини ўрдага келтириб, ҳакимлар қўлига топширади-ю, лекин бунини Дирса хонга билдирмайди. Шундан кейинги воқеани ровий: “... қирқ кунда ўғлоннинг яраси битди, қирқ кунда соппа-соғ бўлди. Ўғлон отга миниб, қилич ушлайдиган бўлди, ов овлаб, қуш қушлайдиган бўлди”, деб баён қилади.

Бўғоч хоннинг тириклигидан хабар топган қирқ йигит эса, агар Дирса хон ўғлини кўрар бўлса, жим турмас, бизни битта қўймай кириб ташлар, дея энди унинг ўзини йўқотмоққа киришади. Номардлар Дирса хонни мастлигида тутиб, оёқ-қўлини боғлайди-да, ғажорлар мамлакати сари йўлга тушади. Улар ўз асирини ана шу бегона юртда ўлдириш режасини тузишган эди. Бу машъум хиёнатдан бехос хабар топган Дирса хоннинг хотини дарҳол ўғли ёнига боради ва унга: “Ул қирқ номард отангни тутдилар, қўлларини ортига боғладилар, жун чилвирни бўйнига солдилар, ўзлари отда, отанг эса яёв узоқ юртларга кетдилар. Хоним ўғли, қалқиб ўрнингдан тур, ёнингга қирқ йигитни ол, отангни қутқар, бор ўғлим, отанг сани қийса ҳам, сан отангни қиймагил”, дея насиҳат қилади.

Бўғоч хон она ўғитига кўра, қирқ йигитни ёнига олганча, отаси ордидан қувиб кетади. Отасининг қорасини олгач эса, қирқ йигитини пистирмага

қўйиб, ўзи от устида кўриниш беради. Бу пайтда хоинлар соя-салкин бир жойга кўниб, роса шаробхўрлик қилмоқда эди. Улар Бўғоч хонни танимай, шу йигитни ҳам тутайлик, Дирса хон иккисини душман ерига элтиб, ўша жойда бўғизлайлик, дея манманликка берилишади. Бу сўзларни эшитган Дирса хон, манинг кўлимни ечинг, кўбизимни дастимга беринг, ул йигитни ман чақирай, сўнгра хоҳ ўлдилинг, хоҳ тирик қолдилинг, ихтиёр ўзингизда, дейди уларга қарата. Дирса хоннинг кўлини ечиб, дастига кўбизни берадилар. У ўғлини танимай, кўбиз чалганча, йигитни ёнига чақиради. Бўғоч хон ишораси билан унинг қирқ йигити пистирмадан чиқади ва душман устига ёпирилади. Қанча хоиннинг боши танасидан учади, қанчаси тутқун қилинади. Дирса хон ниҳоят ўғли тириклигини билади. Ота-ўғил бир-бирини қучиб йиғлайди, бир-бирига дили роз қилади. Сўнгра улар ўз ўрдаларига қайтадилар, Дирса хоннинг хотини эри ва ўғлини бирга кўриб, Яратганга шукрона келтиради...

2. Салор Қозоннинг уйи талон-тарож бўлгани ҳикояти. Ўғуз бекларини чорлаб, катта зиёфат берган Салор Қозон шароб ичиб, боши айланиб, бундай хитоб қилади: “Сўзим англанг, беклар, сўзим тингланг, беклар; ёта-ёта ёнбошимиз оғриди, тура-тура белимиз қуриди. Юринглар, эй беклар, ов овлаймиз, қуш қушлаймиз, кийик отамиз, кейин ўтовимизга қайтиб, еймиз, ичамиз, маишат қиламиз”. Кўноқ беклар унинг таклифини маъқуллайди ва улар дарҳол овга йўл олади. Фаним юрт жосуси эса уларга изма-из эргашиб бориб, бу ҳақда ўз ҳукмдори Шўқли Маликка маълум қилади. Шўқли Малик етти минг аскар билан етиб келиб, Салор Қозон ўрдасини тун ярмида босади. Улар ўғузларнинг шахбоз отлари, кизил туяларини ҳайдаб кетади. Бой хазинаси, кўплаб ақчасини ҳам талон-тарож қилади. Буям майли-я, Қозон хоннинг онаси, хотини ва ўғли – Ўрозни ҳам банди этади. Бундан ташқари, ёғий зодагонларидан бири Шўқли Маликка: “Қозон хонга яна бир зулм этсак. Қопилар Дарбенди олдида ўн минг кўйи бор, шу кўйларни ҳам ола кетсак”, дея маслаҳат солади. Шўқли Малик: “Олти юз отлик борсин, кўйларни ҳайдаб келсин”, дея буйруқ беради.

Бироқ Қозон хоннинг чўпони Қарочик, Қиён Кучу ва Дамир Кучу деган икки қариндошини ёнига олиб, Шўқли Малик аскарлари билан мардона олишади. Ҳикоятда Қарочикнинг олти юз аскар билан қандай жанг қилгани бундай тасвирланади: “Мардлар марди Қарочик чўпон палаҳмонига тош солди, отди. Бир отди, ғайридиннинг иккисини йикди, икки отди, учтаси, тўрттаси йиқилди. Ғаюрларнинг кўксига қўрқув тушди. Қарочик чўпон ғайридиннинг уч юзтасини палаҳмон тоши ила ҳалок этди. Икки қариндошига ўқ тегиб, шахид бўлди”. Тошлар тугаб қолгач эса, чўпон палаҳмонга кўй қа эчкиларни солиб отишга киришади. Шунда ёғий аскарлари: “Ёримасин, ёлчимасин, бу чўпон бизнинг ҳаммамизни қириб ташлайди-ку”, дея ортига қараб қочади.

Овда юрган Салор Қозон эса тунда ёмон туш кўриб, ўрдаси ва оиласида хавотирга тушади-ю, тонгда кўнғир отини эгарлаб, “Уч кунлик йўлни бир кунда босарман, агар уйим тинч бўлса, яна қайтарман”, дея шикорчи беклар-ла хайрлашиб, йўлга чиқади. У шамолдек елиб, юртига келса, қушлардан фақат кузгун қолибди, санқиб юрган тозилар қолибди.

Бу манзарани кўриб, кўзига ёш қалққан Салор Қозон ёғий изига тушади. У йўлида аввал сув, сўнгра бўри, ундан ҳам кейин кўппакни учратади,

уларга “Ўрдам хабарин билармисиз, айтинг манга”, дея илтижо қилади. Тасодифни қарангки, кўппак Қарочиқ чўпоннинг ити бўлиб, у Салор Қозонни ўз эгаси олдига олиб боради. Уни юз берган кулфатдан хабардор қилган Қарочиқ чўпон ҳам Салор Қозон ортидан эргашади. Зеро, бек ўз оиласини кутқармоқчи бўлса, чўпон эса қариндошлари ўчини олмоқчи эди. Шунда Қозон Салорнинг хаёлига: “Агар ёғий устига чўпон билан бирга борсам, ўғуз беклари ўртасида шарманда бўламан, чунки улар чўпонсиз ўзи душманни енголмасди”, дея ўйлашади деган фикр келади. У чўпонни бахайбат бир оғочга боғлайди-да, ўзи йўлда давом этар экан: “Аввал уйимни кутқарай, кейин сани қўйвораман”, деб ваъда беради. Қарочиқ чўпон бир юлкиниб, бахайбат оғочни қўпоради-ю, уни орқалаб яна Қозон хон ортидан чопади. Бу мардлиги бекка хуш келиб, унинг қўлларини ечади ва манглайдан ўпади. Шу тариқа улар душманни энди биргаликда таъқиб этишга киришадилар.

Бу пайт Шўкли Малик маишат қилиб ўтирар, Салор Қозонни яна қандай ҳақорат қилсам экан, деб ўйларди. Унинг кўнгли Салор Қозоннинг хотини Бурла Хотунни олиб келтириб, ўзи ва бекларига шароб қуйдиришни тусаб қолади. Бундан хабар топган Бурла хотин қирқ қиз ичига кириб ўтириб, уларга, Қозон хоннинг хотини ким дейишса, бир овоздан ман деб айтинг, деб буюради. Дастлабки уриниши зое кетган Шўкли Малик Бурла Хотун хийлага қарши шундай хийла ўйлаб топади. У, Ўрозни бўғзидан осинг, этини қийма-қийма қилиб, қовурдоқ пиширинг. Қовурдоқни ўша қирқ бир қизга едиринг, ким емаса ўша Қозоннинг хотини, деб буйруқ беради. Чорасиз қолган Бурла Хотун Ўрознинг олдига келиб, унга: “Не дерсан, ўғил, санинг этингдан еяйинми ёки бошқа динлининг тўшагига қирайинми? Оғам Қозон Бекнинг номусини синдирайинми, на қилайин, ўғлим-а?” деб нола чекади. Ўроз эса ҳеч ўйлаб ўтирмай: “Майли, этимдан узсинлар, қора қовурдоқ пиширсинлар. Қирқ бек қизларига улашсинлар. Улар бир бўлак еганда, сан икки бўлак егил, токи сани ўзга динли душманлар билмасинлар, сезмасинлар. Токи ўзга динлининг тўшагига бормагайсан, шаробини сузмагайсан, отам Қозон номусин ерга урмагайсан”, деб жавоб қайтаради.

Шу маҳал Салор Қозон ва Қарочиқ чўпон бу ерга етиб келади. Салор Қозон Шўкли Маликка мурожаат этиб, меним ўрдамдан ниманики талаган бўлсанг, майли, саники бўлсин, аммо манга оқ сут берган онамни қайтаргил, деб ундан илтимос қилади. Шўкли Малик эса бекни баттар таҳқирлаб, “Онани санга қайтармасмиз, уни Яйхон Кашиш ўғлига берурмиз, онанг Яйхондан ўғил туғар”, дея масхара қилади.

Шу пайт Салор Қозон кулфатидан хабар топган Ўғуз беклари етиб келишади-ю, ёв устига яшиндек от қўяди. Ўша куни қиёмат саваш бўлади. Кескир пўлат қиличлар сермалади, уч киррали ўқлар отилади, ўткир нишли гурзилар ёғилади. Салор Қозон жанг чоғи Шўкли Маликка дуч келиб, бўқиртириб отдан йикади, унинг ғофил бошини кесиб, қизил конини ерга тўқади. Шўкли Малик билан бирга ўн икки минг ёғий аскарлари ер тишлайди, ўғузлардан эса беш юз йигит шаҳид бўлади. Салор Қозон Ўғуз беклари билан бирга ўз ўрдаси, ўғли, онаси, хотинини кутқариб, яна юртига қайтади ва тахтига ўтиради.

3. Ич Ўғуз Таш Ўғузга итоат этмагани ва Байракнинг мадҳи хикояти. Қозон хон уч йилда бир марта Ич Ўғуз, Таш Ўғуз беклари-

ни жам этиб, ўз уйини яғмолатар эди. Бунда у хотинининг кўлидан тутиб, ташқарига чиқиб кетар, Ўғуз беклари эса уйдаги барча буюм ва жиҳозларни бўлиб оларди. Бу гал Қозон хон ўз уйини фақат Ич Ўғуз бекларига яғмолатадики, бундан Таш Ўғуз беклари хафа бўлиб, ҳеч бири унга саломга келмайди. Шунда Қозон хоннинг бекларидан бўлган Қилбош отлик киши: “Хоним, ман борайин, уларнинг дўстлигин, душманлигин билайин”, деб унга маслаҳат солади.

Қозон хон ижозати билан Қилбош бир неча одам ҳамроҳлигида Таш Ўғуз сари жўнайди. У Таш Ўғуз бекларидан Оруз Хўжанинг уйига кўнадики, зеро, бу киши Қозон хоннинг тоғаси эди. Қилбош Оруз Хўжани синаш учун кичик хийла ишлатади. Қозон хон, бошимга оғир кулфат тушди, устимга ёғий ёприлди, ҳеч бир чорасиз қолиб, ҳолим танг бўлди, Орузга бориб айтинг, кўмакка келсин, дея бизни жўнатди, деб арзи хол қилади. Оруз Хўжа эса бунга: “Қозон хон ўз уйини Ич Ўғуз бекларига яғмолатди, Таш Ўғуз бекларини кутмади. Шунинг учун биз унга душман бўлдик, бу гапни бориб Қозон хонга айт”, дея жавоб беради.

Шунда Қилбош устимизга душман бостириб келгани йўқ, ман фақат санинг дўстми ёки душманлигингни билмоқ учун шундай дедим. Энди аён бўлдики, сан Қозон хонга душман экансан, дея дадил ўрнидан қалқиб, унинг ўтовидан чиқади. Қилбошнинг бу қилиғидан ғазабланган Оруз Хўжа барча Таш Ўғуз бекларини жам этади. Дастлаб у беклар учун ўтовлар тиктириб, уларни зиёфат-ла сийлайди. Сўнг эса, ман Қозон хонга душман бўлдим, сизлар на дейсиз, дея савол беради. Таш Ўғуз беклари жавобини ровий бундай ифодалайди: “На деяр эдик, сан Қозонга душман бўлганингдан кейин биз ҳам душман бўламиз”, дейишди. Улар Оруз Хўжанинг қистови билан “Санинг дўстингга дўст, душманингга душманмиз”, дея онт ичишади.

Шунда Оруз Хўжа Таш Ўғуз бекларига бундай таклиф билдиради: “Беклар, Байрак биздан қиз олган, куёвимиздир, аммо Қозоннинг иноғидир, келсин, бизни Қозон билан яраштирсин, дейлик, алдайлик, ўрдамизга келтирайлик. Келиб бизга муте бўлса яхши, бўлмаса ман соқолидан тутайин, сиз қилич уриб пораланг, орадан Байракни олиб ташлайлик. Байрак кетгандан сўнг Қозон ила ишимиз енгил бўлар”. Алҳосил, Оруз Хўжанинг “Карам этиб, Таш Ўғузга кел ва бизни Қозон билан яраштир”, деган алдов хатига ишонган Байрак ҳеч пайсалга солмай етиб келади.

Оруз Хўжа Байракни ҳам Қозон хонга душман бўлиш ва шу ҳақда онт ичишга мажбурламоқчи бўлади. Аммо Байрак Қозон хоннинг тузини ичиб тузлуғига тупурайми, дея бўйин товлайди ва “Оруз, агар сенинг асл ниятингни билсам эди, темир тўнимни кияр, пўлат қиличимни олар, бошга дубулғамни кўндираар, ўткир учли найзамни тутардим-да, аскарларим ила бу ерга келар эдим. Сан мени алдов йўли билан асир этдинг, бу ишни хотинингдан ўргандингми, ярамас”, дея уни мулзам этади. Оруз Хўжа дарғазаб ҳолда Байракнинг соқолидан тутайди-да, бекларга боқади. Аммо беклар Байракни қилич билан нимта-нимта қилиш ўрнига миқ этмай тек туравердилар. Шунда Оруз Хўжа пўлат қиличи билан Байракнинг ўнг оёғини чопиб ташлайди. Бундан саросимага тушган беклар дарҳол тарқалиб кетади, Байракни ҳам отига миндириб, ўрдасига олиб боришади.

Байрак ўтовидан жон берар экан, агар Қозон хон манинг учун Оруз Хўжадан қасос олмаса, киёмат куни икки кўлим унинг ёқасида бўлади,

деб васият қилади. Қозон хонга Байракнинг ўлими ва васиятини етказишганда, у дастрўмолини кўлига олиб, хўнгир-хўнгир йиғлайди. Қозон хон етти кун мобайнида ўтовидан чиқмай, Байракка аза тутади.

Ич Ўғуз беклари Қозон хон олдига вакил киритиб, йиғламоқ ила иш битмас, Байрак санга садоқати боис ўлдирилди, энди унинг васиятини бажо келтирайлик, Оруз Хўжа устига юриш бошлайлик, дея талаб қўяди. Ич Ўғуз лашкари кеча-кундуз демай йўртиб, Таш Ўғузга етиб келади. Бу ердаги беклар ҳам аскар сафлаб, уларга пешвоз чиқади. Бу ёғини ровий куйидагича баён этади: “Оруз Хўжа майдонга чиқди, от кўйди. Қозонни чақириб: Хой ярамас, сан манинг душманамсан, кел бери, деди. Қозон қалқон ёпинди. Найзасини кўлига олди. Боши устида кўтарди, айтур: Хой ярамас, муҳаннаслик ила эр ўлдирмак қандай бўлур, ман санга кўрсатурман”, деди. Аввал Оруз Хўжа Қозон хонга қилич-ла ҳамла қилади. Бироқ Қозон хон қиличга эпчиллик билан чап беради. Сўнгра Қозон хон найза билан Оруз Хўжага ташланади. Найза Оруз Хўжанинг кўксини дабдала қилиб ўтади – у от устидан ерга қулайди. Шунда Ич Ўғуз бекларидан Қора Кўна отдан иниб, Оруз Хўжанинг бошини кесади. Буни кўрган барча Таш Ўғуз беклари отдан тушадилар, Қозонхоннинг пойида тиз чўкиб, ундан узр сўрайдилар. Қозон хон ҳам бағрикенглик билан уларнинг гунохидан ўтади. Шундан сўнг Оруз Хўжанинг эли ва моли яғмоланади. Ҳикоят Байрак учун қасос олган Қозон хон ғалаба шарафига катта тўй бериши билан якунланади...

Қадимги туркий халқларнинг табиат, жамият ва инсонга доир қарашлари, табиийки, “Кўркут ота китоби”нинг барча ҳикоятларига дурдек сочилиб кетган. Бинобарин, юқорида қисқача мазмуни баён этилган уч ҳикоят доирасидагина бу мавзунини батафсил ёритиш мушкул. Шу сабаб биз ўз таҳлилимиз учун шу уч ҳикоятни асос қилиб олсак-да, бироқ зарурат туғилганда бошқа ҳикоятларга ҳам мурожаат этамиз.

Маълумки, қадимги туркий халқлар ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечган. Улар ҳар бир нарсага табиатдан киёс излар, ундан андоза қидирав эди. Чунончи, биз “Кўркут ота китоби”даги кўплаб ҳикоятларда Ўғуз беклари ўтови тасвирига дуч келамиз. Бир неча ҳикоят ҳатто персонажнинг бирор ўтовда меҳмон бўлиши воқеаси билан бошланади. Юқорида қисқача мазмуни баён этилган “Дирса хон ўғли Бўғоч хон ҳикояти” ва “Салор Қозоннинг уйи талон-тарож бўлгани ҳикояти” ҳам ана шу сирага киради. Фольклоршунос олим Шомирза Турдимов қадимда ажодлар ўз иморатига Оламнинг нусхаси деб қараганини таъкидлайди. Бунда ўтовларнинг ён тарафи Ер, шифт қисми эса Осмон тимсоли деб олинган (*Шомирза Турдимов. “Том устига том солдим”. “Ёшлик” журнали, 1988 йил, 7-сон, 75-бет*). Қадимги ажодлар наздида, одам танасида бош қанчалик азиз саналса, ўйда том ҳам шунчалик мўътабар кўрилган. Уй томига ҳатто Буюк Яратгувчи билан боғлаб турувчи восита деб қаралгани ҳақида далолатлар бор. Демак, ўғуз ўтовлари рамз ўларок табиатнинг ўзи эди, деб айтсак асло муболаға бўлмайди.

Бундан ташқари, “Кўркут ота китоби”да туркий қавмлар нознеъматларни бевосита Табиатдан олган илк даврлар изи аниқ кўринади. Зеро, ўғузларнинг энг биринчи меҳнат тури овчилик эдики, шу боис мазкур эпосда ҳам ов мотиви етакчи мотивлардан ҳисобланади. Тарихдан аёнки, ов қадимги туркий халқлар учун Оламни билишнинг илк дарсхонаси бўлган. Зеро, улар ов бароридан келиши учун яқину олисдаги тоғ ва

даралар, улардаги хайвон ва паррандаларни билишигина кифоя қилмас эди. Улар айна чоғда йил фасллари, куёш ҳаракати, юлдузлар жойлашуви, жазирама ва қаҳратон, булут ва чакмоқ, шамол ва ёмғир каби табиат ҳодисалари ҳақида ҳам билимга эга бўлиши тақозо этиларди. Уларнинг кейинчалик чорвадор халққа айланишида ҳам овчилик пойдевор ролини ўйнайди.

Ов мотиви ишланган ҳикоятлардан ўғузлар шикор пайти асосан кийик тутганини кўриш мумкин. Бундан эса ўғузлар яшаган ҳудудда ушбу хайвон тури кўпроқ учраганини англаса бўлади. Бироқ улар, “Кўкут ота китоби” гувоҳлик беришича, ўз ўлжаларига ва шу ўлжалар орқали бутун Табиатга вайронкор муносабатда бўлмаган. “Багил ўғли Эмран ҳикояти”да Бойинтур хон Багилни овга олиб чиққанда, у семиз кийикларни бўғизлаб, ориқ кийикларни кўйиб юборишини бунга далил сифатида келтириш мумкин. Шу тариқа қадимги аجدодларимиз табиатда мувозанат сақланиб туришини таъминлаганлар.

“Кўркут ота китоби”да қуш ва хайвонларнинг айримлари инсонга дўст, айримлари эса ғаним сифатида таърифланади. Бу ҳам ўша замонлардаги ўғузларнинг табиатга доир қарашларига ҳамоҳангдир. Чунончи, қузғун – душман, ит эса – дўст сифатида тасвирланади. “Дирса хон ўғли Бўғоч хон ҳикояти”да эри овдан ўғлисиз қайтганидан кўнгли ғаш тортган она фарзандини излаб чиққанда, бир дара устида гоҳ кўниб, гоҳ учаётган қузғунлар орқали ярадор ўғлини топади. Бу қузғунлар ҳаргиз Бўғочнинг устига кўниб, уни чўкишга ҳаракат қиларди. Аммо Бўғоч хон овга ўзи билан олиб чиққан кўппак уни қузғунлардан қўриқлаб турарди..

Қадимги туркий халқлар яра ва касалликларга шифони ҳам табиатнинг ўзидан, ундаги гиёҳлардан излаган. “Кўркут ота китоби”да ўғизларга доривор гиёҳлар ҳақидаги илмни Яратган иродаси-ла фаришталар ўргатганига ишоралар бор. Бўғоч хон тоғ-тошда бир ўзи ярадор ҳолда қолиб кетгани ҳақидаги эпизодга яна бир қарра эътиборни қаратайлик. Бир пайт унинг устида яшил тўнли, бўз отли чол пайдо бўлади-да, ярасини уч марта силаб, “Кўркма ўғлон, санга бу ярадан ўлим йўқдир, тоғ чечаги-ла она сути ярангга малҳам бўлар”, деб кўздан йўқолади. Дарҳақиқат, қирқ қиз териб келган чечак она сути билан қориб босилганда, Бўғоч хон тез орада буткул соғайиб кетади. Шу лавҳадан ҳам туркий халқлар қадимданок табиатга яшил дорихона деб қараганини билиб олиш мумкин.

Шуниси диққатга моликки, бизнинг аجدодларимиз, бугунги инсониятдан фарқли ўлароқ, ўзини табиатга ёт ва ундан устун ҳис қилган эмас. Улар табиат ва ундаги бутун жомадот, наботот ва хайвонот дунёсини ўзига қон-қардош ва тенг деб билган. Чунончи, улар бўрини тотем сифатида алоҳида ардоқлаб, ўз илдизларини шу хайвонга олиб бориб боғлаган. “Салор Қозоннинг уйи талон-тарож бўлгани ҳикояти”да ушбу ўғуз беги бўрига дуч келганда, бўрининг юзи муборақдир, дея у билан бамисоли инсондек дардлашади:

*Қоронги оқшом тушганда кунни туққан,
Қор ила ёмғир ёққанда эр каби турган,
Қорабайир отни кўрса, кишинаттирган,
Қизил туяларни кўрса, бўкиртирган,
Қўйни кўрса, думини қамчидай урган,
Эркагин, семизин олиб қочган...*

*Овози кўппакларга қўрқув солган,
Ўт ёқтириб чўпонларни зир югуртган,
Жунлари юлинган, ҳей қулранг бўри,
Ўрдамнинг хабарин биласанми, айтгил манга,
Қора бошим қурбон бўлсин, бўрим, санга.*

Шунингдек, Салор Қозон, “Ҳақ дийдорин кўрар”, дея сувга ҳам ҳасратини тўкиб солади. Бундан қадимги аجدодлар қуш ва ҳайвонлар, сув ва дарахтларга сўзлаб, ғусса ва изтиробларини енгиллатганини англаш мумкин.

“Кўрқут ота китоби”даги ўғизлар ва табиат мавзунини яна узоқ таҳлил этиш мумкин. Бирок бу хусусдаги сўзимизни мухтасар қилиб, унга шундай хулоса яшани лозим топамиз. Қадимги туркий халқлар табиатни ўзига она, ундаги жомадот, нобатот ва ҳайвонотни эса ўз жигарлари деб билган. Уларга худди ўзи каби онг эгаси деб қараб, кези келганда дардлашган, ҳасратлашган. Ана шундай ёндашув табиатда мувозанат сақланишига ва унда тоғ-тош, ўт-ўлан, қуш ва ҳайвонлар уйғун яшашига имкон яратган.

“Кўрқут ота китоби”да қадимги ўғузларнинг жамиятга доир қарашлари янада кенг ифода топган. Эпосдан бу элнинг аҳолиси Ич Ўғуз ва Таш Ўғуз деб аталган икки жузга бўлиниб яшаганини билиш мумкин. Одатда, Ич Ўғуз ҳукмрон бўлган ва Таш Ўғуз унга бўйсунган. Аммо бу ҳудудлар ўртасидаги муносабат ҳар доим ҳам зиддиятдан ҳоли бўлавермаган. Баъзан Таш Ўғуз беклари Ич Ўғуз беклари билан ёвлашган ва орада низолар келиб чиққан. “Ич Ўғузга Таш Ўғуз итоат этмагани ва Байракнинг мадҳи ҳикояти”да ҳар уч йилда бир бор уйини яғмолатган Қозон хоннинг бу гал Таш Ўғуз бекларини кутмай, фақат Ич Ўғуз бекларига уйини талатиши ана шундай ихтилофга сабаб бўлиши тасвирланади. Ҳикоятдан ўша кезларда ҳам эл-улуслар турли низоларни тинч, сиёсий йўллар билан ҳал этишга интилгани, шу мақсадда бир-бирига элчилар юборгани маълум бўлади. Қозон хон Ички Ўғуз номидан Таш Ўғузга Қилбош исмли бекни элчи сифатида жўнатади. Қилбош ва Оруз суҳбатидан элчилар ўз мақсадига эришиш учун ҳар хил усуллардан фойдалангани, баъзан эса ҳийла ҳам ишлатганини кўриш мумкин. Қилбош Қозон хон устига душман ёпирилди, у сандан мадад сўраётир, деган ҳийла орқали Оруз Хўжанинг қора ниятини билиб олади. Таш Ўғуз беклари муросаи мадорага кўнмагач, икки ўртада уруш бошланади.

Қадимги ўғузлар орасида урушнинг ҳам ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд бўлган. Урушга, одатда, юқори табақа вакиллари – хон ва беклар сабаб бўлгани учун кўпинча уларнинг яккама-якка олишуви жанг тақдирини ҳал қилган. Юқоридаги ҳикоятда ҳам Қозон хон ва Оруз Хўжа ўзаро беллашиб, Қозон хон Оруз Хўжани ўлдириши Ич Ўғуз ва Таш Ўғуз душманлигига чек қўяди. Оруз Хўжа тарафдори бўлган беклар Қозон хон олдида тиз чўкиб, кечирим сўрайди ва уларнинг кечирими қабул қилинади.

“Кўрқут ота китоби”дан кўринадики, ички ихтилофларга чек қўйишининг ўзиёқ ўғузларнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлай олган эмас. Ташқи душманлар ҳам қулай вазият етилди дегунча уларга қуролли ҳамлалар қилиб турган. Ташқи душманларга эса бу ҳақдаги маълумотларни ўғузлар ичида яшириниб юрган жосуслар юбориб турган. Зеро, ўша вақтларда босқинчилик катта бойлик орттиришнинг энг осон ва кенг ёйилган йўли эди. “Салор Қозоннинг уйи талон-тарож бўлгани

ҳақида ҳикоят”да ҳам ташқи душманнинг қулай пайт топиб, ўғузлар ўрдасига босқин уюштириши тасвирланади. Қозон хоннинг зиёфат пайти шароб таъсирида шикорни хоҳлаб қолиши у бош бўлган уруққа оғир мусибат олиб келади. Қозон хон овга чиққанидан фойдаланган Шўкли Малик унинг ўрдаси-ю мол-давлатини талон-тарож этиб, онаси, хотини ва ўғлини асир этиб ҳайдаб кетади. Оқибатда Шўкли Малик ва Қозон хон ўртасида уруш юзага келади. Ушбу ҳикоятдан қадимги ўғузлар ташқи душманга қарши бир тану бир жон бўлиб курашганини билиб олиш мумкин. Шундай қалтис вазиятларда улар ички ихтилофларни бир четга суриб қўйиб, ташқи душманга баҳамжиҳат қақшатқич зарба беришган.

“Кўркут ота китоби” гувоҳлик беришича, ўғузлар жанг олдидан гумбур-гумбур ноғоралар ва тунж карнайлар чалиб, душман қалбига кўркув солганлар. Бу овозлар, душман жангчиларидан фарқли ўлароқ, ўғуз аскарлари қалбига шижоат бахш этган. Улар душманни ерга урувчи сўзларни бақириб айтиб, улардаги жанговар руҳни сўндиришга ҳам ҳаракат қилишган. Қадимги ўғузлар кўшинни марказ ҳамда ўнг ва сўл қанотларга ажратиб жанг қилгани ҳам эпосда ўз аксини топган. Улар асосан от устида туриб жанг қилган, қилич, найза, гурзи, палаҳмон каби қурооллардан моҳирона фойдаланган.

Қадимги туркий халқлар учун уруш асосий машғулотлардан саналса-да, бироқ улар тинч меҳнатни ҳам юксак қадрлаганлар. “Кўркут ота китоби”га таяниб айтилса, улар хўжалигида чорвачилик етакчи ўринни ишғол қилган. Ўғузлар тоғлар этагидаги табиий яйловларда туя, йилки, қўй, эчки бокқан. Зиёфатларда дарё-дарё кимиз куйилгани ҳақидаги муболағадор тасвирлардан бия сutiдан кимиз тайёрлаш кенг тарқалганини англаш мумкин. Айни чоғда чорва ҳайвонлари гўшт учун ҳам парвариш қилинган. Бунга ўша зиёфатларда тепа-тепа гўшт тортилгани ҳақидаги лавҳалар далил бўла олади.

“Кўркут ота китоби”дан ўғузлар ўртасида хунармандлик ҳам бирмунча ривожланганини ҳам билиб олиш мумкин. Биргина ҳарбий мақсадларга хизмат қилувчи буюм ва қурооллар яшашнинг ўзини олиб кўрайлик. Жангчиларга пўлат кийим, дубулға тайёрлашдан қилич, найза, гурзи ясашгача, буларнинг бари темирчилик хунари кенг ривожланганини тақозо этмайдами?!

Турмуш эҳтиёжлари учун уй-жой ва рўзғор жиҳозлари – ўтов ва соябонлар қуриш, гилам ва ипақлар тўкиш эса иморатсозлик ва тўқимачилик ҳам анча тараққий этганидан далолат беради. Ҳикоятларда бекларга шароб олтин қадаҳ ва биллур шишаларда узатилгани тасвирланади. Бундан эса шундай буюмлар ясашга доир хунар турлари ҳам ўғузларга ёт бўлмаган, деб хулоса қилиш мумкин.

Албатта, ўғузлар ўз эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларнинг барчасини ўзлари ишлаб чиқарган эмас. Демак, улар бошқа юртлар билан савдо алоқаларини ҳам кенг йўлга қўйган, ўзлари етиштирган молларни четга сотиб, четдан эса зарур молларни харид қилган. “Кўркут ота китоби” мутолаасидан юзага келган бу фикрлар қадимги туркий халқларнинг жамоавий ҳаёти-ю жамият ҳақидаги қарашларини бирмунча ойдинлаштиради.

Бир сўз билан айтганда, исломгача бўлган даврдаёқ ўғузларда жамият тизим сифатида шаклланиб улгурган, у ҳақда аниқ қарашлар юзага келиб бўлган эди. Бу тизим ва қарашлар жамиятнинг ҳар тўрт соҳаси, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларни бирдек камраб олганди.

Табийки, қадимги туркий халқларнинг инсонга доир қарашлари уларнинг табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурлари билан уйғун ҳолда шаклланган. Олис даврларда ташқи ҳамла ва ички ихтилофлардан ҳимояланиш ҳаёт-мамонт масаласи саналгани боис аввало эркаклар, қолаверса, аёллар ўртасида ҳам жанговарлик, ботирлик, мардлик каби фазилатлар юксак қадрланган. Биринчи галда ўғуз асилзодалари – хон ва беклар ўзида ана шундай фазилатларни тарбиялашга ҳаракат қилганлар. Зотан, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини даставвал қандай жанг қилиши-ю қандай қахрамонликлар кўрсатиши белгилаб берган. “Қозон бек ўғли Ўроз бекнинг тутқун бўлгани ҳикояти” айна шу ҳақдаги эпизод билан бошланиши асло бежиз эмас. Унда баён этилишича, Қозон бек Таш Ўғуз ва Ич Ўғуз зодагонларини чорлаб, катта зиёфат уюштиради. Ровий бу ҳақда: “Ўғли Ўроз қаршисида ёйга суяниб турар эди. Ўнг ёнида Қозоннинг қардоши Қора Кўна ўтирарди. Сўл ёнида дойиси Оруз ўтирарди. Қозон бек ўнг ёнига боқди, қаҳ-қаҳ кулди. Сўл ёнига боқди, кўп севинди. Қаршисига боқди, ўғли Ўрозни кўрди, чапак чалди, йиғлади”, деб ҳикоя қилади. Ўроз отасининг бу ишидан ҳайрон қолиб, ундан бунга изоҳ сўрайди. Шунда Қозон бек: Ўнг ёнимга боқиб, Қора Кўнани кўрдим, у жанг қилган, ёвни қирган, ном қозонган. Сўл ёнимга боқиб, Орузни кўрдим. У ҳам жанг қилган, ёвни қирган, донг таратган. Қаршимга боқиб, сани кўрдим. Сан жанг қилмадинг, ёвни қирмадинг, ном қозонмадинг. Агар куним битиб, ман ўлиб, сан қолсанг, маннинг тожу тахтимни санга бермаслар, деб сўнгини ўйлаб йиғлайман, ўғил, дея жавоб қайтаради. Дарҳақиқат, ўғузларнинг ёғийлар билан жангларида энг кўп жасоратни айнан хон ва беклар кўрсатади.

Бирок жанговарлик, ботирлик, мардлик оддий халқ вакиллари учун зарур фазилат саналган. Бунга “Салор Қозоннинг уйи талон-тарож бўлгани ҳикояти”даги Қарочиқ чўпон образи ёрқин далил бўла олади. У Қозон хоннинг ўн минг кўйлик сурувини Шўқли Маликнинг олти юз аскардан қахрамонона ҳимоя қилади. Қарочиқ чўпон палаҳмон ёрдамида уч юз душман аскарини ер тишлатади. Унинг бу жасорати ҳам асарда ғоят муболағадор тасвирланади.

Шунингдек, жанговарлик, ботирлик, мардлик фазилатлари ўғуз аёлларига ҳам ёт бўлмаганини кўриш мумкин. “Қангли Хўжа ўғли Қон Тўрали ҳикояти”да ана шундай ўғуз аёлларидан бири – Салжан Хотун образи чизилади. Салжан Хотун ўзи ва Қон Тўралининг ортидан кувиб келган олти юз ёғий аскарига қўрқмай юзма-юз чиқади, ҳатто эри яраланиб, душман қуршовига тушиб қолганда уни ўлимдан қутқаради.

Қадимги туркий халқлар мамлакатда тинчлик, осойишталик, барқарорлик бўлиши аҳолининг моддий турмушига боғлиқлигини чуқур англашган. Улар фаровон турмушни таъминлаш ҳукмдорларнинг бурчи, амалдорларнинг вазифаси деб қарашган. Шу боис ҳукмдор ва амалдорларнинг бойликка ҳирс кўйиши, маишатпарастликка берилиши қаттиқ қораланган. Чунки бойликка ружу қўйган, маишатга муккасидан кетган, ахлоқий бузуқ ҳукмдору мансабдорлар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий таназулга учратган. “Кўрқут Ота китоби” ҳикоятларида ҳам ҳукмдорларнинг бойликка муносабати орқали уларнинг феъл-атвори, ўй-фикрлари кенг очиб берилган. Масалан, “Ич Ўғузга Таш Ўғуз итоат этмагани ва Байракнинг мадҳи ҳикояти”да Қозон хоннинг ҳар уч йилда бир марта ўз уйини яғмолатиши акс эттирилади. Бу

эса Қозон хоннинг мол-мулкка ўч бўлмагани, шахсий бойлик орттиришга ружу қўймагани, аксинча, жуда саховатли, қўли очик инсон бўлганини билдиради. Оруз Хўжа эса, унинг акси ўлароқ, мол-давлатга ўч, иззат-талаб шахс. У биргина яғмода қатнашмагани учун Ич Ўғуз билан Таш Ўғуз ўртасида уруш келтириб чиқаради. Ўз нафсининг қули бўлган бу кимса, охир-оқибат, нобоп феъли сабаб аянчли ўлим топади. Ҳикоятда Оруз Хўжанинг қисмати мисолида бойлик орттиришга берилиб, худбинлик кўчасига кириш гумроҳлик экани кўрсатилади.

“Кўркут ота китоби” гувоҳлик беришича, ўғуз жамиятида оддий халқ хон ва бекларга садоқат билан хизмат қилган. “Салор Қозоннинг уйи талон-тарож бўлгани ҳикояти”даги Қарочик чўпон, “Ич Ўғузга Таш Ўғуз итоат этмагани ва Байракнинг мадҳи ҳикояти”даги Байрак образлари мисолида бунга етарлича ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шўқли Малик аскарлари Қарочик чўпонга, агар Салор Қозоннинг қўйларини бизга жангсиз топширсанг, санга Шўқли Маликдан беклик унвони олиб берамиз, деб ваъда қилишади. Бироқ Қарочик чўпон ўз хожасига ва унинг омонати-га хиёнат қилмайди, аксинча, садоқат намоён этиб, талончи аскарларни кувади. Байрак эса Оруз Хўжанинг, биз Салор Қозонга ғаним бўлиб, бунга онт ичдик, сан ҳам унга душман бўлиб, онт ич, деган гапига: “Ман Қозоннинг неъматини кўп емишам,/ Билмас бўлсам, кўзим ўйилсин”, – дея қатъий рад жавоби беради. Ана шу садоқати учун у Оруз Хўжа қахрига учраб, ўнг оёғидан айрилади.

“Кўркут ота китоби”да фарзандларнинг ота-онага юксак ҳурмат-эҳтироми акс этган таъсирчан лавҳаларни ҳам кўплаб учратиш мумкин. Бир неча ҳикоятларда ўғиллар ўз ота ва оналари шаъни йўлида ширин жонидан ҳам кечишга тайёрлиги тасвирланади. Масалан, “Қозон бекнинг ўғли Ўроз бекнинг тутқун бўлгани ҳикояти”да ота ёғиллар қўлида асир ётган ўғлини қутқармоқчи бўлиб борганида ўғил у ҳам асирликка олиншидан хавотирга тушиб, отасидан ўрдасига қайтишни илтимос қилади. “Мени душмандан халос қиламан деб, ўзингни хатарга қўйма. Ўғил учун отанинг ўлими айб бўлади. Ортингга қайтгин-да, қариган онамга таянч бўл, сингилларимни йиғлатма. Уч ойда уйга қайтмасам, мени ўлди деб ҳисоблаб, айғир отимни сўйдириб, элга ош бергин. Онам мотам тутиб, кўк кийиб, қора ёпинсин. Худо берса, мендан яхши ўғил кўрарсан”, дейди у отасига. “Салор Қозоннинг уйи талон-тарож бўлгани ҳикояти”да эса Бурла Хотун Шўқли Маликка шароб қуйиб беришу унинг тўшагига киришдек шармисорлик ёки ўғли Ўрознинг қатл этилишидек бахтиқароликдан бирини танлашга мажбур бўлганидани ўғил онасига мана бундай сўзлар билан далда бўлади:


*Ҳей она,
Араби отлар бўлган жойда
Бир қулун бўлмасми, бўлур!
Қизил туялар бўлган жойда
Бўталози бўлмасми, бўлур!
Оппоқ қўйлар бўлган ерда
Бир қўзичоқ бўлмасми, бўлур!
Сан соғ бўл, она,
Отам соғ бўлсин,
Бир манинг каби ўғлингиз бўлмасми, бўлур!*

Ўроз ана шу сўзлар билан Салор Қозон ва Бурла Хотун ор– ному- си ҳаққи ўз жонидан кечишга шайлигини билдиради. “Кўрқут ота китоби”дан фарзандлар ўз ота-онасига хурмати ва муҳаббатини уларнинг кўлини ўпиб намоён этганини ҳам билиб олиш мумкин. Шунингдек, ота- оналар ўз фарзандига меҳри ва иззатини уларнинг бўйнидан ўпиб намоён этганига-да гувоҳ бўламиз.

“Кўрқут ота китоби”да ўғуз беклари кўпинча ичкиликбозлик сабаб оғир аҳволга тушиб қолгани таъкидланади. Зеро, шароб ичганида киши- лар одатдагидан бошқа бир ҳолатга кириб, хушёрлигини йўқотади. Бун- дан эса уларнинг мол-давлатига яширикча кўз тиккан душманлар фойда- ланиб қолади. “Салор Қозоннинг уйи талон-тарож бўлгани ҳикоятида” ўғуз беклари сархушлик боис зарур ҳимоя чораларини кўрмай, овга чиқиб кетади. Оқибатда Шўқли Малик Салор Қозоннинг ўрдаси, оиласи ва мол- мулкини осонгина қўлга киритади. “Дирса хон ўғли Бўғоч хон ҳикояти”да эса Бўғоч хон душман йигитлари шаробхўрлик қилиб ўтиргани учун уларни тезда енгади. Шу тариқа Кўрқут ота тилидан, ҳалокатга юз тутмай десангиз, шаробхўрликдан сакланинг, дея панд-насихат қилинади. Зеро, Шайх Низомий Ганжавий “Хамса”сининг илк достони “Махзан ул-асрор” (Сирлар хазинаси)да ҳам: “Майки ҳалол эрди ўшал ҳар мақом,/ Ақлга душманлиги этди ҳаром/ Гарчи май андуҳи жаҳонинг олар,/ Ичма уни, иззати жонинг олар,/ Май жигарингга тўкилур мисли туз,/ Ичсин уни, майли, неча бетамиз./ Ичма, сенга касрини этгум хабар,/ Ул сенинг жо- нингдан этар беҳабар./ Беҳабар ул, кимки уни тотгуси,/ Бир йўла ғафлатга кейин ботгуси”, дейилган (*Шайх Низомий Ганжавий. Махзан ул-асрор. Достон. – Тошкент: “КАМАЛАК” навириёти, 2016. – 216 б. – 176-бет.*)

Эпосда қадимги туркий халқларнинг инсонга доир қарашлари мақолу маталлар воситасида ҳам ифода этилади. Чунончи, “Ушун Хўжа ўғли Саграк ҳикояти”да “Қари тутнинг бағри, ўксук (етим) ўғлоннинг тили аччиқ бўлур”, деган мақол тилга олинади. Мақолнинг маъноси шуки, қари тут танаси курукшоқ бўлади, шу сабаб унда уя қурган битлар чанқаб, кимга ёпишса, қаттиқ тишлаб, қонини сўради. Етим бола эса ота-онаси бор тенгдошларидан ўзининг камлигини ҳар қадамда ҳис қилиб, азобла- ниб ўсади. Шу сабаб у аламзада, тили аччиқ бўлиб улғаяди. Етим болалар ўзига сал азият етказган кишидан ҳам аёвсизларча ўч олади. Ровий ҳаётда кўп кузатиладиган ана шу ҳақиқатга ишора қилиб, етимларга озор бер- масликка чақиради.

“Кўрқут Ота китоби”нинг ҳар бир ҳикояти шу мазмундаги хотима билан яқунланади: Бу инсонлар “дунёга бир келди-кетди; карвон каби кўнди, кўчди. Уларни ажал олди, ер гизлади. Фоний дунё кимга қолди? Келимли-кетимли дунё, сўнгги учи ўлимли дунё. Қора ўлим келганида йўл беришсин; оқ имондан айирмасин”. Ҳа, инсон ҳаёти – адабий эмас, у ўзига берилган умрни бошқа инсонларга, жамият ва табиатга фақат эзгу муносабатда бўлиб ўтказмоғи керак. “Кўрқут ота китоби”нинг бош ғояси, асосий фалсафаси ана шу!



МАШРАБ ҒАЗАЛИЁТИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР

Истиқлол йилларида тасаввуф таълимотига бағишланган илмий-бадиий тадқиқотлар сезиларли даражада кўпайди. Куръон ва ҳадислар, тасаввуф алломалари асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниши маънавий-маърифий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди, тасаввуфга оид тасаввуримиз анча тиниқлашди. Жумладан, Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди хусусидаги айрим баҳслар ўзининг адолатли ечимини топди.

Машраб ғазалларида бу оташин шоир ўзидан олдин яшаган мутасаввиф ижодкорларнинг асарларини ўрганиб, уларнинг таълимот ва тасаввуфий қарашларини ривожлантирганини кўрамиз. У “Ал-фақру-фахр” – фақирлик фаҳримдир” ғояси моҳиятидаги мазмунни идрок ва мушоҳада этгани ҳолда тасаввуфнинг қаландария тариқати асосида эл-юртга маърифат тарқатди. Дунёни кезди, фақиру гадоларга “дили ситамдан яро бўлган халқ” – мазлумлар жароҳатига малҳам қўйди. Подшоларнинг тухфа-ю инъомларини халққа берди, қаландарлик орқали эл-юрт дардидан огоҳ бўлди, ҳукмдору бекларга адлу инсоф, адолату шафқат тилаб халқ ҳолидан хабар олишга чақирди, дардлилар ҳолидан хабар олишни бурчи деб билди. “Маърифатдан беҳабарсан, мижмаримни кавлама”, дейди у маърифатсизларга. Унинг тасаввуфий ғоялари ундан кейин ижод этган қалам аҳлига, шоиру олим, адибу санъаткор руҳониятини ёруғ, равшан этиб келаётганлиги мутафаккир шоир шеъриятининг боқийлигидан далолатдир.

Машраб Хожа Аҳмад Яссавий томонидан майдонга ташланган халқчил ғояларни қабул этар экан, зулмга қарши чеккан ўтли оҳим билан истибдод аҳли ва уларнинг афсоналарини куйдириб ташлашга қодирман деб, мустабидларга нисбатан нафратини журъат билан ифодалади:

*Нолаю оҳим билан дўзахни куйдурсам керак,
Ҳам беҳишту жаннатул маъвони куйдурсам керак.
Хўжа, охунду ақобир муллою шоҳу гадо,
Беғу хону, жоҳилу донони куйдирсам керак.*

Машраб ижоди мутлақ сўфиёна ғояларни ташвиқ қилиш анъанасидан илғор ва демократик адабий ҳаракатчилик поэзиясига яқинлашиш ва ўтишда муҳим кўприк ролини ўйнади, деб айтиш мумкин. Зотан, шоирнинг “Сўфи Машраб”, “Эшон Машраб”, “Шайхи Машраб” эмас, балки, “Девона Машраб”, “Қаландар Машраб” сифатида машҳур бўлиб, катта шуҳрат ва обрў қозонганлиги юқорида келтирилган фикрларнинг қалб тўридан отилиб чиққанини қувватлайди.

Бу жиҳатдан қараганда Машраб шеърияти чин ва муайян фуқаролик руҳи ва характери касб этиб, шоир ижодида замона учун муҳим бўлган ижтимоий ахлоқий муаммоларни майдонга ташлашга интилиш майллари очиқ-равшан сезила бошлайди.

Машраб бир мухаммасида дейди:

*Шариат шарбатин ичган, тариқат ҳалқасин тутган,
Балолар шоҳини суйган, адолат кўзини ўйган,
Залолат кўйида юрган, ки давлат шавқини сурган,
Жаҳон майдонида турган, тазаллум йўлига кирган,
Забункаш хайлини чўблаб (кетига) тепганим беҳроқ.*

Бу мисраларда шоир ҳажвларига хос бўлган характерли белгилар яққол бўриб туради, бу ва шунга ўхшаш ўтли ҳажвий мисралар рус мунаққиди В.Г.Белинский тили билан айтганда: "... камчиликларни, кишиларнинг заиф томонларини, қабоҳатларни масхаралаш бўлмай, балки аччиқланган ҳиснинг ҳаммаси, энергияси, олижаноб ғазабнинг момақалдироси ва чақмоғи" бўлиб жаранглайди.

Адабиётшунос Ҳ.Болтабоев Фитратнинг "Машраб" илмий-тадқиқий мақоласига чуқур муносабат билдириб, уни таҳлил этган, айти ҳолда "Икки Машраб" ихтирочиларининг фикри асоссиз эканлигини исбот этиб ёзади: Фитрат 1930 йилдаёқ бу хавфни сезган бўлса керакки, "Икки Машрабчилик" ғояси кенг ёйилишига йўл қўймаслик учун дастлаб, манқабача ҳақрамони билан бизга яхши таниш бўлган шоирнинг бир шахс эканини исбот этган, сўнгра эса, "Мабади нур"нинг муаллифи масаласига аниқлик киритиб, унинг Бобораҳим Машраб асари эканини исботлаб берган. Бу билан ҳам қониқиш ҳисси туймаган олим Машрабга нисбатан динсиз, даҳрий, материалист каби баҳо беришлар ўринсиз бир ҳаракат эканига ўз ўқувчиларини ишонтирган эди: "Машраб мутасаввиғдир ва мутасаввиғ бўлгани учун материалист ва динсиз бўла олмайди. Унинг шеърларининг ҳар қатига муни кўриб бориш мумкин. Манқабачадаги баъзи ҳикоя ва шеърларга алданиб, унга бошқа қиммат бериш ярамайди. Бутун илоҳиёт фалсафасига мансуб оқимларда бўлгани каби тасаввуф оқими ҳам ақл ва мантиқ даражасида ўз мақсадини изох қилишдан ожиздир".

Устоз Нажмиддин Комилов Машраб ботинидаги дардни таҳлил этиб шундай ёзади: "У маърифат аҳлининг кушандаси, солих, ҳалол одамларни хор этган нотанти, кажрафтор фалакнинг "устига ўтлар кўйиб", барбод этмоққа чоғланади. Шеърларини "дарднома", ўз юрагини эса "жароҳатхона", "ҳасратхона", "мотамкада" деб атайти. У шариат, тариқат, маърифат йўлидан бориб, Ҳақ ва ҳақиқатга эришишни орзу этган, Яратганининг нурли жамолини кўришга иштиёқманд, "муҳаббат ўтида куйган":

*Шариат шарбатин тотган, тариқат ҳалқасин тутган,
Ҳақиқат ёрини суйган, разолат кўзини ўйган,
Малоҳат кўйида юрган, шарофат шавқини сурган,
Жаҳон майдонини кезган, муҳаббат ўтида куйган,
Суяр қуллар изини кўзларимга сурганим беҳроқ.*

Адабиётшунос Иброҳим Ғафуров Машрабни "фақирлар шоҳи" деб атаган: "Баъзилар Машрабни авлиё деб биладилар, бошқа бировлар Бобораҳим Машраб – улуг шоир, деб айтадилар. Кимларгадир Машраб – сўфий, дунёни саргашта кезган, кўнимсиз, тинимсиз қаландар. Оддий

қаландар эмас, қаландарлар шоҳи. Барча фақирларнинг шоҳи, яъни шоҳ Машраб. Тириклик чоғида ва ундан сўнг бир қанча замон Машраб оддий халойиқ орасида “девона Машраб” деган ном билан шуҳрат қозонган. Унга Машрабнинг ўзи асос берган. У онгли суратда девоналик йўлини танлаган. Бир қанча ғазалларида ўзини девона деб атайди. Девона эканлигини тўхтовсиз таъкидлаб боради... Машраб замонасида – ўн еттинчи асрда девона деганда дунёни – моддий дунёни тан олмаган, мол-давлат йиғмаган ва ҳатто бола-чақа орттирмаган дарвишваш, қаландарваш кишиларни девона дер эдилар. Девоналик асли бу ўзини ва дунёни бениҳоя теран англаш ва билиш бўлса керак. Шу асосда девоналик ўзликдан ва дунё меҳридан кечиш, яъни ўзини бутунлай унутиш бўлса керак. “Соқийи азалдан майи антаҳур ичибман, Бас онинг учундир манга бу нашъаи даврон”, дейди Машраб.

Машраб шу хусусда айтади:

*Май ичиб азалдин, маст кетти оқибат,
Жонни бермасдин бурун, жононга етган бормукин?*

Сайдо ал-Жазарий ёзади: “Авлиёуллоҳлар гуноҳдан маъсум эмас, бироқ маҳфуздирлар, яъни ҳимоялангандир. Аллоҳ таоло инсонларни фарқли фитратларда яратган. Баъзи мўминлар борки, қалбда зикр қилишдан қалблари таскин топади. Баъзилар жаҳрий зикрни; жамоат ичида овоз чиқарган ҳолда зикр қилишни ёқтиради. Аллоҳ инсонларни ана шундай яратган, демак, иккисига ҳам эҳтиёж бор”.

Машраб зулм ва зулмкорларга бепарқ яшай олмасди. Бундай кишилар ҳар қандай вазиятда ҳам золимлар олдида тиз чўкмайдилар. Балх ҳокими Маҳмуд Машрабдан уламолар қошида бир мартагина узр сўрашни сўраганда, у “тупирган тупигимни қайтиб олмасман”, деб жавоб берган.

*Оҳи сардинг бўлса, Машраб, оҳ уруб Маҳшарни буз,
Моҳийи баҳри ҳақиқатга ўшал дарё керак.*

У ҳар қачон кўз ўнгида Мансур қисматини жонлантиради. Ўзини жуда эрта Мансур қисматини такрорлашга, Мансур ичган азоб шаробини ичишга чоғлайди: “Неча Мансур ўлди иршодманд муҳаббат йўлида, Менга дори қурулғонда етар бу қисматим...” Машраб умри сўнгида эришган дорни умрининг ибтидосиданоқ орзу қилган, ўзи учун Мансур Ҳаллож йўлини йўл деб танлаган эди. Мансур унинг назарида ўзининг буюк ҳаёти ва руҳи билан Ҳудонинг васлига етишган зот эди. Сўзи, нияти, иши бениҳоя тоза сиймо эди Машраб. У: “Суратим гарчи башар келди, малакдур сийратим” деганда, бу чиройли сўзларгина эмас, бу унинг шоир, инсон ва улуғ мутафаккирнинг чин маънодаги борлиғи эди.

Машраб амалдорларнинг инсоф-диёнатли, улуспарвар бўлишини орзу қилар эди.

*Шуҳрат айлабким, алардек худнамоларни кўрунг,
Зоҳири суратпараст, ноошноларни кўрунг.
Йўлни билмас олийларни кўзига ориф бўлиб,
Ўзи манзилга етолмай, нобиноларни кўрунг.*

*Барчага айлар насиҳат, ўзини доно этиб,
Йўлда қолгон бекасу бераҳнамоларни кўрунг...
Лоф урарлар орифи якдилман деб халқ аро,
Халқни гумроҳ қилиб, юзи қароларни кўрунг.*

Машрабнинг бундай хурфикрлилик руҳидаги шеърлари жоҳил амалдорлар ва риёкор ғоявий раҳбарларга камчидек таъсир қилар эди. Бу ҳукмдорларга ёқмас, дағал муносабат деб ҳисоблаб Маҳмуд қатағон уни дорга осишга ҳукм қилгани, Маҳмуд ўз номини абадулабад лаънат муҳри билан тамғалагани эди.

Абдурауф Фитрат “Машраб” илмий тадқиқотида бу улуғ сиймо нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам кўп ўқилгани ва ўрганилгани ҳақида маълумот бериб, қуйидаги фикрларни келтирган: “XVII–XVIII асрларда ўзбек шоирлари орасида (зиёлилар томонидан эмас, омма томонидан) ўқилган муҳим сиймо Машрабдир. Машрабнинг ғазаллари ва Машраб ҳақида ёзилган машҳур манқабалар ўзбек оммаси орасида жуда те-ран ўрунлашган. Хитой Туркистониди, айниқса, қашқарлилар орасида унинг нуфузи жуда каттадир”.

Тадқиқотчи Дилором Ҳамроева талқинича, Машраб ижодига қизиқиш шоир ҳаётлик даврида бошланган. Машраб ҳақидаги “Қиссаи Машраб” китобларининг турли вариантлари омма орасига ёйилиши натижасида машрабхонлик йиғинлари кенг авж олган. Халқ қиссалари ва шоир шеърларининг шуҳрат қозониши Европа олимларининг ҳам эътиборини ўзига тортган. Улар эътиборини кўпроқ Машраб номи билан боғлиқ саргузаштларга бой халқ китобларига қаратган. Бироқ улар Машраб яшаган ижтимоий муҳит, унинг таржимаи ҳоли ва маслагини деярли эътиборга олмаган. 1900 йили Парижда шарқшуносларнинг биринчи халқаро конгрессида И.Гольдциер “Форсларда ислом” номли маърузаси билан қатнашган. Бунга жавобан немис олими Мартин Хартман “Девони Машраб” ва “Шоҳ Машраб” асарлари асосида “Доно дарвиш ва авлиё даҳрий” (1902), “Қадамжо” (1903) мақолаларини ёзган.

1992 йил Машраб юбилеи муносабати билан Францияда “Қиссаи Машраб” нашр қилинган. Рус шарқшунослари тадқиқотларида Машраб номи билан боғлиқ қайдлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин учрайди. А.П.Хорошхин, В.П.Наливкин, Н.И.Веселовский, Н.Н.Пантусов, Н.С.Ликошин, В.Л.Вяткин, А.Каръцев, Л.В.Дмитриева, Г.П.Снесаров каби олимлар шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишга муносиб ҳисса қўшганлар.

Наманганлик Мусо Тожихўжаев “Бобораҳим Машраб шахсининг Оврўпача эътирофи” деган илмий мақоласида қайд этилишича, Машраб ҳаёти ва ижоди нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам катта қизиқиш уйғотган. Машраб ҳаётини ўрганиш Европада XIX асрдан бошланган. Машҳур рус шарқшунослари Н.С.Веселовский, В.Л.Вяткин, У.Е.Остроумов, Н.С.Ликошинлардан ҳам олдин можор олими Ҳерман Вамбери “Чиғатой тили сабоқлари” асарида Машраб ғазалларидан намуналар берган.

Ф.Гренар ва Дитрел де Рен каби француз адабиётшунос ва этнографлари 1895 йили Марказий Осиёга сафар уюштириб, “Буюк Осиёга илмий сафар” номли китоб ёзганлар. Бу китобда Машраб шахси, яшаган даври ва ғазалларига эътибор берилган. 1900 йилда бу икки француз тадқиқотчиси

Парижда ўтказилган шарқшуносларнинг халқаро конгрессида шу мавзуда маъруза қилганлар.

М.Тожихўжаев германиялик шарқшунос Хартман Марказий Осиё тадқиқига бағишлаб кўплаб асарлар ёзганини, Машраб ижоди билан ҳам шуғулланганини, 1902 йили “Девонаи Машраб” ва “Шоҳ Машраб” асосида “Машраб – доно телба ва авлиё даҳрий” асарини ёзганлигини келтиради.

М.Хартман Машраб асарларининг Қашқар ва Марказий Осиёдаги аҳамияти ҳақида маълумот сўраб, олмон шарқшуноси Йоханнес Аветаранянга мурожаат қилган. Йоханнес Аветаранян 5 йил давомида Шарқ адабиёти ва тарихига оид кўплаб материаллар тўплаган ва шулар асосида бир қатор асарлар яратган. Жавоб хатида жаноб Аветараниан М.Хартман кўлидаги “Шоҳ Машраб” манокбида кўплаб хатоликлар ва ғализликлар борлигини билдирган. У Қашқардаги уйида “Шоҳ Машраб” ва “Девони Машраб”нинг беҳато ва чиройли ёзилган нусхалари қолганини билдирган ва таржимонга ўзининг маслаҳатларини берган.

М.Тожихўжаевнинг фикрича, М.Хартман манокбида келтирилган тарихий шахсларнинг фаолияти ва ривоятлардаги воқеаларни ойдинлаштириш учун инглиз, немис, француз, турк ва форс тилларидаги ўнлаб китобларни ўрганиб, уларни қиёслаб, ўзининг хулосаларини баён қилган. “... Бошқача қилиб айтганда, – деб ёзади у, – Машраб таҳаллусли шоирнинг яшаб ўтганига шубҳам йўқ. Унинг ўзига хос ғоявий йўналиши эса бу шахснинг буюклиги белгисидир. Бу ғоялар шоирнинг шеърларида ифодаланган. Сўнгра улар турли ҳикоятлар билан ўралган”.

Шундай қилиб, мутафаккир шоир Бобораҳим Машраб ижодиётининг илмий адабиётлардаги тадқиқига хулоса қиладиган бўлсак, жуда кўп файласуф, социолог, тарихчи ва адабиётшунос олимлар унинг ижодига мурожаат қилганликларига гувоҳ бўламиз. Машраб мероси ўзининг халқчиллиги ва оммабоплиги, ўйноқи ва жўшқинлиги, фикрлар қўймалиги ва тез ёдда қолиши, мусиқий ва оҳангдорлиги билан ўз ўқувчиси диққатини ўзига тортади. Унинг ўлмас ва боқий шеърляти жуда кўп истеъдодларни ўзига маҳлиё этган. Улар Машрабдан завқ ва илҳом олганлар, унга мухаммаслар боғлаганлар. Шоир ҳақида жуда кўплаб драматик, поэтик ва илмий асарлар ёзилган. Улуғ бобомизнинг ҳаёти ва ижоди хусусида ҳали кўп ишлар қилиниши керак.

*Мўмин ҲОШИМХОНОВ,
фалсафа фанлари доктори*



ТУЙГУЛАР РАССОМИ

Инглиз маданияти тарихида адабиёт ва тасвирий санъатнинг ўзаро таъсири – қадимдан келаётган ва барқарор анъана. XX асрда инглиз ёзувчиларининг тасвирий санъатга қизиқишлари ортгани эътиборни тортади. Тасвирий санъатнинг ривожланиш йўллари турли адабий йўналишларга, турли ижодий методларга мансуб ёзувчилар – Лоуренс ва Уэллс, Олдингтон ва Форстер, Жойс ва Вулфнинг синчков эътиборига тушди. Уларнинг ҳар бири тасвирий санъат ҳақида тез-тез ва катта қизиқиш билан мулоҳаза юритганини назардан қочириб бўлмайди. Улар бу ҳақда ўзларининг адабий-назарий мазмундаги асарларида ҳам, бадиий асарларида ҳам ёзадилар. Ушбу мулоҳазалар ва қайдларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда тасвирий санъатда рўй бераётган силжишлар ва ўзгаришлар ҳикоя қилиш санъатидаги ўзгаришлар, адабиётда ҳаёт ва инсонни тасвирлашнинг янги усуллари ва янги воситалари билан қиёсланади.

Ўша даврда санъатнинг ҳар хил турлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва бир-бири билан киришиш, сингишиш жараёнлари ҳақида қўплаб инглиз ёзувчилари фикр билдирганлар. Замонавий санъатнинг муҳим жиҳати ҳақида Жон Голсуорси шундай дейди: “Ҳар қайси санъат ўз доирасидан четга чиқишга уринади... Роман пьеса бўлишга, пьесанинг – роман бўлишга, униси ҳам, буниси ҳам тасвирий санъат воситалари билан иш-лашга интилади; мусиқа ҳикоя бўлишга уринади; поэзия мусиқага айланишни орзу қилади; рассомчилик фалсафа ролига даъвогар. Шакллар, қонунлар, қоидалар – ҳаммаси қонунда қайнайди, эрийди: турғунлик барҳам топди!”¹ Ричард Олдингтон ўзининг “Қаҳрамон ўлими” асарини “роман-жаз” сифатида қуради. Олдос Хаксли ўзининг “Контрапункт” романида материални мусиқий ташкиллаштириш тамойилларига мурожаат қилади. Э.М.Форстер ўзининг назарий асарида (“Роман аспекти”) ритм романнинг муҳим хусусиятларидан бири экани ҳақида ёзади.

Дэвид Герберт Лоуренснинг замонавий роман поэтикасига таъсири нуқтаи назардан тасвирий санъат қизиқиши янги давр адабиётида тасвирий санъат усуллари ва санъатнинг бошқа турлари (мусиқа, рассомчилик, кино) воситаларини дадил қўлланаётгани тенденцияси билан боғлиқ. Гарчи мусиқий оҳанг ҳамда гўзал, чиройли тасвир ўтган замонларда ҳам адабиёт ва роман санъатига маълум бўлган бўлса-да, XX асрда роман қурилишининг синтетиклиги нафақат кенг ёйилган воқеага айланди, балки роман ижодкорларининг ўзларига тегишли бўлган адабиётшуносликка доир ишларда ва санъат ҳақидаги мақолаларда муайян маънода назарий асосларга эга бўлди; ёзувчиларнинг эстетик дастурлари, уларнинг эстетик тамойилларига сингдирилган мазмун-моҳият шундан гувоҳлик беради².

Ўзининг роман назариясини ишлар экан, Лоуренс XIX аср охири – XX аср бошидаги рассомларнинг картиналарига мурожаат қилади. Жойс ва Вулф-

¹ Голсуорси Жон. Собр. соч. в 16-ти томах. Том 16, с.336.

² Қаранг: Михальская Н.П. Взаимодействие литературы и живописи в истории культуры Англии. // Традиция и история культуры. М., 1978.

дан фарқли ўларок, Лоуренсни формалистик изланишлар кизиктирмади. Унинг реалистик санъат, айниқса, бу санъат ривожининг илк босқичи билан алоқаси аниқ белгиланган, инсонга қизиқиши ва ўзининг бутун ижоди билан ҳаётнинг янгилинишига кўмаклашиши эса, жуда самимий. Роман ижодкори сифатида Лоуренс реалистик ҳикоя қилишнинг классик шаклидан чекинмади, у билан алоқасини узмади. Унинг ижодий манерасига хос хусусият самимийликда, туйғуларни ифодалашда беихтиёрлик, кутилмаганликда намоён бўлиб, бу тажриба кўлловчиларнинг нозик усулидан фарқ қилади. Лоуренс ёзади: “Санъат икки асосий вазифани бажаради: у эмоционал ҳаётни аслидай қайта тиклайди ва сўнгра, агар бизнинг ҳис-туйғуларимиз шунга кодир бўлса, у кундалик ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг манбаига айланади”¹.

Лоуренснинг романларида реал оламни аслидай тасвирлашда кўриб-кузатиш, ҳис этишнинг аниқлиги фалсафий теранликка даъво қилувчи умумлашмалар ва тимсолларда уйғунлашади. Лоуренс XX аср “механик цивилизацияси”нинг ғайриинсонийлигига қарши эҳтиросли норозилиги, одамларнинг буржуазия мунофиқлиги чангалдан озод бўлишига чин дилдан ва ҳар доим ёрдам беришга хоҳиши билан эътиборни тортади. Инсонни асоратга солган замонавий буржуазия цивилизациясини лаънатларкан, ёзувчи унга туйғулар ва эҳтирослар эркинлигини қарама-қарши қўяди, зеро, фақат туйғулар ва эҳтиросларнинг беихтиёр рўёбга чиқишида, унинг фикрича, чинакам гўзаллик ва инсон мавжудлигининг асл моҳияти намоён бўлади. Инсонни кутқариш учун у инсон шахси “табий асослари”ни тиклашнинг утопик дастурини таклиф қилади. Шу боис, бежиз уни “янги дин” пайғамбари ва яратувчиси, дейишмаган.

Бу каби изланишлардаги қатъияти туфайли у Жойс ва Вулфдан, уларнинг тушкунлиги ва инсон имкониятларига ишончсизлигидан фарқ қилади. Лоуренс инсон шахси кадр-қимматини ҳимоя қилади ва уни тиклаш йўллари кўрсатишга интилади. Бироқ у ақлнинг имкониятларига ишонмайди, интеллектга ён босмайди, одамлар ҳаётида физиологиянинг ролини ҳаддан ташқари ошириб кўрсатади.

Шу билан бирга Лоуренснинг изланишларида янги давр инглиз романига доир қизиқарли ва муҳим жиҳатлар талайгина. Романи янгилашга уринишда, унинг тасвир имкониятларини бойитишда Лоуренснинг тасвирий санъат ютуқларидан ижодий фойдалангани кўл келди. Лоуренснинг ижодий амалиётида унга хос бўлган – ҳаётни ёрқин образларда қабул қилиш қобилияти катта роль ўйнади. Инглиз романнависининг бу ўзига хос хусусияти ҳақида танқидчи Кит Олдритт “Д.Г.Лоуренснинг ижодий тасвирида ёрқин идрок” (1971)² китобида алоҳида тўхталиб ўтади. Лоуренс романларининг ўзига хос жиҳатлари ва услубининг тадрижий ривожини К.Олдритт ёзувчи ижодий тасаввурининг ўзига хос хусусияти, шунингдек, унга рассомларнинг бадиий кашфиётлари кўрсатган таъсири билан боғлайди. Лоуренс инглиз романини шундай чизгилар билан бойитдики, уларни биргина адабий аънаналар бера олмасди, деб ҳисоблайди К.Олдритт.

Санъатнинг асосий вазифасини ва роман ижодкорининг бош мақсадини Лоуренс инсоннинг эмоционал ҳаётини доимий ҳаракатда ва ўзгаришда

¹ Lawrence D. H. *Studies in Classic American Literature*, L., 1924, p. 297.

² Aldridge K. *The Visual Imagination of D. H. Lawrence*. Evanson, 1971.

кўрсатишда, инсон билан уни ўраб олган олам ўртасидаги муносабатларни очишда кўради. Лоуренс романни ҳаётни янгилайдиган таъсирчан воситалардан бири, деб ҳисоблайди. У Жойс, Пруст, Дороти Ричардсон ижодига кескин салбий баҳо беради, уларнинг асарларига замонавий санъатнинг чуқур инкирози кўринишлари сифатида қарайди. “Романнинг келажаги бор” лигига ишониб, Лоуренс ўзининг 20-йиллардаги адабий-танқидий мақолаларида бу инкирозни бартараф этадиган йўллارни топишга интилади. Романнинг тикланишини у адабиётнинг фалсафа билан уйғунлашувида, шунингдек, роман ижодкорларининг тасвирий санъат усталари тажрибаларини ўзлаштириб олишларида кўради.

“Ахлоқ ва роман” (1925) мақоласида санъатнинг хусусиятлари ва бадий ижоднинг ўзига хос жиҳатларига доир масала кўйилади. Санъатда муҳими – инсон ва олам ўртасида юзага келадиган муносабатларни кўрсатишда, деган фикрни илгари суриб, ижод жараёнининг муҳим жиҳатлари ҳақида сўз юритаркан, Лоуренс Ван-Гог полотноларига, унинг “Кунгабоқар уруғи” асарига мурожаат қилади. Хўш, француз рассомининг картинасида Лоуренсни нима мафтун этган? У роман ижодкорларини Ван Гогдан айнан нималарни ўрганишга чорлайди? Ўзининг дурдона асарини яратаётган Ван Гог, Лоуренснинг фикрича, ҳар бир рассомнинг ва шу жумладан, роман ижодкорининг олдида турган мақсадга эришган: у инсон сифатида ўзи билан кунгабоқар уруғи ўртасида юзага келган муносабатни – айнан у чизаётган лаҳзада юзага келган муносабатни кўрсата олган. Санъаткорнинг мақсади – инсоннинг атрофдаги олам билан муносабатини очиб бериш. Модомики бу муносабат доимий равишда ўзгариб турар экан, санъаткор, биринчи галда, бу муносабатнинг бошқа ҳеч қачон такрорланмайдиган, муайян бир дақиқада кечадиган ўзига хослигини кўрсатиши лозим. Буни мукамал даражада уддалаш насиб этган. Полотнода муайян дақиқада содир бўлган муносабат муҳрланган, уларнинг ўткинчи, лаҳзалик экани ва шу билан бирга теранлиги кўрсатилган. Ван Гогнинг бу асари доимо кашфиёт сифатида қабул қилинади: бизнинг кўз ўнгимизда ҳаётнинг ўзи гавдаланади.

Лоуренс назарида ҳаёт – одамларнинг бир-бири билан мулоқати жараёнида, инсон билан табиатнинг – ер ва куёш, гуллар ва дарахтлар, ой ва осмон мулоқотида юзага келадиган туганмас муносабатлари. Ҳис эта билмоқ, идрокламоқ, атрофдагиларнинг чақирувига жавоб бермоқ, олам нафасини ва ҳаяжонини туймоқ – бу яшамок демак. “Бу бизнинг ҳаётимиз ва бизнинг боқийлигимиз: мен ва менинг атрофимдаги олам ўртасидаги тутқич бермас, тўқис муносабатлар”¹, – деб ёзади Лоуренс. Бу муносабатларни ҳис этмоқ ва кўрсата билмоқ – санъат асари яратмоқ демак.

Бирок, ўткинчи бир лаҳзани акс эттиришнинг зарурлиги ҳақида сўз юритиб, Лоуренс ўзининг мақоласида “таассурот” сўзини қўлламайди, у санъаткор билан унинг атрофидаги муҳит ўртасидаги “муносабатлар” ҳақида гапиради. Лоуренс учун фақат кайд этиш эмас, балки воқеанинг баҳоси муҳим. Унинг “санъат ҳамиша замондан олдинда” деган ибораси эътиборни тортади. Эҳтимол, шундай қараш билан Лоуренс тўла-тўқис англамай туриб, ўзи билан импрессионистлар ўртасида чегарани белгилайди, бироқ уни ҳимоя қилишда изчиллик кўрсатмайди.

¹ Lawrence D.H. Selected Literary Criticism. L., 1960, p. 109.

“Санъат ва ахлоқ” (1925) мақоласида Лоуренс Сезанни ўзининг санъати билан оламга янгича қарашни қарор топтирган буюк ислохотчи сифатида тавсифлайди. Сезанн қотиб қолган қарашлар ва меъёрларга қарши дадил курашади. У рассомнинг теварак-атрофни янгича кўриш, ҳис қилиш ва тасвирлашга ҳақ-ҳуқуқи борлигини эътироф этади. У чизган асарлар чиндан ғаройиб, шу боисдан улар нафақат ҳайратлантириши, балки ёқмаслиги ҳам мумкин.

Лоуренс нега кўпчилик Сезанни тушунмаслиги ва қабул қилмаслигининг, нега у тасвирлаган олмалар, кўза ва дастурхонлар салбий муносабат уйғотишининг сабабини тушунтиришга уринади. Бунинг сабабини у рассом умумнинг дидига қарши чиққанида ва асарлари одатдаги тасаввурларга мос эмаслигида кўради. Одамлар нарсаларни фотоаппарат объективи қандай акс эттирса, шундай кўришга ўргатилган. Сезан эса, уларга янгича нигоҳ билан қаради. Худди Ван-Гог сингари, у бизни одам ва унинг теварак-атрофи ўртасидаги кашф этилган янги муносабатлар оламига олиб кирди. У одатдаги нарсаларни дадил ва шафқатсиз бузиб ташлади. Сезаннинг новаторлиги Лоуренсни қизиқтиради ва у роман ижодкорларини француз рассоми очган йўлдан боришга даъват этади.

Ўзининг шахсий ижодида Лоуренс ҳаётни изчил ривожланишда, ҳаракатда ва доимий ўсиш-ўзгаришда кўрсатишга интилади. Бирок санъатнинг ҳаётийлиги ҳақида унинг тасаввури хийла чекланган. Унинг нуқтаи назарига кўра, ҳақиқий ҳаётни кўрсатадиган асарда ижодкор ўз “мен”ини батафсил ифодалайди ва туйғулар оламини бадиий тадқиқотининг асосий соҳаси қилиб олади. Лоуренс чинакам гўзалликни “энг қадимги инстинктлар”нинг намоён бўлишида ва одамлар ўртасида, ғоялар эмас, балки ҳис-туйғулар соҳасида, алоқалар қарор топишида кўради. Ван Гог ва Сезанн санъатини Лоуренс мана шу аснода қабул қилади.

Ўзининг биринчи романи “Оқ товус”ни (1911) ёзувчи “туйғу романи” сифатида ўйлади. Бу асари устида ишлаш жараёнида у хатларидан бирида ёзади: “Туйғуни билиш, ўрганиш, таҳлил қилиш керак, худди суддаги кўрсатмалар таҳлил этилганидек”. Романда энг муҳими – қахрамонлар ҳис-туйғулари ҳаракати ва улар қайфиятининг жилоланиши нозик ифодаланганида. Романдаги энг кучли ёрқин образлар ландшафт-манзара тасвири билан боғлиқ. Табиат манзаралари Констебл, Тернернинг ранглар уйғунлигини, пейзажининг нурлар мажмуини ёдга солади. Қахрамоннинг ёшлик йиллари ҳақидаги лирик ҳикояга майин рангдор қаламда ранг берилган. Қизиғи шундаки, Лоуренснинг биринчи романи қахрамони Сирил рассом. Унинг қарашлари тадрижий ривожини, ҳаёт ва одамларга муносабатини кўрсатаркан, Лоуренс тасвирий санъат Сирил дунёқараш шаклланишида муҳим аҳамият касб этганини таъкидлайди. Тасвирий санъат соҳасида юз берган янги воқеалар билан танишиш Сирилнинг теварак-атрофга муносабатини ўзгартиради.

К.Олдрижнинг қайд этишича, йиллар ўтиб Лоуренснинг кўриб-кузатиб идроклаш тарзи секин-аста ўзгариб борди ва унинг романларининг кўримли образли тизими ўзгарди. Чунончи, агар “Оқ товус”да табиат манзаралари кучли таассурот уйғотса, “Ўғиллар ва хушторлар”да эса аввало, қахрамонлар образларининг ўзи жуда таъсирчан чиққан. Бу романда шахтёрлар кишлоғининг гўзал тасвирлари бор ва бу жойда илк бобдаги воқеалар содир бўлади, бироқ ёзувчи яратган асосий манзаралар

ҳаракатдаги шахсларнинг феъл-атвори ва изтироблари билан боғланган. Биринчи планда – Гертруда ва Пол Морел туради. Лоуренсни биринчи галда ўғил ва онанинг ўзаро мураккаб муносабатлари тарихи, уларнинг касаллик оқибатида мушқиллашган изтироблар ва ҳис-туйғуларнинг бутун бир комплекси қизиқтиради. Шахтёрлар қишлоғи аҳолисининг ҳаёти ва турмушидан чизилган манзаралари ҳаққоний ва маҳорат билан амалга оширилган, романдаги таржимаи ҳол мазмунидаги фактлар – иккинчи пландаги кўринишлар.

“Ўғиллар ва хушторлар” романида ҳам бош қаҳрамон рассом. Романда рассом Пол Морелнинг шаклланиш жараёни очиб берилади. Қаҳрамоннинг тадрижий ривожиди Лоуренс унинг илк рафаэлитлар анъаналарига яқин бўлган, реалистик тасвирий санъати тамойилларига мурожаат этган ва ниҳоят, экспрессионизм билан машғул бўлган босқичларни қайд этади. Рассомнинг камол топишидаги бу йўлни Лоуренс унинг ҳаётни англаш ва қабул қилишининг теранлашиши ва такомиллашуви, ҳаётгий тажрибаларининг бойиб бориши билан боғлайди.

Ҳаётни ҳаракатда ва доимий ривожланишда тасвирлаш тамойили “Камалак” (1915) ва “Севиб қолган аёллар” (1920) романларида нисбатан тўла-тўқис ифодасини топди. Шу билан бирга бу асарларда Лоуренсга хос бўлган чекланганлик кучли даражада намоён бўлди. “Камалак” ва “Севиб қолган аёллар” романларида тасвирланаётган панорама олдинги романларга қараганда кенгаяди ва биринчи галда айнан оқим, ҳаёт ҳаракатига урғу берилади. Бренгуэнлар оиласининг бир-бирини алмаштирган тўрт авлоди ҳаёти манзаралари бой таассурот уйғотади, зеро, бу тақдирлар етмиш йил мобайнида инглиз жамиятида рўй берган ўзгаришларни қисман акс эттиради. Бироқ хикоя қилиш манераси ва тасвирийлик принциплари бу романларда тубдан ўзгаради. “Камалак” устида ишлаётганда Лоуренс Э.Гарнеттга бу роман “Ўғиллар ва хушторлар”дан жуда жиддий фарқ қилади: у бутунлай бошқача тилда ёзилган”, деб ёзади. Лоуренс ижодида шундай бир жараён кечадики, уни “ювилиб кетиш”, йирик инсоний характерларнинг йўқолиб кетиши, деб белгилаш мумкин. Лоуренснинг ўзи қайд этишича, энди уни кўпроқ қаҳрамонлар хулқ-атворининг жисмоний жиҳатлари ва хатти-ҳаракатлари қизиқтиради. Лоуренснинг ижодининг илк даврига хос бўлган ҳис-туйғуларни синчковлик билан таҳлил этиш энди бошқа пландаги қизиқишлар билан алмашинади. Ёзувчини инсон табиатининг моддий-жисмоний тарафи ўзига жалб этади, унда адиб мураккаб ва номаълум, ақлга бўйсунмаган бутун бир оламни кўради. “Камалак” Лоуренснинг ижодий ривожиди унинг реализмдан узилиб кетишини белгилаган бўлса, “Севиб қолган аёллар” бу узилишни мустаҳкамлади. Лоуренс ижодида воқеликни кўрсатишнинг бошқача тамойиллари ишлаб чиқилиши ва қўлланилиши унинг тасвирий санъатдаги модернча тамойилларга қизиқиши ортганига мос тушди. Бу эса Лоуренснинг адабий асарларида ҳам, унинг рассомлик ишларида ҳам ўз аксини топди.

*Феруза ОТАМУРОДОВА,
Қариши давлат университети
докторанти*



ЭЗГУЛИК СУРАТИ

Бугунги дунё рассомлари фаолиятини турлича баҳолаш мумкин: қайси бир мусаввирлар хилма-хил кўргазмалардаги иштироки билан ўз ижодини дунёга кўрсатса, бошқа бир тоифадаги рассомлар эса шунчаки ўз ботинларидаги яширин дунёни реал борлиққа тақдим этиш билан машғул, аммо ихлосмандларнинг ўзлари унинг асарларни топиб, таниб олади.

Грузиялик таниқли рассом Нино Чакветадзе замонамизнинг ана шундай рассомларидан бўлиб, унинг дилтортар асарлари бутун дунёда ўз муҳибларини топиб улгурган. Нино Чакветадзе 1971 йили Тбилисида туғилган. 1986–1990 йилларда рассомлик институтида, 1990–1996 йилларда Тбилиси давлат бадиий академиясида таҳсил олган.

Одатда, аёл ижодкорлар оналик табиати боис болалар руҳиятини яхшироқ ҳис этишлари баробарида, бу даврга доир айрича гўзалликни ҳам теран илғай олади. Нино ҳам талабалик даврларидаёқ болалик дунёсига қизиққан ва шу мавзуда чизишни хуш кўрган. Вақт ўтиб, бу унинг ижодида бош мавзусига айланди. Нино Чакветадзенинг Тбилисидаги галереяси ҳар бир томошабинда болаликда ўқиган севимли китоби каби ёқимли таассурот уйғотади.

Чакветадзе асарлари кишини нафақат болаликка қайтаради, балки ҳар бир қалбда бир беғубор болакай, меҳр ва эзгуликка тўла хилқат борлигини эслатиб туради. Болаликнинг шодликлар, шўхликлар қаторида маъсумлик ва ҳайрат тўла хотиралари томон етаклайди. Болалар рассом асарларининг қаҳрамонларидир. Уларда бутун инсониятга дахлдор дардлар, кечинмалар жамланади, ҳаётнинг асл қиёфаси болаларча ростгўй нигоҳларда тасвирланади. Жажжи қаҳрамонларнинг кўзларида ҳалқаланган ёшлар, мўлтиллаб турган, ярим араз, ярим илтижоли нигоҳлар рассом талқинида сеҳрли тус олади. Уларга тикилиб инсоннинг қалби юмшайди. Қалбнинг туб-тубидаги мудроқ туйғуларни уйғотиб, куч-қувват ҳам ҳадя этадики, киши ана шу кечинмаларни қайта яшашни истаб қолади.

Мавзу бир бўлса-да, рассомнинг ҳар бир картинаси алоҳида ҳикоя. Ҳеч бир асар бир-бирини такрорламайди. Ҳар бирида муаллиф томонидан айтилмоқчи бўлган муайян фикр, тоза қалб мужассам. Чакветадзе картиналарини диққат билан кузатар экансиз, ғамгинлик қаердан бошланиб, қайси жойда шодликка айланиб кетганини англолмайсиз. Унинг асарлари инсон руҳиятига тез таъсир кўрсатади. Руҳшунослар болалик даври ке-

чинмалари билан ишлаш жараёнида унинг асарларидан фойдаланмоқда. Рассом картиналарида катталарга хос руҳий муаммоларнинг айнан болалик даврида ечилмай қолган жиҳатлари аниқ акс эттирилишини мутахассислар эътироф этишади. Руҳшуносларнинг фикрига кўра, бу каби асарлар беморларнинг болаликдаги оғриқларини даъволашда харита вазифасини ўтай олади. Картиналар харита бўлгандаям, ҳар бир вазият ва ҳолатни аниқ кўрсатиб бера олувчи кўзгудек ёрқин. Шу сабабдан айрим рус психологлари беморлар билан ишлашда Нино картиналаридан фойдаланишади. Болалик ҳиссиётларига қайтиш беморларнинг ўзидаги ҳолатни тушунишларига катта ёрдам беради. Масалан, рассом картиналарининг бирида хафа бўлган қиз кўғирчоғи билан ўйнайди, онаси эса болани орқа фонда овқатлантиради. Тасвирдаги воқеа яқинда эмас, ўтмишда юз берган. Нино Чакветадзенинг “Болалик тажрибалари метафораси” деб номланган бундай туркум картиналари бугунги кунда кўплаб китоб дўконларининг психологик кўлланмалар бўлимидан жой олган.

Бизнинг илк одам ва борлиқ ҳақидаги тасаввур ва таассуротларимиз болаликдан бошланган: илк бор ям-яшил майсага оёқ қўйиш, оппоқ қордан ҳайратланиш, совуқни ҳис этиш, баҳордаги гуллар иси, илиқлик тафтини туйиш, учаётган рангдор капалак парвозидан завқланиш, бобо ва бувиларнинг юмшоқ кўксига бош қўйиш... Эътибор билан кузатилса, Нино Чакветадзе асарларида кексалар ва болаларнинг уйғун ҳолатлари кўп учрайди.

Рассом картиналарини мазмунидан келиб чиқиб бир неча туркумга ажратиш мумкин: “Қишда болалик”, “Баҳордаги болалик”, “Фариштали болалик”, “Кексалик ва болалик” каби. “Қишда болалик”, “Баҳордаги



болалик” туркумларидаги асарларида табиат ўзгаришлари ажойиб-ботларига нисбатан болаларча ҳайрат акс этади. Елкаларига қанотлар боғлаган болакайлар “Фариштали болалик” туркумидаги картиналарининг асосий персонажлари ҳисобланади. Уларда болалар фаришталарга киёсланади. “Кексалик ва болалик” туркумидаги асарларида кексаларнинг болаларга меҳрини, куёшнинг иссиқ тафти каби қайноқ ҳароратини ҳис этиш мумкин.

Рассомнинг асарлари шу жиҳатлари билан юракка жуда яқин, ҳиссиётларга тез таъсир этади. Уларда соддалик билан маълум бир қатъийлик ҳам борки, бу рассомни болалик дунёсини ёритиш билан шуғулланадиган бошқа ижодкорлардан фарқлаб туради. Унинг асарлари аввал қалбга таъсир этиб, сўнг тафаккур этишга ундайди. Чакветадзенинг полотноларидаги табиийлик, тафсилотларнинг ёрқин ифодаси унинг профессионалигидан далолат беради. Ҳиссиётни матога муҳрлаш катта маҳорат талаб этади. Бир қарашда оддийдек туюлган ҳолатлар – доска ёнида ҳайратда қотган ўқувчи, ёмғирда соябон тутган бобосининг пинжига суқилиб турган болакай, кўғирчоқларига скрипка чалиб бераётган қизалоқ тимсолида инсонга хос энг гўзал туйғулар тажассумини кўриш мумкин.

Нино бундай асарларни бошқа рассомлар каби маҳсус устахонада эмас, ўз уйида, болалари ёнида, оддий турмушдаги юмушларни бажара туриб яратади. Туганмас илҳомни болаларидан олади. Бу унинг ҳаёт ва ижод тарзи. Рассом айтадики: “Биз ҳаммамиз болаликни бошдан кечирганмиз ва бу ҳақиқат мени яна-яна чизишга мажбур этади. Болалик менинг қалбимда ўчмас туйғулар қолдирган. Чунки оилавий ришталар кадрланадиган, кексалар ҳурмат қилинадиган, барча бир-бирига ҳурмат билан қарайдиган оилада туғилдим. Менинг бахтиёрлигим шундан ва буни англаганим сайин чизиш менинг вазифам эканлигига иқрор бўламан. Болалар катталар сингари, ўзлари ҳақидаги ҳақиқатни билишлари муҳимдир”.

Чакветадзе камтарликни ижодкор учун муҳим фазилат деб ҳисоблайди. Унинг учун сўзлардан кўра муҳимроқ тушунчалар бор. У бор гапини асарлари орқали сўзлашни афзал билади. Шу боис, матбуоту экранлардан ўзини йироқ тутишга интилади.

Бир сўз билан айтганда, Нино Чакветадзе инсонийлик, меҳр ва эзгуликни бўёқлар орқали тараннум этиш йўлидан борган замонавий грузин мусаввирасидир. У болалик қалби билан ҳис этилувчи гўзалликка талпинади ва бу нафисликни томошабинга қай шаклда етказишни билади. Шунинг учун аксарият асарлари табиийлиги, самимийлиги билан ўз муҳлислари қалбини забт этиб келмоқда.

*Инобат ИМОНҚУЛОВА,
Камолитдин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва
дизайн институти таянч докторанти*



“ЖАҲОН АДАБИЁТИ” ЖУРНАЛИДА 2020 ЙИЛДА ЧОП ЭТИЛГАН АСАРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК МУНДАРИЖАСИ

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

- Илоҳий калимот тимсоллари.** (*Ботирхон Акрамов шарҳи*). № 1
Жунун тоши харобот ичра... (*Д.Юсупова шарҳи, рус ва инглиз тиллари-
рига А.Сендик, Қ.Маъмуров тарж*). № 2
Н.РАҲМОНОВ. Бергельс – Навоийшунос. № 2
Сегоҳ сеҳри. (*Нусратулло Жумахўжа шарҳи*). № 3
Кимга бир мажлисда... (*Д.Юсупова шарҳи, рус ва инглиз тиллари-
га Е.Аксельрод, Қ.Маъмуров тарж*). № 4
Холу хатгинг. (*Матназар Абдулҳаким шарҳи*). № 5
Дўстлар, бир чора... (*Д.Юсупова шарҳи, рус ва инглиз тиллари-
га В.Тихомиров, Қ.Маъмуров тарж*). № 6
“Истаманким, ишқ мендин ўзгани қилғай асир...” (*Олим Давлатов
шарҳи*). № 7
Ишқ аро васлинг тилаб... (*Д.Юсупова шарҳи, рус ва инглиз тиллари-
га В.Тихомиров, Қ.Маъмуров тарж*). № 8
Навоийнинг “Ёри азиз”и. (*Суйима Ғаниева шарҳи*). № 9
Вах, неча жисмимни... (*Д.Юсупова шарҳи, рус ва инглиз тиллари-
га А.Сендик ва Қ.Маъмуров тарж*). № 10
“Минг захм урди ханжари ишқинг бу тан аро...” (*Олим Давлатов
шарҳи*). № 11
Онча йиғлагти жафодин... (*Д.Юсупова шарҳи, рус ва инглиз тиллари-
га Т.Боровкова, Қ.Маъмуров тарж*). № 12

НАСР

- Л.ТОЛСТОЙ (Россия). Биринчи бўзагар.** Драматик комедия. (*Рус
тилидан Н.Рашидова тарж*). № 1
О.ГУРЬЯН (Россия). Буюк Хитой девори. Қисса. (*Рус тилидан
М.Маҳмудов, З.Баҳриддинов тарж*). № 1, 2
Ғ.МУСРЕПОВ (Қозоғистон). Япон балладаси. (*Қозоқ тилидан Носир
Ғозилов тарж*). № 3
Ҳ.ШАЙХОВ (Ўзбекистон). Иблис билан мулоқот. Ҳикоялар. № 3



Ф.ДОСТОЕВСКИЙ (Россия). **Ака-ука Карамазовлар**. Роман. (Рус тилидан И.Ғафуров тарж). № 4, 5, 6, 7

О.АХАН қизи (Ўзбекистон). **Оққушлар армони**. Қисса. (Қозоқ тилидан М.Исломқул тарж). № 4, 5

Иброҳим ан-Носир ал-ҲУМАЙДОН (Саудия Арабистони). **Зулматдаги нур**. Роман. (Араб тилидан Муртазо Сайдумаров тарж). № 5, 6, 7

Пер ЛАГЕРКВИСТ (Швеция). **Морис Флёрн**. Ака билан ука. Ҳикоялар. (Рус тилидан Р.Мусурмон тарж). № 6

Э.М.РЕМАРК (Олмония). **Қарзга олинган умр**. Роман. (Рус тилидан Д.Собирова тарж). № 8, 9, 10

М.АРРЕГИ. **Диего Алонсо**. Ҳикоя. (Рус тилидан О.Отахон тарж). № 8

У.УТЕЎЛИЕВ (Қорақалпоғистон). **Бақачаноқли кулбадаги қария**. Новелла. № 8

К.Р.БУЛЛА (АҚШ). **Болаларни асраган шер**. Қисса. (Инглиз тилидан С.Содиқова тарж). № 8

М.ТАЙМ. Р (Миср). **Салом пошонинг холаси**. Ҳикоя. (Рус тилидан Ё.Иноғомов тарж). № 8

У.МЭККИН (Ирландия). **Ойимтилла**. Ҳикоя. (Рус тилидан А.Файзуллаев тарж). № 8

Ж.БЁРЖЕР (Франция). **Сукунат таржимаси**. Эссе. (Инглиз тилидан М. Музаффар тарж). № 8

И. ШОУ (АҚШ). **Тиланчи ва ўғри**. Роман. (Рус тилидан А.Файзулла тарж). № 9, 10, 11, 12

С.ЦВЕЙГ (Олмония). **Азалий аканинг кўзлари**. Қисса. (Рус тилидан И. Чориев тарж). № 11

М.НИЗАНОВ (Қорақалпоғистон). **Дарбадар**. Роман. (Қорақалпоқ тилидан Ғ.Шермуҳаммад тарж). № 11, 12

Х.Д.КАНСЕКО (Куба). **Пирилдок**. Ҳикоя. (Рус тилидан О.Отахон тарж). № 11

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Э.ХЕМИНГУЭЙ (АҚШ). **Борлик ва йўқлик**. Роман. (Инглиз тилидан Қ.Юсупова тарж). № 1, 2, 3

ПУБЛИЦИСТИКА

А.МЕЛИБОЕВ. **Буюк сакраш формуласи**. № 1

А.МЕЛИБОЕВ. **Одамнинг юзи**. № 9

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Замонавий поляк шеърятидан. Шеърлар. (Рус тилидан Р.Сайдулло тарж). № 1

- Фин шеърляти.** Шеърлар. (Рус тилидан Р.Мусурмон тарж). № 1
- Корея шеърлятидан.** Шеърлар. (Рус тилидан К.Баҳриев тарж). № 2
- А.БЛОК** (Россия). Шеърлар. (Рус тилидан М.Тоғжимамамова тарж). № 2
- С.ЕСЕНИН** (Россия). Шеърлар. (Рус тилидан Зикрилла Неъмат тарж). № 3
- Б.ПЕТТИН** (АҚШ). Шеърлар. (Инглиз тилидан Мақсадхон Қодирова тарж). № 3
- Ш.И.ХАТОЙЙ** (Озарбайжон). Шеърлар. (Озар тилидан А.Бойқўзиев тарж). № 4
- XX аср поляк шеърлятидан.** (Рус тилидан Д.Ражаб тарж). № 5
- Жаҳон болалар шеърляти.** (Рус тилидан Р.Исоқов тарж). № 6
- Ҳ.ШЕРОЗИЙ.** (Эрон) Шеърлар. (Форс тилидан О.Эркин тарж). № 7
- Ёш таржимонлар ижодидан.** Л.ХЬЮЗ (АҚШ), С.КАПУТИКЪЯН (Арманистон), В.ПОПА (Сербия), Р.ЮНОН (Эрон), Ж.ЖАВОНШИР (Озарбайжон). (Инглиз, рус, форс, озар тилларидан Ш.Усмонов, З.Машарипова, Н.Ҳабибуллаева, Б.Отажонова, Р.Бобожон тарж). № 8
- Ў.СУЛАЙМОНОВ** (Қозоғистон). Шеърлар. (Рус тилидан И.Отамурод тарж). № 9
- Ш.БОДЛЕР** (Франция). Шеърлар. (Француз тилидан А.Ҳайит тарж). № 10
- Махтумқулининг отаси.** (Туркман тилидан Б.Карим тарж). № 10
- Д.ОЗОДИЙ** (Туркменистон). **Беҳиштнома.** (Туркман тилидан Б.Карим тарж). №
- М.МАҚАТАЕВ** (Қозоғистон). Шеърлар. (Қозоқ тилидан Т.Қаҳҳор тарж). № 11
- В.ХЛЕБНИКОВ** (Россия). Шеърлар. (Рус тилидан Т.Али тарж). № 11
- А.БЛОК** (Россия). Шеърлар. (Рус тилидан Ж.Камол тарж). № 12

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

- К.Г.ЮНГ** (Швейцария). “Улисс”. Монолог. (Рус тилидан А.Отабоев тарж). № 1
- З.БЕКМУРОДОВА.** Виктор Гюго романтизми. № 2
- Р.ҲАКИМЖОНОВА.** Ижтимоий мотивлар ва поэтик ифода. № 2
- А.АКМАТАЛИЕВ** (Қирғизистон). **Чингиз Айтматов ижодида инсон ва космос муносабатлари.** (Рус тилидан А.Мелибоев тарж). № 3
- И.КЛЕХ** (Россия). **Масалнинг хазина дунёси.** (Рус тилидан Мухтор Худойқулов тарж). № 3
- С.СОТИБОЛДИЕВА.** Араб олами тадқиқотчиси. № 5
- УЭЛОВА.** Генри Лонгфелло ижодида инсон руҳияти манзаралари. № 5
- Ш.ҲОЖИЕВА.** Чўлпон ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури. № 8
- Ш.ҚОРАЕВ.** Самоъ йиғинлари ва Алишер Навоий. № 8
- Ш.ТЕМИРОВА.** Изтироблар тимсоли. № 8
- У.УСМОНОВ.** Француз адабиётида шарқ талқини. № 8
- Қ.ЙЎЛДОШ.** Поэтик ёлқин ёғдуси. № 9

Қ.ҚУЛИЕВ. **Зулфия ва унинг шеърияти.** (Рус тилидан А.Мўмин тарж). № 10

Д.ОЧИЛОВА. **Инглиз адабиётида шарқона мавзулар талқини.** № 10

Ф.ОЛИМ. **Пахлавон Муҳаммад – комиллик тимсоли.** № 11

М.МИРЗО. **Адиб юрагини ёритган куёш ёхуд гўзаллик инкишофи.** № 12

А.УЛУҒОВ. **Қўрқут ота ҳикматлари.** № 12

Ф.ОТАМУРОДОВА. **Туйғулар рассоми.** № 12

М.ҲОШИМХОНОВ. **Машраб ғазалиётида тасаввуфий ғоялар.** № 12

МУҲАРРИР МИНБАРИ

Бахт омбори қаерда? № 1

Буюк илоҳий мувозанат. № 3

Аччиқ тутун. № 4

Айб кўршапалакдами? № 6

“Ўткан кунлар”нинг ўтмаган тили. № 7

САРГУЗАШТ. ФАНТАСТИКА. ДЕТЕКТИВ

Ш.БРОНТЕ (Англия). **Жейн Эйр.** Роман. (Рус тилидан Ш.Ахророва тарж). № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8

А.АЗИМОВ (АҚШ). **Фазодаги можаро.** Ҳикоя. (Рус тилидан А.Отабоев тарж). № 8

Ж.ЯФФЕ (АҚШ). **Онамнинг тилаги.** Ҳикоя. (Рус тилидан А.Отабоев тарж). № 8

Э.МАКБЕЙН (АҚШ). **Илк айблов.** Ҳикоя. (Рус тилидан А.Отабоев тарж). № 12

ШАРҚ ТАФАККУРИ ДУРДОНАЛАРИ

Ш.Н.ГАНЖАВИЙ (Озарбайжон). **Иқболнома.** (Форс тилидан Ж.Камол тарж). № 2

ҚИЁС ВА ТАЛҚИН

И.АХРОР. **“Чор дарвеш” ва “Алкимёгар”.** № 2

А.КНИШ (Россия). **Ислом ҳақида тўғри тасаввур уйғотадиган олимлар зарур.** (Рус тилидан Қ.Рўзматзода тарж). № 9

ДРАМА

А.ВАМПИЛОВ (Россия). **Тўнғич ўғил.** (Рус тилидан Шароф Бошбеков тарж). № 3, 4

ЭССЕ

Ч.ЧАПЛИН (Англия). **Тўлик метражли хаёт.** (Рус тилидан М.Муҳаммадаминова тарж). № 3, 4, 5

С.АЛИЖОНОВА. **Эссе ҳақида эссе.** № 8

Ҳ.ҲЕССЕ (Олмония). **Бир иш туни.** (Рус тилидан Ҳумоюн тарж). № 10

ТИЛ. ТАРИХ. МАЪНАВИЯТ

И.СТЕБЛОВА (Россия). **“Мен доим Бобур билан биргаман”.** (А.Эркинов суҳбатлашиди). № 2

ЖАҲОН БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

Льюис КЭРРОЛЛ (Англия). **Алиса кўзгу орти ўлкасида.** (Инглиз тилидан М.Отабоева тарж). № 6, 7

ТАРИХДА БУ КУН

Д.РАЖАБ. **Нобель Луизага насиб этди.** № 10

УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

И.БЕРГМАН (Швеция). **Дардлар ортидаги умр.** Суҳбат. (Рус тилидан А.Матёқубов тарж). № 11

Жаҳон хандаси. № 1, 2, 6





РЕЗЮМЕ



●●● Какие общие черты наблюдаются в творчестве двух великих писателей – Абдуллы Кадыри и Чингиза Айтматова? Каковы были взгляды на жизнь, на любовь и красоту у этих писателей, прорвавшихся через границы пространства и времени? Поэт и переводчик Минхожиддин Мирзо в своей статье “Молния, осветившая сердце писателя, или открытие красоты” сопоставляет характер, судьбу и чувства литературных героев, созданных Кадыри и Айтматовым и приходит к интересным заключениям.

●●● Александр Блок является классиком русской литературы XX века, одним из крупных представителей русского символизма. Жизненный путь поэта оказался коротким, но ярким. Он оставил солидное литературное наследие, среди которого сборники “Стихи о прекрасной даме”, “Стихи о России”, “Седое утро”, стихотворные циклы “Родина”, “Снежная маска”, поэмы “Возмездие”, “Двенадцать”, несколько драм. В номере публикуется подборка стихов Александра Блока в переводе Народного поэта Узбекистана Жамола Камола.

●●● В этом году исполнилось 80 лет писателю, переводчику и литературоведу Маххаму Махмуду. Он своими талантливыми переводами и интересными статьями активно участвует в деятельности журнала с момента его основания. На этот раз Маххам Махмуд излагает свои впечатления о книге профессора Мухаммаджона Халбекова “Панорама модернистской литературы XX века”.

●●● “Книга моего деда Коркута”, происхождение которой уходит в IX–XIV столетия, а литературный текст создан в XV веке, состоит из двенадцати сказаний, отражающих жизнь тюркских народов доисламского периода. Данное произведение имеет глубокий смысл, в нем выражены основополагающие идеи тюркского мира подобно тому, как это имеет место в древних эпосах – плодах всемирной цивилизации – “Илиаде” и “Одиссее”, “Махабхарате” и “Рамаяне”, “Алпамыше” и “Манасе”. В статье литературоведа Абдуллы Улугова “Мудрые изречения деда Коркута” анализируются сказания, вошедшие в этот эпос.


**RESUME**

●● What are the similarities between creativity of great writer Abdulla Qodiriy and Kyrgyz writer Chingiz Aitmatov? What views did these two great authors who got out of their time and country have about life, love and the beauty? Poet and translator Minhajiddin Mirzo in his article “Lightning That Illuminated the Heart of a Writer or Beauty Discovery” compares personages created by these authors, their characters, fate and reflections and comes to interesting and important conclusions.

●● Some poems by well-known Russian poet Alexander Blok translated into Uzbek by People’s Poet of Uzbekistan Jamol Kamol were published in this issue. These verses translated skillfully and with love sound like they were written in Uzbek.

●● This year marks 80 years since the birth of master translator, scientist and author Mahkam Mahmud. He actively participates in the magazine from the first issues with his translations and research works. His views about the book named “Modernist Literature of the XX century” written by deceased scientist, professor Mukhammadjon Kholbekov published in this issue.

●● The life of Turkic peoples before Islam enlightened in “Father Qurqut Book” which consists of twelve stories were written in IX–XIV and edited in XV century. This book is unified literary heritage of Turks, Azerbaijanis, Turkmens and it has great ideas, immortal meaning as in such well-known to the world epics as “Iliad”, “Odyssey”, “Mahabharat”, “Ramayana”, “Alpomish” and “Manas”. Literary critic Abdulla Ulugov in his article “Wisdoms of Father Qurqut” researches stories given in this book.

Jahon ADABIYOTI

Adabiyyat, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: Д.РАЖАБ

Техник муҳаррир: Ф.ЎНАРОВ

Мусаххих: Д.МАҲМУДОВА

Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни қўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинмиши шарт.

Таҳририят манзили:

100066, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий
боғ ҳудудига жойлашган Адиблар хиёбони.

Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.

Сайт: www.jahonadabiyoti.uz

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 28.12.2020 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Адади 1540 нусха. 36 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида терибли,

“PRINT REBEL” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани. Ўразбоев кўчаси, 35-уй.

© Жаҳон адабиёти, 2020 й.



Nino Chakvetadze.
"Kitobsevar"

19016
Тараққур.

Жилон
АДАБИЁТИ
Индекс 828, 829



Nino Chakvetadze.
“Mehribon bobo”

OBUNACHILAR DIQQATIGA!

Jurnalning obunachilarga yetkazilishida
muammo paydo bo'lsa, quyidagi manzilga
murojaat qiling:

Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor o'chasi,
2-uy. Tel.: (0371) 233-60-78, 233-67-98.

Muqovamizda:

Nino Chakvetadze.
“Qish gullari”